

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

МИНГ БИР РУБОЙИЙ

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2009

Рубойисевар ўқувчилар машҳур рубойинавис шоир ва мутафаккирлар ижодидан таркиб топган ушбу мўъжаз тўплам орқали Абу Наср Форобий, Абулқосим Фирдавсий, Асириддин Ахсикатий, Фахриддин Розий, Фахриддин Ироқий, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий, Шоҳий Сабзаворий, Байрамхон, Абдурахмон Мушфиқий, Мирзо Содиқ Мунший, Шамсиддин Шоҳин ва Маҳастий Ганжавий, Меҳри Ҳиротий, Зебуннисо каби аёл шоираларнинг рубойлари билан илк бор танишсалар, Абдуллоҳ Ансорий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Хусрав Деҳлавийларнинг бир қатор янги рубойларини мутолаа қиладилар. Шунингдек, Абу Абдулло Рудакий, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Убайд Зоконий, Фоний (Алишер Навоий), Бадриддин Ҳилолий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубойларининг арузда янгидан амалга оширилган таржималарини ўқиб, уларнинг нафақат фалсафий теранлиги, балки шаклий нафосатидан ҳам баҳраманд бўладилар. Асосан янги ва бир қисм танланган рубойлардан тузилган мазкур тўплам Шарқ мумтоз сўз санъати муҳлиси ва рубойи муҳиби бўлган диди юксак шеърят шинавандаларига муносиб тўхфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Ф о р с - т о ж и к т и л и д а н
Эргаш ОЧИЛОВ
таржималари

М а с њ у л м у ҳ а р р и р :
Жаъфар МУҲАММАД

Т а қ р и з ч и:
Жасурбек МАҲМУДОВ

ISBN 978-9943-09-845-9

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2009 йил.

ТҮРТ МИСРАГА ЖО БЎЛГАН ОЛАМ

Тафаккур ва туйғуни ажойиб бир тарзда ўзида омухта этган рубоий асрлар давомида Шарқ шеъриятининг етакчи жанри бўлиб келди. Олам ва Одам муаммосини фалсафий жиҳатдан акс эттириш туйғули рубоий шеъриятнинг фалсафий жанри сифатида машҳур. Зеро, салмоқли мазмунни фалсафийлик қатига ўраш орқалигина уни ихчам шакл бағрига жо қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам академик шоир Фафур Фулом рубоий ҳақида: "... олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб, тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Қатрада — уммон, учқунда — қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир"¹, — деб ёзган эди. Ҳикмат ва фалсафа рубоийнинг мағзи бўлганлиги учун у жаҳон шеъриятининг ҳам доврўқли жанрларидан бирига айланди — ҳозирда дунёнинг барча бурчагидан рубоий мухлисларини топиш мумкин.

Бу мўъжаз жанрнинг халқчиллиги ва имкониятларининг кенглиги нафақат шоирлар, балки мутафаккирлар, ҳатто тариқат пирлари ва тасаввуф намояндаларини ҳам ўзига жалб этган. Ўзларининг сўфиёна қарашларини тарғиб қилиш учун шеъриятнинг турли жанрларидан фойдаланган мутасаввиф шоирлар ва тасаввуф шайхлари ҳам кўпроқ рубоийга мурожаат қилганлар. Лекин шайх-шоирлар рубоийлари фақат ислом аҳқомлари ташвиқи ва тасаввуф ғоялари тарғибидан иборат бўлибгина қолмай, улар ичида маъшуқа таърифи, ишқий кечинмалар тавсифи, ранг-баранг инсоний туйғулар ифодасига бағишланган, маънавий-ахлоқий мавзудаги, панд-насиҳат руҳидаги гўзал ва теран рубоийларни ҳам кўплаб учратамиз. Жумладан, мусулмон Шарқида машҳур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг қуйидаги рубоийси шаклан содда ва тушунарли бўлса-да, мазмунан ҳам панд-наси-

¹ Фафур Фулом. Асарлар. Ўн жилдлик. 8-жилд. — Тошкент, 1976. 412-бет.

ҳат, ҳам фалсафий, ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳуллас, бир неча маъно талқинларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради:

Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад,
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бадии хеш кифоят бошад.

Таржимаси:

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,
Дил офриғи ундан бениҳоят бўлгай;
Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

Мутафаккир шоирларнинг рубоийларида туйғуга нисбатан тафаккур устунлик қилади. Жумладан, баъзи манбаларда Шарқда “муаллими соний” (“иккинчи муаллим”) номи билан шуҳрат қозонган қомусий олим Абу Наср Форобийнинг ҳам рубоий жанрида қалам тебратганлиги хусусида маълумот берилиб², бир неча рубоийлари келтирилади³. Чунончи:

Асрори вужуд хому нопухта бимонд,
В-он гавҳари бас шариф носуфта бимонд.
Ҳар кас ба далили ақл чизе гуфтанд,
Он нукта, ки асл бувад — ногуфта бимонд⁴.

Таржимаси:

Олам сири то ҳануз ечилмай келади,
Бу бебаҳо дур ҳамон тешилмай келади.
Ҳар бир киши ақли борича сўз айтар,
Ҳақ моҳияти лекин очилмай келади⁵.

² Қаранг: Ш а р и п о в Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. — Тошкент, 1965. 28-бет; В а л и х о н о в А. Фазал нафосати. — Тошкент, 1985. 15—16-бетлар.

³ Қаранг: Рубоийнома. Гуздаи рубоий аз Рӯдакии Самарқандий то имрӯз. — Теҳрон, 1372 (ҳижрий-шамсий). С. 271.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

Рубойий фақат ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида — уларнинг 24 тармоғида ёзилади. Нима сабабдан рубойий учун вазн бу қадар қатъий қилиб белгиланган?

Таниқли олимларимиз Файбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловлар бу масалани бирмунча кенгроқ тушунтирадилар:

“Шарқ классик шеъриятида ҳар бир жанр муайян мавзулар доирасини қамраб олади ва у ўша белгиланган адабий тур учун мувофиқлаштирилган. Чунончи, маснавий — эпик тасвири, ғазал — лирик кечинмаларни, қитъа — панд-насиҳатни ифодалаш учун хизмат қилган. Рубойий-чи? Рубойийда ҳам ғазал ва қитъа маъноси баъзан ифодаланади. Лекин оҳанг, интонация бошқача бўлади. Қитъада турли хил ахлоқий-ижтимоий фикрлар бадиий уқтириш йўли билан баён этилиб, тамсиллар орқали китобхоннинг **онгига**⁶ таъсир қилинади. Рубойийда эса фикр китобхоннинг **руҳи, қалбига** таъсир этиш орқали сингдирилади. Қитъага нисбат рубойийда туйғуларни ифодалаш, лирик кайфият туғдириш устун. Тўғри, ғазал ҳам кайфиятни, лирик туйғуни акс эттиради. Рубойий ғазалдан, таъбир жоиз бўлса, **ўйчан** туйғуни, **ҳикматона** лирикани ифодалаш билан ажралиб туради. Ана шу ўзига хос маъно талқини, таъсири ва тараннуми ахрам ва ахраб вазнида мувофиқ интонация билан мукамал бир ҳолда рўёбга чиқади”⁷.

Албатта, рубойийнинг шакл нуқтаи назаридан қатъий талаблари, нозик жиҳатлари бўлиши билан бирга, ўз имкониётлари, қулайликлари ҳам бор: бир неча вазн рубойий доирасида ўрин алмашиб келиши мумкин, ҳатто ҳам ахрам, ҳам ахраб тармоғида ёзилган рубойийлар мавжуд. Бу мазмунга таъсир қилмайдигина эмас, балки бир мусиқий оҳанг, муштарак шеърӣ руҳ атрофида айлангани учун ритмни ҳам айтarli ўзгартирмайди. Бармоқ вазни тўғрисида эса бундай деб бўлмайди: ҳар ҳижонинг камайиши ё кўпайиши билан вазн ҳам ўзгаради.

Форс-тожик адабиётидан ўзбекчага рубойий таржимаси асосан XX асрнинг ўрталаридан бошланган бўлса-да, шу қисқа

⁶ Барча таъкидлар муаллифларга тегишли. — Э.О.

⁷ Саломов Ф., Комилов Н. Жаҳонгашта рубойийлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-китоб. — Тошкент, 1976. 100-бет.

фурсат ичида баъзи форсийзабон шоирлар рубоийлари ўзбек тилига икки, уч, ҳатто тўрт мартагача таржима қилинган. Ана шу қайта таржималар билан қўшиб ҳисоблаганда, ҳозиргача форс-тожик адабиётидан 10000 га яқин рубоий ўзбекчалаштирилган. Бу ўринда Хуршид, Муинзода, Васфий, Чустий, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Сулаймон Раҳмон, Хуршид Даврон, Матназар Абдулҳаким, Самандар Воҳидов, Исроил Субҳоний, Эргаш Очиловларнинг арузда, Фафур Фулом, Шоислом Шомуҳамедов, Тўхтасин Жалолов, Улфат, Боқир, Назармат, Абдулла Орипов, Эшвой Пардаев, Нусрат Карим, Баҳриддин Турғунов, Ошиқ Эркин, Садриддин Салим Бухорий, Абдулҳамид Пардаларнинг бармоқ вазнида амалга оширган таржималарини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Муаззам форс-тожик адабиётининг билимдонлари ва мухлислари бўлган бу мутаржимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли форсийзабон шоирлар рубоийларининг катта қисми ўзбекчалаштирилди ва ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Жанр эътибори билан “ҳис ва фикрларнинг қаймоғи”ни⁸ ўзида жамлаган рубоий таржимасида фалсафий мазмунни акс эттириш ҳам, уни мувофиқ шаклда ифодалаш ҳам бирдай муҳим. Лекин форс-тожик мумтоз шоирлари ва форсийзабон ватандошларимиз рубоийларини ўзбек тилига таржима қилишда жанрнинг ана шу хусусияти ҳамиша ҳам эътиборга олинмади. Аруз асрлар давомида форсий сўз санъати каби туркий шеърининг ҳам асосий ўлчов бирлиги бўлиб келгани, рубоий жанри ўзбек адабиётида ҳам етарли даражада ишлангани, Навоий ва Бобур бу борада ҳам устод мақомига кўтарилганликларига қарамай, бизда рубоий таржимачилиги учун бармоқ вазни асос қилиб олинди. Хуршид, Муинзода, Васфий ва Чустий каби рубоий таржимачилигини бошлаб берган мутаржимлар дастлаб анъанавий йўлдан чекинмаган эдилар. Чунончи, Хуршид Ҳофизнинг 23 та рубоийсини, Муинзода Рудакийнинг қатор рубоийларини ўз арузий вазни билан ўгирган эдилар. Бу изланишлар муваффақиятли чиққанига қарамай, негадир давом этмади. Аксинча, бармоқ вазни афзал кўрилди. Қайтанга, Муинзода, Васфий каби шоирларнинг ўзлари рубоийни бар-

⁸ К о м и л о в Н. Хатолар бор, аммо... // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил, 15 май.

моқ вазнида ўзбекчалаштириш анъанасини бошлаб бердилар ва бу йўлни форс-тожик адабиётининг забардаст билимдони ва таржимони устоз Шоислом Шомухамедов қатъият билан давом эттирди. Форсийдан ўзбекчага рубоий бармоқ, хусусан, 11 ҳижоли бармоқ вазнида ўгирилиши деярли қоида тусини олди. Албатта, рубоийларни бармоқ вазнида таржима қилиш адабиётимизда бутун бир даврни ташкил этадики, унинг аҳамиятидан кўз юмиб бўлмайд.

Лекин миллий ўзини ўзи англашнинг кучайиши, қадимий қадриятларга, кўҳна меросга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши билан яна қадимий сарчашмаларга қайтиш, рубоийларни ўз вазни билан таржима қилишга уринишлар бошланди. Таниқли шоир ва моҳир мутаржим Жамол Камол Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Абдуллоҳ Ансорий, Ҳаким Саной, Адиб Собир Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийларини анъанавий вазни билан ўгириб, шеърят ихлосмандларига “333 рубоий” номи билан тақдим этган бўлса⁹, истеъдодли шоир ва заҳматқаш таржимон Матназар Абдулҳаким ҳамюрти Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини арузда ўзбекчалаштирди¹⁰.

Биз ҳам чорак асрдан буён рубоий тадқиқи ва таржимаси билан шуғулланиб келамиз. Ҳозирга қадар 150 га яқин форсийзабон шоирнинг 5000 дан ортиқ рубоийсини ўзбекчалаштиришга муваффақ бўлдик. Ушбу тўпلام рубоий таржимаси соҳасидаги изланишларимизнинг мантиқий давоми бўлиб, унга Абу Али ибн Сино, Маҳастий Ганжавий, Асириддин Ахсикатий, Фаҳриддин Розий, Фаҳриддин Ироқий, Амир Хусрав Деҳлавий, Убайд Зоконий, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий, Шоҳий Сабзаворий, Бадриддин Ҳилолий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Байрамхон, Абдурахмон Мушфиқий, Мирзо Содиқ Мунший, Шамсиддин Шоҳин ва бир қатор аёл шоиралар ижодидан ўгирилган янги рубоийларни киритиш баробарида, Абу Абдулло Рудакий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Паҳлавон Маҳмуд каби машҳур рубоийнавислар

⁹ Қаранг: 333 рубоий (Форсийдан Ж.Камол таржималари). — Тошкент, 1991.

¹⁰ Қаранг: Паҳлавон Маҳмуд. Ким агар озодур. Рубоийлар (Форсийдан М.Абдулҳаким таржималари). — Тошкент, 1992.

ижодидан ўзбекчалаштирганимиз энг яхши таржималардан ҳам танлаб киритдик.

Сўзимиз ниҳоясида ушбу тўпламнинг дунё юзини кўришида ўзларининг ёрдам ва маслаҳатларини аямаган Эрон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси ҳузурдаги Маданият ваколатхонасининг мудирин доктор Ҳабиб Сафарзодага, қадрдон дўстимиз, нозиктабъ шоир ва нуктадон олим, фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Муҳаммадга ҳамда филология фанлари номзоди Жасурбек Маҳмудовга ўзимизнинг қизғин миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ

(858 – 941)

Дунё илму адаб аҳлини асрлар давомида ҳайратга солиб келаётган муаззам форсий адабиётнинг тамал тошини қўйган, унинг Одам Атоси деб улуғланган, ўзидан кейинги барча Шарқ шоирлари томонидан устод сифатида эътироф этилган Абу Абдулло Жаъфар бинни Муҳаммад Рудакий Самарқанд яқинидаги Панжрўдак қишлоғида туғилган. У алоҳида қобилият соҳиби бўлиб, “саккиз ёшида Қуръонни хатм қилиб, қориликка ўтган ва шеър ҳам ижод қила бошлаган. Чиройли овози туфайли ашула айтиш ва уд¹¹ асбобини чалишга киришиб, бу санъатда маҳорат кўрсатади”¹². Ёш истеъдоднинг овозасини эшитган Наср ибн Аҳмад уни Бухорога – сомонийлар саройига даъват этади. Унинг истеъдоди Бухорода нашъу намо топади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “... устод Рудакий адвор¹³ ҳам мусиқа фанида тамом қувватга эга эди... унинг илмлар ва кўп фанлардан тамом воқифлиги бордир. Шеърят турларидан қасида ва маснавийни (ҳам) яхши айтар эрди. Устод Рудакий хосу авом олдида баланд мартабага эришган”¹⁴.

Адабий-тарихий манбалар Рудакий меросини 700 мингдан 1 миллион 300 минг мисрагача кўрсатишади¹⁵. Афсуски, бизга қадар бу муаззам мероснинг жуда оз қисми етиб келган. 1956 йили 1100 йиллик юбилеи муносабати билан унинг па-

¹¹ У д – тўрт торли қадимий чолғу асбоби. Форобий томонидан унга бешинчи тор қўшилган.

¹² Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Форсийдан Ш. Шомухамедов таржимаси). – Тошкент, 1997. 67–68-бетлар.

¹³ Адвор – бу ерда: мусиқа асбоби, куй чалиш.

¹⁴ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (Форсийдан Б. Аҳмедов таржимаси). – Тошкент, 1981. 23-бет.

¹⁵ Бу ҳақда қаранг: Мирзоев А. Абу Абдулло Рудакий. – Душанбе, 1958. С. 143.

роканда шеърлари бир ерга жамланганда 1840 мисрани ташкил этган эди¹⁶. Садриддин Айнийнинг гувоҳлик беришича, у ўз шеърларидан девон тузган илк шоир ҳисобланади¹⁷. “Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме” (“Мўлиён аригининг бўи келмоқдир”) мисраси билан бошланадиган ғазали унга фавқулодда шуҳрат келтиради. Унга 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Рудакий даражасига кўтарилолмаган. “Модари май” (“Майнинг онаси”) қасиласи ҳам машҳур. Буюк ҳинд эпоси “Калила ва Димна”ни шеърӣ таржима қилган. Илму адаб аҳли шоир услубини “саҳли мумтанеъ”, яъни “осону мумкин эмас”, деб баҳолаганлар. Рудакий ва унинг издошлари форсий шеърӣяда бир неча аср ҳукмронлик қилган Хуросон (ёки Туркистон) услубига асос солиб, уни ривожлантирганлар.

Рудакий арузни чуқур ўрганиб, уни халқ орасида кенг тарқалган кўшиқларга татбиқ қилиш натижасида ўнга яқин янги вазнлар кашф этган. Уларнинг кўпчилиги халқ кўшиқларининг бармоқ вазнлари асосида тузилган¹⁸. Шоирни рубоӣ жанрининг ёзма адабиётдаги кашшофи ҳам дейдилар¹⁹. Чунки жанрнинг барча талабларига жавоб берадиган илк рубоӣлар Рудакий қаламига мансуб.

Рудакий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Хусусан, форс-тожик адабиётида ундан таъсирланмаган, унга эргашмаган, ўз ижодий такомилида уни устоз сифатида эътироф этмаган шоир йўқ ҳисоби.

Форс-тожик адиблари, шоирлари ичида бир гап юради: “Икки шоир икки ҳукмдор даврида беқӣёс шуҳрат ва мартабага эришди: Рудакий — сомонийлар салтанатида, Унсурӣ — ғазнавийлар саройида”. Лекин Рудакий Абу Наср ибн Аҳмад дарборида 40 йил хизмат қилган бўлса-да, охир-оқибат мутаассиб руҳонийларнинг қутқуси билан қарматийликда²⁰ айб-

¹⁶ Қаранг: Осори Рудакий. — Душанбе, 1958.

¹⁷ Қаранг: С а д р и д д и н А й н и й. Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд (Мақолалар). — Тошкент, 1967. 193-бет.

¹⁸ Бу ҳақда қаранг: Ш о м у х а м е д о в Ш. Одамийлик иншоси. — Тошкент, 1984. 190-бет.

¹⁹ Қаранг: Б р а г и н с к и й И.С. Абу Абдаллах Джафар Рудаки. — Москва, 1989. С.21.

²⁰ Ислом динига муҳолифатда бўлган қарматлар ҳаракати IX аср охирида Ироқда вужудга келган. Улар 899 йили Шарқий Арабистонда ўз давлатларини тузганлар ва у XI асрнинг охиригача мавжуд бўлган.

ланиб, саройдан четлатилади, кўзига мил тортиб, кўр қилинган шоир умрининг сўнгги йилларини қарилик, касаллик ва қашшоқликда ўтказади.

Рудакий асарлари ўзбек тилида бир неча марта нашр этилган, у ўзбек ўқувчиларининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир асарларини ўзбек тилига форс-тожик тили ва адабиётининг билимдонлари бўлмиш забардаст мутаржимлар Мунирхон Муинзода²¹, Шоислом Шомуҳамедовлар²² таржима қилганлар. Фафур Фулом унинг машҳур “Қариликдан шикоят”²³ қасидасини ўзбекчалаштирган бўлса, Алибек Рустамов²⁴ ва Сулаймон Раҳмонлар²⁵ “Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме” номли ғазалини тилимизга ўгирганлар. Бухоролик форсийзабон шоирлар шеърларидан тузилган “Бухорийлар бўстони” тўпламида истеъдодли шоир ва мутаржим Самандар Воҳидов ҳам шоирнинг бир даста шеърлари таржимасини эълон қилди²⁶. Биз ҳам Рудакийнинг бир туркум рубоийларини ўз арузий вазнида таржима қилганмиз²⁷.

1

Кўн бориғаю Ҳақни этиб ёд яша!
Дил берма такаллуфғаю²⁸ озод яша!
Ғам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,
Сендан-да фақирларни кўриб шод яша!

²¹ Қаранг: Рудакий. — Тошкент, 1957.

²² Қаранг: Инжулар уммони. — Тошкент, 1998. 11—57-бетлар; А б у А б д у л л о Р у д а к и й . Б о б о Т о ҳ и р . Сайланма. — Тошкент, 1994. 7—81-бетлар.

²³ Ўша китобда. 12—14-бетлар

²⁴ Қаранг: Инжулар уммони. 28-бет.

²⁵ Қаранг: Д а в л а т ш о ҳ С а м а р қ а н д и й . Шоирлар бўстони. 22-бет.

²⁶ Қаранг: Бухорийлар бўстони (Ғазаллар, шеърлар мухаммаслар, маснавийлар, қитғалар, рубоийлар). Форс-тожик тилидан Самандар Воҳидов таржималари. — Тошкент, 1998. 9—12-бетлар.

²⁷ Қаранг: Муҳаббат тароналари. Рубоийлар (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари). — Тошкент, 2005. 28—32-бетлар.

²⁸ Т а к а л л у ф — заҳмат, ташвиш, тараддул.

2

Йўқлар мени йўқласа тасодиф ёлғиз,
Ҳолим сўрамас ўзимдан ўзга ҳаргиз.
Жон лабга келар бўлса, кўзим мардумидан²⁹ —
Ўзга киши қатра сув томизмас, афсус...

3

Йўлчи йўли ёришар чироғингдан, ёр,
У ўлмаса бас ҳажру фироғингдан, ёр.
Куйган жигар ҳиди жаҳонни тутди,
Келмасми куюк ҳиди димоғингдан, ёр?!

4

Ҳар қайга йўли тушса дили маҳзуннинг,
Қонли тиғи шу жойда эрур гардуннинг³⁰.
Лайли кабилар англамагайлар бизни,
Мажнун билади ҳолини, бас, Мажнуннинг!

5

Кўнглим ишига шу зулфи-ку солди тугун,
Жон томирига юз орзу солди тугун.
Бор-йўқ умидим йигидан эрди, афсус,
Бўғзимга висол кечаси у солди тугун.

6

Тўйдирмадими кўнглингни жабру жафо?
Кўзинг эриб оқмас боқсанг менга қиё.
Мен сени яқинроқ тутаман жонингдан,
Сен бўлса менга ёвуз ғанимсан³¹ гўё.

7

Васлинг йўлига ҳали қадамни қўймай,
Ҳуснинг нури лаззатига етмай, тўймай,
Келди бир овоз: “Бўлмади мақсад ҳосил
Ҳижрон тиғи то жигар-бағирни ўймай!”

²⁹ М а р д у м — бу ерда: кўз қорачиғи.

³⁰ Г а р д у н — 1) дунё; 2) тақдир; 3) фалак.

³¹ Ғ а н и м — душман, рақиб.

8

Ғам манзилида асли жафокаш бизмиз,
Кўз ёши-ла кўнгли тўла оташ бизмиз.
Олам не ситам қилса, ситамкаш бизмиз,
Нохуш бу ҳаётда забуну ғаш бизмиз.

9

Раҳм этмади тақдир сира кетар онинг,
Қилт этмади бир туки тўқаркан қонинг.
Жон олгучининг ишидан ҳайрон бўлдим:
Ҳуснингдан уялмади оларкан жонинг.

10

Номингни эшитса, шавқидан дил тирилар,
Бахтингни кўриб, кўксим шуқуҳга тўлар.
Сендан ўзга мавзуда суҳбат борса —
Ҳар қайда, дилим ғамда пароканда³² бўлар.

11

Юсуф каби ҳуснидан фиғон қилди дилим,
Миср бонуларидек ўзни қон қилди дилим³³,
Бўса ила бошда меҳрибон қилди дилим,
Энди эса қайғуга нишон қилди дилим.

12

Ҳажри ғамидан бўлса-да бағрим минг қон,
Асли шу ғами туфайли борман шодмон.
Ҳар кеча суриб хаёл дегайман: “Ё Раб,
Қандай экан-ей висол бу бўлса ҳижрон?”

³² Пароканда — паришон, тўзиган.

³³ Ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган Юсуф алайҳиссаломни севиб қолгани учун Миср хотинлари Зулайхони гап-сўз қиладилар. Шунда Зулайхо уларни уйига чақириб, олдиларига тахта, лимон ва пичоқ қўяди-да, Юсуфни бошлаб қиради. Унинг ҳусни жамолидан кўзларини узолмай қолган хотинлар лимон қолиб, ўз бармоқларини тўғрай бошлаганларини ҳам билмай қоладилар. Бу ерда шоир шу воқеага ишора қилмоқда.

13

Ишқ ичра, Рудакий, кўзга кўринмас жон,
Қонли йиғидан бўлди бу киприк маржон.
Рашк оташида фироқ азоби ғамидан
Мен қовриламан дўзахийлардек нолон.

14

Тутса сочини жаҳонни тун қоплар, чин,
Ёзса уни ёзган каби чангал лочин.
Мушк³⁴ иси тутар бошдан-оёқ оламни
Ажратса агар санам тўқилган сочин.

15

Ишқингда сенинг на сабр пайдою на дил,
Юзингсиз эса на ақл ошною на дил.
Менинг бу ғамим нақ кўҳи Қофдир³⁵ — ғам эмас,
Сенинг бу дилинг-да тоши анвою³⁶ на дил.

16

Келди, мана. Ким? Ёр. Қачон? Вақти саҳар.
Кимдан чўчир у? Душмандан. Ким у? Падар³⁷.
Бир жуфт ўпич олдим. Қаеридан? Лабидан.
Лаб эрдими? Йўқ. Нима? Ақиқ³⁸. Таъми? Шакар.

17

Юзинг — дарёи ҳусну лаълинг³⁹ — маржон,
Зулф — анбару⁴⁰ оғиз — садафу⁴¹ дур — дандон⁴².

³⁴ М у ш к — охулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда. Мушк берадиган охулар фақат Хўтан, Хитой ва Ҳиндистонда яшайди.

³⁵ К ў ҳ и Қ о ф — Қоф тоғи. Қ о ф — бутун дунёни ўраб олган тоғ тарзида тасаввур қилинади.

³⁶ А н в о — турли-туман.

³⁷ П а д а р — ота.

³⁸ А қ и қ — қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуканинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

³⁹ Л а ь л — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Мажозан: қизил ранг. Маъшуканинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

⁴⁰ А н б а р — кўпроқ Ҳинд ва Тинч уммонларидаги анбар балиғи (кашалот)-нинг ошқозон ёки ичагида ҳосил бўладиган мумсимон кулранг ва хушбўй модда.

⁴¹ С а д а ф — ичида гавҳар ҳосил бўладиган ҳуққа.

⁴² Д а н д о н — таш.

Қошинг — қайиғу пешонанинг ажини — мавж,
Ҳам бақбақа — гирдоби бало, кўз — тўфон.

18

Нур манбаи бу қуёш юзингсиз ҳечдир!
Тун равшани бу чироқ кўзингсиз ҳечдир!
Васлинг Исонафас⁴³ сўзингсиз ҳечдир!
Бу умр, ҳаёт менга ўзингсиз ҳечдир!

19

Дийдорини дилга сотди — қимматмас у,
Бўсасини жонга сотди — арзондир бу.
Дийдорини — дилга, бўсасин жонга сотар,
Савдогар эканми ўша жонон, ёҳу?!⁴⁴

20

Сочу юзи гул бошига солди ғамни:
Қолди на ҳиди, на ранги у мулзамни.
Юз ювса, бўлар барча ариқлар гулранг,
Соч ёзса, тутар мушк иси бор оламни!

21

Зулфинг кўрдим — бошга бўстон чирмаш,
Гўёки қизил гулга арғувон⁴⁵ чирмаш.
Ҳар ҳалқасининг бандида минг бир дил банд,
Ҳар торига бўлса, минг бир жон чирмаш.

22

Излаб сени, эй нигори серкинаю жанг,
Кездик бу жаҳонни бошдан-оёқ дилтанг.
Қўл ишдан, оёқ бўлса юришдан қолди,
Урдик уни бошгаю буни тошга, қаранг!

⁴³ И с о — Исо алайҳиссалом. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-масиҳ — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқага ҳам Масиҳ сифатини беришади.

⁴⁴ Ё ҳ у — Худони ёдлаш, Худованд дейиш (арабча “ё ҳува” сўзидан).

⁴⁵ А р ғ у в о н — гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

23

Тонг чиқса кулиб қуёш – номингга ўшар,
Ой бир кечалик бўлса, жомингга ўшар,
Тақдир сенинг чаққон хиромингга ўшар,
Ризқ эса атою киромингга⁴⁶ ўшар.

24

Фам ичра кўзим – садафни тарк этган дур,
Чеҳрамда сирим туфайли минг гул очилур.
Жон бирла дилим сиримни ҳарчанд яширур,
Кўз ёшим уни элга қилур фош барибир.

25

Дил хастаю бир сочи узунга банда,
Ўз қонига белангану жон йўқ танда.
Йўқ фойдаси ҳеч насиҳатингнинг, воиз,
Бу хона харобу хору пароканда.

26

Каъбани қўйиб, бўлди макон бутхона,
Куфр ичра кириб, қолмади дўст бир дона.
Дўст уйида сажда қилдириб минг марта,
Эй ишқ, динимдан айладинг бегона.

27

Ўткинчи фалак узукни то қилди ниҳон⁴⁷,
Олам элининг бағри-дилини айлади қон.
Тун ўтди-ю, қисса тугади – шум толеъ
Кафтимга узук яширмади ҳеч қачон.

28

Чўлдан ташигай хашак отанг мисли эшак,
Чилдирма чалар онанг кўча-кўйда ҳалак.

⁴⁶ К и р о м – бу ерда: сахийлик, соҳиб эҳсонлик маъносига.

⁴⁷ Бу ерда узук ўйини ҳақида гап кетяпти. Бунда ўйин иштирокчилари икки сафга тизилишади. Томонлардан бир киши узукни қўлига яширади, лекин шериклари ҳам муштларини тугиб, биргаликда рақиб томонга рўпара бўлади-лар. Улар узук кимнинг қўлида эканлигини топишлари керак. Агар узук топилса, “узук гуллади” дейдилар ва ўйин ютилган ҳисобланади.

Отанг мозорларда таборак⁴⁸ ўқиса,
Онанг чалади кўчаю кўйда табурак⁴⁹.

29

Бир кун кўрасан — икки лабимда қон йўқ,
Бечора бу тан қолипи ичра жон йўқ.
“Ўлдирган ўзим, — дейсан бошимда туриб, —
Дардим бору энди, бир умр дармон йўқ”⁵⁰.

30

Ҳар кимсага ҳам вожиб эмас фазлу карам,
Лек вожиб эмиш шукри У берса нима ҳам.
Не вожиб эмас — Сенда гуноҳ бўлмас экан,
Ҳар вожиб учун менми гуноҳкор, эй Эгам?!⁵¹

31

Мактуб жўнатибди ёр ҳолимни сўраб,
Кўнглим ёниб-ўртанди мактубга қараб.
Қўлимга жавоб учун қалам олганда,
Қалбимни юборгим келди мактубга ўраб.

32

Эй ташна киши, бу боғдан қутма самар,
Билсанг агар унда бош-оёқ толлар ўсар.
Вақтинг ая — ортингда турибди боғбон,
Тупроқ каби чўк, шамол каби айла гузар⁵¹.

33

Ўз нафсига кимки бўлса шоҳ — мард ўшадир,
Ҳеч ўзгани қилмаса паноҳ — мард ўшадир.
Ким ўтса йиқилганни тепиб, мард у эмас,
Ким бўлса заифга хайрихоҳ — мард ўшадир⁵².

⁴⁸ Таборак — Қуръони каримнинг 67-сураси. Унинг номи аслида “Мулк” бўлиб, “Таборак” деб ҳам юритилади.

⁴⁹ Табурак — кичкина ноғора.

⁵⁰ Шунга ўхшаш рубоий Нажмиддин Кубро ижодида ҳам учрайди.

⁵¹ Гузар — ўтиш, кечиш.

⁵² Бу рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилган.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ

(873 – 950)

Шарқда “Муаллими соний”, яъни Арастудан кейинги “Иккинчи муаллим” номи билан шуҳрат қозонган қомусий олим Абу Наср Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб (Ўтрор) шаҳрида туркий қабиллага мансуб ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Тўлиқ исми – Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон Форобий. Бошланғич маълумотни она шаҳрида олган бўлажак аллома Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мадрасаларда таҳсилни давом эттиради. Шундан сўнг билимини янада чуқурлаштириш мақсадида ўша даврнинг йирик илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга бориб, Абу Башар Матто ибн Юнус ал-Куннойдан юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Хийлондан эса тиббиёт ва мантиқ илмини ўрганади. Баъзи тарихий манбаларда келтирилишича, Форобий 70 дан ортиқ тилни билган.

Форобийнинг 160 дан ортиқ асар ёзганлиги маълум, лекин уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Алломанинг “Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши”, “Донолик асослари”, “Мантиқ илмига кириш”, “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Масалалар моҳияти”, “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Таълиқот”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Аристотель “Метафизика” китобининг мақсади тўғрисида”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар” асарлари айниқса машҳур. “Мусиқа ҳақида катта китоб”и XI асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. “Айтишларига қараганда, “Қонун” деган мусиқа асбобини тузган ва биринчи бор ихтиро қилган ҳам шу Абу Наср Форобий бўлган экан”⁵³. У Платон, Аристотель, Евклид, Птолемей, Порфирий каби юнон олимларининг асарларини шарҳлади ва уларни янги ғоялар билан бо-

⁵³ Ирисов А. Форобий – адиб. – Тошкент, 1975. 44-бет.

йтиб, ривожлантирди. Ўрта асрларда мукаммал ҳисобланган илмлар таснифини яратди.

Форобий асарлари кўпроқ назарий характерда бўлиб, у асосан ўз давридаги табиий, аниқ ва ижтимоий фанларни билиш, тушунтириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берган. Муаллимлик қилиб, Шом мадрасаларида талабаларга маърузалар ўқиган. “Тарихчиларнинг хабар беришларига қараганда, Дамашқнинг ўзида Форобийдан таълим олувчилар сони ўн мингга етган”⁵⁴.

Абу Наср Форобий Дамашқда вафот этган ва “Боб асағир” қабристонига дафн этилган.

Форобий тил ва адабиёт масалалари билан ҳам мунтазам шуғулланиб, “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз” (“Калом фиш шеър вал-қавофий”), “Риторика ҳақида китоб” (“Китоб фи-л хитоба”), “Шеър китоби” (“Китоб аш-шеър”), “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” (“Мақола фи қавонийн синоат аш-шуаро”), “Луғатлар ҳақида китоб” (“Китоб фи-л луғат”), “Хаттотлик ҳақида китоб” (“Китоб фи санъат ат-китобат”) ва бошқа асарларни ёзган. Улардан “Шеър китоби” ва “Шоирлар санъатлари қонунлари ҳақида” рисоалари таниқли шарқшунос Абдусодиқ Ирисов томонидан арабчадан таржима қилиниб, шарҳу изоҳлар билан нашр этилган⁵⁵.

Форобий нозиктабъ шеършунос бўлибгина қолмай, ўзи ҳам бадиий ижод билан шуғулланган. Жумладан, тарихий-адабий манбаларда унинг фалсафий теран рубоийлар ёзганлиги таъкидланади ва улардан 2 таси бизгача етиб келган. Форобий араб тилида ҳам шеърлар ёзган. Араб муаррихи Ибн Аби Усайбиа (1203-1270) “Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо” (“Табиблар даражасини белгилаш учун хабарлар чашмаси”) асарида “Баъзида Форобий шеър ҳам ёзар экан”, — деб аллома ижодидан келтирган намуналарни А.Ирисов ўзбек тилига таржима қилган — уларда муаллифнинг ўзи, замондошлари ҳақидаги кузатишлари, фалсафий мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

⁵⁴ Абу Наср Форобий. Шеър санъати. — Тошкент, 1979. 9-бет.

⁵⁵ Қаранг: Абу Наср Форобий. Шеър санъати. — Тошкент, 1979.

1

Олам сири то ҳануз ечилмай келади,
Бу бебаҳо дур ҳамон тешилмай келади.
Ҳар бир киши ақли борича сўз айтар,
Ҳақ моҳияти, лекин очилмай келади⁵⁶.

2

Эй сиз бу кўҳна дунёнинг кўк хирқа⁵⁷ —
Кийган қари-ёшлари, келингиз бирга.
Ҳиммат қилингу халос этинг, бир болангиз
Маҳбус бўлди тушиб бизнинг занжирга⁵⁸.

⁵⁶ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

⁵⁷ Тариқатда муайян даражага эришганлик белгиси сифатида турли рангдаги хирқа кийилади. “Хирқанинг ранги қора, кўк (мовий) ва оқ бўлган. Тариқатга янги кирганлар қора, маълум бир даражага етишганлар мовий, сайру сулукни ниҳоясига етказганлар оқ хирқа” кийган (Ҳ а қ қ у л И. Тасаввуф сабоқлари. — Бухоро, 2000. 85-86-бетлар).

⁵⁸ Агар рубоий ҳаётий асосга эга бўлмаса, бу ерда “маҳбус бола” кўнгилинг нафс қўлига тутқунлигига ишора. — Э.О.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

(934 – 1030)

Забардаст форс-тожик шоири ва мутафаккири Абулқосим Фирдавсий (Тусий) Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида камбағаллашиб қолган заминдор оиласида туғилган. Бошланғич таълимни қишлоғидаги мактабда олиб, кейин Тус ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсилни давом эттиради. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. У Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам уни ҳақим деб улуғлашган. У ёшлигида ноқ шеърлар машқ қила бошлаган, бироқ бу ҳақда маълумотлар бўлса-да, шеърларининг ўзи етиб келмаган. Унинг “Юсуф ва Зулайхо” номли дoston ёзганлиги ҳам ҳалигача мунозарали. Шоир отасидан қолган ерда деҳқончилик қилиб кун кечиради. Баъзи манбаларда унинг узоқ йиллар сарбозлик хизматида бўлгани ҳам айтилади.

Эрон ва Турон халқларининг қарийб тўрт минг йиллик тарихи юксак маҳорат билан бадиий талқин қилинган 60 минг байтдан иборат “Шоҳнома” устида Фирдавсий 35 йил тер тўкади. Тадқиқотчилар асарни уч қисмга бўладилар: биринчи бўлимда шоир энг қадимий афсона ва ривоятларни қайта ишлаб, назм ипига терган бўлса, иккинчи бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги қисса ва жангномаларга янги ва мангу ҳаёт бахш этади, учинчи бўлимда тарихий шоҳлар ҳаётини қаламга олади. “Шоҳнома” энг қадимги даврлардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Яздигард III даврида арабларнинг Эронга бостириб кириши билан якунланади. “Шоҳнома” ҳажми, мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, гоёвий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик

асардир. Юздан ортиқ катта-кичик дostonлардан ташкил топган бу муаззам асарда мингдан зиёд турли даражадаги персонажлар иштирок этади.

Шоҳлар китоби деб аталиб, 50 подшоҳликдан иборат тўртта сулоланинг тарихи ёритилган “Шоҳнома” халқ заковати ва жасоратига қўйилган ўзига хос назмий ҳайкалдир. Сомонийлар салтанати кучга тўлган даврда бошланиб, шоирнинг нақ ярим умрини олган “Шоҳнома” ниҳоясига етганда, бу қудратли давлат парчаланиб, қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида бўлинган эди. Шунинг учун шоир асар муқаддимасига ғазнавийлар ҳукмдорини мадҳ этувчи бир бағишлов илова қилиб, уни шоҳ Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этади. Лекин мутаассиб уламолар ва ҳасадгўй шоирларнинг куткуси билан у асарни муносиб баҳоламайди. 35 йил заҳмат чекиб ёзилган 120 минг мисрадан иборат муаззам асарни бор-йўғи 20 минг кумуш тангага раво кўрган Маҳмуд Ғазнавийнинг пасткашлигидан хафа бўлган Фирдавсий бу маблағни ҳаммом ходими, шарбатдор ва уни келтирган мулозимга бўлиб бериб, Ғазнадан чиқиб кетади. “Сийлов”идан юз ўгиргани учун Маҳмуд Ғазнавий таъқибига учраган Фирдавсий унинг қўли етмайдиган узоқ вилоятларга қочиб, яшириниб яшайди. Ниҳоят, паймонаси тўлиб, қишлоғига қайтган шоирни руҳонийлар шиалиқда айблаб, мусулмонлар қабристонига кўмишга руҳсат бермайдилар. Унинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилади.

Фирдавсий “Шоҳнома”си ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатди, унга жавобан кўплаб “Шоҳнома”лар ёзилиб, ўзига хос шоҳноманавислик анъанаси вужудга келди. Бадийий юксаклиги, беқиёс даражада халқчиллиги туфайли ва халқ орзу-армонларини куйлаганлиги учун ҳам, мана, минг йилдан буён “Шоҳнома” ўқувчилар қалбини забт этиб, шуҳрат чўққисидан тушмай келмоқда. Шарқ мамлакатларида шоҳномахонлик бир анъана тусини олган. Фирдавсий қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур. “Китоби Жамшид”, “Китоби подшоҳ Афросиёб”, “Шоҳ Таҳмурасп” номли халқ китоблари, “Рустам ва Сухроб”, “Доро ва Искандарбек” каби халқ эртаклари “Шоҳнома”дан илҳомланиб ёки унинг таъсирида яратилган. Ёзма

адабиётда ҳам Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Алишер Навоий ва Бобургача, Мунирдан Абдулла Ориповгача барча ўзбек шоирлари Фирдавсийни ўзларига устоз санаб келганлар. “Шоҳнома” ўзбекчага Шоҳ Ҳижрон, Хомуший (XVIII), Нурмухаммад Бухорий, Очилдимурод Мирий (XIX), Ҳ. Фулом, Назармат, Ж.Жабборов, Ш.Шомухамедовлар (XX) томонидан таржима қилинган бўлса-да, бу таржималарнинг бирортаси тўлиқ эмас. “Шоҳнома” сюжетлари асосида “Заҳҳоки Морон”, “Сиёвуш”, “Рустам ва Сухроб” сингари сахна асарлари яратилган. Ж.Камол тожик адиби С.Улуғзоданинг “Фирдавсий” романини ўзбекчалаштирган.

1

Фам кирди-ю кўнглимга менинг, шод кетди,
Ўзига бир уй қилди-ю бунёд кетди.
Бир лаҳза ўтир десам, шу ўлтирганича
Кетишни сира айламайин ёд кетди.

2

Кўнглингни қачонгача эзиб қайғу-алам,
Бойлик йиғасан қатор қилиб қасру ҳарам?
Е дўсту яқинларинг билан, қувна бу дам,
Душманга қолар йўқса унинг барчаси ҳам.

3

Лутф этди кеча — қизғонмай шафқатини,
Кўрсатди одамгарчилик одатини.
Афв этди гуноҳларим, қўлимни тутди,
Бир лаҳза унуттирди кўнгил ҳасратини.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

(980 – 1037)

Етти иқлимга машҳур алломалардан бўлган улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг тўлиқ исми – Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али. Отаси Абдуллоҳ асли балхлик бўлиб, сомонийларнинг давлат хизматчиларидан эди. У Нуҳ ибн Мансур Сомоний (976–997) ҳукмронлиги даврида хизмат тақозосига кўра Бухоронинг Хармайсан (Ромитан, ҳозирги Пешку) туманидаги Афшона қишлоғига келиб, маъмурий ишларга бошчилик қилади. Шу ерлик Ситорабону деган қизга уйланади. Ҳусайн Афшонада туғилади.

985 йили Ҳусайнлар оиласи Бухорога кўчади. Шаҳарда у илм таҳсили билан машғул бўлади. Ўз даврининг етук олимларидан бўлган Абу Абдуллоҳ Нотилий ва Исмоил Зоҳид қўлида мантиқ, фалсафа, фикҳ ва риёзиёт асосларини ўрганади. У 10 ёшидаёқ Куръони каримни ёд билар, сарфу наҳв ва адаб илмини ўзлаштириб олган эди. Кейин тиб илми билан қизиқиб, қисқа бир муддатда уни эгаллаб олади. Бу соҳада у тезда барча табиблардан-да ўтиб кетади. Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурни даволаганидан кейин унинг шуҳрати ошиб кетади.

Абу Али ибн Сино бутун дунёда табобат илмининг султони сифатида машҳур. Оламшумул тиббий асарлари туфайли Ғарбда Авиценна номи билан донг таратган бу буюк инсон Шарқда кўпроқ забардаст файласуф сифатида машҳур бўлган. “Шайх ур-раис” – “Донишмандлар сарвари” фахрий унвони ҳам аввало унинг буюк файласуфлигига ишора қилади. Шарқда Ҳаким лақаби ҳам файласуф олим ва мутафаккир адибларга берилгани маълум.

Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилади. Лекин бизгача бу муаззам меросдан 160 таси етиб келган. Шундан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга, қолганлари мантиқ, психология, табиийёт, астро-

номия, математика, кимё, муסיқа, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка оид.

Ибн Сино санъаткор шоир, етук тилшунос ва нуктадон адабиётшунос ҳам ҳисобланади. 1000 йилда Бухорода ёзган “Ал-мазмуй” (кейинчалик “Ал-ҳикмат ал-арузия” номи билан машҳур бўлган) рисоласидаёқ аруз масалаларини чуқур текширган олимнинг адабий қарашлари Аристотель ва Форобий таъсирида шаклланган. Алломанинг шогирди Жузжоний санаб ўтган китоблари рўйхатида ҳам адабиётшуносликка оид “Ал-мантиқ би аш-шеър”, “Ал-қасоид фи-л-узмат ва-л-ҳикмат” асарларини учратамиз⁵⁹. У тилшуносликка доир “Лисон ул-араб”, “Махориж ул-хуруф” асарларини яратган. Жузжоний унинг тилшунослик билан жиддий шуғулланган даврида 3 та қасида ёзгани ва уларда энг кам ишлатиладиган но-дир сўзларни қўллаганидан хабар беради⁶⁰.

Ибн Сино “Рисолат ут-тайр” (“Қуш ҳақидаги рисола”), “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли Тирик”), “Саломон ва Абсол”, “Юсуф”, “Меърожнома” номли фалсафий мазмундаги қиссалари билан рамзий-ирфоний адабиётни ҳам бошлаб берди. Хусусан, “Рисолат ут-тайр” қиссаси Фаридиддин Атторнинг машҳур “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonлари яратилишига туртки бўлган. Бу асар рамз-ишоралар билан ёзилган бўлиб, алломанинг жон, ҳақиқат, Тангри тўғрисидаги фикрларини билиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Машҳур Бузургмеҳр Ануширвони Одил учун савол-жавоб тарзида ёзган “Пирўзинома” (“Зафарнома”) номли ҳикмат китобини ҳам Нуҳ ибн Мансур амрига кўра 1097 йили Ибн Сино паҳлавий тилидан форс-тожикчага таржима қилади.

“Саргузашт” асарини Ибн Синонинг ўзи бошлаб, шогирди Жузжоний давом эттирган — 1013-1014 йиллардан умрининг охиригача аллома билан у бирга бўлган.

Ибн Сино араб ва форс тилларида қасида, ғазал, қитъа ва рубоийлар ёзган ҳассос сўз устаси ҳисобланади. Афсуски, унинг адабий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Аллома адиб ба-

⁵⁹ А б у А л и и б н С и н о. Шеърлар ва тиббий дoston (Тузувчи Абдусодиқ Ирисов). — Тошкент, 1981. 23-бет.

⁶⁰ Уша ерда. 30-бет.

дий асарларининг тадқиқотчилари ҳозирча форс-тожик тилидаги 46 рубоий, 4 ғазал, 5 қитъа ва 2 байт шеърни Шайх урраис қаламига мансуб санаб, унга нисбат берилган бошқа шеърларга бир оз шубҳа билан қарайдилар. Бу ижод маҳсулининг асосий қисмини рубоийлар ташкил этиб, уларнинг бир қисми Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади. Бундан ташқари, 1957 йили Техронда чоп этилган девонида Ибн Синонинг 26 та арабча шеъри келтирилган. Улар умрнинг ўткинчилиги, қариликдан шикоят, панду насиҳат ва ишқий мавзуларда. Бу шеърларидан ирфоний мавзудаги “Қасидаи айния”си машҳур.

Абу Али ибн Сино Эроннинг Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Буюк аллома мақбарасидан кеча-кундуз сайёҳлар, зиёратчилар қадами узилмайди.

Ибн Синони Шарқда фалсафий шеъриятни бошлаб берган шоир сифатида билишади. Чиндан ҳам, бу қомусий олим Олам ва Одам ҳақидаги илмий-фалсафий қарашларини биринчи бўлиб шеъриятга сингдирди. Хусусан, рубоийларида унинг теран илмий фикрлари, кенг фалсафий мушоҳадаларини кўрамыз.

1

Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал
Ҳар қанча тугун бўлса, ақл айлади ҳал.
Ҳар макру фириб бандини ечсам-да тугал,
Кўнглимда тугун бўлиб фақат қолди ажал.

2

Сўз қолмади парда ичра ҳеч маълум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун мавҳум эмас.
Мен маърифатингда кўп тафаккур қилдим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

3

Кофирга чиқармоқ мени осон йўқдир,
Ҳеч бир кишида мендаги имон йўқдир.
Мендек имони бут киши кофир бўлса,
Бас, жумла жаҳонда бир мусулмон йўқдир!⁶¹

⁶¹ Боязид Бистомини ҳам шунга ўхшаш мазмундаги рубоий мавжуд.

4

Кошки билсам мен ўзи қандай инсон?
Дунёда нима деб бу қадар саргардон?
Ёр бўлса агар бахт – яшасам хуш-хандон,
Ёр бўлмаса, йиғласам тўйиб беармон⁶².

5

Май⁶³ мангулик бахш этар эмиш, қуй соқий! ⁶⁴
Кўнглингга хузур етар эмиш, қуй соқий!
Куйдирса-да ўт каби, гамингни аммо
Сувдек оқизиб кетар эмиш, қуй соқий!

6

Асрорини англаган дил, боқ, борми экан?
Гуфторини⁶⁵ тинглаган қулоқ борми экан?
Ёр хусини қилса-да намоён туну кун,
Дийдорини иллаган қароғ⁶⁶ борми экан?⁶⁷

7

Дил дунё биёбонида оз чопган эмас,
Кўп билса-да, ўз нуқсини ҳеч ёпган эмас.
Кўнглимда агарчи минг қуёш порлар эди,
Охирда камолга зарра йўл топган эмас⁶⁸.

8

Бир-икки жаҳолат майидан маст эрлар
Доно санаб ўзни, асабингни ерлар.
Эшшак бўла қолким, улар эшшаклигидан
Ким бўлмаса эшшак, уни кофир дерлар.

⁶² Бу рубойи Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий (Фоний)ларга ҳам нисбат берилади.

⁶³ М а й – тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан хузурланишни, маънавий завқ дарёсига фарқ бўлишни билдиради.

⁶⁴ Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшукани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

⁶⁵ Г у ф т о р – сўз, нутқ.

⁶⁶ Қ а р о ғ – кўз қорачиғи.

⁶⁷ Бу рубойи Мажиддин Бағдодий ва Шоҳ Незматуллоҳ Валийларга ҳам нисбат берилади.

⁶⁸ Бу рубойи Фариддин Атторга ҳам нисбат берилади.

9

Ул ишқ майи жом⁶⁹ ичра қуйилган ҳафта,
Ишқ ортидан ошиқ-да яралди — сўхта⁷⁰.
Ҳазрат Али ишқини Буали⁷¹ дилига
Сут бирла шакардек этдилар омухта.

10

Кўнглим сира илм таҳсилидан маҳрум эмас,
Қолди жуда оз сир менга то мавҳум эмас.
Етмиш икки йил тинмай илм ўргандим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

11

Май мастга ёву ҳушёр учун ёр бўлади,
Оз бўлса шифо, кўпи захри мор⁷² бўлади.
Кўп бўлса, унинг зарари бор озгинаю,
Оз бўлса, унинг манфаати бор бўлади.

12

Кексайса киши ёшлар ишин қилмайди,
Соч оқ — қариликни яшириб бўлмайди.
Тун зулматида ҳар неки қилсанг-қилдинг,
Тонг равшанида энди қилиб бўлмайди.

13

Зулфинг⁷³ шундай агарда ларзон бўлади,
Анбар баҳоси ҳамиша арзон бўлади.
Яхшиям юзинг⁷⁴ зулф ичра пинҳон бўлади,
Йўқса нуридан туну кун яксон⁷⁵ бўлади.

⁶⁹ Жом ва унинг қадаҳ, коса, пиёла, соғар, суроҳий каби маънодошлари тасаввуфда илоҳий маърифат майига лиммо-лим кўнгили маъносида келади.

⁷⁰ С ў х т а — куйган.

⁷¹ Б у а л и — Абу Али ибн Сино.

⁷² М о р — илон.

⁷³ З у л ф — соч; аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфининг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узунлиги — оламнинг чексизлиги, беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

⁷⁴ Ю з — тасаввуфда илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Иймон ва ирфон кашф⁷⁴ ҳам кўзда тутилади.

⁷⁵ Я к с о н — бу ерда: бир хил.

14

Дедим: не сабаб булут каби гирёнман?
Деди: шу учунки, мен гули хандонман!
Дедим: нега сени кўрмасам нолонман?
Деди: шу учунки, сен — тану мен — жонман!

15

Уч нарса уч узвингдан олмиш тимсол:
Қаддан — гулу лабдан — маю юздан — жамол.
Уч нарса уч узвимдан элтмиш мисол:
Дилдан — гаму юздан — наму кўздан — хаёл.

16

Эй нафс, қидирганинг мудом ҳою ҳавас,
Ўзингни ҳимоя қилгали шош бу нафас.
Дунё дема, қўй ҳийлани, мансаб тилама,
Душманлик ишинг ҳамиша, ҳеч дўстлик эмас!

17

Дўст оғзи-бурун ўпишса душман-ла чунон,
Тарк эт бу каби мунофиқ улфатни шу он.
Омухта эса заҳар — шакардан воз кеч,
Қоч пашшадан остида агар бўлса илон.

18

Майни ҳар замонда бир ичиш бу — хомлик,
Пайдарпай⁷⁶ ичиш келтиради бадномлик.
Майни ҳақиму подшоҳу ринд⁷⁷ ичса ҳалол,
Уч тоифадан ўзгага душманкомлик⁷⁸.

⁷⁶ П а й д а р п а й — кетма-кет, доим, муттасил.

⁷⁷ Р и н д — шарият ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Ринд аҳли илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машхур бўлганлар.

⁷⁸ Д у ш м а н к о м — душманлик, мақсади душманлик.

19

Бизмиз ўша лутфингга тавалло⁷⁹ қилган,
Тарки гуноҳу тоат таманно⁸⁰ қилган.
Ҳар ерда иноятинг агар бўлса, бўлур
Қилган қилмаган, қилмаган гўё қилган.

20

Эй дилга ёмонлик уруғин жо қилган,
Тавба қилиб энди, афв таманно қилган.
Сен афвга умид боғлама, зинҳор бўлмас
Қилган қилмаган, қилмаган гўё қилган.

21

Эй қуёш, борми сен каби оламгард⁸¹,
Лутфинг аяма, мен-да йўловчиман мард.
Ишқ йўлида кўрдингми яна бир кишини,
То юзида шунча гарду кўнглида-чи дард?

22

Ул дамгача, то жаҳонни тарк этгайсан,
Оҳ-воҳсиз умр манзилига етгайсан,
Ҳар қанча ишинг бўлса, бугун айла шитоб,
Эрта дема, ноилож қолиб кетгайсан.

23

Тонг чоғи сафар азмини бошлай-да кетай,
Бу воқеадан кўзимни ёшлай-да кетай.
Отам этагига чанг уриб худди Исо,
Онам қучоғига тўним ташлай-да кетай.

24

Аждар каби сочингда хатар тўлғонади,
Елкангда нега у ҳийлагар тўлғонади?
Кўргач ўша лаъл лабингда зумрад⁸² бордир,
Аждар каби белингга қадар тўлғонади.

⁷⁹ Т а в а л л о — бирор нарсани ёлвориб, илтижо қилиб сўраш.

⁸⁰ Т а м а н н о — истак, хоҳиш, умид, мақсад.

⁸¹ О л а м г а р д — оламни айланувчи, дунё кезувчи.

⁸² З у м р а д — оч яшил тусли қимматбаҳо тош.

25

Кўрдингми тириклик камарин белимда?
Дунё молидан ҳеч нима йўқ кўлимда.
Шодлик шами ҳеч порламади дилимда,
Синди ҳаётим қадаҳи кўз олдимда.

26

Ҳақ — жони жаҳонинггу жаҳон бўлса — бадан,
Бу танни(нг) сезиш ҳисси малак жинси билан.
Бор жонсизу жонли мавжудот аъзосидир,
Тавҳид⁸³ шу ю қолган бариси ҳийла экан.

27

Кетмас йўқолиб ҳеч нима беному нишон,
Гайб оламидан жой олади у шу замон.
Бир кун яна ўз аслига эврилса фалак,
Сир пардасидан чиқаргуси Ҳақ бегумон.

28

Зотинг⁸⁴ сени бу олам учун бўлди асос,
Зотинг каби ҳеч кимса эмас зотшунос.
Билмайди киши камолу зотинг сирини,
Зотингни қилади барча феълингга қиёс.

29

Қодирсану беқиёссану ҳукм этасан,
Бизларни нега азоб билан кўрқитасан?
Куч-қудратингга биров гумон этмаса, бас,
Бечора бу бандаларни қийнаб нетасан?

30

Ўт чиқди шамол туфайли гул хирманида,
Гул кўйлаги кўйди-кетди бу гулханида.
Эй соқий, кўлинг ҳамиша май доманида⁸⁵,
Эй ток қизи, қонинг сени гул гарданида.

⁸³ Т а в ҳ и д (В а ҳ д а т) — Оллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг ражаллийси — намоён бўлишидан иборат.

⁸⁴ З о т деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар.

⁸⁵ Д о м а н — этак.

31

Юзлар саҳифаси узра мангу хат бор:
Икки Али⁸⁶ исмини битибди ошкор.
Бир “лом” билан икки “айн”у икки “ё”-ла⁸⁷
Юзларга ёзилган ушбу ёзув пойдор.

32

Гул бўлди нишон ишқ элининг эрмагига,
Бирдан узатишди қўл унинг этагига,
Солганлари чанг кам кўриниб кўйлагига,
Етказдилар озор танию кўкрагига.

33

Ҳар ердаки сўз кўнгилга маъқул келди,
Оллоҳнинг инояти билан ул келди.
Ҳақ истамаса агар бирор иш бўлмас,
Ҳар икки жаҳон учун бу мушқул келди.

34

Эй дил, симир ишқ бодасини гул янглиғ,
Кий ошиқлик жомасини гул янглиғ.
Бор шам⁸⁸ каби оташин тили ишқнинг ҳам,
Оширма ошиқ ноласини гул янглиғ.

35

Гавҳарни у лабдан олди гавҳар кони,
Қўлларда юрар сохтасию ёлғони.
Ҳамён ипини боғлар экан эшитдим:
Очиқ бўлар ошиқ кишининг ҳамёни!

36

Дурлар қадабон фалак тонг дурдонасига,
Тўлдирди нафис дурни тонг паймонасига.
Мендек бу фалак асиру шайдо бўлмиш,
Айланди тун ошиғи, тонг девонасига!

⁸⁶ И к к и А л и — Ҳазрат Али ва Абу Али ибн Сино.

⁸⁷ Араб ёзувида Али сўзи уч ҳарф — а (айн), л (лом) ва и (ё)дан иборат.

⁸⁸ Ш а м — солиқ чилини куйдирадиган илоҳий нур. Шуҳуд соҳибининг дилини ёндириб, уни мунаввар қиладиган ирфон нурига ҳам ишора.

37

Умримнинг асил гавҳари қўлдан кетди,
Энг чўққисига ҳаёт куёши етди.
Тақдир пири бу чолнинг умид кўкрагига
Қоп-қора бўёқ суриш учун амр этди.

38

Ким қилди юзингга лолаю гулни тумор?
Ким қилди қизил гулга бу сунбулни⁸⁹ нисор?
Ким қилди ёруғ кунни қаро тунга дучор?
Ким қилди гўзал ёрни гўзал ёр ила ёр?

39

Соқий, қадаҳи оби бақойинг⁹⁰ қайда?
Ул ойинаи жаҳоннамойинг⁹¹ қайда?
Ботин уйини ювиб, мусаффо айлай,
Тавбамни ушатган ҳурлиқойинг қайда?

40

Ким кўрди юзинг каби мунаввар офтоб?
Ким кўрди сочинг каби қоронғи гирдоб?
Ким кўрди гуноҳни – тавбага берган тоб?
Ким кўрди имон билан риёни аҳбоб?

41

Эй тун, яна қилма жанг-таллош кечагидек,
Кўнглим сирини айлама фош кечагидек.
Кўрдинг-ку ниҳоятда чўзилди кеча тун,
Эй васл тун, бўлма одош кечагидек.

⁸⁹ С у н б у л – ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнгироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуканинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.

⁹⁰ Оби бақо – оби ҳаёт; Хизр алайҳиссалом ер ости – зулмат қаъридан излаб топган ва ичиб абдий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

⁹¹ Ойинаи (Жоми) жаҳоннамо – жаҳонни кўрсатадиган ойина (жом). Қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид жомии жаҳоннамо ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан ойинаи жаҳоннамога нисбат берадилар.

42

Тан ўту суви ичинда жон пинҳондир,
Қон бўлмаса қон нега банди зиндондир?
Дунёда агарда зарра қадри бўлса,
Жон қиймати нега бунчалик арзондир?!

43

Умрингнинг ўзи икки нафас, эй одам,
Тўхтам нима билмас у шамолдек бир дам.
Умрингнинг асосини шамолга бердинг,
Бўлганми шамол асоси ҳеч мустаҳкам?

44

Ҳар бир савобимга ўн гуноҳим афв эт!
Бечора қул айбини, Илоҳим, афв эт!
Ўч ўтини ёқма ҳеч ажал ели билан,
Муҳаммад эрур менинг паноҳим, афв эт!

45

Дил тўла гаму аммо куламиз гулдек,
Бир лаҳза яшаймизу ўламиз гулдек,
Бир лаҳза кучоқларга тўламиз гулдек,
Бир лаҳза ўтиб, яна сўламиз гулдек.

46

Ҳар ерда рақиб қутқуси безор айлар,
Давр аҳли қаерга борсам, озор айлар.
Кимнинг эшиги олдидан уммон оқса,
Тақдир ўзи давлатга сазовор айлар.

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ

(1006 – 1088)

Пири Ҳирот ва Шайхулислом номлари билан катта шуҳрат қозонган забардаст тасаввуф олими, фақиҳ ва адиб Абу-исмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида фикҳ⁹², тафсир, ҳадис, адаб илмларини ўрганган. Жумладан, фикҳни имом Шариф Марғазий, ҳадисни Абулфазл Муҳаммад Жорудий, тафсирни Хожа Яҳё Аммор, фикҳни Абу Абдуллоҳ Тоқий ҳузурида ўқиган.

Ўн тўрт ёшидан саёҳатга чиқиб, Эрон ва Хуросоннинг Балх, Нишопур, Тус, Бистом ва бошқа шаҳарларида бир муддатдан яшаган. Райда Бобо Кўҳий ва Абулҳасан Харақоний, Нишопурда Абусаид Абулхайр каби машҳур орифлар мулоқотига етишган ва шундан сўнг тасаввуф йўлига кирган⁹³. Хусусан, Боязид Бистомий издоши бўлган Абулҳасан Харақоний билан учрашуви “унинг ҳаёти ва тафаккурида ўчмас из қолдирган. Сўнгра у Ҳиротга қайтиб, таълим бериш билан шуғулланган ҳамда муътазилий⁹⁴ ва ашъарийларга⁹⁵ қарши фаол мунозаралар олиб борган. Шайхулислом унвонига сазовор бўлган Ансорий ал-Ҳиравий умрининг охирида кўз нуридан ажраб, Ҳиротда вафот этган. Юсуф ал-

⁹² Ф и қ ҳ — ислом дини қонун-қоидалари тўғрисидаги илм.

⁹³ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. — Душанбе, 1988. С. 161.

⁹⁴ М у ъ т а з и л и й л а р (арабча — ажралиб чиққан) — VIII асрда вуждга келган исломдаги оқимлардан бири. Асосчилари Восил ибн Ато ва Амир ибн Убайд. Муътазилийлар ақл-идрокни илоҳиёт асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини яккахудолик (тавҳид) ва адолат (адл) тарафдорлари деб атаган (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. — Тошкент, 2004. 171—172-бетлар).

⁹⁵ А ш ъ а р и й — қаломнинг асосий йўналишларидан бири. Унга Абулҳасан Али ибн Исмоил асос солган. Уларнинг дунёқарашида ақл диний анъана — нақлдан устун қўйилади (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. 35-бет).

Ҳамадоний Ансорий ал-Ҳиравийнинг энг буюк издошларидан саналиб, ясавийлик ва хожагон тариқатлари мана шу зотга бориб тақалган”⁹⁶.

Абдуллоҳ Ансорийнинг араб ва форс-тожик тилларида кўплаб асарлари мавжуд: “Муножот”, “Рисолаи дилу жон” (“Дил ва жон ҳақида рисола”), “Ганжнома”, “Қаландарнома”, “Канз ул-соликин” (“Солиқлар ҳазинаси”), “Зод ул-мусофирин” (“Сайр қилувчиларнинг йўл озиғи”), “Ҳафт ҳисор” (“Етти қалъа”), “Сад майдон” (“Юз майдон” (мақом маъносида), “Носоеҳ” (“Насихатлар”), “Муҳаббатнома”, “Табақот ус-сўфия” (“Тасаввуф мақомлари”), “Манозил ус-сойирин” (“Сайр қилувчиларнинг манзиллари”) ва бошқалар. Араб тилида 6 минг байтдан ортиқ шеър ёзган, қатор рисоалар яратган. Жумладан, Абубакр Муҳаммад Калободий Бухорийнинг машҳур “Таарруф” (“Танишув”) номли тасаввуфга оид асарига шарҳ ёзган. Насрий асарлари ичида келган 2000 та рубоийни унга нисбат берадилар. Бундан ташқари, ғазал, қитъа ва бошқа жанрларда ҳам қалам тебратган.

Ўзидан кейинги форс-тожик адабиётига кучли таъсир кўрсатган: дидактик дostonчилик, сажъли наср ва тасаввуфий шеърятнинг шаклланиши ва тараққиётини унинг номи билан боғлайдилар. Юсуф ва Зулайхо қиссасини “Анис ул-муридин ва шамс ул-мажолис” (“Муридлар дўсти ва мажлислар қуёши”) номи билан насрга солган ҳамда 14 мажлисдан иборат мазкур асарида тасаввуф рамзларини бадиий шаклда дostonнинг асосий образлари воситасида баён қилган. Бу йўл кейинчалик Ҳаким Санойи ва Носир Хисрав каби забардаст сўз санъаткорлари томонидан муваффақият билан давом эттирилди⁹⁷.

1

Нафсингни агар қилиб нишон кетгайсан,

Ўзингни хароб этиш томон кетгайсан.

Боқ ўзингга: кимсану қаердан келдинг?

Англа: не қиларсану қаён кетгайсан?

⁹⁶ Ислом. Энциклопедия. 30-бет.

⁹⁷ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 161–162.

2

Мард элни қўйиб, чеккага урмас ўзини,
Ё катта тутиб эл ичра юрмас ўзини.
Кўз қорачигидан ибрат олса арзир:
У ҳаммани кўрар, аммо, кўрмас ўзини.

3

Берма менга боқий умру шон-шавкати,
Дунёни сафою ишрату неъматини,
Дил орзуларини, яна жон роҳатини,
Топсам менга бас розилигинг давлатини.

4

Мен охиратимни ҳар куни ёд этаман,
Ҳар лаҳза гуноҳларим учун дод этаман.
Ғамгин бўламан гарчи гуноҳ қўркувидан,
Лутфинга умид қилиб, дилим шод этаман.

5

Ошиққа на бу дунё, на у дунё ҳавас,
Ҳар иккиси ёр дийдоридан афзал эмас.
Дунёда менга бўлмаса-бўлмас қибла,
Менга ўша маъшуқ қўйининг қибласи бас.

6

Ҳақ йўлида асли икки Каъба ҳосил:
Оллоҳ уйи бўлса бири, иккинчиси — дил.
Дилларни зиёрат қил қўлингдан келса,
Минг Каъбадан ҳам бир дилни афзал бил!⁹⁸

7

Ҳар кимники, бандалик қарори бўлгай,
Эл яхши-ёмонига не кори⁹⁹ бўлгай?
Сен бандамисан, бандалигингдан қолма,
Хожадир у, кимнинг ихтиёри бўлгай.

⁹⁸ Бу рубойи Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

⁹⁹ К о р — 1) иш; 2) таъсир.

8

Ой юзли санам менга бугун меҳмондир,
Бу жону дилим бошдан-оёқ қурбондир.
Йўқ дилда муаммо, барча ташвиш жондир,
Жонимни берай, у садқаи жонондир.

9

Юз минг жоннинг роҳати биргина даминг,
Ҳар бир дил шод бўлса агар унда ғаминг.
Икки кўзим равшани, билсанг, санамо,
Кўрмоқликда қоп-қора у зулфи хаминг.

10

Афсуски, дилором дилим олди-кетди,
Аҳдини бузиб, фироққа солди-кетди.
Қўлга киритарман дилу дилбарни яна,
Аммо кўзим қон ичида қолди-кетди.

11

Бошимда менинг йўқ ўзганинг савдоси,
Кўнглимни-да йўқ бир ўзгага парвоси.
Олмайди ўзингдан ўзга кўнглимдан жой,
Бўлмас дил ўзингдан ўзганинг маъвоси.

12

Ишқ аввалида оҳ-фигонимдан батамом
Ҳамсоёга бўлди тунлари уйқу ҳаром,
Ошган сари ишқ оҳ-нола кам бўлди мудом,
Ўт олса аланга, тутун этмайди давом.

13

Эй дил, кишилардан сира ёрлик тилама,
Ҳар шох соя бермайди — деворлик тилама,
Иззат қаноатдаки, хорлик тилама,
Иззатни азиз тут, сира зорлик тилама.

14

Эй зоҳиди¹⁰⁰ худбин, сен эмас маҳрами роз,
Кибру тама омили сенга рўза, намоз,
Ишингни намоз эмас, ниёз¹⁰¹ этгуси соз,
Пуч барча намоз бўлмас экан сидқу ниёз.

15

Қилгуси гуноҳларим мени хору хижил,
Ёмон сўзу ёмон феълим бунга далил.
Етказ менга файз олами қудсийдан¹⁰² то
Ботил¹⁰³ бу хаёлларга мени бегона қил.

16

Ё Раб, мени ҳеч зору паришон қилма
Ҳам ёту яқинларга нигорон¹⁰⁴ қилма.
Эл миннатисиз етказ Ўзинг ризқимни,
То бандалар эшигида сарсон қилма¹⁰⁵.

17

Бўлсам-да шаҳарнинг энг таниқли ринди,
Бошимда гуноҳлар тоғи минди-минди.
Ё Раб, мени қувма эшигингдан, токи
Бир йўла жаҳонга расво бўлмай энди.

18

Ҳар дардки, қўнглимни менинг тарк этгай,
Ўрнига унинг бошқаси дарҳол етгай,
Бошдан яна дил унга кўникмай нетгай,
Куйганга етишса ўт у куйгай-кетгай.

¹⁰⁰ З о ҳ и д — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўтирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Курьонда ваъда қилинган жаннатнинг хузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳилларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

¹⁰¹ Н и ё з — 1) эҳтиёт, муҳтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

¹⁰² О л а м и қ у д с и й — илоҳий олам.

¹⁰³ Б о т и л — 1) бузуқ, бўш; 2) беҳуда, ноҳақ, асоссиз, нотўғри.

¹⁰⁴ Н и г о р о н — интизор, муштоқ.

¹⁰⁵ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

19

Бўлсин манзил ҳамиша майхона¹⁰⁶ менга,
Бўлсин дунё ташвиши бегона менга.
Ишқинг билан айла мени масту сархуш,
Ақлу ҳушдан қолмасин нишона менга.

20

Дил орзусининг ортидан елса ғофил —
Ким, умри дарахтидир унинг беҳосил.
Нафси йўлида ўгирса юз Ҳақдан ким,
Беҳуда ўтибди бор ҳаёти, ботил.

21

Мен мастинг эмишман — маю жомдан озод,
Бир қуш кабиман донаю домдан озод.
Бутхонаю¹⁰⁷ Каъбадан мурод сен менга,
Мен йўқса бу ҳар икки мақомдан озод.

22

Ёр дардини берсин хоҳу хоҳ роҳатини,
Ёрдан нима келса ҳуш — бил ишқ одатини.
Яхшию ёмон билан ишинг бўлмасин-ей,
Ёр розилигида англа дил давлатини.

23

Сайёра экан ишқ — унга манзил бизмиз,
Бу доирада нуқтаи мушкул бизмиз.
Ўқишса бедил¹⁰⁸ ошиқлар қиссасини,
Бу қиссада энг ошиқи бедил бизмиз.

¹⁰⁶ М а й х о н а — шавку завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи, Ҳақ толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

¹⁰⁷ Б у т х о н а — бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лоҳут олами, яъни ваҳдати кулл кўзда тутилиб, аҳадият зотининг мазҳарияти маъносида ҳам келади.

¹⁰⁸ Б е д и л — дилини бой берган, ошиқ, беқарор, гирифтор.

24

Юз йиллаб агар ўт ичра ёнсам музтар¹⁰⁹,
Осон менга куйдирувчи бу ўт аксар.
Нокас киши бирлан сира суҳбат тутма,
Нокас киши суҳбати ўлимдан баттар.

25

Ёмғир томчисидан-да кўп менда гуноҳ,
Бошимни уятдан қўтаролмайман, оҳ.
Овоз келдики: “Ғам ема, эй банда,
Ғар сенда гуноҳ кўп, менда кенгдир даргоҳ”.

26

Боққа кирсам, кўйи тушар ёдимга,
Гул сочи — хушбўйи тушар ёдимга.
Сарв¹¹⁰ соясида агар ўтирсам бир дам,
Сарвдек мавзун¹¹¹ бўйи тушар ёдимга.

27

Сендан, биласанми, ишқ нима истайди?
Тарк эт деб нафсу ҳавони қистайди.
Очилгай эди муқаддас ислом эшиги,
Нафс бандини ҳар кимки уза билсайди.

28

Шодлик нима? Ишқингда унутдим зинҳор,
Хотиржам бўл — ушалди орзунг, дилдор.
Қонимни тўкишни истасанг, осон бу,
Васлингни мен истайману бу кўп душвор¹¹².

¹⁰⁹ Музтар — ночор, ноилож.

¹¹⁰ Сарв — қишин-ёзин кўм-қўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар.

¹¹¹ Мавзун — гўзал, чиройли, келишган.

¹¹² Душвор — қийин, мушкул, оғир.

29

Ишқ оташида жонимни уд¹¹³ қилайин,
Жон сеникидир — сенга фидо зуд қилайин.
Ишқингда куйиб бўлса адо бир жоним,
Юз жон яна тадбир ила мавжуд қилайин.

30

Сен боис бўлмас эсанг, эй жони жаҳон,
Инсон бу харобазорни қилмасди макон.
Бир лаҳза тушида кўрса ҳажрингни қачон,
Олам ўту сув ичра қоларди бегумон.

31

Васфинг ишимас ҳикматга эшларнинг,
Хоки пойинг сурмаси дилрешларнинг¹¹⁴.
Подшоҳлари оламнинг оёгингни ўпар,
Ишқинг сени бору йўғи дарвешларнинг¹¹⁵.

32

Ялт этди-ю ўтди кўздан тимсоли,
Умримни басар этди¹¹⁶ бу тимсол фоли.
Офтобдек аниқ-тиниқ кўринган эди у,
Қолди кўзда муҳрланиб шу ҳоли.

33

Бўйнингда биров ҳаққи агар қолгусидир,
Оллоҳга етиш йўлига ғов солгусидир.
Ким қилча бировнинг ҳақини еса бугун,
Эрта у жаҳаннамдан жой олгусидир.

34

Бир мартагина биз сари ҳам келса бўлар,
Бор қанча гўзал ишларимиз — солса назар.
Гул истар эсанг, тиконидир жонга хатар,
Топса эди дил висолдан кошки хабар.

¹¹³ У д — Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиған новдалари қаҳваранг ва хушбўй дарахт. Хушбўй ҳид тарғиши учун уни манқалга солиб тутатадилар.

¹¹⁴ Д и л р е ш — 1) кўнгли чок, дили хаста; 2) ошиқ.

¹¹⁵ Д а р в е ш — тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

¹¹⁶ Б а с а р э т м с қ — бу ерда: адо этиш, тамом қилиш.

35

Сен кўрган у дил ҳоли ўзга бу замон,
Сув тўла у ҳовуз энди бўлди тўла қон,
Йўқ мевага қон у боғдан ному нишон,
Тарк айлади бизнинг боғни оби равон.

36

Одоб бўлар инсонга камолот бешиги,
Очилмади ҳар гадога одоб эшиги.
Одоб афзал подшоҳлик давлатидан,
Одоб асли тожлар ичра буюги.

37

Қўш зулфига не бағишлай, токи ул ёр
Бечора бу ошиқ сари келгай бир бор.
Куйган жигаримни қошига қўйгай эдим,
Куйган жигару мушк азал дўст, ҳамкор.

38

То тутди дил ичра ўша гулчеҳра қарор,
Ҳар икки кўзим тўқди дуру инжу қатор.
Сухбат тутса кошки кўзим ёши билан
Кўзим йўлидан кириб ўша нозли нигор.

39

Қошингда аёнлару ниҳонлар бари ҳеч,
Тахмину ҳақиқату гумонлар бари ҳеч.
Бўлмади нишон топиб сира зотингдан,
Ҳар қайдаки бор Ўзинг, нишонлар бари ҳеч¹¹⁷.

40

Оллоҳим, ўзинг Каримсану Фаффорсан,
Раҳмону Раҳиму Роҳиму Сатторсан¹¹⁸.
Ёлғиз умидим марҳаматингдан шулким:
Бу бандаи шармандани қилма хор сан¹¹⁹.

¹¹⁷ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилди.

¹¹⁸ Ал-асмо ал-ҳусно — Оллоҳнинг гўзал исмлари: К а р и м — карамли, саховатли, кечиримли; Ф а ф ф о р — бандаларнинг айбу гуноҳларини кечирувчи; Р а ҳ м о н — жуда меҳрибон; Р а ҳ и м (Р о ҳ и м) — раҳм қилувчи; С а т т о р — айбу гуноҳларни яширувчи.

¹¹⁹ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилди.

41

Фазлинг ила барча мушкулум осон қил,
Лутфинг ила дардимга менинг дармон қил.
Мен — зору ҳақир, бас, бир нима қилма умид,
Сен — шоҳсан улуг, шунга қараб эҳсон қил¹²⁰.

42

Ё Раб, мени ишқинг майидан хуммор қил,
Ишқингда мени хоҳи йўқ, хоҳ бор қил,
Ишқингдан ўзга нимадан безор қил,
Ишқинг домига бир йўла гирифтор қил.

43

Эй дўст, бу кофирни мусулмон айла,
Ҳажрингда дилим бемор — дармон айла.
Кўришга юзингни бўлмасам ҳам лойиқ,
Бир бор мени ҳам кўйингда қурбон айла.

44

Кўп халққа кўшилма, мағруру зўр бўласан,
Халқдан узилиб, сўнг жоҳилу кўр бўласан.
Кўнглинг сирини очма жаҳон халқига ҳеч,
Дармон топмай, пешонаси шўр бўласан.

45

Дедим: “Санамо, боқ менга — жононим ўзинг,
Сендан сира кўз узмасман — жоним ўзинг.
Жоним чиқади агар мени тарк этсанг,
Эй жону жаҳон, куфру¹²¹ иймоним ўзинг”.

¹²⁰ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

¹²¹ К у ф р — тасаввуфда бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касратда маҳв бўлиши. Ҳақиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар. Тасаввуф аҳлининг куфр ва кофирлик ҳақидаги қарашлари расмий ислом уламолариникидан фарқ қилади. Сўфийлар дунёвий боғлиқликлар, ваҳдатдан жудоликни куфр деб ҳисоблайдилар. Бу таълимотга кўра, кофир — сифот, асмъ ва афъол даражасидан ўтмаган одам. Шунга биноан ишқ кофири бўлиш тасаввуфда ҳақиқий иймонга етишдир.

46

Ёр келди-ю айтди: “Тут дилингни бемор,
Ҳеч узма умид агарчи қолсанг ночор.
Мен кўнгли синиқларни дўст тугайман,
Кўнглингни синиқ тут мени десанг зинҳор”¹²².

47

Ошиқ аҳли тунда туриб роз қилади,
Ёр эшигу томи узра парвоз қилади.
Ҳар қайда эшик бўлса, ёпарлар тунда,
Ёр ошиғини тунлари ҳамроз қилади¹²³.

48

Кўрсат йўлни — раҳнамойимсан Ўзинг,
Оч эшикни — муддаойимсан Ўзинг.
Бор зангини ғамнинг ўзига олди дилим,
Кўнглим сари келки, дилрабойимсан Ўзинг.

49

Кўнглимда мудом аён экансан билдим,
Кўзимда мудом ниҳон экансан билдим.
На деб сени васф айлай, лозим бўлса
Қандай бўлишинг — чунон экансан билдим.

50

Дардингни чекиб, тадбири дармон қилмам,
Зулфингни севиб, орзуи иймон қилмам.
Жононим, агар жон тиласанг, хуш бўлгай,
Жононим учун андишаи жон қилмам¹²⁴.

51

Кўнглимдаги бор майлу таманно сенсан,
Бошимдаги бор оғриғу савдо сенсан,
Ҳар қанча ҳаётга боқмайин, кўргайман:
Сенсан бугуну эрта-да танҳо сенсан!¹²⁵

¹²² Бу рубойи Абусаид Абулхайр ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

¹²³ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

¹²⁴ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

¹²⁵ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

52

Эй Тангри, карам эшигин оч юзимга,
Кўринсин ўшал нажот йўли кўзимга.
Ҳар икки жаҳондан озод айла, токи
Ёдингни фақат кўрай раво ўзимга.

53

Кўзимдасану менга юзинг бурмайсан,
Аҳволини кўнглимни сира сўрмайсан.
Эй жону дилу, эй кўзимнинг нури,
Кўз, дилни қўйиб, қўйнимга кирмайсан.

54

Сенга шаҳар аҳли бандаю ҳайрон эмиш,
Йўқ-йўқки шаҳар, олам эли қурбон эмиш.
Бечора менинг нима келар қўлимдан,
Дунёда харидор сенга кўп — чандон¹²⁶ эмиш.

55

Эй ой, чиқиб келдингу тобон¹²⁷ бўлдинг,
Кездингу фалак узра хиромон бўлдинг,
Ёримга кўзинг тушди-ю, ҳайрон бўлдинг,
Ногоҳ қуйи индингу пинҳон бўлдинг.

56

Мен ишқида кимманки, ҳар манзилида
Очилса юзи висоли гули гилидан?
Етмасми менга ёр ишқининг ҳосилидан
Дил боғи ораста бўлса васли гулидан?..

57

Ўтди бугун ёнимдан у сарви равон,
Мум солиб оғзига, қилиб юзни ниҳон.
Офтоб юзини тўсса-да ҳар қанча булут,
Офтоб нуридан бебаҳра қолмайди жаҳон.

¹²⁶ Ч а н д о н — кўп, анча, зиёда; кўпинча, узоқ муддат.

¹²⁷ Т о б о н — по, лоқ, равшан, дурахшон, ёрқин.

58

Гоҳо ўз тийнатимга¹²⁸ тушгай назарим:
Мендан баттар борми экан битта-ярим?
Ўзликдан ўтиб, етса Ҳаққа сафарим,
Арш узра бўлар эди руҳи жилвагарим.

59

Шодлик шохи узра куйчи булбул бўламиз,
Ишқингда чекишга нола машғул бўламиз,
Воз кечма, сенга энг содиқ қул бўламиз,
Сендан ўзга кимга-да маъқул бўламиз?

60

Ишқ оташида ошиқ кўнглимни ёқ,
Кўнглим ичидан сўнгра бу жонимга боқ.
Қошимга келар бўлса ўшанда маъшук,
Соч барчасини хоки пойига шу чоқ.

61

Сен деб дилим ичра баҳсу жанглар бордир,
Юз товланишу ҳолату ранглар бордир.
Гофил элининг таънасидан ишқингда
Жонимда неча номусу нанглар бордир.

62

Гулларки, висолинг чаманидан тердим,
Дурларки, дудоғингдан ўғирлаб эрдим.
Гулларки, тикан бўлиб қадалди кўзга,
Дурларни тўкиб заминга, йиғлаб бердим....

63

Сен истадингу мен-да сени билган эдим,
Дунёга фақат сенинг учун келган эдим.
Мингдан ошиқ ошиғим агарда бордир,
Бир сенга бу жонимни фидо қилган эдим.

64

Ҳар лаҳза ҳазин дилимга ёдинг ҳамдам,
Бир лаҳза ёдингсиз яшай олмасман ҳам.
Ёдингни қилиб мен туну кун оҳ чекаман,
Бошимга гаминг ёстиқ бўлди, эркам.

¹²⁸ Т и й н а т – хулқ, табиат, яратилиш.

ОЙИША САМАРҚАНДИЙ

(XI аср)

Самарқандда туғилиб, шу ерда таҳсил олган. Шеър ай-тишда жуда моҳир бўлган. “Ал-муъжам”, “Оташкада”, “Намунаи адабиёти тожик” тазкиралари муаллифлари унинг ижодига юксак баҳо берганлар. Меросидан жуда оз намуналар адабий манбалар орқали бизгача етиб келган¹²⁹.

1

Ҳар қатраси кўз ёшимнинг мисли дур,
Қулоққа тақиб олибди ёрим тушкур.
Қулоқдан уни ечмасанг, ўғри дейишар,
Чунки танир эл — жаҳонда ашким машҳур.

2

Васлинг туни бир кун менга тақдир этса,
Юзингни тўйиб кўрмасдан тонг этса,
Шунга қарамай, алишмагайман асло,
Минг узун умрга уни, таклиф этса.

¹²⁹ Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. — Душанбе, 1957. С. 20; Энциклопедияи адабиё. ва санъати тожик. Жилди 2. — Душанбе, 1989. С. 499.

МАҲАСТИЙ ГАНЖАВИЙ

(1098 — XII аср ўрталари)

Асли исми Муниса бўлиб, Хўжандда туғилган¹³⁰. Маҳастий (Маҳситий) унинг тахаллуси бўлиб, “ой юзли” демакдир. 20 ёшигача шаҳарнинг нуфузли фақиҳларидан бўлган отаси хузурида ўз даврининг расмий илмлари ва мусиқа санъатини ўрганади. Хусусан, уд ва чанг чалишда ҳеч ким унинг олдига тушолмаган. Бу орада унинг санъаткорлиги овозаси Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрону Озайбайжонга тарқалади. Отаси вафотидан сўнг тахминан 1118-1119 йилларда Ганжага сафар қилади. Озарбайжон ҳокими Султон Маҳмуд уни ўз саройига даъват этади. Маълум муддатдан кейин у Ганжани тарк этиб, Балх ва Марвга бориб яшайди. Марвда Султон Санжар саройида юқори мартабаларга эришади. Бу ерда у Умар Хайём, Адиб Собир Термизий, Анварий Абивардий, Саид Ҳасан Ғазнавий ва бошқа ўз даврининг машҳур шоирлари билан танишгани нақл қилинади. 1153-1154 йилларда сиёсий нотинчликлар сабабли туғилган шаҳрига қайтмай, яна Ганжага боради ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Унинг “Чоргоҳи Маҳастий” номи билан тузган девони бизгача етиб келмаган. Шоира адабий меросидан 113 рубоий, бир неча ғазал ва баъзи пароканда шеърларгина маълум бўлиб, 1957 йили Техронда девон шаклида нашр этилган¹³¹.

Бухоролик адиб Жавҳарий Заргар Маҳастийнинг муҳаббат достони ҳақида “Амир Аҳмад ва Маҳастий” достонини ёзиб, унда шоиранинг кўплаб рубоийларини келтирган —

¹³⁰ “Озарбайжон адабиёти тарихи”да эса шоира ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолгани, қадим тазкирачиларнинг маълумотларига кўра, шоира Ганжада камбағал бир оилада туғилиб, яхши мусиқашунос бўлиб етишгани, Ганжа хатибининг ўғли Амир Аҳмаднинг машуқаси бўлгани, ҳозиржавоблиги туфайли Ганжа ҳокимлари саройига йўл топгани, халқ ичида истеъдодли шоира сифатида машҳур бўлгани ҳақида маълумот бериллади (Қаранг: Азэрбајҗан эдэбијјаты тарихи. Үч чилддэ. I чилд. — Бақы, 1960. 81-бет).

¹³¹ Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. С. 250; Тожи Усмонон. Бисту се адиба. С. 21—42.

тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг рубойилари шу дoston орқали етиб келган бўлиб, улар орасида сайёр рубойилар ҳам кўпчиликни ташкил этади¹³².

Маҳастий рубойинависликда моҳир бўлиб, замондош шоирлар рубой ёзиш Маҳастийга муносиб бўлди деб лутф этишган, ҳатто рубойининг пири муршиди Умар Хайём унинг рубойиларига юксак баҳо берган экан¹³³.

1

Хусн ичра Маҳастий гўзаллар аро тоқ,
Овозаси кетмиш то Хуросону Ироқ.
Эй Ганжа хатиби¹³⁴ ўғли, Оллоҳ ҳаққи,
Кўп кетма узоқлаб, мен куйдирди фироқ.

2

Эй тонг ели¹³⁵, ҳар мужданг учун жон қурбон:
Сен ул парипайкар кўйдан ўтган он,
“Йўл бўйида Маҳастийни кўрдим, — деб айт, —
Васлинг умидида у берар эрди жон...”

3

Майхонада бут учун салавот¹³⁶ хушдир,
Тутганча қадаҳ қилиш муножот хушдир.
Масжидда риё билан намоз қилмоқдан
Зуннор¹³⁷ билан кўйи харобот¹³⁸ хушдир.

¹³² Бу ҳақда қаранг: Д а в л а т ш о ҳ С а м а р қ а н д и й. “Шоирлар бўстони” (“Тазкират уш-шуаро”дан). Бўриной Аҳмедов таржимаси. — Тошкент, 1981. 57-бет; Б е р т е л ь с Е.Э. История литературы и культуры Ирана. — Москва, 1988. С.277; Р и п к а Я. История персидской и таджикской литературы. — Москва, 1970. С.196-197.

¹³³ Қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. С. 21—24.

¹³⁴ Х а т и б — масжидда жума ва ҳайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом, воиз.

¹³⁵ Т о н г е л и (С а б о) — Шарқ томондан эсадиган ёқимли ва салқин шамол. Тасаввуфда у Оллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. Сабо ошиқнинг оху ноласини Оллоҳга, ўз навбатида, Оллоҳнинг хабарини ошиққа етказди.

¹³⁶ С а л а в о т — ҳамд-сано, мақтов.

¹³⁷ З у н н о р — насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислom мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

¹³⁸ Х а р о б о т — майхона; комил инсон хузур; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

4

Ишқ оламида дил оти султон бўлди,
 Куфру иймон асоси вайрон бўлди.
 Мен ўзим эканман ўз йўлимда тўсиқ,
 Тарк этдим у ўзни йўлим осон бўлди.

5

Дил дардига манзилдир агар танг бўлсин,
 Гул юзига банда ҳар неча ранг бўлсин.
 Кўзим ёшидан айланару тегирмон,
 Тош кўнглига таъсир этмас — аттанг бўлсин!

6

Дарё бўлди кўз ёши — йўқ тинч дамимиз,
 Тоғ ҳам кўтаролмайди бизнинг ғамимиз.
 Бир ҳамдам ҳасратида бу умр ўтди,
 Биз ҳамдам ғамидаю ғам ҳамдамимиз.

7

Шодлик дегани юзи куёши ёрнинг,
 Эл манзилидир кўчаси боши ёрнинг.
 Ул жуфтқи тоқдир — қадду¹³⁹ сояси эмиш,
 Ул тоққи жуфтдир — ўша қоши¹⁴⁰ ёрнинг.

8

Майхонаю ринд бирлиги бўлсин собит,
 Зоҳидлигу зуҳд¹⁴¹ этагига тушсин ўт!
 Майхўр оёғининг остида хор бўлсин
 Кўк рангли у суфу пора-пора совут.

9

Ташналабу ёшимни равон қилди бу ишқ,
 Ғам ўқи билан бедилу жон қилди бу ишқ.
 Ишқ оташи ожиз санади чоғи мени:
 Ўтсам ёнидан ишим фиғон қилди бу ишқ.

¹³⁹ Қ а д (Қ о м а т) — дилнинг ваҳдат оламига юзланиши, илоҳий маҳбубанинг ўзига жалб қилиши.

¹⁴⁰ Қ о ш — илоҳий ва моддий олам чегараси. Пайвасталиги — Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмалиги — сўфий дилидаги нафс ва кибри, узун ва қалинлиги — Ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

¹⁴¹ З у ҳ д — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

10

Мендан тамаи висол қилдингми яна?
Эвоҳ, ҳаваси маҳол қилдингми яна?
Васлимни кўролмасанг-да тушда ҳатто,
Беҳуда ўю хаёл қилдингми яна?

11

Гул теграсини қуршади, афсуски, тикан,
Зоғ лола юзини юлди тумшуғи билан.
Чўғдек лабига зангори рангни берган
Нуқра¹⁴² каби оқ ияги¹⁴³ зулмати экан.

12

Домида ғамингни(нг) хаста йўқдир мендек,
Жавринг аро дилшикаста йўқдир мендек.
Кўп орзу қилувчи ситамингни, аммо,
Бир ёри вафодор иста — йўқдир мендек.

13

Айтиб нима қилдим иштиёфинг ишини,
Не қилганини макру фирофинг ишини.
Зулфингдек узуну қоп-қора тунларда
Ўзинг билан айтишай фирофинг ишини...

14

Ҳар лаҳза булут билан итобда кўраман,
Офтоб нурин излар изтиробда — кўраман.
У қорачиғи бўлса кўзимнинг, нега
Ҳар гал уни сув ичра — азобда кўраман.

15

Кўрдим — кўчада ётар эди масту забун,
Тиз чўқдиму чўздим қўлни ёрдам учун.
Энди ўша кунни эсламас ҳеч, яъни
Йўқ айбию сақлайди бироқ кўнглида кин.

¹⁴² Н у қ р а — кумуш; оқ.

¹⁴³ И я к — бағбақа. Тасаввуфда солиқни абадий чоҳдан зулмат чоҳига соладиган маҳбубанинг қаҳромез итоби.

16

Ёрнинг юзи гулу ёсуман¹⁴⁴ рашки эмиш,
Ҳар гамзаси эл кўнглига оташки эмиш.
Кўрдим кўчада — оби равондек оқади,
Ул оби равон асли кўзим ашки эмиш.

17

Ҳар кеча гамингда минг азоб кўргайман,
Ёш мавжини кўзимда ҳижоб¹⁴⁵ кўргайман.
Кўзинг каби кўзим уйқуга кетса агар,
Сочингдек узун туш беҳисоб кўргайман.

18

Бирга яшаган сурурли тунлар ўтди,
Киприкка дур осганим у кунлар ўтди.
Жон ҳамдамию дилимнинг ороми эдинг,
Кетдинг, неча рози оташинлар ўтди.

19

Аҳдини унинг сустлигини билган эдим,
Узмоқ уни дурустлигини билган эдим.
Қилди охири у барча душманлигини,
Шундай бевафо дўстлигини билган эдим.

20

Заъф¹⁴⁶ ошганидан чунон кета олгайман,
Кўздан яширин — ниҳон кета олгайман.
Кутдим шу қадар — агарда бир оҳ чексам,
Чиққай кўшилиб бу жон... кета олгайман.

21

Офтобга шараф-шонни муқаррар қилдинг,
Зулфинг ила юзингни баробар қилдинг.
Хуш келдингу, эй ҳусн аҳлининг султони,
Бизнинг бу хароботни мунаввар қилдинг.

¹⁴⁴ Ё с у м а н — оқ хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули, ясмин, суман.

¹⁴⁵ Ҳ и ж о б — парда. Тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги монеъликларга ишора қилинади.

¹⁴⁶ З а ъ ф — заифлик, ҳолсизлик, қувватсизлик, хасталик.

22

Ёр сочи таратмаса муаттар ҳидини,
Ел қайдан олар бу мушку анбар ҳидини.
Бўйнимда қўлингни кўрса, ҳатто зоҳид
Шу лаҳза унутар ҳуру кавсар¹⁴⁷ ҳидини.

23

Келганча қўлидан бу фирибгар даврон,
Дил истагича яшашга қўймас бир он.
Этмиш фалак аҳд: қанча ўзи айланса,
Шунча мени ҳам қилар эмиш саргардон.

24

Ёш қиз қариган эрга қарарми асло?
Қасрига — очиқ гўрга қарарми асло?
Кимнинг зулфи мисоли занжир бўлса,
У уйдаги занжирга қарарми асло?

25

Қассобга йиқитишу сўйиш асли хунар,
Сўйди мени ҳам — қилмади зоримга назар.
Бошим оёқ остида ётар — кўрқарман
Овоз чиқаришга, чунки теримни шилар.

26

Эй шоҳ, мендан мадҳу сано басдир, бас,
Бечора заифадан дуо басдир, бас.
Мен ҳўкиз эмасман — менга шоҳ лойиқ эмас,
Сен ҳўкиз эсанг, шоҳи жафо басдир, бас.

27

Бахт отини, эй шоҳ, фалак этди тайёр,
Шоҳлар ичида қилди шаънингни пойдор.
Лой бўлмасин оёғи отингни дея,
Ёғдирди замин узра, қара, оппоқ қор.

¹⁴⁷ К а в с а р — жаннатдаги ҳовуз, булоқ. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.

28

Ўлдирсаю сугурса пичоғин жонон,
Оғзу лабидан шақар тўкилгай шу он.
Бўғзига пичоғини қадаса тақрор,
Ўлганга лаби завқи бағишлайди жон.

29

Дил асли азал келди ғамингга ошён,
Энди то абад унга макон бўлгай жон.
Мен жону дилимни севишимнинг сабаби:
Бор жонда ғамингу дилда доғинг, жонон!

30

Ёғдиргусидир ғаминг булутдан ҳам қон,
У бир заҳару дафъи топилмас ҳеч он.
Ҳар лаҳза ғамингдан минг бир бечора
Бой бергаю дилни, яна топширгай жон.

31

Эй бўлди хижил парию ҳур чеҳрангдан,
Қарз олди қуёш-да ҳатто нур чеҳрангдан.
Биз бир кўриш орзусидадирмиз доим,
Кўз ёши ўзин узоқ билур чеҳрангдан.

32

Соз дарвешу майпарасту ошиқ бўлмоқ,
Ринд аҳли гуруҳига мувофиқ бўлмоқ,
Ё машҳури халқ, маҳбуи Холиқ бўлмоқ,
Ёмон жуда сўфийи¹⁴⁸ мунофиқ бўлмоқ.

33

Тезроқ кела қол, сенга ясатдим хона,
Илдим яна парда — қўрмасин бегона.
Куйган бу кўнгил кабобу кўз ёши шароб,
Интиқ сенга зўр зиёфат, эй жонона!

¹⁴⁸ С ў ф и й — тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

34

Кўзнинг иши кўрмоқлик ёр дийдорин,
Тинмас йиғидан кўролмаса рухсорин,
Дил ҳам қилади ёр ила бор бозорин,
Кўргай сочининг ҳалқаси узра дорин.

35

Дил бозори ҳуш сочи савдоси билан,
Фам шатранжи¹⁴⁹ рухсори зебоси билан.
Доим тутади мени у мот хонасида,
Мот қилгани ҳам ҳуш зеҳни зуккоси билан.

36

Ёш тўкма кўзингдан беҳуда, эй жонон,
Вайрон бу кўнгилни қилма баттар вайрон.
Маъшуқсану маъшуққа йиғи жоиз эмас,
Ошиққа қўй уни — йиғласин беармон.

37

Кўзингни кўзим кўзида бир кўрди-ю бас,
Кўзингни кўзида кўрмай уйқу йўламас.
Дунёдаги барча кўз кўзингдан равшан,
Кўзинг каби кўзим ўзга кўз кўрган эмас.

38

Ошуфтаи¹⁵⁰ хусну жамолинг келди яна,
Бир ташнаю зори висолинг келди яна.
Яса қафасу сеп лутфинг донасини,
Хаста, ярадор куш мисолинг келди яна.

39

Ҳар ғавфо азал кўзлари мастдан келади,
Ё майдану ёки майпарастдан келади.
Белига келади зулфи ўйнаб-ўйнаб,
Юз фитна ўшал ҳийлапарастдан келади.

¹⁴⁹ Ш а т р а н ж — шахмат.

¹⁵⁰ О ш у ф т а — ошиқ, мубтало, гирифтор, девона.

40

Куфр ичра дилинг — сурма юзинг кўп хокка,
Етганда заҳар жонга, не бор тарёкка?¹⁵¹
Нафсинг қулисан — элга мисоли зоҳид
Кўрсатма ўзинг ўраб хирқаи покка.

41

Ёш икки кўзимдан муттасил келгайдир,
Эй бевафо, сени деб бу сел келгайдир.
Кўй хурматини ўрнига бу ёшларнинг,
Дил Каъбасидан бўлиб далил келгайдир.

42

Бир дарвешман майхона кўйида мудом,
Олдимга закотинг¹⁵² хумини кўй батамом.
Мен кофир эмас, бечора сўфий менга ном,
Ҳеч кимга эмасман хўжа, ўзимга гулом.

43

Эй, менда агар минг бир жон бўлса эди,
Ҳар биттаси сенга қурбон бўлса эди.
Дедингки: “Дилинг қолдимикан ҳажримда?”
“Дил бўлса, сеники бегумон бўлса эди”.

44

Кўнглимда агар сиринг ниҳон бўлгай эди,
Кўзимда қачон ёшим равон бўлгай эди.
Бир дилдан эмас, бўлса ниҳон жондан ҳам,
Дам совуғу менда, ранг сомон бўлгай эди.

45

Хавфим шу: юзинг сўйласа зулфинг ила роз,
Рашк ичра дилим куфр ишини этмаса соз.
Мен бандаси бўлдим елнинг, эй шамъи Тироз¹⁵³,
Зулфингни юзингдан олса деб зора у боз¹⁵⁴.

¹⁵¹ Т а р ё к — заҳарни даф қиладиган дори.

¹⁵² З а к о т — ислом динида муҳтожлар фойдаси учун ҳар йили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида бериладиган солиқ.

¹⁵³ Ш а м ъ и Т и р о з — Тироз гўзали. Т и р о з — ҳозирги Жамбул ўрнида бўлган қадимий шаҳар.

¹⁵⁴ Б о з — 1) яна, тагин, қайта.

46

Ишқ дардига жон агарда тутқун бўлади,
Осуда кўнгил остин-устун бўлади.
Билмай нима ёр ризоси бу дунёдан
Ўтмоқлиги дил дарди билан чин бўлади.

47

Бир жисмим бор, дили харобдир унда,
Бир жоним бор, минг бир тобдир унда.
Орзу қиламан сени кўришни туну кун,
Кўзимки, минг чашма шитобдир унда.

48

Қаҳр ила дилим олса-да, сабр этгайман,
Қайтарса яна, олмай уни кетгайман.
Маҳшар кунида дилсиз агар уйғонсам,
Балки унга шу баҳонада етгайман...

49

Ёш ўрнига икки кўздан оққанда қон,
Сув чиқди-ю тошдан, ёш тўқди осмон.
Қон тўқди кўзим сендан кесилган он,
Кесикдан оқар қон — бунга бўлма ҳайрон.

50

Бўстонда кезиб, чекар эдим нола-фигон
Ўз дарду ғамимни(нг) дастидан кеча чунон.
Келди-ю қизил гул, этагин чок этди,
Ашкимга ювиб кўйлагини олди шу он.

51

Бу тоифа майли ишқи жонон этди,
Тунлар йиғидан жойнамозин қон этди.
Ошиқлар ишқ чодирини етти фалак
Тоқидан ўтказгани ҳайрон этди.

52

Ошиқ эли қанча қийналар — тун беҳабар,
Сипқорса балонинг жомидан ёки заҳар.
Ўзига азоб тутса ниҳон сирларини,
Гап-сўзга қолар салгина фош этса агар.

53

Бўлсанг-да агар тош узра гул, эй соқий,
Ўлим сели топгай сенга йўл, эй соқий.
Хокдир бу жаҳон, созингни чал, эй машшоқ,
Елдир бу нафас, май қуйгил, эй соқий.

54

Боғлайди қўлинг қўлимни юз ҳийла билан,
Зулфинг эса бутпараст учун мисли расан¹⁵⁵.
Тонг чоғида наргис¹⁵⁶ каби маст икки кўзинг
Маст ўрнига ҳушёрни асир айлар экан.

55

Зулмат кечаларда чекмадинг ғам яширин,
Жисминг-да азобда бўлмади қил¹⁵⁷ каби чин,
Сен ошиқ эмассан — ишққа келма яқин,
Маълум эмас ошиқ қадрни сенга тайин.

56

Икки кўзи қон тўкару дил пора қилар,
Қўш кокили ишқ аҳлини оввора қилар.
Ҳақдан етишиб кўнглига шафқат зора
Ошиқлари дардига бирор чора қилар.

57

Ҳар кимки қаландарлик¹⁵⁸ учун майл этмас,
Майхонага ҳеч қачон оёғи етмас.
Бошидан кечган мардлар жойи бу жой,
Жон ўйнамайин бу жойга келган кетмас.

¹⁵⁵ Р а с а н — 1) ип, арқон; 2) соч ўрами.

¹⁵⁶ Н а р г и с — бўтакўз; мажозан: маъшуқанинг кўзи. Тасаввуфда амал орқали қўлга киритиладиган илмнинг натижасидан шоду хуррамлик сифатида тушунилади.

¹⁵⁷ Тасаввуф шеърлятида қил, хас, чўп, сомон, барг тимсолларига кўп дуч келамиз. Ошиқнинг ишқ дардида ўртана-ўртана ориқлаб кетиши — сомон, хас, барг, чўп, ҳатто қил даражасига келиши тасаввуфда асосий шарт. Фақат шундагина илоҳий ишқ чақмоғи чақиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади.

¹⁵⁸ Қ а л а н д а р — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солиқ; 3) қаландария тариқати аъзоси.

58

Қўзимдан булут каби ёғдирса-да нам,
Ўхшайди гаминг худди ўзингга жуда ҳам.
Ҳар қанча ўт-оташида куйдирса-да кам,
Гамгин бўламан агарда тарк этса бу гам.

59

Ҳар лаҳза гаминг хастаю зорга етади,
Зулминг тиғи ошиқ дилини чок этади.
Қасд этма ҳадеб қатлига ошиқларнинг,
Бир кун зарари ўзингга етса нетади?!

60

Ўтган куни наргис қўли елдан синди,
Бинафшани(нг) барги кеча ерга инди,
Гулсапсар эса сўлиди бугун — тинди,
Қалқон ясар эрта гул ўтидан энди...

АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ

(1103 – 1179)

Мусулмон Шарқида машҳур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний бошланғич таълимни Гиждувонда олиб, 9 ёшидаёқ Куръони каримни ёд билган, 10 ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган. Кейин таҳсилни Бухоро шаҳрининг машҳур мадрасаларида давом эттиради. Бу ерда у Имом Садриддин деган замонасининг етук аломасидан тафсир илмини мукаммал ўрганadi. Бир куни у ўз устозидан хуфия зикр (яширин зикр, дил зикри) ҳақида сўрайди. Устози унга бу илоҳий илм бўлиб, уни Худонинг ўзи хоҳлаган бандаларига ўргатишини айтади. Бу суҳбатдан бир неча муддат ўтгач, Хизр алайҳиссалом келиб, Абдулхолиқ Гиждувонийга хуфия зикрдан таълим беради ва уни фарзандликка қабул қилади.

Абдулхолиқ 22 ёшида Бухорога келган ўша даврнинг донгдор шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга шогирд тушади. Хожаи Хизр унинг сабоқ пири бўлса, Хожа Юсуф суҳбат ва хирқа пирига айланади. Юсуф Ҳамадоний Хуросонга қайтиб кетгунига қадар у буюк зотнинг хизматмулозаматида бўлиб, хожагон тариқатининг усулларини мукаммал эгаллайди (хожагон тариқатини гарчанд Хожа Абдулхолиқ асослаган бўлса-да, унинг илк уруғлари Хожа Юсуф томонидан ташланган) ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тасаввуф олимига айланади.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тасаввуф тарихидаги буюк хизмати янги бир тариқатга асос солгани билангина белгиланмайди. Хожагон тариқати воситасида у умуман тариқатни Муҳаммад пайғамбар суннатига мувофиқлаштирди, уни турли бидъатлар ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантирди. Тар-

кидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Оллоҳ муҳаббати деб дунёдан кечмасликка даъват қилди. Луқма ҳалоллиги – ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериб машҳур бўлган “Дил ба ёру даст ба кор!” – “Кўнглинг ёрдаю қўлинг ишда бўлсин!” шиори ҳам гоё сифатида дастлаб Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан илгари сурилганлиги бежиз эмас. Абдулхолиқ Гиждувоний руҳидан тарбия топган ва нақшбандия силсиласига асос солган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу шиорни ўз тариқатининг асосий қоидаси қилиб олган (Воқеан, нақшбандиянинг ўзи ҳам хожагон силсиласидан ўсиб чиққан бўлиб, хожагон-нақшбандия деб юритилади ва Абдулхолиқ Гиждувоний унинг бошловчиси (сарҳалқаи силсила) ҳисобланади). Хожагон-нақшбандиянинг реал ҳаётий шарт-шароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланганлиги унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканлигидан далолат беради. Шариат андозасига солинган, бидъат ва нуқсонлардан холи Абдулхолиқ Гиждувоний йўлининг асрлар давомида тариқатда ҳужжат ва барча гуруҳларда мақбул, деб эътироф этиб келинаётгани ва Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, ҳатто Шимолӣ Африкада кенг тарқалган хожагон-нақшбандия тариқатининг ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатаётганлигининг сабаблари шунда.

Хожалар аҳлининг хожаси Абдулхолиқ Гиждувоний қабри Гиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний тасаввуф оламида машҳур кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирган. Унинг вафотидан кейин хожагон тариқати Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз замонасининг донгдор шайхлари томонидан давом эттирилган ва кенг шўрат қозонган.

Абдулхолиқ Гиждувоний ўз таълимотини ваъзалари орқали тарғиб қилиш билан кифояланмай, бир қатор рисолалар ҳам ёзган. “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”), “Рисолаи соҳибия” (“Дўстлик рисоласи”), “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” (“Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг баъзи сўзлари”), “Рисолаи шайх уш-шуюх Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний” (“Шайхлар шайхи Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний”)¹⁵⁹ асарлари шулар жумласидандир. У гўзал сўфиёна рубоийлар ижодкори сифатида ҳам маълум ва машҳур. Лекин авлиё шоирнинг бадиий ижод намуналари бизгача деярли етиб келмаган. Биз турли манбалардан унинг 25 та рубоийсини топиб, ўзбек тилига таржима қилдик. Улар мусулмон Шарқда машҳур тариқат шайхининг шеърий салоҳияти ҳам юксаклиги, мана мен деган сўз санъаткорлари муқобилига қўядиган рубоийлар яратганлигини кўрсатади.

1

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,
Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай,
Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

2

Дунё гамидан ҳар киши холи бўлгай,
Унга бу жаҳон зарра мисоли бўлгай.
Ҳақ берганини халққа ато айласа ким,
Олам элининг соҳибкамоли бўлгай.

3

Поклашга агар дилингни машғул бўласан,
Одону муомалада маъқул бўласан.
Боқ яхши-ёмонга раҳмат кўзи билан,
Ҳақ наздида шояд энг суюк қул бўласан!

¹⁵⁹ Бу рисола С.Рафиддин ва Н.Ҳасанлар таржимасида нашр этилди (Қаранг: Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. — Тошкент, 2003).

4

Инсонга гўзал хулқи эмиш ҳусну жамол,
Топгай у гўзал хулқи билан фазлу камол.
Ҳақ раҳматига агар етишмоқ тиласанг,
Шарти шуки: хулқингни мукамал қила қол!

5

Ҳақ толиби, Ҳақ томонга юзлан мудом,
Илм изла сафо¹⁶⁰ йўлида, излан мудом.
Бўлмоқ тиласанг агар маърифат соҳиби,
Ҳақ тақдирига қўну азизлан мудом.

6

Хоҳлар бўлсанг, Ҳақ ўзи ёринг бўлгай,
Ҳар ранжу гамингда гамгусоринг¹⁶¹ бўлгай,
Ҳақ фармонидан ташқари ҳеч қўйма қадам,
Ҳақ лутф ила шояд мададкоринг бўлгай!

7

Оллоҳга башар қисмати бошдан маълум,
Ризқ устида фикр этма, бу фикринг — мавҳум.
Ризқ излаб чопма то буюрмай қисмат,
Ризқ асли азалдан қилинган тақсим.

8

Ёп айбу гуноҳини ҳар одамини,
Дунё ғамини ўйлама, чек дил ғамини.
Оллоҳ ризоси талабида бўлсанг,
Қўй дардига халқни яхши хулқ малҳамини.

9

Очмай сира оғзингни кула олсанг соз!
Қўзсиз яна дунёни кўра олсанг соз!
Ўлтир-да, сафар айла, оёқ заҳматисиз —
Ер куррасини агар кеза олсанг соз!¹⁶²

¹⁶⁰ С а ф о — риёзат чекиш натижасида дилнинг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.

¹⁶¹ Г а м г у с о р — ғамни кетказувчи, кўнглини очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

¹⁶² Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

10

Эй пок сўфий, қилсанг агар майли самоъ¹⁶³,
Бил, келтиради самоъ нифоқ бирла низо.
Бас, пок бўлайин, десанг, самоъни тарк эт,
Ёинки, дилинг ҳаётига айла видо.

11

Майл этма самоъга, қилмагин ҳам инкор,
Сен танла шу йўлни, бўлса кўнглинг бедор.
Нафсинг ҳали ўлмай, сени қилса безор,
Қил рўза-намоз, бошқасидан кеч зинҳор.

12

Биз дўстга муборакмизу душманга-чи — шум,
Жанг чоғида темирмизу сулҳ онида мум.
Ғиждувон тоғи этаги бизга макон,
Лек ҳукмимиз остида эрур ҳаттоки Рум¹⁶⁴.

13

Токайгача ишқингда, санам, ғам чекаман?
Тоғдек бу улуғ ғамни дамодам чекаман?
Дил олгучи гар сенсану дил бергучи — мен,
Юз ғам чекаман кўйингда, минг ғам чекаман!

14

Бир ёрки, унинг номидан ишқ ёғилади,
Ҳар номаю пайғомидан ишқ ёғилади.
Ким кўчасидан ўтса — у ошиқ бўлади,
Гўё эшигу томидан ишқ ёғилади.

15

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,
Қўлингки, тугар экан, саховат айла.
Ўз ҳосилини ўзи ўрар ҳар кимса,
Бас, парвариши учун риёзат¹⁶⁵ айла.

¹⁶³ Самоъ — эшитиш, тинглаш. Сўфийларнинг важду ҳолга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр мажлислари, кўшиқ ва рақс базмлари.

¹⁶⁴ Ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари Рум деб аталган.

¹⁶⁵ Риёзат — ранж, машаққат; ўз вужудини қийноққа солиш. Тариқатга кирган солиқнинг камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш йўлида чекадиган машаққатлари, ранжу изтироблари.

16

Эй баҳри улумга¹⁶⁶ ёт, макони — соҳил,
Баҳр ичра фароғат, соҳил — душмани дил.
Ҳар икки жаҳонни(нг) мавжидан маст ўлма,
Ҳар икки нафасда қолма баҳрдан гофил.

17

Бир лаҳза тилим тин олмасин шукрингдан,
Бир лаҳза дилим тўхтамасин фикрингдан.
Ҳар узви қулоққа айланар жисмимнинг
Ҳар қайда сўз очсалар сенинг зикрингдан.

18

Зикр¹⁶⁷ етса кўнгилга, у тамом дард бўлгай,
Ул зикр туфайли мардлар фард¹⁶⁸ бўлгай.
Оташда агарчи хосият кўп, аммо
Кўнглингда сенинг икки жаҳон сард¹⁶⁹ бўлгай¹⁷⁰.

19

Бу жилваю¹⁷¹ нозки, у дилафрўз қилгай,
Ошиқ балодан не хилда парҳез қилгай?
Гар таъна ели этса қулоғимни батанг,
Кўнглимдаги ишқ оташини тез қилгай.

20

Дарвеш дараю тоғ аро манзил тутади,
Ҳар лаҳза бу жойдан шеру йўлбарс ўтади.
Бор сафда улуғ пиру сара мардларимиз,
Ким бизга ғанимдир — уни ўлим кутади.

¹⁶⁶ Баҳри улум — илм денгизи, маърифат денгизи.

¹⁶⁷ Зикр — тасаввуфда Худони ёдга олиш билан боғлиқ маросим. Зикр икки хил бўлади: овоз чиқариб (жаҳрий) ва овоз чиқармай (хафий) зикр қилиш. Ўрта Осиёда овоз чиқариб зикр тушиш кенг тарқалган. Сўфийлар учун зикр тушишдан асосий мақсад Оллоҳга яқинлашишдан иборат.

¹⁶⁸ Фард — 1) ёлғиз, якка, танҳо; 2) маҳрум, бенасиб.

¹⁶⁹ Сард — совуқ.

¹⁷⁰ Бу рубойи Хожа Али Ромитанийга ҳам нисбат берилди.

¹⁷¹ Жилва — солики ориф дилида порлаб, уни волаю шайдо этадиган нур.

21

Бизнинг сафимизга киру асло чўчима,
Ёр эшиги гарди бўлу аммо чўчима.
Кўзғолса-да қасдингга агар жумла жаҳон,
Ҳеч нарсага сен қилмаю парво, чўчима¹⁷².

22

Бир юртки, бутун тупроғи анбарсоро¹⁷³,
Тонг қотғуси кўрса уни Хисрав¹⁷⁴, Доро¹⁷⁵.
Ёр юзини уч марта кезиб чиқдим мен,
Билдим: латифу шариф замин — Бухоро!

23

Шуҳрат нони бирла нафс итин шод этма,
Халқ ичра бўлар-бўлмас ўзинг ёд этма.
Камтар бўл — ўзингни қилайин деб машхур
Бой берма динингни яна, барбод этма!

24

Ёмон кишиларга бўлма ҳеч ҳамсуҳбат,
Пок номинг улар булгагай айлаб ғийбат.
Ҳар қанча улуғ бўлса-да, офтобни қара,
Бир парча булут бошига солгай зулмат.

25

Ким Ғиждувон келиб зиёрат қилса,
Жаннатга кирар гўёки у, гар билса!
Тонг йўқ, Расулulloҳ мазорининг бўйи
Хожаи жаҳоннинг мазоридан келса!¹⁷⁶

¹⁷² Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорийга ҳам нисбат берилади.

¹⁷³ Анбарсоро (Анбари соро) — тоза, асл анбар.

¹⁷⁴ Хисрав — қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ Хисрав Парвез.

¹⁷⁵ Доро (Доро III) — Эрондаги аҳамонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори (вафоти — милоддан аввалги 330).

¹⁷⁶ Кўпни кўрган кексаларнинг айтишларича, қадимда Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний мақбарасининг пештоқига ушбу рубоий дарж қилинган экан (Бу ҳақда қаранг: Б у х о р и й С.С. Икки юз етмиш етти пир. — Бухоро, 2006. 124—125-бетлар).

АСИРИДДИН АХСИКАТИЙ

(1108-10 — 1196-98)

Ахсикатлик машхур форсийзабон шоир Абулфазл Муҳаммад ибн Тоҳир Асириддин Ахсикатий бошланғич маълумотни Фарғонада олиб, Балх, Ҳирот ва Марв мадрасаларида таҳсилани камолга етказди — риёзиёт¹⁷⁷, тиб, кимё, нуҷум¹⁷⁸, ҳайъат¹⁷⁹, фалсафа, сарфу наҳв¹⁸⁰ каби ўз даврининг барча асосий илмларини ўрганади. Сиёсий нотинчликлар туфайли Ироққа кетишга мажбур бўлади. Арслон ибн Тўғрал ва Қизил Арслон саройларида хизмат қилиб, уларга қасидалар бағишлайди, Қизил Арслон саройининг малик уш-шуароси даражасига кўтарилади. Лекин куфрда айбланиб саройдан бадарға қилинган, шоҳлар хизматию мадҳидан қўл ювиб, узлатга чекинади. Жанубий Озарбайжоннинг Халхол шаҳрида вафот этади.

Асириддин Ахсикатийдан 120 қасида, 220 ғазал, 80 қитъа, 80 рубоий, 4 таркиббанд ва таржиъбанд, 24 фардни ўз ичига олган 8 минг байт ҳажмидаги бир девон етиб келган. Улвий Коший томонидан кўчирилган ушбу девон Лондоннинг “Индиа Оффис” кутубхонасида сақланади. Берлин, Эрон, Ҳиндистон ва Душанбеда ҳам унинг нусхалари мавжуд. Ироқ ва Хуросон услубларида ижод қилган. Давлатшоҳ Самарқандий унинг фозил киши бўлиб, донишмандона сўз айтиши, маъно дарёсининг ғаввоси эканлиги ҳақида маълумот беради¹⁸¹.

¹⁷⁷ Р и ё з и ё т — ҳисоб илми, математика.

¹⁷⁸ Н у ж у м — юлдузлар. Илми нуҷум — юлдузлар ҳаракатини ўрганадиган фан, астрология.

¹⁷⁹ Ҳ а й ъ а т — астрономия.

¹⁸⁰ С а р ф у н а ҳ в — морфология ва синтаксис.

¹⁸¹ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 184; Ҳ и д о я т И. Дебоча // А с и р и д д и н и А х с и к а т и й. Девон. — Душанбе, 1989. С. 3—8; Ҳ о м и д и й Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. — Тошкент, 1999. 122—125-бетлар; Д а в л а т ш о ҳ С а м а р қ а н д и й. Шоирлар бўстони. 58—59-бетлар.

1

Гар поклигимизга рашк этар ҳатто малак,
Гар мардлигимизнинг олдида дев-да ҳалак,
Иймонни ўлим эшигига соғ этсак,
Чаптастлигимиз алқаса арзийди фалак.

2

Оқил биз учун шу дили девонамиз-ей¹⁸²,
Дард оти жаҳонда борки, ҳамхонамиз-ей.
Ҳар дардки, жаҳон кўзасидан тўкилади,
Лиммо-лим унга ҳамиша паймонамиз-ей.

3

Сендан нима етмасин, ишим фарёддир,
Сенда дилу жон мамлакати ободдир.
Қаҳринг билан эсса, бод ҳам тўфондир,
Меҳринг билан эсса, тўфон ҳам боддир.

4

Тўзон йўли устида чироғинг, эй ёр,
Кўрқарман ўчиб, тугар фароғинг¹⁸³, эй ёр.
Куйган жигарим ҳиди жаҳонни тутди,
Сезмайсан — битганми димоғинг, эй ёр?!¹⁸⁴

5

Ҳайҳотки, бу хил ҳаётга бўлмайти чидаб,
Дард олгучи дўст топмадим атрофга қараб.
Ҳар қанча замон чўнтагини ахтардим,
Бир дона вафо тангаси қолмабди, ажаб...

6

Тақдир нима қилмоқчи эса, қилди ниҳон,
Ҳоҳ дастидан андуҳ чек унинг, хоҳи қувон.
Ўзгартирмас битганини у бегумон,
Бас, беҳуда гам чекишда йўқ фойда, инон.

¹⁸² Девона — ишққа ошиғу ҳайрону саргашта бўлган ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мағлубияти ҳам девоналик дейилади.

¹⁸³ Фароғ — ором, роҳат, осудалик.

¹⁸⁴ Абу Абдулло Рудакийда ҳам шунга ўхшаш мазмундаги рубоий мавжуд.

7

Дилдан сенинг ишқинг сира чиқмас осон,
Жон нархига олганни берайми арзон?
Сендан кеча олмайман, чунки ишқинг
Кирган менга сут билан, чиқар берсам жон.

8

Бандингда дил, эй бевафо, не қилса бўлар?
Юзингга сенинг мубтало, не қилса бўлар?
Ҳар икки жаҳон бахтини таклиф этдик,
У боқмади аммо қиё, не қилса бўлар?

9

Кунлар бари бўлди тун фироғи ғамидан,
“Ё Раб!” эди сўз бутун фироғи ғамидан,
Жон сабри тўлиб секин фироғи ғамидан,
Келди лабга бу кун фироғи ғамидан.

10

Дилбар юзи бўлмаса баҳорда йўлдош,
Дил ғам чекару кўзим тўкар ҳар дам ёш.
Кўк, майса эмас, боғни булут қопласин-ей,
Ундан ёмғир ўрнига тош ёғсин, тош!

11

Уйқумда кеча ҳамнафаси ёр бўлдим,
Бир дам у билан маҳрами асрор бўлдим.
Шодликдан сурганим юзим сўнг, аммо,
Ёр юзи эди, сабабки, бедор бўлдим.

12

Қайтармаса кўнглимни шикоят қиламан,
Маълум-ку шикоят нега ғоят қиламан?
Менга нима қилган бўлса, барчасини
Бир бошдан бирма-бир ҳикоят қиламан.

13

Ким жонини севса, етмагай жононга,
Чумоли билан ўтирса Сулаймонга¹⁸⁵.
Поёнига етмас ғам ила бу қисса,
То қиссадан аввал етмаса поёнга.

14

Йилларки, узилган оёғим тупроқдан,
Озод дилим ишқ отлиғ дарду доғдан.
Дил бултур ҳурлар ишқидан қилди зиён,
Ҳар йил янги дил топаман қай ёқдан?!

15

Маҳқумни қазо ҳукмига банда дейишар,
Ҳукм ёстиғига қачон ўлтирғизишар?
Ҳеч ранжима айланмаса комингча¹⁸⁶ фалак,
Ул ҳам юрар уни қандай юргизишар.

16

Ёр бир кеча бош қўйган эди болишга —
Менинг билан, энди қолди иш нолишга.
Бир йил мени куттирган бир тунлик васл,
Келгин яна муштоқ кўнглим олишга.

17

Мен то у муаттар сочдан тушдим узоқ,
Кўнглим ўтидан кўзимда ёш бўлди булоқ.
Мактубга¹⁸⁷ тўкар дардини қайтган бахтим,
Дийдорини тушда кўради қилса сўроқ.

¹⁸⁵ Сулаймон — шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми — Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш қилинган. Бу узук восита-сида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

¹⁸⁶ Ком — 1) оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак.

¹⁸⁷ Мактуб — хат, нома. Тасаввуфда маҳбуи ҳақиқий билан ғойибона сирлашув.

18

Лаълингда кўрар давосини ҳар хаста,
Офтоб ҳарорат ичра, фалак саргашта.
Кун зарра юзинг шуъласидан қарз олса,
Маъшаргача тун кўйлагидир оташда.

19

Бизнинг қусуру хатолар олам-олам,
Ишқ ичра яна маҳруму ожизмиз ҳам.
Шунга қарамай, дилдаги мақсад сенсан,
Йўқ узримиз аммо, бор экансан, эркам!

20

Ошиқни адо қилишингга бердим тан,
Ҳажринг билан ўлдиришингга қойилман.
Ё кеткизади яна ўзимдан бу фалак,
Ё бир оҳ уриб, сенга яна восилман.

21

Ҳажрингга касаллик мени ҳеч қўйган эмас,
Дард ошса, давога бежиз эл йўйган эмас.
Сен жони жаҳоннинг у сен бирла ҳаёт,
Бас, жонидан асло бу жаҳон тўйган эмас.

22

Қалбингда маърифатдан йўқ нур нега?
Юзингда бурун мисоли бир гўр нега?
Сен иблис агарда бўлмасанг, эй ярамас,
Тўғриси айт: чап кўзинг кўр нега?

23

Бир дил нима қилсин — минг оҳ-зор қилди,
Қон бўлди-ю, дардингга ўзин ёр қилди.
Дардинг яширишга қўп уринди, аммо,
Куйган жигар иси барин ошкор қилди.

24

Иш жабру жафонг туфайли жонга етди,
Ҳижрон пичоғи устухонга етди.
Гар нолаю оҳим бу жаҳонни тутмас,
Кўнглимдан чиқди-ю, забонга етди.

25

Ошиқлик майини то симирдим ғамидан,
Кўрдим, не бало ўйлаган эрдим ғамидан,
Жонга етдим — чўзиб не дердим ғамидан,
Эй, яхшиси сўзламай не кўрдим ғамидан.

26

Бу олиймақом чарх сенинг тенгинг эмас,
Ёлгончи бу дарё ёқаю енгинг эмас,
Ҳар қанча назар сол давлат кўйлагига
Мос барчанинг эгнию сенинг эгнинг эмас.

27

Кўнглимда менинг азобу ғамлар кўпдир,
Тоғдан оғир дарду аламлар кўпдир.
Дил-ку кўтарар битта ғамингни, аммо,
Ғам шундаки, кўйинг аро ғамлар кўпдир.

28

Мактуб битишим билиб, шод бўлди қалам,
Кўзим ёши йўл бермади аммо сира ҳам,
Муштоқ бу дилим аҳволи шундайки, санам,
Битмоққа уни қалам-да ожиз чинакам.

29

Пайваста лабинг бир-бирига мос жуда ҳам,
Боқсанг-чи, унинг жойи-да мўъжаз бирам.
Мушк исли бу нуқта на бору на адам¹⁸⁸,
Доирага сиғмай четда қолди, санам.

30

Ғар фикру тасаввури бепоён бўлгай,
Инсонга сўз айтиш шунча осон бўлгай.
Йўл топса, бунинг устига, даргоҳингга,
У мартабада мисли Сулаймон бўлгай.

¹⁸⁸ Адам — йўқ, йўқлик.

31

Дил дилбарим ишқида мудом дам уради,
Ҳар қайда эшик ҳалқасини ҳам уради.
Ул шаҳду шакар лаб ғамида мисли чивин
Йиғлаб қўлини бошига ҳар дам уради.

32

Хоки қадаминг қуёш нурин учиради,
Жамшид¹⁸⁹ кулоҳин¹⁹⁰ кучли елинг ўчиради.
Чавгонинг¹⁹¹ қабулига эришган ҳар қўл
Дунёда ўшал умид гўйини¹⁹² уради.

33

Берди додини хатинг вафодорликнинг,
Соч савдосидир боиси бедорликнинг.
Қолди лабининг теграсида уйқу ҳам,
Ҳажринг берди хатини безорликнинг.

34

Ул сарви равон яна чаманга келди,
Ташлаб кетган жон яна танга келди.
Кундузги йиғию тунги оҳ қилди асар —
Давлат назар айлади-ю, манга келди.

35

Бир меҳрибон дил сенга берибди Худо,
Кошки ундан баҳра топса бу гадо.
Яхшисану гўзалсану ҳам жозибали,
Сенда йўғи бу жаҳонда биргина вафо.

36

Менман бу кечаю яна сарв қадли санам,
Ширин лабидан май-да асал бўлди бу дам.
Эй тун, минг ишинг бўлса-да, тўхта, кетма,
Эй тонг, минг шод эсанг-да, кулма сира ҳам.

¹⁸⁹ Ж а м ш и д — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи.

¹⁹⁰ К у л о ҳ — бош кийим, асосан дарвешу қаландарлар киядиган учли қалпоқ.

¹⁹¹ Ч а в г о н — “от тўпи” ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ.

¹⁹² Г ў й — чавгон ўйинида ўйналадиган тўп.

37

Юз пора вужудни улаб, тикдилар-ей,
Токи бу гўзал шаклингни чекдилар-ей.
Субҳоноллоҳ, бошдан-оёғингга қадар
Менинг орзум қолипига тўкдилар-ей.

38

Шаккар шохида лаълингдан дур пайдо,
Чехрамда юзинг куёшидан зар пайдо.
Мавж уммони ақиқи, яъни кўзда
Лутфу караминг қилди гавҳар пайдо.

39

Менга у малак ҳажри агар этгусидир,
Кунлар оҳу тунлар йиғи ёр этгусидир.
Кўз сендан узоқда шунча ёш тўккайким,
Осмон ундан қайиқ миниб ўтгусидир.

40

Ошуфтаи ул покиза хотир бизмиз,
Девонаи ул кўзлари соҳир¹⁹³ бизмиз.
Бизнинг дилимизда сен фақат, аммо сенинг
Кўнглингда ҳеч бўлмагувчи зоҳир бизмиз.

41

Кўнглиму кўзим туфайли, эй шамъи Чигил¹⁹⁴,
Шамдек ўту сув ичра тутарман манзил.
Оҳ, қолмади дилда жону жонда макон
Юзингни кўриш орзусида, эй тошдил!

42

Кечам бугунимга рашк эгар — аломате,
Мен жону дилу ақл — кимман ниҳоят?
Қилсам сенга кимлигимни гар ҳикояте,
Сўз султони — Асириддин Ахсикатий!

¹⁹³ Соҳир — сеҳргар.

¹⁹⁴ Шамъи Чигил — Чигил гўзали. Чигил — қадимги туркий қабилалардан бирининг номи. Чигил қизлари ўз гўзалликлари билан машҳур бўлишган.

43

Дил ўзга гўзал деб урмаса, мен не қилай?
Бўлакни ғамингда сўрмаса, мен не қилай?
Ҳар икки кўзим бугун сени кўргайдир,
Эртага агарда кўрмаса, мен не қилай?

44

Келтирдим узоқдан хафа дилни зўрга,
Солдим уни минг йиғласа ҳам мен зўрга.
Кутқарган эдим илгари кофир қўлидан,
Келтирдим оёғи билан энди гўрга.

45

Ҳусн аҳли хаёлини дилингдан ҳайда,
Бу тоифада меҳр, одамийлик қайда?
Ўтказма ниҳолни мевасиз бўлса агар,
Кеч бевафо дилдордан ҳам шундай-да.

46

Кўзимдан оқар ҳамиша ҳажрингда қон,
Бахтимни(нг) қуёши-да тубанлар ҳар он.
Кўз ёши билан бирга юзинг акси ҳам
Тарк айламасин деб кўрқарман, жонон.

47

“Ботқоқда яшардим, — деди най, — дил эди чоқ,
Бошимни ҳавас туфайли кесишди бироқ.
Пуфлашса, қўшиб ғамимни нола чекаман,
Маъзур тут агарда йиғласам шундан узоқ”¹⁹⁵.

48

Гоҳ филга чумолини бало айларсан,
Гоҳ пашша қанотидан хумо¹⁹⁶ айларсан.
Юз косасини чил-чил этиб Кисронинг¹⁹⁷,
Бир кўза гадо учун бино айларсан.

¹⁹⁵ Жалолиддин Румийда ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

¹⁹⁶ Х у м о — кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилиналган афсонавий давлат куши.

¹⁹⁷ К и с р о — Хисрав исмининг арабча шакли. Х и с р а в (I) — Анушервоннинг лақаби. А н у ш е р в о н — одиллиги билан ном чиқарган сосонийлар сулоласидач бўлган Эрон шоҳи. У Шарқ халқлари орасида адолат тимсолига айланиб кетган.

49

Мен сендан узоқ тунлару сен ўзгага ёр,
Мен сенгаю сен ўзга бировга харидор.
То тонгга қадар менга гаминг ҳамёстиқ,
Сен бўлса биров оғушида бахтиёр.

50

Тўлди ситамингга бу жаҳон, эй жонон,
Қўрдиму юзингни бўла қолдим ҳайрон.
Солди-ю тавоққа ойни, пешкаш¹⁹⁸ қилди
Қошингда сезиб ўзини ожиз осмон.

51

Кетдингу ёнимдан, эй кўзимнинг нури,
Ҳажрингда асир қилди жунун¹⁹⁹ занжири.
Сен соғу саломат яна келсанг кўрасан:
Хилват, гаму танҳолик — фақир тақдири.

52

Ҳамкосанг экан менинг каби сарвари май,
Қорундек²⁰⁰ этар бой сени ҳам гавҳари май.
Дил биттаю гам лашкарининг-чи, чеки йўқ,
Бечорага ёрдам беради соғари²⁰¹ май.

53

Ўтган кеча мен эдиму ул нуқрабадан²⁰²,
Бор айшу сафо асбоби ёнимда экан.
Тонг отди-ю, кетди тўзғиб барчаси ҳам,
Қолдим бир этак тўла жигар қони билан²⁰³.

¹⁹⁸ П е ш к а ш — тортиқ, инъом, эҳсон.

¹⁹⁹ Ж у н у н — ошиқлик, беқарорлик, савдойилик. Тасаввуфда мастликнинг интиҳосию дарвешликнинг ибтидоси. Ишқда ўзидан беҳабарлик.

²⁰⁰ Қ о р у н — Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳал-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

²⁰¹ С о ғ а р — май ичадиган идиш, пиёла, жом, қалаҳ. Тасаввуфда ғайб сирларини мушоҳада қиладиган орифнинг қалби. Мастлик ва шавқни ҳам соғардан тилайдилар.

²⁰² Н у қ р а б а д а н — кумушбадан, оқбадан, гўзал.

²⁰³ Бу рубойи Камолиддин Исмоилга ҳам нисбат берилди.

54

Дил уйи хувилламай ўзингни қутқар,
Кибрингни йўқот, ниёзни ҳаддан ўтқар.
Ишқ — устоз эмиш: ҳузурига юксалсанг,
Ҳол²⁰⁴ тилида қолганини ўзи айтар.

55

Маҳшарга қадар ўшал шакар тергайдир,
Кимки қадами гардин агар тергайдир.
Ширин лабидан кимга табассум қилса,
Маҳшарга қадар ўшал шакар тергайдир.

56

Гавҳар ёгилар гўё кўлингдан, эй ёр,
Дарёдек этар мудом саховат ошқор.
Мавж урганидек худди шамолдан денгиз,
Шояд самоъ шавқи унга ҳам қилгай кор...

57

Мадҳ этган эдим, бошга бало сочилди,
Ҳажв этган эдим, барча йўлим очилди.
Мадҳ истама, кўрдингни бу шеър растасида
Ҳажвингни қилиб, мадҳингдан қочилди.

58

Ҳеч ким сиридан бировни наф кўрмади, бас,
Шод бўлма бировнинг ғамидан ҳеч нафас.
Яхши билар яхши кишилар яхши эмас
Бўлмоқ ризо қилганга ёмон ишни ҳавас.

59

Ишқингда кўйлагимни чок-чок қилдим,
Кўйлак каби бағримни-да асли тилдим.
Бошимни чиқардим кўйлак ёқасидан
Мен ёқа, этак фарқини қайдан билдим?..

²⁰⁴ Ҳ о л — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида солиқнинг пок қалбида порлаб, уни рўқий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

60

Эй тонг ели, етказ ўша дилбарга салом,
Васлинг майидан, дегил, рақиб топди-ку ком.
Оҳ чексину учсин лабидан ушбу калом:
“Қайда эдинг — умрим кунини қоплади шом”.

61

То нозли санамнинг шўху шанг кўзлари бор,
Мушкин²⁰⁵ сочининг куфри олар сабру қарор,
Дардида яримга дилу жон соҳибимиз,
Тутгаймиз уларни сулху жанги дея ёр.

62

Пайваста²⁰⁶ эди унгаю дил, бўлди жудо,
Бўлгайми тириклик сенсиз жонга раво?
Қолди дилим ундан, йўқ-йўқ, ушбу ғалат,
Дилнинг ўзи бўлмаса, нима қолгуси, о?!

63

Жон олгучи лаълингдан лутф эт охир,
Ё тилда бақо тоқига сен ет охир.
Идроку ҳушинг бўлмаса, кўрганда мени
Дейсан адашиб: “Бу сенмисан, кет охир”.

64

Эй тупроқ, кондек бой бағринг бордир,
Бағрингда азиз гавҳар бемикдордир.
Кўлини қиёматда бўшатмайсан сен,
Билмайсан агар сенга ўзи ким ёрдир?..

65

Ҳеч фойдаси йўқ жондан афзалсан ўзинг,
Бу дили бейймондан афзалсан ўзинг,
Кўздан — аксингга кондан афзалсан ўзинг,
Кўрдим: жумла жаҳондан афзалсан ўзинг.

²⁰⁵ М у ш к и н — мушк ҳидли, хушбўй, муаттар.

²⁰⁶ П а й в а с т а — бу ерда: боғланган, уланган, туташ.

ФАХРИДДИН РОЗИЙ

(1149 – 1209)

Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн ал-Хусайн Рай ва Мароғада таҳсил олиб, шофеъий²⁰⁷ ва ашъарий олим сифатида фаолият кўрсатган. Хоразм, Бухоро ва Самарқандда яшаган. Ғазна ва Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятларида фаолият олиб борган. Кейинчалик Ҳиротда мударрислик қилган, Шайхулислом мартабасига эришган. Фалсафа, эътиқод ва ақида борасидаги ўзига хос қарашлари учун куфрда айбланиб, карромийлар²⁰⁸ томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

Абу Али ибн Синонинг “Ал-ишорат ва-т-танбеҳот” (“Ишоралар ва танбеҳлар”) асарига ёзилган “Шарҳ ил-ишорат” (“Ишорат”га шарҳ”), Мовароуннаҳр олимлари билан қилган турли мунозаралари ўрин олган “Мунозарат ул-аллома Фахриддин” (“Аллома Фахриддин мунозаралари”), Куръон тафсири бўлган “Мафотиҳ ул-ғайб” (“Илоҳий сирлар очқичлари”), метафизикага оид “Китоби муҳассал афкор ал-мутаққадимин ва мутааххирин” (“Ўтган ва замондош олимлар фикрларидан намуналар”), мазҳаб масалаларига бағишланган “Маноқиб ал-имом-аш-Шофеъий” (“Имом Шофеъий маноқиби”), фикрға доир “Китоб ул-маҳсул” (“Ҳаракатлар оқибати ҳақидаги китоб”), адабиётшунослик соҳасидаги “Чаҳордаҳ рисола” (“Ўн тўрт рисола”), астрономия ва бошқа фанларга оид кўплаб китоблари унинг қомусий олим бўлганлигидан далолат беради. Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш илтимосига биноан ёзилган “Жо-

²⁰⁷ Ш о ф е ъ и й л и к — суннийликдаги Имом Шофеъий (767-820) асос солган диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири.

²⁰⁸ К а р р о м и й л а р — илоҳиёт оқимларидан бири. Улар Худо муайян жисмга эга, инсон ўз тақдирига таъсир кўрсата олади, унинг онги мустақил равишда яхшилик ва ёмонликни фарқлашга қодир деб ҳисоблаганлар ва бошқа бир қатор қарашларни илгари сурганлар. Ҳукмрон ислом оқими уламоларининг кескин танқидига учраган карромийлар мўғуллар истилосидан сўнг барҳам топган (Бу ҳақда қarang: Исло. Энциклопедия. 135—136-бетлар).

меъ ул-улум” (“Илмлар мажмуи”) асари ўша давр мусулмон шарқидаги 60 фан ҳақида бошланғич маълумот беради²⁰⁹.

Қабри Кўҳна Урганч (Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти)да.

1

Пок бўлсанг агар жаҳл ғуборидан, эй дил,
Дунёда топилмайди сенингдек комил.
Арш сенга мақом экан, уят бўлмасми
Тупроқ уйини агарда қилсанг манзил?!

2

Кетмоқ чўчитар олами жонни кўрмай,
Ўтсам бу жаҳондан ё жаҳонни кўрмай.
Кетайми тан оламидан жон оламига
Тан оламида олами жонни кўрмай?

3

Йўлимни мудом минг ерида дом кўясан,
Юрсанг ўласан деб, мени ноком кўясан.
Домингдан эмас бир қарич ер ҳам холи,
Тутиб, ўлдириб, осий²¹⁰ деб ном кўясан.

4

Ёр хилватида ягона заҳмат бўлгай,
Ҳар нарса унга бегона, заҳмат бўлгай,
Сен қайга сиғарсан — душман соясисан?
Ёр тутса қаерни хона, заҳмат бўлгай.

5

Тўйдирди вужуд созидаги турфа наво,
Бу бенаво пардадаги бемаъни садо.
Шукр айтиб, адам ичра этай юз сажда,
Бир куни вужуд ташвишини қилсам адо.

²⁰⁹ Бу ҳақда қаранг: Р а м а з о н о в Н. Фахриддин Розий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Тошкент, 2005. 210-бет.

²¹⁰ О с и й — гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У кўфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади ва чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта такрорламаса, гуноҳлари кечиради.

6

На беҳуда ишлар мени сал қўрқитгай,
На қусри билан феълу амал қўрқитгай,
На айбу гуноҳлар лоақал қўрқитгай,
Ҳар лаҳза мени ҳукми азал қўрқитгай.

7

Ҳар қайдаки, меҳрингдин асар тушгайдир,
Ошиқларинг унда дарбадар тушгайдир.
Ҳеч борми висол — тегса оёғинг қайга,
Бошлар бўлиб унга баробар тушгайдир?

8

Номард эмасманки, ўлим қўрқитса,
Афзал у ярим бунисидан лутф этса.
Бу жонни омонатга Худо берган эди,
Қайтиб бераман уни қачон вақт этса.

9

Дарвешлик изла, шоҳ сари юз бурма,
Фақр²¹¹ этагидан ўзгасига қўл урма.
Кирсанг-да илон оғзига ҳеч мол тилама,
Чоҳ ичра яшаю дунё дея юрма.

10

Ақлим ожиздир менинг исботингдан,
Жонимда ҳузур мудом муножотингдан.
Зотингни зарур даражада билмасман,
Зотингдан ўзга беҳабар зотингдан²¹².

²¹¹ Ф а қ р — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш.

²¹² Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

ФАХРИДДИН ИРОҚИЙ

(1213 – 1289)

Шайх Фаҳриддин Иброҳим ибн Бузургмеҳр ибн Абдулғаффор Жаволиқий Ҳамадонийнинг болалиги ва таҳсил йиллари Ҳамадонда ўтган. Ёшлигидан Қуръонни ёд олган ва бутун шаҳар аҳли унинг мухлиси эди. Ун етти ёшида тасаввуф йўлига кирган ва қаландарларга қўшилиб Мултонга борган. Шайх Баҳоуддин Зикриёга мурид тушиб, унинг қўлида хирқа кийган. Шайх унга ўз қизини никоҳлаб бериб, ўрнига халифа этиб тайинлаган. Макка зиёратига бориб, Бағдодда Шаҳобиддин Суҳравардий суҳбатига етишган. Кейин Румга бориб, Садриддин Кўнйавий хизматига қиради ва шу ерда “Ламаъот” (“Шуълалар”) номли машҳур асарини яратади²¹³. “Ламаъот” — Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг “Ас-савонеҳ фи маоний ул-ишқ” (“Ишқ маънолари ва воқеалари”) ҳамда шайх Муҳйиддин ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” (“Ҳикматлар гавҳари”) асари таъсирида ёзилган бўлиб, 28 ламаъга бўлинган. Уларнинг ҳар бирида ишқ жараёни ва ошиқ ҳолатининг муайян кўриниши акс этган бўлиб, улар ишқ йўлида ошиқ босиб ўтадиган мақомлар баёнидан иборат. Асарнинг тили оғир, услуби мураккаб, рамзларга бой бўлгани учун унга қўплаб шарҳлар ёзилган. Улар орасида энг мукаммали Абдурахмон Жомийнинг 1481 йили Алишер Навоий илтимоси билан ёзилган “Ашиъбат ул-Ламаъот” (“Ёрқин шуълалар”) шарҳи ҳисобланади²¹⁴.

Умрининг охирида аввал Миср, кейин Шомга бориб, Дамашқда яшаб қолади. Мултондан ўғли Кабириддин келиб,

²¹³ Бу ҳақда қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат // Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. 17-жилд. — Тошкент, 2001. 463—465-бетлар; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С.514.

²¹⁴ Бу ҳақда қаранг: А б д у қ о д и р о в А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. 1-китоб. 39-бет. Бу асар Ҳалима Мухторова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (Қаранг: Абдурахмон Жомий (Мақолалар тўплами). — Тошкент, 1989. 26—48-бетлар).

унинг хизматида бўлади. Шайх Муҳйиддин Арабий қабри ёнига дафн қилинган²¹⁵.

5872 байт ҳажмидаги қасида, ғазал ва рубоийлардан иборат девони етиб келган. Бундан ташқари, Ҳаким Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақиқат” маснавийси йўлида 1062 байтли “Ушшоқнома” (“Ошиқнома”) манзумасини яратган²¹⁶.

1

Ёрнинг юзи бизга азалий орзу эмиш,
Дил тўрида ёлғиз ишқ деган туйғу эмиш.
Дилнинг уйига тушса юзи акси агар,
Сайқал топиб у мусаффо бир кўзгу²¹⁷ эмиш.

2

Кўрсатган эмас санам бировга юзини,
Беҳуда билинг элнинг бор гап-сўзини.
Ким сенда улуғласа ҳақиқат изини,
Эл сўзига ҳам ул ишонтирган ўзини.

3

Дил шавқидан²¹⁸ гул каби очилса ишқдир,
Зеҳнинг яна ишқ рамзини билса ишқдир,
Ўзингга ўзинг бегона қилса ишқдир,
Бошингдан унинг лутфи сочилса ишқдир.

4

Қайғу юради ҳамиша оқил изидан,
Шодлик юради ҳамиша жоҳил изидан.
Бу чарху фалак доираси меҳвари²¹⁹
Айланади ҳамиша комил кўзида.

²¹⁵ Қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат. 465-бет.

²¹⁶ Қаранг: Девони Фахриддин Ироқий. Муқаддимаи Саид Нафисий. Чопи севвум. — Техрон, 1984.

²¹⁷ К ў з г у (О й и н а) — илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойна деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади.

²¹⁸ Ш а в қ — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

²¹⁹ М е ҳ в а р — айланиш маркази.

5

Тупроғу сувдан яратиб бир олам,
Бизнинг орамизга кирдилар ўшал дам.
Сир ўзлари айтиб, ўзлари эшитади,
Тупроғу сув бир баҳона экан, билсам.

6

Ёрнинг юзисиз ошиғи гулни на қилар?
Хушбўй ҳиди йўқми, сунбулни на қилар?
Ишқнинг қадаҳидан сархуш бўлган ошиқ
Маст этгучи май — захри қотилни на қилар?

7

Ёр орзусида дил беқарордир ҳануз,
Васл истагида жон харидордир ҳануз.
Кўз гарчи кўрар хуснини равшан, аммо,
Иши туну кун йиғию зордир ҳануз.

8

Ишқдан беҳабар айладинг умрингни бадар,
Ёрнинг қўйидан бир бор олдингми хабар?
Энди ўтириб, ўз-ўзингга мотам тут,
Қўлдан кетган иш яна келгайми магар?!.

9

Соқий қўлидан ишқингда май тўкилар,
Ошиқ кўзидан дил қони шундай тўкилар.
Ишқингда намозга гар ўтирса зоҳид,
Боқ: ҳаттоки жойнамозга ҳам май тўкилар.

10

Эй кошки кимлигимни мен билсам эди,
Ҳақ наздида хуш тирикчилик қилсам эди.
Ё бор вужудим айланиб кўзга, туну кун
Умр ўтганига йиғлаб, дилим тилсам эди.

11

У қанча тубан, расво қўлини тутмас,
У қанча такаббур гуноҳини ўтмас.
Даргоҳидан ўзга ўзига жой топмас —
Хор бандасидан ўзгасини афв этмас.

12

Эй жони жаҳон, сени бу жондан сўрагум,
Саргашта кезиб, жумла жаҳондан сўрагум.
Кўнглимда ниҳон эканлигингни билмай,
Бир ному нишонинг ҳар томондан сўрагум.

13

Чарх айланар бериб зўр, дунё собит,
Наъра урар мисли шер, дунё собит.
Тарк этди яқинлару бўшамас дунё,
Биз ҳам кетамиз бир-бир, дунё собит.

14

Бу кеча асир қилди дилимни соқий,
Эй тонг, менинг ҳамиша айшим боқий.
Жон ҳамдами васлига эришдим, энди
Арзийди мақом бўлса менга Арш тоқи.

15

Кўнглим тилаги мудом шаробу соқий,
То жоми жаҳоннамо дилимда боқий.
Майхонада ўлтирай, ўшанда шояд
Ёр васли насиб бўлса, тугаб ҳажр доғи.

16

Ишқ ичра бошингга кўп маломат келса,
Кўрқма не бўлар дея қиёмат келса.
Аксинча, уят даъво қилиб ошиқлик,
Ҳақ даргоҳига киши саломат келса.

17

Бизни суву тупроқдан яратган фурсат,
Қандай тиласанг, шу хилда бердинг зийнат.
Ўз хоҳишимизча қилмай истиқомат,
Дунёдан ўтармиз чекиб ғаму ҳасрат.

18

Майхона эшигида бир пири доно
Деди қулоғимга: “Эй ошиғи шайдо,
Гар мангу ҳаёт истар эсанг, тарк этма
Май жомини бевафо жаҳонда асло!”

19

Дилни эшиги тупроғидан қилма узоқ,
Жонни кўйида ўртамасин дарду фиरोқ,
Ёр оёғи гарди хира тортган кўзни
Маҳшар кунида ёритгуси мисли чироқ.

20

Бу икки кўзим қачонки сенга боқди,
Ҳар иккисидан қонли ёшлар оқди.
Сенсиз яшаган киши бечора бўлгай,
Бечоралигим бағру дилимни ёқди...

21

Кўзғолди жаҳонда сени деб фитна-фироқ,
Дарвешни яқин тутдингу бойларни йироқ.
Сен ҳаммага сўзлайсану кардир ҳамма,
Сен ҳамма билану ҳамма кўрдир бироқ²²⁰.

22

Эй дўстки, дўстликда яқинмиз сенга,
Кўйсанг қадаминг қайга, заминмиз сенга.
Оламни сенинг кўзинг билан кўрсагу биз,
Унда сени кўрмасак, лаинмиз²²¹ сенга²²².

23

Эй дўст, сенга тушди — қилма бад²²³ дил ҳолини,
Зулф занжиридан қутқар абад дил ҳолини.
Дил кўзгусида гўзал жамолинг²²⁴ кўрсат,
Кел, ўнгла ўзинг, қилиб мадад дил ҳолини.

24

Савдосида кўп ранжу малоли дилнинг,
Дардида жуда аламли ҳоли дилнинг.
Кўзимдан узоқ бўлса-да қошимда каби,
Чунки доимо унда хаёли дилнинг.

²²⁰ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

²²¹ Л а и н — лаънатланган.

²²² Жалолиддин Румийда ҳам шунга ўхшаш мазмундаги рубоий мавжуд.

²²³ Б а д — ёмон, ярамас.

²²⁴ Ж а м о л — ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшуқанинг ўз жамолини намоён этиши: илоҳий тажаллий.

25

Мен ишқингдан жон берайин одамга,
Нурунган эса равшанлик оламга.
Сенсиз бу фақирда йўқ эди куч ҳатто
Кўксимдан кириб-чиқадиган дамга.

26

Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўкилади,
Ел бирла ҳикоятни қилиб тўкилади.
Ўн кун ичида гул ниш урар, гунча тугар
Ҳам очилару ҳидга тўлиб тўкилади²²⁵.

27

Қорилган азал ишқ майидан лойимиз,
Келтирди қадаҳни додга оху войимиз.
Шундай ичамизки, май чиқар бош узра,
Ўз навбатида, май узра бизнинг жойимиз²²⁶.

28

Сен ўйламаки, ҳеч мушкил йўқ менга,
Бергувчи азоб дарди дил йўқ менга.
Бундан-да азоб бормики, гўзал ёшлик —
Зое бўлди, ҳеч манзил йўқ менга.

29

У жумла халойиқни — баландми ё паст,
Йўқликдан борлиққа қилди пайваст.
Адл этса агар тенгдир шоҳу дарвеш,
Афв этса агар тенгдир ҳушёру маст.

30

Ошиқ-маъшуклик бегумон бир нафас-ей,
Бир ҳамнафас изла, топ — жаҳон бир нафас-ей.
Ўлтирсанг у ҳамнафас билан бир нафас,
Маъноси ҳаётнинг шу бир он, бир нафас-ей²²⁷.

²²⁵ Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

²²⁶ Бу рубойи жузъий тафовутлар билан Паҳлавон Маҳмуд ижодида ҳам учрайди.

²²⁷ Бу шаклу мазмундаги рубойлар Умар Хайём ва бошқалар ижодида ҳам учрайди.

31

Дил олди-ю, бизсиз дили хуррам, хушдир,
Ёрдан келса, жаҳонда ҳар гам хушдир.
Ёр жон сўрару мен эса ҳеч бермайман,
Чунки жон эмас, сўроғи ҳар дам хушдир.

32

Бу давр иши риё — билиб бўлмайди,
Сен бўл аҳли ҳаё — билиб бўлмайди.
Ҳоксор бўлу тарк айла гурурни, элнинг —
Ўп пойини доимо — билиб бўлмайди.

33

Афсуски, ўтди ёшлик муддати ҳам,
Боқий ишқ сармоясию давлати ҳам.
Ёнимдан оқиб ўтибди-ю оби ҳаёт,
Бўлмабди унга кўнглимининг рағбати ҳам²²⁸.

34

Кўнглимда эди кеча ҳаёли меҳмон,
Қоврилган жигарга тўла дастурхон.
Қўйдим қошига икки кўзим шарбатини,
Кўп бўлди хижил кўриб бу ҳолни жонон.

35

Ҳар қанча дилим кабобу кўзимдир қон,
Ҳажринг ўзгалар васлидан афзал ҳар он.
Менсиз еб-ичар қандай деб этма гумон,
Сенсиз томоғимдан сув-да ўтмас, жонон.

36

Истар нима бу хаста гадо билгайсан,
Дардимга нима бўлар даво билгайсан.
Айтиб нима қилдим сенга чок дил ғамини,
Ҳолимни тилим этмай адо билгайсан²²⁹.

²²⁸ Бу рубоий жузъий ўзгаришлар билан Абусаид Абулхайр ва Заҳир Форёбийлар ижодида ҳам учрайди.

²²⁹ Абусаид Абулхайр ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

37

Дунёда гуноҳсиз яшаган борми, аё,
Қандай яшагай қилмайин ул кимса хато?
Қайтарса ёмонликка ёмонликни Худо,
Фарқ борми экан Худо билан банда аро?!²³⁰

38

Дил шаҳрида ушбу кун паришон бизмиз,
Дўстлар ичида расвои даврон бизмиз.
Сен ринду қиморбозу расво тиласанг,
Кел биз сари — барчаси бегумон бизмиз.

39

Ишқида бўлибмиз сочидан²³¹ ҳам зорроқ,
Кўйида юрармиз итидан бедорроқ.
Бошқа кишилар боқар бегона юзга,
Бизмиз бу жаҳонда толиби дийдорроқ.

40

Хусни таърифи икки жаҳондан келади,
Шарҳи ғами ҳар пиру жавондан келади.
Дийдорини бир кўриш муяссар бўлмас,
Ёр номи агарчи ҳар томондан келади.

41

Ҳар тун келаман кўйингга тортиб афғон,
Шоядки, дилим дардига қилсанг дармон.
Йўл топмаганим билан эшигингга сира,
Кўйингдаги энг содиқ итингман ҳар он.

42

Ёдинг сира қўймас ўзига жонимни,
Ҳижрону ғаминг тўкар мудом қонимни.
Ҳолим бир ўзим у яна кўнглимга аён,
Билмас киши чўнг²³² бу дарди пинҳонимни.

²³⁰ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

²³¹ С о ч — тасаввуф шеърлятида моддий дунё тимсоли бўлиб келади. Унинг узунлиги — дунёвий ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлиги, қалинлиги — тирликчилик ташвишларининг сон-саноксизлиги, ҳалқалиги — нафс бандалари кўнглини овлаш учун тузоққа ўхшатилади ва ҳоказо.

²³² Ч ў н г — катга, улкан; зўр, кучли.

43

Зулмат бу тунимни-да умид тонги отар,
Бир куни фиғону оҳларим ёрга етар:
Ё хаста таним оёғи остида ётар,
Ё ташна лабим лаблари²³³ болини тотар.

44

Ҳой, хаста дилимнинг сирини фош этма,
Кўп қилма жафо — тоқатим одош этма.
Ҳар икки жаҳонга элмаган бошимни
Кўйдим оёғингга, бас, дилинг тош элма.

45

Қийнайди қачонгача у ҳижрон қўлида?
Бир ишва²³⁴ учун умрим қурбон йўлида.
Кўрсатса юзини яна жон бергай эдим,
Жон берса бўлар ҳамиша жонон қўлида.

46

Гар бўлмаса дардинг, эй дили саргардон,
Бекорга табибни айлама андармон.
Дармон қидирар кимники дарди бўлса,
Дардинг йўғу дармон қидирарсан ҳар он.

47

Ҳажринг туни уйғотади кўрқув ҳар он
Қоронғилиги қуюқлашиб, эй жонон.
Бахтим кўзи кўр бўлдим менинг ёки,
Ҳижрон тунига ва ёки йўқдир поён?..

48

Ўз ҳолига қўй бу ринду расвони, санам,
Келсин ўша қўйингга қилиб бошни қадам.
Бир лаҳза висол лаззатига етказ уни,
Бир лаҳза у бахт таъмини тотсин чинакам.

²³³ Л а б — сўфийлар истилоҳотида маънавият олаmidан анбиёга малақлар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

²³⁴ И ш в а (Н о з , И с т и ф н о , Ф а м з а) — маъшуканинг ошиққа илтифот қилиши, ишқ йўлида куч бағишлаши.

49

Кўнглим қурбон кўзлари қийғочингга,
Жоним-да фидо тузоқ мисол сочингга.
Кўйингда девона кабиман — маълум эмас
Бир кун йиқиларманми келиб қошингга.

50

Умрим бўйи ўзимни хароб қилдим мен,
Ҳар ишки, хатою носавоб қилдим мен.
Бошдан-оёғи хато бу банданг ишини
Ўнгла дея Ўзингга хитоб қилдим мен.

51

Васлинг яна, сарвиноз, қилдим орзу,
Айтиб сенга дарду роз, қилдим орзу.
Ётсам кечалар тонгга қадар эркаланиб,
Бағрингда топиб эъзоз, қилдим орзу.

52

Чизганларида тарҳини бу оламнинг,
Боқишган эмас истагига одамнинг.
Ҳар қанча урин — кўп ёки кам бўлмас ризқ,
Йўқ заррача фойдаси чекилган ғамнинг.

53

Наргисни қара — бошида зар тож бордир,
Кўр бўлса-да, у кибру ғурурга ёрдир.
Кўлида асоси бор унинг зумраддан,
Ким кўр бўлса, чунки асо даркордир.

54

Бермиш сенга икки нарсани қодир Эгам,
Ҳар иккиси эзгуликда тоқдир чинакам:
Ул битгаси сийрат²³⁵ — тутасан дўст кишини,
Ул битгаси суврат — тутишар дўст сени ҳам²³⁶.

²³⁵ С и й р а т — одат, хислат, хулқ-атвор, табиат.

²³⁶ Бу рубоий Абусайд Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

55

Оҳ, топмади дил хабар сира дилдордан,
Гул узмади ҳеч висол деган гулзордан.
Умри бўйи ҳалқа урди-ю эшигида,
Ҳалқа каби қолди ташқари девордан.

56

Олам мени ғам қўлида қурбон топди,
Кўзим тўла қон, дилимни бирён²³⁷ топди.
Ҳар шомки ўтди — мени ғамгин кўрди,
Ҳар тонгки кулди — мени гирён топди.

57

Ҳар лаҳза замин узра санам соя солар,
Бугун вужудим рашку ҳасад қамраб олар.
Бугун тилагингни ҳосил айла, эй кўз,
Эрта на бу имкон, на бу фурсат қолар...

58

Бахтимдан минг доду фалақдан фарёд!
Чарх айланиши қилди ҳаётим барбод.
Эй дил, висол умидида кўп чопма,
Чеккайсан алам-қайғую бўлмайсан шод.

59

Ёр хизматини қилмаса бир куни бу жон,
Афсусу надоматда дилим бўлгуси қон.
Бу банда гуноҳин оғир олма, эй дўст,
Мен одаму одамга гуноҳ ёр бегумон.

60

Кунимга яраб, ёр ишқининг дарди яна,
Очтирди кўнгил боғида гулларни, мана.
Ҳар йили баҳоримиз очарди гуллар,
Бу йил-чи, гул ўрнига тикан бўлди уна.

²³⁷ Б и р ё н — қовурилган, кабоб бўлган, куйган, ўртанган

61

Ёр ҳусни азалдан мени хуштор қилди,
Бир боқди қиёю ошиқи зор қилди.
Ноз уйқуда мен ётган эдим йўқлик аро,
Хусни қуёшининг нури бедор қилди.

62

Дард ичра қолганга даво топилади,
Йўл йўқотганга раҳнамо топилади.
Хоҳ бир йилу хоҳ минг йил яшаш мумкинدير,
Хоҳ унгаю хоҳ бунга-да жой топилади.

63

Гоҳ яхшилигу гоҳи ёмонлик этгай,
Гоҳ ноз қилару гоҳи додингга етгай.
Ёрнинг юзидан ҳамиша нур ёғилади,
Юз нурли экан, унда ёмонлик нетгай?

64

Хоки қадаминг ўпардим, эй қоши ҳилол,
Шоядки насиб бўлса дея менга висол.
Дедингки қулоғимга рақибдан яширин:
“Фам чеку губоримни лабингга сура қол”.

65

Кўйинг сари келди бу бечора дарвеш,
Кўзи тўла ёшу юрагидир реш-реш²³⁸.
Йўл бер — оёғинг остига у қўйсин бош,
Юзингни кўриб жон бериш унда хоҳиш.

66

Ҳар лаҳза юзидан оташ уфургайдир,
Парвонадек²³⁹ унга жон ўзин ургайдир.
Ўзига ёмонларни у дўст тутмайди,
Ким унга бу ишни ўргатиб тургайдир?

²³⁸ Р е ш - р е ш — чок-чок.

²³⁹ П а р в о н а — кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

67

Токай ёқасан ишқ ўтига жонимни?
Киприк²⁴⁰ ўқидан оқизасан қонимни?
Дединг: “Ема ғам”. “Ғам емай ўзга нетаман
Куйдирса ғаминг ўти хонумонимни?”

68

Ёр манзилининг гўзал ҳавоси бордир,
Висол ҳидининг завқу сафоси бордир.
Кўзимга оёғи гардини сурма қилай,
Хоки қадамини-да давоси бордир.

69

Бечора дилимни солди ёр бозорга,
Тўлди олам дилимдан учган зорга.
Жонимни-да йўлида қиларман қурбон,
То келса мурувват айлаб у бу зорга.

70

Бир лаҳза мунису ҳамдам топсам эди,
Дардимга ундан малҳам топсам эди.
Мен бошдан-оёқ куйдим дил оташидан,
Кўзимда қани қатра нам топсам эди.

71

Бир куни оромижонга етказгусидир,
Жонингни ўшал жононга етказгусидир.
Дард этагини бироқ қўлингдан берма,
Шу дард сени дармонга етказгусидир.

72

Дунёда биларсанми аёнимни сира?
Кўрдингми дилинг ичра нишонимни сира?
Пойингга дилу жонни нисор айларман
Олмас бўлсанг бу дилу жонимни сира.

²⁴⁰ К и п р и к — тасаввуфда маъшуқанинг нозу карашмаси туфайли ошиқ-нинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, найза, ханжар кўзда тугилади. Солиқнинг валояти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

73

Эй, қилди гаминг бедод узра бедод,
Додимга ўзингдан ўзга етмайди, дод!
Бўлгайми зарар итларинг дастурхонидан
Бир пашша-да топса фойдаю бўлса шод?

74

Гийбат қилишар машхур бўлсанг бегумон,
Телба дейишар тутсанг хилватни макон.
Энг яхшиси, бўлсанг-да Хизру Илёс²⁴¹,
Кимлигинг олам аҳлидан қолса ниҳон²⁴².

75

Тупроқдек оёқ остида бўлсанг ҳам хор,
Ўткинчи шамолдек ёки безътибор,
Қолсангу аланга ичра, сенга нокас
Тутқизса ҳаёт сувини, ичма зинҳор.

76

Кўйингда на кўнглим ўзига топди макон,
На қўйди қадам бу жон висолингга томон.
Девона каби қачонгача чарх ураман,
Эй раҳнамо, кўрсат менга йўлни аён!

77

Оламда сураар айшини лўлию гадо:
На ақлу на номусу на хонаю на жой.
Бир ишқ йўлида чопади бу тоифа то,
Тортмас ўзига заррача ҳар икки сарой²⁴³.

78

Лутфингдан умид қилгуси ҳар бечора,
Ҳар шоҳу гадо дардига топгунг чора.
Мен бошялангу оёқяланг бир лўли,
Бу лўлини ҳам қўлла Ўзинг бир бора.

²⁴¹ И л ё с — мангулик сувини ичган пайгамбарлардан бири. Хизр — дарёларда, Илёс — саҳроларда юриб, қиёматгача адашганларга йўл кўрсатадилар.

²⁴² Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат бериллади.

²⁴³ И к к и с а р о й — бу ерда: дунё ва охираат маъносида.

79

Сен бу тубан оламга сира дил берма,
Ҳар яхши-ёмонига унинг қўл серма.
Даргоҳига Оллоҳнинг етишни тиласанг,
Мақсад гулидан ўзга бирор гул терма.

80

Ёрсиз яшагай ёрни севиб ким — сўйла?
Сабрим косасини қилма лим-лим — сўйла!
Душманлигининг сабаби борми менга,
Дўстликдан ўзга борми айбим — сўйла?!

81

Дунёда тириклигим — нишоним сен Ўзинг,
Эй дилу жоним, дилу жоним сен Ўзинг.
Бор этган Ўзингсану йўқ этгувчи-да Сен,
Бас, боиси ошқору ниҳоним сен Ўзинг.

82

Майхонага, ўйламаки, май деб келдим,
Ой юзли нигоримни кўрай деб келдим.
Ёр менга кўза ташишни амр этса-этар,
Мен ҳам бунга кўза кўтарай деб келдим.

83

Ишқ домига тушдинг, эй дили девона,
Дардига чида энди мудом мардона.
Беҳуда ўзингни ҳар томонга урма,
Ёр хонакидир — хонада қут пинҳона.

84

Эй, бўлса агар дилинг мужоҳид²⁴⁴ сенга,
Тенг бўлгусидир фосику зоҳид сенга.
Воз кечсанг агарда шаҳвату ҳирсингдан,
Ҳамдам бўлади минг-минг шоҳид²⁴⁵ сенга.

²⁴⁴ Мужоҳид — 1) жиҳод қилувчи, жидду жаҳд этувчи; 2) ислом йўлида жанг қилувчи ғозий; 3) жанговар.

²⁴⁵ Шоҳид — бу ерда: гўзал, маҳбуба.

85

Мен бошлар бўлсам ҳижрон қиссасини,
Дил ўти чиқаргай юз шам ҳиссасини.
Шамдек ёниб, ўзимни ўзим шод қиламан,
Бир лаҳза унутай деб дил ғуссасини.

86

Дил ёнидадир гар узоқ сиймбарим²⁴⁶,
Изларман уни сўрмаса-да у хабарим.
Тарк айламагай ёшли кўзимни бир дам,
Сув ичсам агар кўзададир жилвагарим.

²⁴⁶ С и й м б а р — кумушбадан, оқбадан; мажозан: гўзал маъшуқа.

ПОДШОҲХОТУН

(XIII аср)

Подшоҳотун бинти Кутбиддин Муҳаммад Султон Маҳмуд Ғазнавий даврида яшаган. Кирмон қорахонийлари сулоласидан бўлиб, ҳижрий 650-655 (милодий 1252-1257) йилларда ҳукмронлик қилган. Жуда гўзал, фазилатга бой, оқила ва фозила аёл бўлганлигини нақл қиладилар. Вақтини асосан Куръон ва китоблар мутолааси билан ўтказар эди. Баъзи манбаларда у Лолахотун деб ҳам тилга олинади²⁴⁷.

1

Ул кунки, азалдан нишон бердилар-ей,
Ошиқ элига роҳати жон бердилар-ей.
Новвот даъво қилар эди ёр лабини,
Боқ, оғзига уч чўп шу замон бердилар-ей.

2

Бўлганми сира мушк иси лаъл ичра ниҳон?!
Тонг қолгусидир кўргану эшитган, ишон.
Лаб устидаги қоп-қора холинг, ёри жон,
Қоронғидаги оби ҳаётданми нишон?!

3

Бўлсам-да улуғ султонга мен фарзанд,
Ё турк уруғин мевасидирман ҳарчанд,
Кулдирса-да бу толе кўёши, аммо,
Гурбат ғами йиғлатар булутга монанд.

4

Бир олма қўлингдан яширин етса эди,
Хушбўй ҳидидан умри ширин етса эди.
Кўнглим гулига кошки қўлинг дўстлигидан
Кулдиргучи бир ўтми, чақин етса эди.

²⁴⁷ Қаранг: Ф а х р и и Ҳ и р а в и й. Жавоҳир ул-ажоиб. — Хужанд, 2007. С. 48; 97-99.

5

Жонбахш лабинг чашмасидан ғам етди,
То сенга қўлим, эй нозли эркам, етди,
Дур доналарини қулоғингда кўрдим,
Ашким унга, билмадимки, қай дам етди?..

6

Хотинману ишим эзгулик ҳар асно,
Ҳукмимда жаҳоннинг эрларидир аммо.
Хоним бўлмас рўмол ўраб ҳар хотин,
Кулоҳ кийган ҳар эр-да сарвар асло.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(XIII аср ўрталари — 1322)

Хоразмнинг буюк маънавий тоғларидан бири — Пурёрвалий номи билан шуҳрат тутган енгилмас паҳлавон, ҳассос шоир ва машҳур авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг отаси асли кўҳна урганчлик бўлиб, мўғуллар кулини кўкка совурган она шахрини тарк этиб, Хивага паноҳ излаб келаётганида йўлда хотинининг кўзи ёриydi. Болага Маҳмуд деб исм кўядилар. У жисмонан бақувват, ақлан етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишади. Айниқса, унинг паҳлавонлиги овозаси узоқ-узоқларгача кетган эди. Эрон, Ҳиндистон каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар кучган, бир умр кураги ерга тегмай, юртнинг биринчи рақамли полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган.

Васиятига кўра шогирдлари Паҳлавон Маҳмудни ўзининг пўстиндўзлик дўкони доирасига дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устига мақбара тикланиб, авлиё пойига Кўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган. Бу мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида, мана неча асрдирки, барчанинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Мақбара деворларига, пештоқларига ориф шоир рубоийлари дарж этилган. Дунёнинг турли бурчақларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиладилар, ундан руҳий қувват ва маънавий мадад оладилар. Деярли барча манбаларда унинг “Канз ул-ҳақойиқ” номли маснавийси борлиги айтилади ва ундан парчалар келтирилади. Лекин Т.Жалоловнинг маълумот беришича, эронлик олим Саййид Муҳаммад Али Сафир 1967 йилда уни Маҳмуд Шабустарийга нисбат бериб нашр эттирган²⁴⁸. “Паҳлавон Маҳмуд дин назарияси, фикҳ,

²⁴⁸ Ж а л о л о в Т. Ғўзаллик оламида. — Тошкент, 1979. 145-бет.

фалсафа ва мантиққа оид бир неча рисоалар ёзган²⁴⁹ бўлса-да, улар ҳозиргача топилган эмас.

Маълумки, жавонмардликка²⁵⁰ кўпроқ паҳлавонлар талабгор бўлганлар. Шу жиҳатдан, Паҳлавон Маҳмуд паҳлавонларни тарбияловчи устозгина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёвузликларнинг барча кўринишларига қарши ҳамиша, ҳамма ерда эзуликни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ғоялар Паҳлавон Маҳмуднинг кўпгина рубойларида ўз аксини топган.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини ўрганиш, рубойларини топиб, халққа етказишда таниқли олим ва забардаст мутаржим Тўхтасин Жалоловнинг хизматлари катта. Шоир рубойларини, шунингдек, Муинзода, Васфий, Улфат, Боқир, М.Абдулҳаким, Э.Очилов каби таржимонлар ҳам таржима қилганлар. Ё.Исҳоқов, Ҳ.Ҳомидий, Н.Комилов, С.С.Бухорий, М.Ҳасаний, Й.Жумабоев каби олимлар бу буюк ватандошимиз адабий мероси ва таржимаи ҳолини маълум даражада тадқиқ этганлар.

Ёш манбашунос олим Ж.Маҳмудов Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалий ҳаёти ва адабий меросини манбалар асосида махсус ўрганиб, авлиё шоир ва курашчи ҳаёти ва фаолиятига бирмунча аниқликлар киритди²⁵¹.

1

Эй дил, яна дилбарга асир тушдингми?
Дилдори ситамгарга асир тушдингми?
Алҳол²⁵², қутулолмай қўлидан битгасининг,
Боз бир парипайкарга асир тушдингми?

²⁴⁹ Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. — Тошкент, 1999.173-бет.

²⁵⁰ Жавонмардлик — Хасрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқнинг оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-хунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат, футувват. Бу тоифа фатийлар, ахийлар, айёрлар деб ҳам юритилган.

²⁵¹ Маҳмудов Ж. Ҳ. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний тадқиқи. Филол. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2006 йил.

²⁵² Алҳол — ҳозирда, айна пайтда; энди.

2

Гул қўлда, қадаҳ бонги қулоқда бўлсин!
Дунё ғамидан кеч — у узоқда бўлсин!
Сув нағмаси остида, булут соясида
Жом қўлда мудом, кўза кучоқда бўлсин!

3

Дилдор сўради: “Сўйла, нечун қайғуда дил?
Ё бир париталъатми кулиб олди кўнги?”
Тутдим қўлига кўзгую қилдимки жавоб:
“Ойинада кўрганинг ғамим боиси бил!”

4

Ҳамма мени бир оғизда қилгай ғийбат,
Тинчимни бузар бу ҳол, бўлар тоқ тоқат.
Бу тоифа гоҳ яхши деяр, гоҳи ёмон,
Чунки бир-икки фанда топибман шуҳрат.

5

Ким кўрнамагу Ҳақ беҳабар бўлса — ёмон,
Ориф киши унга баробар бўлса — ёмон.
Эски экани либосни ҳеч айби эмас,
Либоснинг ўзида айб агар бўлса — ёмон.

6

Умринг жомида гоҳ маю куйқа гоҳи дам,
Кийган кийиминг гоҳи бўзу гоҳ беқасам.
Бу барчаси оқиллар учун осондир,
Муҳтожлик улар учун азобдир чинакам.

7

Эй сарвқаду суманбару²⁵³ гулғузор,
Дўстинг сира бўлмасин сенинг хас ила хор.
Ҳар қанча чаманда тўкмасин кўр у чинор,
Гул новдасига чинорни не нисбати бор?

²⁵³ С у м а н б а р — суман юзли, сулув, юзи чиройли.

8

Бул кунда баҳойи ўтинун уд бирдир,
Ҳам мартабада Халилу²⁵⁴ Намруд²⁵⁵ бирдир,
Ким наздида ўз давлатига мастларнинг
Овози эшак, нағмайи Довуд²⁵⁶ бирдир.

9

Кетдик кетидан, кел, энди жононани, дил,
Қоққил эшигини, изла ҳар хонани, дил.
Хайём каби бизлар-да мудом май ила маст,
Дўзах кутади биз каби мастонани, дил.

10

Сўрдим: “Бу ҳаёт маънисини не, жонона?”
“Ё шам, — деди, — ё булут ва ё парвона”.
Сўрдим яна: “Дунёга кўнгили кўйган ким?”
“Ё гўл, — деди, — ё маст ўша, ё девона”.

11

Ётганни бу тупроқ қатида кўп кўрдим,
Қотганни замин зулматида кўп кўрдим.
Келганни висол майин ичиб кўрмадим
Кетганни дийдор ҳасратида кўп кўрдим.

12

Ким бизни синиқ дилга мурувват қилгай?
Ким айбу гуноҳимиз кафорат²⁵⁷ қилгай?
Биз қанча мазорларни зиёрат қилдик,
Ким бизни мазоримиз зиёрат қилгай?..

13

Оташки, аланга уради — сийнам ўша,
Дарё неча тўлқинланади — дийдам ўша.
Кўз ташла: қулол қўлидаги лой кеча
Инсон эди — биз билан эди маҳрам ўша.

²⁵⁴ Х а л и л — Иброҳим алайҳиссалом.

²⁵⁵ Н а м р у д — афсонавий золим шоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган.

²⁵⁶ Д о в у д — Довуд пайғамбар. У тенги йўқ овоз соҳиби бўлиб, Забурни тиловат қилганда қушлар кўкда муаллақ қотиб, тоғлар ҳам бирга қироат қилар экан.

²⁵⁷ К а ф (ф) о р а т — қилинган гуноҳ эвазига бериладиган нарса.

14

Меъмори азал²⁵⁸ қаср ила айвон айлар,
Бўлгай-да ясаб, сўнг уни вайрон айлар.
Ҳар тоқиқи, етган эди бул кун кўкка,
Эртан яна тупроқ ила яксон айлар...

15

Даврон гамидан кўзимни гирён кўрдим,
Ҳар ранжу бало борқи, беармон кўрдим,
Нуҳ²⁵⁹ мингга кириб, кўрган эди бир тўфон,
Нуҳмасману мен мингга тўфон кўрдим.

16

Фил бўлу чумолидек яша хору ҳақир,
Ҳар икки жаҳон мулки билан мисли фақир.
Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,
Лозим бўлади ўзни тутиш кўру басир.

17

Эй хожа, жаҳон маънисидан йўқ хабаринг,
Кундуз-кеча тортар ўзига сийму заринг.
Дунёда кафан эрур фақат дастмоянг,
Маълум эмас, аммо ўшани ҳам этаринг...

18

Айтмай сира олма кишининг уйига йўл,
Қадрингни туширма узатиб нонига қўл,
Миннатли кабобидан бировнинг доим
Қоқ нон ила сувингни баланд кўйгучи бўл!

19

Олам фили қайтаролмагай шиддатимиз,
Дунёни қилур саросима шавкатимиз.
Жой олса чумоли сафимиздан ногоҳ,
Бир лаҳзада шер айлар уни давлатимиз!

²⁵⁸ Меъмори азал — Худо.

²⁵⁹ Маълумки, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавми орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нуҳ алайҳиссаломга эргашганларгина омон қоладилар.

20

Ёмоннинг сира ҳатлама остонасидан,
Еб тушма тузоғига тагин донасидан.
Ўқ ростлигидан билиб камонни эгри,
Кўр қочишини шитоб унинг хонасидан!

21

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир,
Минг этса ҳасад, зар мис бўлиб қолмас, ахир.
Номард иту мард эса мисоли дарё,
Ит тегса-да, булғанмагай дарё барибир.

22

Бир ёри вафодор киши йўқ оламда,
Дил маҳрами меҳрибон тополмай ғамда.
Инсон зотидан кутма вафо — асли азал
Бўлмайди вафо расми бани одамда.

23

Дунёнинг иши асли азал жабру жафо,
Кўрмайди вафо аҳлига меҳрини раво.
Мен ит бўлайин вафоси борга, чунки
Ит яхши кишидан, йўқ агар унда вафо.

24

Дунё қули бир лаҳза эмас хотиржам,
Кувган каби ёв елар-югурар ҳар дам.
Кўй, тиклама чодир, де, йиғарсан тезда,
Мол йиғма, де, кўчганда қилолмайсан жам.

25

Ғаддор бу фалак разилни қўллайди ҳар он,
Эгрилигидан тўғрига бермайди омон,
Жоҳил улуғ, оқилнинг эса ҳоли ёмон,
Бўлсин бу фалак остин-устун бегумон!

26

Эй дил, сира атлас тўнини қилма ҳавас,
Ўз эски либосингдек у миннатсиз эмас.
Енгил кечишини истасанг умринг агар,
Ўзингни ғиров олдида хор айлама, бас.

27

Кўнглинг бу жаҳонга бўлмасин мойил ҳеч,
Киндан бўлак унда бўлмагай ҳосил ҳеч.
Юз йил яшасанг-да, охири келгай ўлим,
Юз мулкни эгалла, бариси ботил, ҳеч.

28

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг!
Ўзни унуту фидоси бўл халқингнинг!
Бошига қўтарсин, десанг, эл тож янглиғ,
Қўлин ўпу хокипоси бўл халқингнинг!

29

Пок этгали тийнатимни бўлдим машғул,
Боқдим, унга қай дамки тиниқ торти ул.
Тоғ-тоғ гуноҳимни кўриб ойнада,
Айбини бировларнинг унутдим буткул.

30

Келганда ажал ёр жонини олмоққа,
Бир йиғладим-ей... тушди булут титроққа.
Қабр устига ким келса, деди бош чайқаб:
“Шундоқ нозанин ҳайф бу қаро тупроққа!”

31

Эрга ғамини чекма, азизим, бир дам,
Ҳар лаҳза ғанимат — уни ўтказ хуррам.
Жон чиқса ётармиз-да неча минг йиллик
Аждодларимиз билан бақамти²⁶⁰ биз ҳам...

32

Топсанг-да ўлим парвоси йўқ дунёнинг,
Қадри шуми сен каби малаксиймонинг?
Ҳайрон қолдим кўриб Азроил ишини:
Қилт этмади бир туки оларкан жонинг...

²⁶⁰ Бақамти — бирга.

33

Туз қолмади тақвода, маза парҳезда,
Йўқ тамъи гуноҳнинг-да, баса, шул кезде.
Сув ювган эса гар тузини ҳаммасининг,
Ел олди мазасини уларнинг тезда.

34

Туз йўқ бу жаҳонда шу кеча-кундузда,
На ер туби, на қўк тоқида — юлдузда.
Туз конлари тузга конлигидан тузсиз,
Оҳ, бу не замонки, туз йўқ ҳатто тузда?!

35

Оҳ чексанг агарда, йўлга тиккил кўзни,
Чоҳ ёнидан ўтсанг, эҳтиёт қил ўзни.
Дўстлар уйида қачонки маҳрам бўлсанг,
Одобини бузма дилу қўлу кўзни.

36

Ҳар узви заминнинг дилидир дононинг,
Лаб ё тиш эрур зарралари дунёнинг.
Ҳар сунбулу гулки, бош кўтаргай ердан
Зулфию юзидир у гули раънонинг.

37

Кўпдир бу қиморхонада²⁶¹ риндлар, жоно,
Йўқ ишлари эл гап-сўзи бирлан асло,
Бу тоифа Ҳақ ишқида бўлиб расво,
Ҳар икки жаҳон молига қилмас парво.

38

Моддий ҳамма ришталарни кестирганман,
Бағримда қаноат гулин ўстирганман.
Мен сабру қаноат тоғидан тош қўпориб,
Нафсу таманинг оғзига бостирганман.

39

Ўтган кеча беқасам тўн эгнимда эди,
Келин каби икки тизза қўйнимда эди.
То тонггача юмадим кўзимни асло,
Остимда қулоғим ёстиқ ўрнида эди.

²⁶¹ Қиморхона деганди бу ерда ёлғончи, айёр ва муттаҳам дунё кўзда тутилмоқда.

40

Ўзингдаги бу кибру адоватни йўқот,
Нафсинг бутига сифинма, синдир уни, от.
Дунё хаёлию бу хаёл занжиридан
Узганда киши кўнглини топқуси нажот.

41

Сочингни қўлингдан ўзга бир қўл ўрмас,
Бегона оёқ кўйинг йўлини сўрмас.
Уздим назаримни мен кўзингдан, чунки
Бу юзни кўзингдан ўзга бир кўз кўрмас.

42

Уч нарса бу дунёда бириктирди бош,
Бечора одам саждага кирса деб кош.
Ишқу маю жом — учаласи бир бўлди,
Иблисинг ибодатига бермай бардош.

43

Ишқ дафтарин ўқи бирма-бир, билдирма,
Карвон кетидан от суру сир билдирма.
Десангки, дилу диним саломат бўлсин,
Кўп кўрсангу билсанг-да яшир, билдирма.

44

Кўй ҳолига элни, ўзни қутқаргали шош,
Ҳар ваҳму хаёлнинг қўлида бўлма талош.
Топмоқ тиласанг нажот қиёмат кунда,
Кўй сидқ ила Хожа Аббос мазорига бош.

45

Ҳақ қудратига наззора²⁶² қилмоқ лозим,
Ёмонга қарши чора қилмоқ лозим.
Ҳақ маърифатидан беҳабар кўнгилни
Ҳақ амри билан минг пора қилмоқ лозим.

46

Ўткинчи экан жаҳон, қаландарлик соз,
Ошмас сира ризқ асли азал бўлса оз.
Ҳар қанча бу дунёда киярсан атлас,
Бўз тўнчалик у дунёда топмас эъзоз.

²⁶² Наззора — қараш, назар солиш.

47

Ёлғиз иши ҳар турфа чама олмоқдир,
Давлат ўзи ёлғизлигича қолмоқдир.
Билсанг агар, эй дўст, хотин олмоқлик
Ўзингни жаҳаннам тубига солмоқдир.

48

Ҳар бир дамидан ҳаётнинг олгил лаззат,
Рўёби учун орзуларинг чек заҳмат.
Аввал молу дунёга кўмарсан ўзни,
Кейин уни тарк этишга келгай навбат.

49

Бир қайғу билан чарх агар бедод этади,
Минг бор эвазига Ҳақ сени шод этади.
Тупроққа хазон ели тўкар бўлса уруғ,
Бир донасидан юз баҳор бунёд этади.

50

Эй дил, етар энди, бир иш бошини тут,
Умрингни совурма елга кўп, қадрига ет.
Тупроқ не улуғларни кучоққа олмиш,
Кўзингни очу ҳою ҳавас таркини эт.

51

Минг мартаба буздим, яна туздим тавба,
Мен тавбани ҳатто дод дегиздим, тавба.
Синдирган эдим кеча қадаҳ тавба қилиб,
Олдим яна қўлга уни — буздим тавба.

52

Бу боққа баҳор келгусию кетгусидир,
Бу шохга анор келгусию кетгусидир.
Бир иш бошини тутки, жаҳонга инсон,
Наҳотки, бекор келгусию кетгусидир.

53

Дунё чекига бебақо бўлмоқ тушти,
Жондан айирар барчани қисмат мушти.
Ҳеч кимса ҳаёт тожини киймас бошга,
Ёстиқ бўлади охири мозор фишти.

54

Дунё дегани бошдан-оёқ ранжу алам,
Шодлигу қувончи аслида андуху ғам.
Оқил киши бунда этмагай роҳат умид,
Чунки унинг охири йўқлик чинакам.

55

Нону сув билан ҳам, қара мард ҳимматини,
Қондирса бўлар нафсингнинг ҳожатини.
Бас, нега ўзингдан куйига амр этмоқ,
Қилмоқ ёки ўзинг кабилар хизматини.

56

Бир ерда азизлар то бўлибдирсиз жам,
Бас, бир-бирингиз қадрига етинг ҳар дам.
Қимматли бу фурсатни ғанимат билинг,
Қайтиб келадими ёки йўқ шу дам ҳам.

57

Қошингда юзим қора — гуноҳ кўп қилдим,
Ўзинг менга лутф айла — уятдан ўлдим.
Кексайдиму қолмади гуноҳ қилгали куч,
Ночор эшигингга бош уришга келдим.

58

Тонг чоғи кулиб, шом йиғига ром бўлма,
Ҳеч сийрати хосу сурати ом²⁶³ бўлма,
Бўлсанг содиқ ошиқ, асири дом бўлма,
Яхши ном изла, ҳеч ёмон ном бўлма.

59

Ойнаи офтобнамо рухсори,
Ҳуснига кўшар ҳусн хати²⁶⁴ гулзори.
Кўрган киши юзини хатидан сўйлар,
Яхши йилнинг яхши келар баҳори.

²⁶³ Х о с у о м — барча, ҳамма; юқори табақадагилар ва оддий одамлар.

²⁶⁴ Х а т — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

60

Куфр оламидан дингача бир лаҳза эмиш,
Шак манзилидан чингача бир лаҳза эмиш.
Бас, сен бу азиз лаҳзани хуш ўтказгил,
Умр ўзи шу — ўлгунгача бир лаҳза эмиш²⁶⁵.

61

Бу ажзу ниёз²⁶⁶ йўлида бир дил ғанимат,
Сухбат тиласанг, дўсти комил ғанимат.
Юз Каъба ўтаверсин бир дил қошидан,
Юз Каъбасидан бир дилни бил ғанимат²⁶⁷.

62

Ул зотки, замин у чарху афлок тузди,
Доғ солди кўнгилга — уни ғамнок тузди.
Бисёр ақиқ лабу ҳилол юзларни
Ер ичра яширди — бир сиқим хок тузди...²⁶⁸

63

Бу банда қазо сирин билишдан маҳрум,
Тақдир битиги кишига бўлмас маълум.
Етмиш икки йил туну кун фикр этдим,
Мавҳумлигича қолди бу қисса, мавҳум.

64

Бизга ватану манзилу маъво шу замин,
Биз гарчи ғанимат, боқий аммо шу замин.
Юз йил яшасак-да, шод унинг устида биз,
Охир тушамиз остига, чин жо(й) шу замин.

65

Бу умр саҳифаси гуноҳларга тўлиқ,
Биз айбу гуноҳ денгизида мисли балиқ.
Андиша этиб қилмагану қилгандан,
Ҳақ олдида кўп уятлидирмиз, во дариф.

²⁶⁵ Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

²⁶⁶ А ж з у н и ё з — ожизлик, ёлвориш, илтижо.

²⁶⁷ Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

²⁶⁸ Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

66

Бўлмайти бу дунёда бақо — кўргайман,
Ўзимни ғариби бенаво кўргайман.
Қорун каби мол-дунёси кўп зотларни
Мен охират уйида гадо кўргайман.

67

Минг айбу гуноҳ сабаб юзимдир қора,
Ёмон феълу сўзларим учун дил пора.
Қудс оламидан дилимга етказ бир файз,
Тарк этса дилимни фосид ўйлар зора...

68

Капгир каби ёв ўқлари қилса абгор,
Мансур²⁶⁹ каби умрингни басар этса дор,
Юз йил ё такаббур қўлида бўлсанг хор,
Аҳмоқ билан ўтиришдан афзал минг бор!

69

Ўт ичра тушиб, юз йил агар қоврилсанг,
Айлансангу кулга ҳар тараф соврилсанг,
Нокас ила бир дам ўтиришдан афзал,
Нокас сўзи баттардир ўлимдан, билсанг!

70

Бузма сира тузгач аҳд ила паймонни,
Дўст суфрасидан²⁷⁰ йўқса ушатма нонни.
Бу Маҳмуди Пурёрвали сўзини эшит:
Синдирма тузини тугатиб туздонни!

71

Бу кимсани кўрдим — гаму қайгудан эмин,
На куфру на ислому на дунёю на дин,
На ҳақ, на ҳақиқату на шубҳаю на чин,
Ҳар икки жаҳонда бундайи борми экин?²⁷¹

²⁶⁹ М а н с у р — машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (850-922).

²⁷⁰ С у ф р а — дастурхон.

²⁷¹ Бу рубоий баъзи ўзгаришлар билан Синжоний Хавофий ижодида ҳам учрайди.

72

Ботир кучини кўрсади ҳар кишига,
Юз қалъа ушалгай тоб бермай кучига.
Юз йил туну кун намозу рўза қилсанг,
Етмайди бир очни тўйғазишлик ишига.

73

Хотинга яқин бўлма жуда, тутгин узоқ,
Гўёки у Балхаро, сенга манзил Ироқ.
Қорнини тўқу устини бут қилсанг бас,
Бундан кўпини истаса, бер унга талоқ.*

74

Хотин кишининг сўзига ҳеч солма кулоқ,
Ўлтирмаю бир суфрада ҳам тотма тамоқ.
Ўлтирсанг агар хотин билан юз йил сен,
Юз йилга тушибсан, демак, Оллоҳдан узоқ.

75

Ёмон бўласанми, бўл ёмондан-да ёмон,
Яхши бўласанми, бўл ягонаи замон.
Бил, яхши-ёмоннинг ораси озгина йўл,
Яхши бўлса олсанг, сира ҳам бўлма ёмон.

76

Ҳар лаҳза сенга сабру чидам бўлсин ёр,
Ҳар лаҳза ҳаётда камтарин бўл, хоксор.
Кўп сўзлама то қолма уятга зинҳор,
Эъозла улугларни, десанг, бўлмай хор.

77

Оғзинга тикаверма ҳар ўн бармоқни,
Кўй ҳар сўзидан элнинг айб ахтармоқни.
Меҳмонга чақирсалар адабни сақла,
Ботирма таомга тўртала бармоқни.

78

Жонимни қилай фидо ким асл инсондир,
Бундай кишининг йўлига бош қурбондир.
Дўзах нафасин ёнингда туймоқ тиласанг,
Дўзах бу жаҳонда суҳбати нодондир.

* Бу ва кейинги рубоий муайян вазият ва кайфият маҳсули, ёки бирор кишига бағишланган бўлса керак.

79

Пешво бўлиш истасанг, ғурур этма ҳеч,
Малҳам бўлу эл дардига, мушкулин еч.
Десангки, ёмонлик етмасин ҳеч кимдан,
Ёмон сўзу ёмон иш, ёмон ўйдан кеч.

80

Инсон умри қандай ўтиши маълум:
Ўлгунча у дил қонин ичишга маҳқум.
Хуррам бу жаҳонни эрта тарк этганлар,
Осуда жаҳонга келмаган бўлса ким.

81

Ҳар ҳою ҳаваснинг йўлидан кечдим ўзим,
Юмдим қасу нокас сўзига икки кўзим.
Майхонада риндмиман, масжидда зоҳид,
Ўзим биламан ким эканим — чин бу сўзим.

82

Яхши кишининг яхшилик ўнг-сўлидадир,
Ким қилса ситам, ажал унинг йўлидадир.
Гавҳарга баробар менинг ҳар сўзим:
Ҳар сир Худованди карим қўлидадир.

83

Бизга мудом айлаб бевафоликни, санам,
Солдинг бошимизга бу жудоликни, санам.
Иш оқибати агар жудолик бўлса,
Соз қилмасанг эди ошноликни, санам.

84

Гулнинг шохидек қадинг сенинг жилвагар-ей!
Юзинг эса гулдан-да гўзал шу қадар-ей!
Сўзга оғиз очганда шакар тўкилади —
Ҳар икки лабинг мисоли лим-лим шакар-ей!

85

Маъно сири давлати ўзингда, эй дил,
Орзулар ижобати ўзингда, эй дил,
Сен изла эринмай вужудинг зулматидан,
Оби ҳаёт ҳикмати ўзингда, эй дил.

86

Қутқарди ажалнинг қўлидан жонини ким?
Ҳам кўшқу сарою қасру айвонини ким?
Ҳамроҳ экан иймон, бу ўлим тўй бизга,
Мотам унга элтолмаса иймонини ким.

87

Дил қони билан бўлса кўзим нам яхши,
Бу айшу сурурдан уқубат, ғам яхши.
Ҳақ даргоҳи ичра лаҳзалик дил ҳузури
Султонлигидан жаҳонни(нг) ҳар дам яхши.

88

Қилди ситами замона, кўру сўрама,
Ёшимни анори дона, кўру сўрама.
Маҳрам бўлсанг агарда дўстинг уйида,
Қон бўлса то остона, кўру сўрама.

89

Эй лола, этагинг чоку дилинг тўла доғ,
Бағринг ўтидан юзинг ёнар мисли маёқ.
Тупроқни ёриб чиқдинг, айт, борми хабар —
Гулданки, кеча бағрига олган эди хок?..

90

Дил ҳажру фироғинг ғамидан бўлди-ку чок,
Дийдоринг ҳасрати яна қилди ҳалок.
Ўлдик — қачон уздик умид васлингдан,
Кетдик — олди орзуимиз бағрига хок.

91

Бу дил бир дам мутеъи Раҳмон эмас-ей,
Ёмон феълидан сира пушаймон эмас-ей.
Дарвеш бўлди, зоҳиду ҳам донишманд,
Қолди бир иш — фақат мусулмон эмас-ей.

92

Сен бандага қуллик қилишинг айни хато,
Ҳар қанча вафо қилсанг унга, ажри жафо.
Гар ёйдаги ўқдек юз йил тўғри яшаб,
Бир бор хато қилсанг, бутун умринг хато.

116

93

Ҳар кимки бу дунёга гирифтор бўлди,
Ер қаърига кирди оқибат — хор бўлди.
Кўп ҳам ема ўз гамингни, сену мендек
Дунёга келиб-кетувчи бисёр бўлди.

94

Ғамдан ўзга йўқ сира умрим самари,
Ғамдан ўзга ишқ ичра йўқ дил ҳунари,
Топилмади бир ҳамдаму ҳамроз асло,
Ғамдан ўзга йўқ бир ҳамдам хабари²⁷².

95

Ойнинг бошидан охиригача ҳар он,
Биз Ҳинду Балх аччиғини еймиз чандон,
Бори шу экан асли азал тақдирда:
Биз еймизу аччиқ, зоҳидлар нордон.

96

Ишқинг қадаҳидан ичамиз бизлар май,
Қуй биз каби ичкучиларинга қитғай.
Ёдлаб сени ҳар тонгда сабуҳий²⁷³ қиламиз,
На току на токнишон кўринмас жиндай.

97

То ушбу жаҳон бизга экан маъво бу кун,
Бир луқма илинжида чопармиз куну тун.
Бу тан қафасин жон қуши тарк этганида
Маълум бўлади кимлигимиз бус-бутун.

98

Тупроқ дегани тўзиб ётар дунёда, бас,
Ҳеч кимса унинг тақдирини этмас ҳавас.
Ҳар қанча азизлар қошига қўнса-да, ҳеч —
Гард нархи ошиб, қадри азиз бўлган эмас.

²⁷² Бу рубойи Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилди.

²⁷³ С а б у ҳ и й — эрталабки бош оғриғи учун ичиладиган май.

99

Ё Раб, барча ниҳону ошкорсан Ўзинг,
На ақлу на илм етгучи асорсан Ўзинг.
Тутқун бу юракка очасан бир кун эшик,
Тўйсин то жамолингни кўриб, ёрсан Ўзинг.

100

Билгилки, гапирсаю бажарса ким — мард,
Ҳар кимки гапирмай бажарар — ярим мард.
Хотин у гапирмасу бажармас бўлса,
Хотин ҳам эмас, айтсаю бўлса жим мард.

101

Гар сенга сарой шу чархи аъзам бўлгай,
Занжир каби ҳар бир ишинг илдам бўлгай,
Бир куни ажал келса қўшин тортиб агар,
Фоний бу уйинг хонаи мотам бўлгай.

102

Дедимки: сафар қилай чекиб дарду гаминг,
Шояд юрагимдан чиқаролсам аламинг.
Ҳар қайда юрар бўлсаму сабр бўлмаса ёр,
Қайтиб келаю ўпай хоки қадаминг.

103

Сабр айла мудом — беҳуда зорлик чекма,
Бечоралигингдан хокисорлик чекма,
Кўп сўзлама токи шармисорлик чекма,
Дийдорни азиз айлаки, хорлик чекма.

104

Ўз ҳуснига мағрур бу гўзаллар шу қадар,
Бизнинг оху ноламиздан этгуси ҳазар.
Кўнглингни уларга ёрганингдан не наф,
Дард аҳли бўлак, ҳусн аҳли ўзга бўлар.

105

Бошдан-оёқ оламини гулистон деб бил,
Хору хасини лолаи ҳайрон деб бил.
Юз дилкушо боғ, осмонўпар уйларни
Вайрону харобу ер билан яксон бил.

106

Боқий нимани жаҳонда кам қўргайман,
Ҳар шодлигида минг бир ғам қўргайман.
Бу қўҳна мусофирхонанинг ҳар ёнидан
Йўқлик сари кетган йўлни ҳам қўргайман²⁷⁴.

107

Дарвеш кишининг ҳаттоки номи бўлмас,
Ҳар икки жаҳонидан-да коми бўлмас.
Қоврилса-да очлик оташида юз йил,
Ҳеч бир кишидан тамаи хоми бўлмас.

108

Дарвеш сира эл кўзига зоҳир бўлмас,
Кўнглига унинг ҳеч киши манзур бўлмас.
Ой нури тушар гоҳи унинг кулбасига,
Тунда тушар ул-да, кунда ҳозир бўлмас.

109

Мўминлар учун тубан жаҳон зиндондир,
Шод бўлса бу дунёда биров нодондир.
Бу бир-бирига чирмашиб кетган йўлни
Ҳар кимки босиб ўтса, у мард инсондир.

110

Олтин кўзага ўхшатаман дунёни мен:
Гоҳ суви унинг аччиғу гоҳида ширин.
Умрингга ишониб, этма кўп кибру ғурур,
Ҳар лаҳза ажал оти эгарлоқлиги чин²⁷⁵.

111

Дунёда менга сен каби офат бўлмас,
Умримда лабингсиз сира роҳат бўлмас.
Бу кеча қучоғимга келиб кирган эдинг,
Тонг отмаса кошки то қиёмат бўлмас.

²⁷⁴ Бу рубоий Султон Яъқубга ҳам нисбат берилади.

²⁷⁵ Бу рубоий Абусаид Абулхайр ва Умар Хайёмларга ҳам нисбат берилади.

112

Хусн аҳли бўлар гул каби нозик шу қадар,
Дил пардасини тонг елидек йиртар улар,
Ошиқ элининг дарду ғамидан беҳабар,
Хусн аҳли бўлак, дард аҳли ўзга бўлар.

113

Қаъба тилаги Хивада мақсуд эмиш,
Боиси унинг Паҳлавон Маҳмуд эмиш.
Ҳақ лутфига ноил азалий паҳлавон у,
Ҳақ лутфи унга ҳамиша мавжуд эмиш.

114

Кетсанг мени айрилиқ ҳалок этгусидир,
Дилни ўқинг икки газ²⁷⁶ чок этгусидир.
Ер устида жой талашма, чунки қисмат
Ер остида жойинг — қаъри хок этгусидир.

115

Эй боди баҳор, тиканга ҳам жон бердинг,
Ҳатто уни гунча бағрига яширдинг.
Гул сархушу лола масту нарғис махмур²⁷⁷,
Эй боди сабо, бунга сабаб сен эрдинг!

116

Боғ сарвини этди парвариш оби равон,
Боғ сарви унга пардалик айлар бу замон,
Бағрида келинчак гунча ҳам бор бегумон,
Эй тонг ели, бу барчаси сендандир, ишон!

117

Тупроқ қатига тикди ул гулни ажал,
Юз рахна бу хаста жонга солди ўшал.
Очилди-ю оғзи ним очиқ гунча тўла,
Тўкилди хазон еллари эсгач бемаҳал.

²⁷⁶ Г а з — 0.71 метрга тенг узунлик ўлчови; аршин.

²⁷⁷ М а х м у р — маст, хумор. Махмурлик — беҳудлик мартабаси.

118

Бу тоифаким, узлатни қилди макон,
Давлат шамини ёқиб фақр ичра ҳар он.
Бу тоифа юмган кўзини асли азал
Ҳар яхши-ёмонига жаҳоннинг бегумон.

119

Бу тоифага жон олами бўлди макон,
Бу тоифа орзуси санам васли ҳар он.
Бу тоифа ҳар бир кишини дўст тутса,
Ҳар борлигу йўқликда баробар бегумон.

120

Кафтимда экан жаҳон мисоли гавҳар,
Ҳақ қудратидан танимда қувват қайнар.
Бу дунёю дунёдаги барча нарса
Бир ҳалқа каби жимжилогимда ўйнар.

АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ

(1253 – 1325)

Машхур форсийзабон шоир, мутафаккир олим ва валиюллоҳ Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав ибн Амир Сайфиддин Маҳмуд Деҳлавийнинг ота-боболари Кеш (Шаҳри-сабз)нинг лочин уруғидан бўлиб, мўғуллар истилоси вақтида туркий сулолалар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистонга кўчиб кетишган. Ёшлигидан алоҳида қобилияти билан ажралиб турган Яминиддин ўша замоннинг асосий фанлари бўйича кенг ва чуқур билим олиб, турк, форс, араб ва ҳинд тилларини мукаммал ўзлаштиради. Шоир, олим, бастакор сифатида танилган Хусрав Деҳлавий сарой хизматида жалб қилинади. У ўз ҳаёти давомида 9 та ҳукмдорни кўриб, шулардан 7 таси ҳузурда хизмат қилган. Хусусан, Жалололдин Ферузшоҳ даврида у юқори мансабга кўтарилиб, Амир унвонига сазовор бўлган. Хусрав Деҳлавий умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, чиштия тариқатининг машхур шайхларидан Низомиддин Авлиёга мурид тушади, тариқат босқичларини босиб ўтиб, валиюллоҳ мақомига эришади.

У Низомиддин Авлиёнинг оёқ томонига дафн этилган.

Сермаҳсул ҳаёти давомида ёзган улкан шеърини меросини умр фаслларига мослаб, бешта девон тартиб берган шоир Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берди. Кейинчалик Жомий ва Навоий ўзларининг буюк салафлари анъанасини давом эттириб, девонларини шу тартибда туздилар. Бу девонлар “Тухфат ус-сиғар” (“Ёшлик тухфаси”), “Васат ул-ҳаёт” (“Умр ўртаси”), “Фуррат ул-камол” (“Камолот ибтидоси”), “Бақияи нақия” (“Сараларнинг сараси”), “Ниҳоят ул-камол” (“Камолот ниҳояси”) деб аталиб, умумий ҳажми 32645 байт. Шоирнинг 2000 дан ортиқ ғазал, 273 қасида, 20 га яқин маснавий, 1200 дан зиёд рубоий, 500 тача қитъа ва бошқа жанрлардаги асарлари ушбу девонлар-

дан ўрин олган. У ғазалда Саъдий, қасидада Санойи, Анварий, Хоқоний, дostonнависликда Низомийни ўзига устоз деб билган.

Низомий Ганжавий “Хамса”сига жавоб ёзиш билан ҳам-санавислик анъанасини бошлаб берган. Унинг 1299-1302 йилларда ёзилиб, Алоуддин Хилжийга бағишланган “Хамса”си куйидаги дostonларни ўз ичига олади: “Матлаъ ул-анвор” (“Нурларнинг чиқиш жойи”), “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Оинаи Искандарий” (“Искандар ойинаси”), “Ҳашт биҳишт” (“Саккиз жаннат”). У Низомий дostonларининг шакли ва сюжети, образлар силсиласини сақлаган ҳолда, уларни ўзига хос талқин этди ва янги мазмун билан бойитди. Низомий дostonлари шоир дунёқарашининг кенглиги ва билимининг теранлигини намойиш этса, Хусрав Деҳлавий “Хамса”си руҳият теранлиги ва қалб бойлигини кўз-кўз қилади. Низомий дostonларида тафаккур ва туйғу омухталигининг ажойиб нисбатини кўрсак, Хусрав Деҳлавий “Хамса”сида инсон қалбининг нозик тебранишлари ва бадиият уйғунлигининг ҳассос ва гўзал тасвирларига дуч келамиз. Айнан санъаткорона ишланганлиги учун ҳам Хусрав Деҳлавий “Хамса”си ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир кўрсатди. Халафлари ғоя ва мазмунда Низомийга эргашсалар ҳам, шакл ва бадииятда Хусрав Деҳлавийга издошлик қилдилар. Жомийнинг “Баҳористон”да эътироф этишича, ҳеч ким Низомий “Хамса”сига Хусрав Деҳлавийдан ўтказиб жавоб ёзолмаган²⁷⁸.

Бундан ташқари, у “Қирон ус-саъдайн” (“Икки саодатли сайёранинг учрашуви”), “Мифтоҳ ул-футуҳ” (“Ғалабалар калити”), “Дувалроний ва Хизрхон”, “Нўҳ сипеҳр” (“Тўққиз фалак”), “Тўғлуқнома” дostonларини ҳам ёзган. Беш рисоладан иборат “Эъжози Хусравий” (“Хусрав мўъжизаси”) насрий асарӣ эса адабиёт назарияси масалаларидан баҳс этади. Унинг “Маноқиби Ҳинд” (“Ҳинд маноқиби”) ва “Тарихи Деҳли” (“Деҳли тарихи”) номли тарихий асарлар ёзганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бўлса-да, улар ҳозирча топилган эмас. Ўз даврининг нуктадон ва машҳур бастакори сифатида

²⁷⁸ Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. 88-бет.

муסיқага бағишлаб ёзган рисоласи ҳам бизгача етиб келмаган. Кўплаб куйларни унга нисбат берадилар.

Хусрав Деҳлавий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган машҳур сўз санъаткорлари жумласига киради. Шоир асарлари ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган. “Хамса”си ва девонлари қўлёзмаси кўплаб кўчирилган. Хусусан, XV аср Ҳирот адабий муҳитида у жуда машҳур бўлган. Ҳусайн Бойқаро Хусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат мухтасар девонини кўчиртирган. Самарқанд ва Тошкентдаги шеърят мухлислари даврасида ҳам шоир ижоди баҳсу мунозара объектига айланган. Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида 1515-1525 йилларда Тошкентдаги адабий давраларда Хусрав Деҳлавий ижоди хусусида қизғин тортишувлар бўлиб турганлиги хусусида ёзган. Навоий ўз “Хамса”сини яратишда Низомий билан бир қаторда, Хусрав Деҳлавийдан ҳам кучли таъсирланган, ҳар бир достони муқаддимасида уни устозлари қаторида эҳтиром билан тилга олиб, ижодига юксак баҳо берган. “Девони Фоний”да 32 та ғазалига татаббуъ битиб, унинг таврида бир ғазал ёзган. Фалсафий-тасаввуфий мавзудаги “Дарёи аброр” (“Пок кишилар дарёси”) қасидасига жавобан “Тухфат ул-афкор” (“Тафаккур туҳфаси”) қасидасини яратган. Оғаҳий “Ҳашт биҳишт” достонини насрда ўгирган. Кейинги даврда шоир асарларини Васфий, Чустий, Ш.Шомуҳамедов, Ж.Камол, Н.Муҳаммад, Ж.Сувонқулов каби таржимонлар таржима қилганлар. Ш.Шомуҳамедов, М. Имомназаров, Ҳ.Ҳомидий, М.Бақоев, Б.Мусаев, И. Низомиддинов, Ж.Мирсаидов, М.Кенжабек, Г.Тўйчиева, Ф.Низомовалар шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан турли даражада тадқиқотлар олиб борганлар. Шоир асарларидан намуналар ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган.

1

Хандон лабидан на қиламан бўса²⁷⁹ талаб,
Рухсорига қўяман узоқдан на қараб.
Лекин лабидан сўришни ёрим сўраса,
Қойил қиламан бу ишни аммо, не ажаб!

²⁷⁹ Б ў с а — ботиғий файз ва жазба.

2

Болдек лаби ҳар сўзга оғиз очган чоғ
Бечораю зор дилимга тушгай бир доғ.
Кеткизганидек новвот майнинг доғини,
Дил доғини кеткизади бўса бермоқ.

3

Эй дил, қани, бўл, бодаи гулранг²⁸⁰ урамиз!
Барбатни²⁸¹ чалиб, усул билан чанг урамиз!
Лола каби май ишқи кўнгилдан кетмас,
Юз марта қадаҳ тошга қилиб нанг урамиз!

4

Дедим: “Кеча”. Деди: “Кечалар нодири у”.
Дедим: “Ой”. Деди: “Иягимнинг нури у”.
Дедим: “Жуда аччиқ”. Деди: “Ширин сўзим у”.
Дедимки: “Шакар”. Деди: “Лабим ҳузурни у”.

5

Ёрнинг лаби кўнглимга менинг таскиндир,
Ошиққа бир-икки ўптириш мумкиндир.
Қилгай у баҳона лабларим шўрдир деб,
Шўр бўлса у қанча, шунчалик шириндир.

6

Сендек яна кимда ёри маҳваш бордир,
Қўйнида ойи, Зухраси²⁸² чирмаш бордир.
Шўртак лабидан бизга қилар аччиқ сўз,
Аччиқ ила шўр қўшилса, дилкаш бордир.

7

Ёр йўлида бош берсам агар ўлгайман,
Ёр ўзгага ё қилса назар ўлгайман.
Мен зорману бир кўришга ёрнинг юзини,
У бўлса кўрар, мен-чи, батар ўлгайман.

²⁸⁰ Бодаи гулранг — қизил тусли май.

²⁸¹ Барбат — саккиз торли ўрдак шаклидаги қадимий мусиқа асбоби.

²⁸² Зухра — Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусиқаю рақс ва шоду хурсандлик тимсоли ҳисоблайдилар.

8

Ёрдан менга, бир куни ажиб ганж етади,
Бир-икки ўпичу оғушу пинж²⁸³ етади.
Жабрини чекиб ҳам оҳ демасман — сабаби:
Мен куйсам унинг оёғига ранж етади.

9

Ҳижронинг умидларимни сўлдирди мени,
Кўксимни жафо ўқига тўлдирди мени.
Бас айлаю жабринг, эй худобезори,
Кел мен сари бир бор — орзу ўлдирди мени!

10

Бир боқиши бўлганча бўлдирди мени,
Кўнглим ишқу ҳайратга тўлдирди мени.
Ёр ўхшади золимгаю куйдирди дилим,
Ҳажр ўхшади қотилгаю ўлдирди мени.

11

Аччиқ сўзию ситами ўлдирди мени,
Бир меҳрибоним йўқлиги сўлдирди мени.
Қонимни қиёматда тиларман ундан,
Ул қотили қаттол нега ўлдирди мени?!

12

Яхши чиқади ҳамиша ҳам фоли унинг,
Тушимга кирар ой каби жамоли унинг.
У юрсаму турсам хаёлимда фақат,
Шарманда қилади мени хаёли унинг.

13

Бир нозли санам савдоси ёр менга,
Ундан дилу жон ичра ғубор бор менга.
Эй ел, бу ғуборни ҳеч супурма бошдан,
Ёр хоки пойидан ўша ёдгор менга.

²⁸³ П и н ж — бағир.

14

Ғар шайх Низомдан²⁸⁴ етса менга салом,
Ёр хусни амал билан менга айши мудом,
Бир-бир ушалиб дилдаги бор мақсаду ком,
Ҳар ишда менга бўлгуси тартибу низом.

15

Ҳеч бўлмади зуҳду тақво ёр бизга,
Ҳеч қолмади номус билан ор бизга,
Эй ишқ, май узат такрор-такрор бизга,
Эй ақл, керакмасан зинҳор бизга.

16

Кўзинг менга кўп жабру жафолар қилади,
Бечора дилимга юз балолар қилади.
Ўрганса йиғимдан тун кезарликни бу эл,
Бир кун сенга қарши истилолар қилади.

17

Кимнинг дили ишқ оташини туйган эмас,
Кўнглим сира бундай кишини суйган эмас.
Эй ишқ ўтидан гофил, узоқ юр биздан,
Ҳар дилни ёқармиз агар у куйган эмас.

18

Йўқ менга кўйинг хокидан ортиқ зийнат,
Жон борича унда ўлтиришдир қисмат.
Тер томчилари юзингдан оққан жойда,
Кўз тўкмаса қонимни, менга минг лаънат!

19

Ёр, ўтли оҳим йўлига ҳеч ўлтирма,
Бағрингга туташса ўт, чекиб ғам юрма.
Бу тункезар йиғию саҳархез²⁸⁵ оҳни
Осонгина ўз кўйинг тарафга бурма.

²⁸⁴ Ш а й х Н и з о м — шоирнинг муршиди шайх Низомиддин Авлиё.

²⁸⁵ С а ҳ а р х е з — саҳарда уйғонувчи, эрта турувчи.

20

Юзини кўриш йўлида гар бермаса жон,
Кўрдингми ё кўрмадингми йўқ фарқи бирон.
Бир кўрди кўзиму унга мен бўлдим асир,
Ҳижрони, бироқ, ўртага тушди шу замон.

21

Кўйинг сари ҳар қачон агар тушса йўлим,
Узоқдан ўпарман еру кўксимда кўлим.
Мен ҳеч сўрамасман эшигиндан чиқишинг,
Бахтимга ишончим шу қадар катта, гулим.

22

Ҳар кеча мену жоним эса парвона,
Ишқимдан шамга айтаман афсона,
Фарёд этаман, чунки дилим девона,
Ўт қўймасин ўз уйига деб пинҳона.

23

Дил зулфини ҳалқаси — балосида эмиш,
Жон зарра каби орзу-ҳавосида эмиш.
Барча бошини олиб кўйидан кетди,
Бошим пойида ётиб, дуосида эмиш.

24

Қондан юзни пок қиламан эшигида,
Ғамдан жонни чок қиламан эшигида.
Деди: эшигим хокини соч бошингдан,
Шундан бошни хок қиламан эшигида.

25

Ишқинг ўти кундан-кунга ўртар энди,
Дил куйган эди, куйгуси баттар энди.
Ноз ўқини отдинг, ўзи жон доминг эди,
Дом оғзи тикилгуси муқаррар энди.

26

Жам бўлса насиҳатлари Аршга етгай,
Ошиқ дилин ишқ аммо қачон тарк этгай?
Кафдан чиқарар зўрға тиканни игна,
Кўнгилда.и ўқ олдида аммо нетгай?..

27

Ким кўrsa санамнинг юзи рахшонини²⁸⁶ у,
Бой бергуси ҳам зулфига иймонини у.
Савдосини пиширгали ўтин бўлади
Ҳажрига бағишласа дилу жонини у.

28

Мен ғамзадани қачон санам ёд этади?
Ҳолбуки, дилим ҳажрида фарёд этади.
Бармоғига ип каби мени боғласа у,
Ҳар кўрганида балки мени ёд этади.

29

Кўзинг неча нозу сеҳру афсун қилади,
Эл ақлу ҳушини остин-устун қилади.
Зулфинг эса дилларни ўғирлар туну кун,
Борми киши бу ўғрини тутқун қилади?!

30

Сенсиз бу дилим ҳавасга ҳам очилмас,
Йиллаб юра бир нафасга ҳам очилмас.
Еч дилдаги бор тугунни бир ханда билан,
У ҳар касу кас эмасга ҳам очилмас.

31

Келтирди-ю сендан менга тонг ели салом,
Бор сабру ҳушим дилимни тарқ этди тамом.
Дил ғунчасини айлади юз пора у ел,
Бу гул сени деб очилди, у сен сари ром.

32

Гоҳ менга ситам ул лаби хандон қилади,
Гоҳ кўнглини тош — мисоли сандон²⁸⁷ қилади.
Бу кинани тишлаб лабидан узмас эсам,
Жонимни ширин кулгига қурбон қилади.

²⁸⁶ Р а х ш о н — ялтироқ, порлоқ, жилваланувчи.

²⁸⁷ С а н д о н — темирчиликда ишлатиладиган темир тўнка.

33

Эшитса биров аламли бу ноламни,
Кўнглим ўти ёндиради ул одамни.
Бир томчи олов ёшим заминга томса,
Босиб кетади меҳригиё²⁸⁸ оламни.

34

Бир тун менга васл эшиги гар ёр бўлгай,
Жоним лабига маҳрами асрор бўлгай.
Кўрқиб оёғига кўз сураман, балки
Кўзимдан оёғига бир озор бўлгай?..

35

Ҳижронида сўлганим муборак бўлсин!
Ғам-қайғуга тўлганим муборак бўлсин!
Бир марта юзини кўрмаган бўлсам-да,
Ёр кўйида ўлганим муборак бўлсин!

36

Бу сарв кеча ҳар ерда юрарди озод,
Кўнглим изидан чопарди айлаб фарёд.
Тупроққа беланган ушбу жон атрофидан
Юз чарх уриб айланарди мисли гирдбод²⁸⁹.

37

Бўлсам-да агар ёр эшигидан маҳрум,
Тарк этмади бир кўриш тилаги бир зум.
Истайман эшиги тупроғи бўлмоқни,
Этказ мени бу орзуга тез, эй ўлим!

38

Сарғайди юзим туфайли бечора бу ашк,
Кўйингда кезар ой каби оввора бу ашк.
Элдан яширин чекар ғамингни бу дилим,
Дил бўлса бахил, сахий-да юз бора бу ашк.

²⁸⁸ М е ҳ р и г и ё (ҳ) – илдизи одамга ўхшаган ҳамда эркак ва ургочиси бўлган гиёҳ. Афсонага кўра, бу гиёҳни ёнида олиб юрган киши гўё бошқаларнинг муҳаббатини ўзига жалб қилар экан.

²⁸⁹ Г и р д б о д – айланма шамол, бўрон, довул.

39

Вақт етди намозшомгаю ёр мендан узоқ,
Мен бир ярадор қушу баҳор мендан узоқ,
Йўқ дардига тоқат — дили зор мендан узоқ,
Тун қандай ўтар — сабру қарор мендан узоқ.

40

Қатлимга тигингни қайрасанг-да ҳар кез,
Вожиб²⁹⁰ менга шукрингни қилиш, эй хунрез!
Қассобга сўйиш молини осон бўлади,
У қонли пичоғини агар айлар тез.

41

Ғам аслида мен каби дилафгорга²⁹¹ келар,
Бир лаҳза нима бўлар агар ёрга келар?
Кунимни қаро қилар менинг тун доим,
Бошига куним тушса, ўшал зорга келар.

42

Бир йилча ўтиб орадан, эй шўх танноз,
Келсанг эди даврамизга сен айлаб ноз,
Қилмасман умид лабингдан асло, чунки
Қўл гарчи узун, ҳолва ейишга бу оз.

43

Ёр юзини кўрса, ой хижил бўлгайдир,
Ёр жойи азалдан жону дил бўлгайдир.
Ғар бош сўраса, унга қилиб бўлмас рад,
Қон тўкса-да, ошиққа қабул бўлгайдир.

44

Шодлик ила хуш эт умр вайронасини,
Ғам дастидан елга берма умр хонасини.
Паймонани майга тўлдир, эй умри азиз,
Тўлдирмасидан Ҳақ умр паймонасини.

²⁹⁰ В о ж и б — зарур, мажбурий, фарз.

²⁹¹ Д и л а ф г о р — дили хаста, кўнгли вайрон.

45

Кўрсат икки юзингни — қуёшдир порлоқ,
Хор этма сира бизни мисоли тупроқ.
Ет қадрига биз — ҳоли ғарибларни бугун,
Эртан қидириб тополмагайсан мутлоқ.

46

Қаддинг қошида таъзим этиб тургай сарв,
Ўз қоматидан юз айб топиб юргай сарв.
Соясини ердан бўлади кўтармоқ
Ҳар қайда қадинг соясини кўргай сарв.

47

Дардинг яширувдим дилга худдики тош,
Қон бўлди дилу кўздаги ёш айлади фош.
Мен сендан узоқда нима ҳам кўрдим дей,
Чунки сени кўрмоқдан узоқ тушди бу бош.

48

Ёр кетди-ю, хаста дил фироқда қолди,
Васл этагидан қўлим узоқда қолди.
Тикдим йўли тупроғига икки кўзни,
Ёр кетди-ю, акси қўш қароғда қолди.

49

Ёр юзи туфайли гунча ҳеч хандон эмас,
Гул ҳусни бу юзнинг олдида чандон эмас.
Чайнар лабини писта қилиб рашк лабидан,
Тишсизга узиб олиш, ахир, имкон эмас.

50

Бир кун эшигимдан кирса офтоб янглиғ,
Дил шодлигидан кўкка соларди довруқ.
Олдига кўзимни қилар эдим пешкаш,
Йўқ менда, ахир, бундан азизроқ тортиқ.

51

Эй сир, дилим ичра гар муқим жойинг бор,
Бир кун мени тупроққа тиқарсан ошкор.
Қилдинг-ку хароб хонумонимни, энди
Ўзингни тўсарсанми кўтариб девор?!

52

Мастона кўзи фитнаи олам — қарангиз,
Хушбўй сочи ҳалқа-ҳалқа, ҳам-ҳам — қарангиз.
Олганда булут каби ниқобин юздан,
Эгма қоши нақ камони Рустам²⁹² — қарангиз.

53

Найдек бу фироқда нола қилмай, не қилай?
Кўнглимни бировга оча билмай, не қилай?
Бездирди ситам — юзини кўрмай дейман,
Дил қийнаса бир қарорга келмай, не қилай?

54

Йўқ кўйида кўз ёшидан ўзга ҳосил,
Тўлди-ку жигар қонига этак ҳам, бил.
Бечора дилим-да кетди гарчи кўлдан,
Тош кўнгли менга бўлмади зарра мойил.

55

Ҳажрингда на еб-ичиш бору на уйку,
Бу хаста кўнгил сабру чидамдан айру.
Кўз ёши очиб сиримни, расво қилади,
Хавфим шуки, бир кун менда қолмас обрў.

56

Ёрим юзисиз дил сира ёруғ бўлмас,
Кўйи хокидан ўзгаси ёстиқ бўлмас.
Деди у: фидо айла йўлимда жонни,
Бу жон ўзидан ўзгага тортиқ бўлмас.

57

Дардингда дилу жон харобдир, кўргил,
Қон ичра кўзу жигар кабобдир, кўргил.
Ёш ичидаги икки кўзим қорачиғи
Фаввос каби қилгани шитобдир, кўргил.

²⁹² Рустам (Рустами Достон) — Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари оғзаки ижодида ва мифологиясида шаклланган қадимий образ. У паҳлавонлик, халоскорлик ва жўмардлик тимсолидир. Туркий халқлар эпосида Рустам турк халқлари ҳимоячиси сифатида гавдаланса, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Эрон юртини ҳимоячиси тарзида талқин этилади. Рустами Достон “Шоҳнома”нинг энг асосий ва мукаммал ишланган образларидан бўлиб, шу асар орқали бу образ янада кенг шуҳрат қозонди.

58

Соқий, сени деб жумла жаҳон бўлди хароб,
Бир коса шароб деб мени ўлдирма шитоб.
Жон келди лабимга гамидан, май тутгил,
Мен жон берайин май ича, сен тўпла савоб.

59

Ёр кеча кетарди дўсту ёрлар ичида,
Хушбўй ҳидидан масту хуморлар ичида.
Кўз тўккан ёш ёмғири остида қолиб,
Хўл ҳолда кетарди шашқаторлар ичида.

60

Кўзимда менинг, эй йиғи, сенга нима бор?
Жон қасдига ким сени яратди бешумор?²⁹³
Эй дил қони, кўзга югуриб келгайсан,
Кўрсатди бу йўлни сенга қайси нобакор?

61

Ҳажрингда дилим ҳар кеча минг бор ўлади,
Ҳар лаҳза кўзимга қип-қизил қон тўлади.
Жабрингдан агар дилимда юз ғам тоғи бор,
Оғирлашиш ўрнига, у енгил бўлади.

62

Хуснингни кўриб, барча кўзи санда эмиш,
Озод кишилар жон-дилидан банда эмиш.
Бир кулсанг агар шакар асиринг бўлади,
Бизни асир этган шу шакарханда²⁹⁴ эмиш.

63

Ошиқ бу дилимга озор, эй моҳ, тилама,
Бўлдингми дилим ҳолидан огоҳ, тилама.
Мен жону дилим билан сени хоҳлайман,
Сен бўлса мени хоҳи тила, хоҳ тилама.

²⁹³ Б е ш у м о р — беҳисоб, сон-саноқсиз, кўп, зиёда.

²⁹⁴ Ш а к а р х а н д а — ширин табассум, латиф кулги.

64

Ҳар кимдаки сен билан комронлик²⁹⁵ бўлгай,
Дил тўла қувончу шодмонлик бўлгай.
Сен жоним эдинг, кетдингу мен борман ҳануз,
Сенсиз бу тириклигим гумонлик бўлгай.

65

Сен токда узумнинг етилишини кузат,
Шунда кўрасан ранжу машаққатни фақат.
Иссиқда куйиб пишганидан тирсиллар —
Қон тўла пуфакдек — эътиборингни қарат.

66

Узумнинг иши мудом савоб тушган эмиш,
Шодлик жомига бўлиб шароб тушган эмиш.
Сув ичра яширса-да уруғин ҳарчанд,
Ҳар новдада ҳосил беҳисоб тушган эмиш.

67

Кеча ўпаман деб уни ғамга солдим,
Ширин лабини бир йўла тишлаб олдим.
Энди лабидан узилган у парчани мен
Жон ипи билан тикай деб ўйга толдим...

68

Май вақтида боғ берди ўзига оро,
Гунча каби кирди пардага дўст, ошно.
Гул кетдими ўзидан юзини тирнаб,
Ботибди бугун терга — бу қандай савдо?!

69

Мултонда бу воқеа шу йил бўлган эди,
Фарёду фиғондан бу жаҳон тўлган эди.
Шанғиллар эди қулоқ — жаҳонни гўё
Фарёду фиғон эгаллаб олган эди.

²⁹⁵ Комронлик — бахтиёрлик, мақсадга эришганлик.

70

Ёр хизматисиз ўтса кун — армон бўлгай,
Ҳолим ёмону дилим паришон бўлгай.
Умр ўтди-ю, дўстларим келишса дейман:
Умр ўтса-да, дўстларим соғ-омон бўлгай!

71

Жон роҳати ул дилдорга мазҳаб эмиш,
Тундай сочи ошиқ дилга матлаб²⁹⁶ эмиш.
Очолмагай у лабини ширинлигидан,
Ичида агарчи сўзлари қайнаб эмиш.

72

Кетдинг мени қолдириб, эй ой юзли санам,
Васл этагидан узилди шодлик қўли ҳам.
Юз йиғласа оқ бўлмас юзи қора кўз,
То кўрмаса юзингни, етар, этма ситам.

73

Эй ғунча, қилибди қул сени кибру ҳаво,
Бас, булбули зорга этма кўп жабру жафо.
Кўнглинг сирини новдаларингга очасан,
Ҳар бир киши тўлган дилини тўкса раво.

74

Ишқинг кўйига кирдим, эй шамъи Чигил,
Бу хаста дилим сафар учун боғлади бел.
Зулфи сари, бўл ҳазир, дедим, тушса йўлинг,
Бу йўлни узун, хавфли илонзор дея бил.

75

Ёр икки кўзим тутди макон, билсанг агар,
Юз қон булоғи бўлди равон, билсанг агар.
Дил қонини ўз бўйнига қўйди қўйиб,
Келганда кўзимга бегумон, билсанг агар.

²⁹⁶ М а т л а б — мақсад, истак, талаб.

76

Ёр ваъдасидан орзу жўшар дил ичида,
У-бу дея ноз-ишва қилиш ёр иши-да.
Гоҳ-гоҳида марҳамат этиб сўз қотади,
Афсуски, бунинг барчаси ҳам тил учида.

77

Ёр бир нишон асло бермаса, яхши эмас,
Гоҳ берсаю гоҳо бермаса, яхши эмас.
Мен уни кўриш учун қўйига келаман,
Ўзига йўл аммо бермаса, яхши эмас.

78

Тун ярмида ҳар гал шўхи танноз келади,
Саллона²⁹⁷ юриб, қилганича ноз келади.
Зулфини кўриб, ерга тушар ой, бу эса
Осмонга чиқар нарвон агар соз келади.

79

Ёр дарди туфайли қилди жоним фарёд,
Эшитди қулоғи, этди нола бунёд.
Бу дардни қулоғидан менга қайтарди,
Икки қулоқ ўртасида қолди дард, дод!

80

Урди мени йўлдан қора сочинг, эркам,
Энди қора рангидан нажот йўқ ҳеч ҳам.
Сочингга дедим: “Мунча қорайдинг нимадан?”
“Офтобда қорайдим”, — деди ул хотиржам.

81

Васлинг сурурин жумла жаҳонга бераман,
Ҳажринг гамини бир дилу жонга бераман.
Фармон бердинг жон беру бўса ол деб,
Мен бору йўғим шу фармонга бераман.

²⁹⁷ С а л л о н а — солланиб, ноз билан ўзини икки ёққа ташлаб юриш.

82

Ёрдан неча марта яхшилик ҳам етди,
Ўнглаб неча марта ишларим, лутф этди.
Бечора бир ошиғига айлангач мен,
Бегона бўлиб, мени хор этди-кетди.

83

Қай куни гўзаллар кўйига тушди йўлим,
Душман бўлди менга кўзу жону дилим.
Ҳолимга менинг ичи куяр бир киши йўқ,
Шундан ўтар оҳ уриб менинг ою йилим.

84

Жоним у санам аҳду вафосида қолар,
Бошим оёғин ўпиб, дуосида қолар.
Ҳар дил ўзича қилиб ҳаволар борди,
Бу дил эса ёр орзу-ҳавосида қолар.

85

Бу тоифа яхшиликда чиқарса-да от,
Ёр оёғига қўйишни бош билди нажот.
Ё Раб, нима лаззат бор ўшал барнода,
Дейсан яратилган эса туздан у наҳот?!

86

Оёғига йиқилдим уни бир кўрибоқ,
Кўйди оёғини кўзим ичра у шу чоқ.
Сурдим оёғига тинмай кўз қорасини,
Оқарди бу кўз, аммо қорайди у оёқ.

87

Бир куни юзингни кўраман мен-да тайин,
Ташбеҳ этаман ўшанда ойга уни, чин.
Кўз сурма тилайди эшигинг тупроғидан,
Кўз юзини қора қилай бу орзу учун!

88

Жонон, гоҳи боғу гоҳи бўстондир, боқ,
Вақти суману лолаю райҳондир, боқ.
Гул орзусида нега қўлингни чўзасан,
Қўлинг ўзи энг гўзал гулистондир, боқ.

89

Сабрим уйини бузди хаёлинг, жонон,
Жабрингни қачонгача тутарман пинҳон?!
Мен қанча яширмайин — баланд овозда
Ҳолимни кўзимнинг ёши қилди аён.

90

Токайгача менга кин эшигин очасан?
Кўнглимга менинг ғам уруғини сочасан?
Умр ўтди совуқ оҳлар уриб кўйингда,
Алдаб мени, ўзингни нега обқочасан?

91

Эй тонг ели, сен вафо кўйидан келасан,
Ёримнинг олиб ширин бўйидан келасан.
Оҳ, мунча ёқимлисану жонимга ҳузур,
Мен билдим, ахир, санам сўйидан келасан.

92

Тортай бу кеча сочидан — олган жоним,
Оҳ, ёш бўлиб оқди кўзларимдан қоним.
Деди: бўса олиш сенга мушкул бўлса,
Ўзим лабингга лабим тутай, султоним!

93

Ҳар кимнинг узун тунлари ёри бордир,
Шодлик билан айш унинг шиори бордир,
Ҳажр ичра дилимнинг оҳу зори бордир,
Маҳрам менга хонамнинг девори бордир.

94

Келди-ю ғаминг, дил ичидан жой олди,
Бирга ўтиролмай мен ила кўзғолди.
“Маъзур тутасан”, — деган эдим, қилди жавоб:
“Шошилма, шу узринг менга ёқиб қолди”.

95

Сен хоҳла фироғинг ичра қон айла мени,
Сен хоҳла висолда шодмон айла мени.
Ундай эту бундай эт демасман асло,
Ўзинг тилаганча бегумон айла мени.

96

Ёр жабру жафо шеvasини тутди мудом,
Фарёду фигоим уни ҳеч этмади ром.
Меҳрини қозонай деб уриндим ҳарчанд,
Бу орзуси бечора дилимнинг эди хом.

97

Кўнглингда на бир ҳавои ёр кўзғолгай,
На бўса, қучоқ орзуси бор — кўзғолгай.
Бўлдим у йўлинг гарди — шамолга бердинг,
Ҳеч андиша этмадинг, ғубор кўзғолгай.

98

На бахт мададкор менга, на давлат ёр,
На ёру на дил қилар итоат изҳор.
Битта нима, мингта қонли кўз зор-зор
Ҳолимга менинг йиғласа арзир минг бор.

99

Ҳар гал у севар ёр эшигимдан киргай,
Минг пора жигарга аямай туз ургаи.
У фитнадир эркагу аёлнинг жонига,
Бечорадир уни кимки ногоҳ кўргаи.

100

Ёрим кеча меҳмону дилим мамнун эди,
Гўё кўзим олдида ою парвин²⁹⁸ эди.
Мен масту хароб бўлдим унинг бўсасидан,
Гарчи лабининг майи жуда ширин эди.

101

Эй дўст, унинг ишқини тарк этмоқчи эдим,
Ёрсизга ҳаёт йўқ — ўзи нетмоқчи эдим?
Кўнглинг сира узма деб насиҳат ўқима,
Сабрим йўғидан дил узиб кетмоқчи эдим.

²⁹⁸ П а р в и н — сурайё, ҳулкар: олти кичик юлдузнинг бир ерда жам бўлишидан иборат юлд. элар туркуми.

102

Хусрав, чаманга ёр юзи ўхшар эмиш,
Кўп боқма, ёмон кўзингдан у қўрқар эмиш.
Кўзингга қўлингни тиқу кўр айла уни,
Ман этса қарашни деб кўзинг наштаг эмиш.

103

Болдек лабининг бодасига етмадим-ей,
Дил қонидан ўзга бода нўш етмадим-ей.
Қон бўлди жигар ёр ситамидан, минг дод,
Жон баҳридан аммоки ўтиб кетмадим-ей.

104

Тунларда ғариблик ғами, кундуз — ҳижрон,
Тарк этди дилу қолмади сабрим бир он.
Кетсанг-да, дило, иложини топсанг кел,
Жон кетса келмас, сен эмассан-ку жон.

105

Ёр ҳалқа қилиб мушк исли кокилини,
Ҳар торига боғлабди бир ошиқ дилини.
Бир неча асирмиз деб этишди фарёд,
Кимсиз дея сўрасам улар манзилини.

106

Дерлар менга боғла итоатсиз кўзни,
Кўр айла ўзингни, кўрма гўзал юзни.
Кўрганда гўзалларни ўзи кўр бўламан,
Йўқ ҳожати ҳеч кўр айлашимнинг ўзни.

107

Эй ёр, дилимни етказ манзилга,
Етказ уни ҳалқа-ҳалқа бир кокилга.
Кўйинг сари дил кетди-ю, жон ҳам кетди,
Бер жонга мадад, бўлмасин ишинг дилга.

108

Ҳажрингда адо бўлди менинг жону дилим;
Кўзимдаги қонли ёшларимдир далилим.
Чодир қуради мижамда ёш кўпиклек
Уйқуга кетар эсам хаёлинг-ла, гулим.

109

Эй ҳажр, нега дилим мудом қон этасан?
Эй дўст, қачон бу жон додига етасан?
Жоним келади лабимга дўстан, эй вой,
Бир лаҳза агар менинг қошимдан ўтасан...

110

Май бўлсаю дилдан ғамни олса мудом,
Ё майни олиб, май юзига солса мудом.
Кўза ясаса фалак хокимиздан агар,
Ул кўза-да май учун бўлиб қолса мудом.

111

Ўн бўса, дедим, ғамингда жоннинг бадали,
Хуш бўлди дилим бешини олиб — мазали.
Олдим йўлини қилиб мен олтинчисини
Беш бўсани ўн деб алдамоқчи маҳали.

112

Тонг чоғида булбул ғазалхон бўлди,
Шохга осилиб гул, дили вайрон бўлди.
Дилларни қитиқловчи майин ел эсгач,
Наргис кўзини очиб, паришон бўлди.

113

Қул қилди дилим хандаю гуфторинг ўша,
Ой кўрса юзинг, бўлар гирифторинг ўша.
Каклик юради тоғда нега? Билсанг агар,
Такрор этади чиройли рафторинг²⁹⁹ ўша.

114

Қай куни сенга ўзини бахш этди дилим,
Озодлиги бошига ўзи этди дилим.
Тўққанда кўзим ёш ҳали ўрнида эди,
Тўққанда кўзим қон ўзидан кетди дилим.

²⁹⁹ Р а ф т о р — 1; юриш; 2) хатти-ҳаракат; 3) хулқ-атвор.

115

Ҳар гал у санамни(нг) дастидан этсам дод,
“Ҳеч нолима, — дерди , — гарчи қилсам бедод”.
Жим юрсам агар ўзимни қандай тутайин?
Фарёд қилсам, қандайин айлай фарёд?

116

Ҳажрингда кўзим тўккани қон етмасми?
Ғам номаси тинмайди ҳамон — етмасми?
Сенсиз яшаётганимдан ор-номус этиб,
Кўзимга кўринмайди бу жон, етмасми?

117

Қон йиғлаганимда ер бўлар қизғиш, занг,
Мен бошлаганимда нола рашк этгай чанг,
Раҳминг келмас бўлса-да аҳволим танг,
Ҳеч билмасман: бу дилми ёки харсанг?!

118

Жоним тилаги унинг вафоси эмиш-ей,
Бошим ҳаваси ёр хокипоси эмиш-ей.
Ўз орзуси ортидан чопар ҳар бир дил,
Бу дилда санам орзу-ҳавоси эмиш-ей.

119

Ҳолимни билар жаҳон — бўлди ошкор,
Ҳар қанча қилай ниҳон, бўлди ошкор.
Дил ўти чиқарди тилини оғзимдан,
Тил этди уни аён, бўлди ошкор.

120

Мен дилга садоқатинг уруғин экаман,
Ақлу дилу жоним йўлингга тикаман.
Дейсанки: “Севарсан бу жаҳонда кимни?”
Мен икки жаҳонда бир ўзингни севаман!

121

Хусрав, сенга сўз ичра агар бозордир,
Сўзингга сенинг на ҳалду на миқдордир,
Токай дейсан сўзим менинг бисёрдир,
Кўп сўзлама, хомуш бўлишинг даркордир.

122

Мен соддадилу гаминг ёр этмай бўлмас,
Ҳажрингда жигар қонини ютмай бўлмас.
Дединг: е менинг гамимнимас, жон гамини,
Кўйингда бу жон баҳридан ўтмай бўлмас.

123

Ёрим гамининг баёни суҳбат менга,
Ёр эшигининг тупроғи давлат менга.
Кўз ёши билан мудом юзимни юваман,
Кўйингда шудир обрўю шуҳрат менга.

124

Токайгача бахтим мени сарсон қилади?
Токайгача чарх дилим паришон қилади.
Шунча гаму кулфат ўрнига, бўлмас ажаб,
Ёр юзини менга гар намоён қилади.

125

Дил доғини кўрсатай санамга, девдим,
Орзу кўзига хоки пойин сепувдим.
Ўпиб эшиги тупроғин ифлос айлаб,
Кўз ёши билан сўнг уни роса ювдим.

126

Ўтдингу кеча, оҳ, нима ўтди жондан,
Кўриб сени не кечди дили ҳайрондан.
Дединг: “Нималар ўтди дилингдан ул дам?”
Кўй, ҳар нима ўтса-ўтди, ўшал ондан...

127

Ҳеч қилма гумон — қайтмайман йўлингдан,
Безмайди дилим жабру жафо, феълингдан,
Кўзимни қадам қилиб ёнингга келаман,
Гар унса-да тигу ўқ ўнгу сўлингдан.

128

Эҳсон йўлини ҳар киши тутса яхши,
Ҳар нима бағишласа, унутса яхши.
Ким берганини қайта олишни истар,
Ўз қусганини ит каби ютса яхши.

129

Ўғри каби тунда бостириб кирди ғаминг,
Дил олди-ю, кўксимга пичоқ урди ғаминг.
Бедор эди кўзим тундан тонгга қадар
Қандай менга фитна домини курди ғаминг?!

130

Хусн аҳли қошида, ишқ эли, йиғланг қон,
Дил ранжидан озод куни топширинг жон.
Дил хукмингиз остида экан то ҳар он,
Эй ақлу хуш аҳли, яшанг беармон!

131

Оч масту хумор кўзингни, қўй, уйқуни ёр,
Кўксимга карашманг тигини қилма қатор.
Бу қон тўла кўзларимга, эй оби ҳаёт,
Ҳар лаҳза келиб, қонини сув қилмаю бор.

132

Ҳажрингда, санам, дилимда йўқ сабру чидам,
Бир чораси йўқми бу ҳолнинг сира ҳам?
Сенсиз ўлишим билиб, жаҳон йиғлади-ей,
Сен келсанг агар жон киради менга шу дам.

133

Минг ғамза билан ул шўху танноз келди,
Шодлик улашиб дилга, қилиб ноз келди.
Дийдори ғамида кетди-ю дил ўзидан,
Кўп вақт ўтди то ўзига боз келди.

134

Дил қони туфайли қип-қизил лаъли унинг,
Сочи каби банд-банд эмиш дил тугуни.
Чоҳ ўртасида бўлади гирдоб, лекин,
Гирдоб ичидадир ияги чоҳи унинг.

135

Ой юзли санамга дил асирдир — нетаман?
Куйдирди фироқ, қачон висолга етаман?
Най ноласи тарк этса қулоғимни агар,
Фарёду фиғон билан дилим шод етаман.

136

Шўртак лабида хайр³⁰⁰ нишони бордир,
Гўё учида тузнинг кони бордир.
Бир зарра тузига етмас олам шакари,
Ҳар заррасида минг ошиқ жони бордир.

137

Кўнглимга қара — ғам тўла олам будир,
Айт менга тутиб лабингни: малҳам будир!
Жон кетса кўролмайин юзингни ғам эмас,
Юзингни кўролмай юрса, ғам будир.

138

Ёр ҳажрида уйқу йўқ, еб-ичиш ҳам йўқ,
Тинчим йўқолиб, бирор осуда дам йўқ.
Ҳар икки кўзимдан оқди ёшим тинмай,
Сув бору, қара, энди гўё дийдам йўқ.

139

Гоҳида тиниқ майни улуғлаб кетаман,
Гоҳида гўзаллар ишидан нақл этаман,
Беҳуда, хато бўлса-да сўзни, нетаман,
Кибримни қўйиб, гўё фақрга етаман...

140

Боғ ўртасида гул ясаниб, кўр тўкади,
Тонг ели унинг этагига дур тўкади.
Сочганда баҳор ёмғири кўкдан гавҳар,
Гул очгали гунча ерда тер тўкади.

141

Эй гунча, киши оғзини сендек очмас,
Сўз гавҳарини, аммоки, оғзинг сочмас.
Сен новдага кўнглингни берибсан қаттиқ,
Шунданми дилинг чамандан ўзга очмас.

³⁰⁰ Х а й р — яхшилик, савоб.

142

Кўклам сурури барчага бўлгай йўлдош,
Наргис сира май қадаҳидан олмас бош.
Бор кибру ҳаво сенда, демак, маъзурсан,
Эй булут, агар ҳар қанча тўксанг ёш...

143

Шодлигу ҳушимни олди ҳажринг, шириним,
Кўлла мени — етди лабга жони забуним.
Кўю эшигингдан ўзга йўқ уй-жойим,
Сочингу юзинг бўлмаса, йўқ куну туним.

144

Ёр ҳажрида ҳар қанча жафолар чекаман,
Сидқи дилдан бўлиб ризолар чекаман.
Мени эшигим тупроғи дебди, энди
Кўзимга ўзим қилиб дуолар чекаман.

145

Бу кеча санам васлига етиб бир он,
Жим бўлди лабу кўз эса тутди пинҳон.
Кўз кўрса-да, ҳеч сўзламади ҳийла қилиб,
Лаб кўрмаса-да, тиллари бўлди бийрон.

146

Ошуфта кўзимда кўзинг акс этди, санам,
Озурда³⁰¹ дилимдан эдим озурда бирам.
Дедингки: кўзим сирини фош этма сира,
Мен фош этаман кўзим сирини, ема ғам.

147

Йўлингга кўзим тўккан ҳар қатра ёш,
Пойингга сочилган зардир, билсанг, кош.
Бошингни учираман, дединг, бир тиг уриб,
Мен ҳам шу учун йўлингга тикканман бош.

³⁰¹ О з у р д а — озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган.

148

Гар жабру жафо билан эмиш хусну жамол,
Зулмингни оширсанг, бўлар ўзинга завол.
Ҳар лаҳза хаёлингни ҳикоя қиласан,
Бўлмиш сенга ёр ажаб тасаввуру хаёл.

149

Эй ҳажр, муридман³⁰² сенга, чунки йўқ ёр,
Бу жону дилимга йўқ сенингдек дилдор.
Эй ғам, ўзи кимсану қаердан келдинг?
Тортса ўзига ишқ — ёрдан фармон бор.

150

Тавба юзини ўгирди-кетди биздан,
Қўкка наю май шуҳрати етди биздан.
Ким бизга қўшилмаса, узоқ биздан ўшал,
Ҳиммат-да узоқ ўзини этди биздан.

³⁰² М у р и д — толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.

ДУХТАРИЙ

(XIII аср)

“Тазкират ул-хавотин” (“Хотинлар тазкираси”), “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) тазкиралари ва “Беҳтарин ашъор” (“Гўзал шеърлар”) китобида Духтарий хушкалом шоира сифатида зикр этилади³⁰³.

1

Айш этсам ўпиб дудоғу холингни³⁰⁴ сенинг,
Яйрар вужудим қилиб хаёлингни сенинг.
Сенсиз яшашим гуноҳ — уни қўйса эдим
Кош бўйнига уммиди висолингни сенинг.

2

Ишқ кўйида ёмонни мудом сўймаслар,
Ориғу хунукларни тамом сўймаслар.
Содиқ ошиқ бўлсанг, ўлимдан қочма,
Ҳар нарса агар бўлса ҳаром сўймаслар³⁰⁵.

³⁰³ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди I. С. 429-430.

³⁰⁴ Ҳ о л — тасаввуфда илоҳий зотнинг ягоналиги тимсоли, ваҳдат нуқтаси. Йўқлик оламини ҳам англатади.

³⁰⁵ Бу рубоий нақшбандия тариқатининг таниқли намояндаси Шайх Имодинга (XV - XVI) ҳам нисбат берилади.

УБАЙД ЗОКОНИЙ

(1280 – 1370)

Ҳозиржавоблиги, ўткир тили, ҳазил-мутойиба ва ҳажвиялари билан машҳур бўлган Убайд Зоконий Қазвиннинг Зокон қишлоғида туғилган. Бошланғич таълимни шу ерда олиб, Бағдодда таҳсилани давом эттирган. Кейин Шерозда Абу Исҳоқ Инжу саройида хизмат қилган. Унинг “Ахлоқ ул-ашроф” (“Аслзодалар ахлоқи”), “Сад панд” (“Юз насиҳат”), “Даҳ фасл” (“Ўн фасл”), “Дилкушо”, “Ришнома” (“Соқолнома”), “Ушшоқнома” (“Ошиқлар ҳақида китоб”), “Мушу гурба” (“Мушук ва сичқон”), “Фолномаи буруж” (“Буржлар башорати”) каби назмий ва насрий асарлари, ғазал, қитъа, рубоий, қасида ва таржебандлари бизгача етиб келган³⁰⁶.

1

Дедим: “Ақлим”. Дедики: “Ҳайронимдир”.
Дедим: “Жоним”. Дедики: “Курбонимдир”.
Дедимки: “Дилим”. Дедики: “У девона
Ҳар дам асири зулфи паришонимдир”.

2

Мен-ку сира ҳам тарки шароб этмасман,
Ўз хумхонамни ҳеч хароб этмасман.
Ўн кунга қадар уйқу ҳаром бир кун агар
Май ичмасам — ўзимга азоб этмасман.

3

Дарвеш май агар ичса, амирдек бўлади,
Бир қатрасидан тулкича шердек бўлади.
Қайтар яна ёшлигига кекса ичса,
Ёш ичса агарда худди пирдек³⁰⁷ бўлади³⁰⁸.

³⁰⁶ Қаранг: Мирзозода Х. Низомиддин Убайди Зоконий (Сарсухан) // Убайди Зоконий. Куллиёти мунтахаб. — Душанбе, 1963. С. 5-20; Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бустони. 120—124-бетлар.

³⁰⁷ Пир — қари, кекса.

³⁰⁸ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилди.

4

Дил рўза билан намозга мойил бўлди,
Дедим: умрим мақсади ҳосил бўлди.
Бир лаҳзада, афсуски, таҳорат синди,
Бир қатра шароб деб, рўза ботил бўлди³⁰⁹.

5

Менда кишига на меҳр қолди-ю на кин,
Қолдирди дилим бир йўла дунё ила дин.
Бир гўшада ўлтириб, ишим фиску фужур,
Мендай яна борми: фосиқи гўшанишин!³¹⁰

6

Ҳеч илму ҳунарда бўлма тенгсиз одам,
Мен сингари йўқса хор бўлурсан сен ҳам.
Давроннинг улуғлари қабул этгусидир
Тутсанг дарвешлик йўлини мустақкам.

7

Ким қўлга агар киритса зулфингни, нигор,
У мушк ила анбарга сира бўлмади зор.
Нисбат бермас зулфингга мушкни оқил,
Чунки билар у иккисининг фарқи қатор.

8

Бечора дилимни ишқи то тутди ватан,
Тўқнашди кўзим наргисдек кўзи билан,
Кўнглимдан оёғини чиқармас ҳеч ғам,
Олмас қўл этакдан сира кўз ёши деган.

9

Боқий даврон бемаю соқий ҳечдир,
Ҳам янграмаса найи ироқий ҳечдир.
Олд-ортига бу жаҳонни боқсам кўраман:
Лаззат бари май билану боқий ҳечдир³¹¹.

³⁰⁹ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

³¹⁰ Г ў ш а н и ш и н – хилватда ўтирувчи.

³¹¹ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

10

Саъй эт сени то аҳли назар³¹² дегайлар,
Сирлар оламидан бохабар дегайлар.
Гар хайру савоб қилсанг, фаришта дерлар,
Гар айбу гуноҳ қилсанг, башар³¹³ дегайлар.

11

Ҳарчанд биҳиштда юз каромат бордир,
Жому маю ҳури сарви қомат бордир.
Тут менга шу нақд қизил майингни, соқий,
Ул нася учун ҳали қиёмат бордир³¹⁴.

12

Бу шам кечаларда анжуманда кулгай,
Ўхшайди у гулгаки, чаманда кулгай.
То тонггача ҳар неча туриб ёнимда,
Куйгаю кўриб йиғини манда кулгай.

13

Ёр кетди-ю, сабрим-да мени тарк этди,
Ҳар битта мижамга қонли кўз ёш етди.
Дедим: яна бир марта кўролгайманми,
Кўр бўлсин ўшал кўзки, кўролмай кетди.

14

Ҳар фикрки, ул таъби равондан келади,
Шарҳи неча минг маъни — баёндан келади.
Шеъринг нега бўлмасин ширину нозик,
Чунки у ширин лабу забондан келади.

15

Эй дил, чекаверма бунчалар беҳуда ғам,
Арзирми ғамингга бору йўғу кўпу кам.
Ҳирсу таманинг додини бер жон талашиб,
Ғам ею, ема миннатли нон сира ҳам.

³¹² Аҳли назар (Арбоби назар) — орифлар, каромат соҳиблари.

³¹³ Башар — инсоният, одамзод; оддий халқ маъносида.

³¹⁴ Умар Хайёмга нисбат берилган рубоийлар орасида ҳам шунга яқин мазмундаги бир рубоий мавжуд.

16

Ақл ақли майи муғонадан³¹⁵ кечмайди,
Доираю чанг, чағонадан³¹⁶ кечмайди.
Бир маҳбубу икки надим³¹⁷, уч жоми шароб,
Бу анжумани шоҳонадан кечмайди.

17

Ҳар бир бошда бир ўзга савдосан Ўзинг,
Излар сенга барча йўл — муаммосан Ўзинг.
Бир ҳожатини барча сўрайди сендан,
Бизларга эса мақсаду маъносан Ўзинг.

18

Ҳар лаҳза менга етгуси бир ўзга бало,
Кўнглимга етар бир ўзга жабру жафо.
Бош оғриғи етмасмиди — чарх еткизган,
Устига оёқ оғриғини кўрди раво.

19

Бу шам шу қадар тезу равон куйгайдир,
Ёр ҳажрида гўё беомон куйгайдир.
Ҳар иккаламиз йиғласак арзир бирга,
Ҳар иккаламизда, чунки жон куйгайдир.

20

Бир тоифа мансаб ила дин деб куяди,
Бир тоифа хурлар ғамини еб куяди.
Жаннат каби боғим бору май, маъшуқа ҳам,
Шуни улар асли орзу қилиб куяди.

21

Хавфим шу: бехудликда бўлиб афсона,
Таъна қилади яқину ҳам бегона.
Эй ақл, азобдир менга бу сафсаталар,
Ногоҳ сени деб бўламан девона.

³¹⁵ М а й и м у ѓ о н а — илоҳий маърифат ҳузури

³¹⁶ Ч а ѓ о н а — мусиқа асбоби.

³¹⁷ Н а д и м — 1) хизматкор, маҳрам; 2) яқин дўст, ҳамсуҳбат.

22

Дунё га му дардидан бўлиб бегона,
Майхонани манзил тутаман пинҳона.
Бўлса бу ишимдан олам эли огоҳ,
Девоналигимни қиламан баҳона.

23

Кўнглим тилаги у бағри тошдир то ҳануз,
Умрим бўйи иш жангу талошдир то ҳануз.
Биз иккаламиз бирга қариймиз деб эдим,
Кексайдиму мен, у-чи, ёшдир то ҳануз.

24

Эй дил, етади — кўп ема дунё гамини,
Най тингла, май ич, ўйлама кўпу камини.
Наф қилма тама, кийма такаббур тўнини,
Инъомини олма ҳеч бир одамини.

25

Фақр кўчасидан ўзингга топ бир хона,
Ҳам тўпла ҳаёт экинзоридан дона.
Бу кўҳна работда³¹⁸ масту ғофил юрма,
Тайёрла йўл ёзигини, эй девона!

26

Ўтказ май ичиб умрингнинг ҳар дамини,
Ич дўст ила ошириб рақиб мотамини.
Эрта рамазон деб андиша қилма, бугун
Майни ичу эртага е эрта гамини.

27

Эй дўст, демаган эдимми ич саҳбони³¹⁹,
Ёнингга олиб севимли бир раънони.
Пандимни эшитмадинг, рамазон келди —
Энди оқизиб ёшингни, е ҳалвони!

³¹⁸ Ра б о т — карвонсарой, мусофирхона; мажозан: дунё.

³¹⁹ С а ҳ б о — оли. навли қизил май.

28

Бу савмаа³²⁰ бошдан-оёғи макру риё,
Бездим, қани, майхона йўли қайда, аё?
Кўнглим қолди бангию банг³²¹ суҳбатидан,
Май дўсти қадим — бўлсин жон унга фидо!

29

Ўткинчи жаҳонда токи даврон сурасан,
Энг яхшиси, най тинглаб, майни урасан.
Хуш ўтишин истасанг азиз умрингнинг,
Банг еб, май ичиб, масту сархуш юрасан.

30

Дедим: “Душман қўлига бўлдим мағлуб
Шўх ғамзангу аждар каби зулфингни деб?”
“Эй бахтиқаро, — деди у, — кўзу зулфим
Қийнабди-ю, қўймабсан-да бир айтиб...”

31

Хизр оби ҳаётидан сопол жом афзал,
Ваъздан кўра куй-қўшиқ қилар ром — афзал.
Дўқ-пўписасидан банги шайхларнинг
Ринд аҳлидаги маст, оташин ком афзал.

32

Йўқ менда на яхши, на ёмон — ҳеч нарса,
Бир парча кигизу банг чиқар қидирса.
Пишган нима йўқ савдою ғамдан ўзга,
Ер тепки биров егулик излаб кирса.

33

Ҳар дилда сени деб ўзга бир озор бор,
Ҳар дилда бир ўзга ғаму дардингдир ёр.
Қилдингу сафар — яхшилик қилдинг хўп,
Дилларни бузиб, қайта кўрма зинҳор!

³²⁰ С а в м а а — насронийлар ибодатхонаси.

³²¹ Б а н г — наша.

34

На ёр қилар бирор куни лутфу карам,
На бахт қилар висол билан шод чинакам.
Гоҳ-гоҳи узоқдан назар айлаб юзига,
Ёниб-куяман ишқ ўтида худдики шам.

35

Дунё ғами тўйдирди дилим — қилди тамом,
Бағрим яралар нокасу кас зулми мудом.
Нола қиламан қачонгача най каби мен?
Ё қон ичаман қачонгача худдики жом?

36

Шавқингда сенинг мисоли оташ хотир,
Васлингга етишмаса бўлар ғаш хотир.
Мушкин сочингу ҳилол қошинг ҳасратида
Доим юраман бўлиб мушаввашхотир³²².

37

Эй лаъли лабинг кўнгили олишда машхур,
Юзинг эса бандига солишда машхур.
Айтиш зулфинг қиссасини кўп мушкул,
Ялдо³²³ тунидек узун бўлишда машхур.

38

Зулфи қоши узра мисли илмоқ тушади,
Ошиқ элининг кўнглига титроқ тушади.
Ҳар кўрганида юзида қоши тоқини,
Ойнинг юзига доғ узра доғ тушади.

39

Офтоб юзингнинг нуридан бир учқун,
Дардингда юзим сариқ, сочим оқ бутун,
Олибди-ю барча улушин васлингдан,
Қолибман умид билан фақат мен мискин.

³²² М у ш а в в а ш х о т и р — паришонхотир, бетоқат.

³²³ Я л д о — қишнинг энг узун ва энг қоронғи кечаси — 22 декабрга тўғри келади; мажозан: ўта қо, энги ва зулмат.

40

Алданма жаҳонга, бу жаҳон мисли сароб,
Оқил киши бунда яшагай масту хароб.
Ўчир гаму дард ўтини май суви билан
Фоний вужудинг бўлмасидан хокитуроб.

41

Бу кеча мену муғаннию³²⁴ шўх жонон,
Айш айладигу боғладик аҳду паймон.
Биллур каби майдан ер юзига соқий
Экарди ақиқу дур терарди ҳар он.

42

Бечора кўнгилларда азал ғам кўпдир,
Тақдирлар ипида ҳалқалар ҳам кўпдир.
Боғланса бирор иш сира дилтанг бўлма,
Ғайб ишида мавҳум сир эмас кам, кўпдир.

43

Офтобпараст³²⁵ орзуси юзи куёши,
Олам эли меҳробидир³²⁶ эгма қоши.
Бечоралар айшининг асоси оғзи³²⁷,
Диллардаги ғам риштаси боши сочи.

44

Гар тутса висолинг мени шайдо кўлини,
Бу дарду фироқ тутарди саҳро йўлини.
Қаддингдан ишим ҳамиша топганча ривож,
Юзинг ҳал этарди бор ҳаёт мушкулини.

³²⁴ М у ғ а н н и й — чолғувчи, созанда, мутриб. Тасаввуфда орифлар дилини рамзлар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи — маърифат, кўшиғи — ҳақиқат.

³²⁵ О ф т о б п а р а с т — куёшга сажда қилувчи.

³²⁶ М е ҳ р о б — 1) саждагоҳ, masjidда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

³²⁷ О ғ и з — сўфийлар истилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

45

Жон чехраси ой қиссасини сўзлайди,
Дил лаъли лабидан орзусин кўзлайди.
Бир куни чаманга юзи акси тушса,
Ер юзини гулу лолалар безайди.

46

Ишқинг мени тупроқ қилибон хор этади,
Холинг эса ҳолимни кўп абгор этади.
Зулфинг мени еллар кўлига тутқизса,
Кўзинг ғаму андуҳга гирифтор этади.

47

Менинг зуваламни яратишган асно,
Ғам суви билан роса беришди оро.
Мендек заъфарон³²⁸ юзу дили куйганни
Шамдек куйиш учун яратишди гўё.

48

Офтоб ўзига руҳ кучидан нур олади,
Майдан неча мушкул бўлса, ҳал бўлади.
Мен бандаси ул кимсаниким, тунда ичар,
Қулман унга майхонага тонгдан елади.

49

Ҳар ким у ширин лабга лабин қўйгани чоқ
Тўққиз фалак устига қўяр гўё оёқ.
Ойдек икки бор қуёш адабдан ҳар кун
Тупроққа урар юз юзининг қошида боқ.

50

Қашшоқлигу совуқ азоби қилди тамом,
Очлик дастидан уйқу-да бўлди ҳаром.
Йўқ уйда бирор нарса: на косада ёғ,
На кўзада май, на товада зарра таом...

51

Дилбар юзидан дилда сафолар бордир,
Ҳар лаҳзада унда бир ҳаволар бордир.
Ҳурлар сочидек узун фироқ кечасию
Ғам қиссаси то ҳурилиқолар бордир.

³²⁸ Заъфарон — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ

(1329 – 1431)

Машхур форс-тожик шоири, тасаввуфдаги неъматуллоҳия тариқати асосчиси Сайид Нуриддин ибн Мир Абдуллоҳ Кирмоний Суриянинг Ҳалаб шаҳрида туғилган. Сайид ва Неъматуллоҳ тахаллуслари остида ижод қилган, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий номи билан машхур бўлган. Болалигида оиласи билан Кирмон шаҳрига келиб, шу ерда таълим олади. Балоғат³²⁹ илми, калом, фикҳ, ҳикматни ўрганиб, 24 ёшида ҳаж зиёратига бориб, 7 йил Маккада яшаб қолади. Кейин Балх, Марв, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Язд, Табриз, Миср, Мадина, Қарбало, Шероз ва бошқа шаҳарларга саёҳат қилиб, тасаввуф таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади ҳамда халқ орасида катта шуҳрат қозонади. У тасаввуфга оид араб ва форс тилларида 100 дан ортиқ рисола ёзган³³⁰. Ундан ғазал, қасида, таржеъбанд, маснавий, қитъа, рубоий, дубайтий, фард каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олган салмоқли девон етиб келган³³¹. Валий шоир ижодида илоҳий ишқ тараннуми устувор бўлиб, асарлари асосан тасаввуф ҳақиқатларидан баҳс этади.

Кирмоннинг Моҳон деган жойида вафот этган.

Неъматуллоҳия тариқатида Ҳаққа етишнинг 6 мақоми қабул қилинган: таслим (тавба), вараъ (парҳез), муҳаббат, фақр, ризо, фано. Унда хожагон тариқатидаги хилват дар анжуман, жунайдиядаги саҳв — хушёрлик қоидалари ҳам илгари сурилган, меҳнат билан ҳалол ризқ топиш, зикрдан узилмаган ҳолда пок яшаш силсила аъзолари учун шарт қилиб қўйилган. Неъматуллоҳиянинг марказлари Эрон ва Ҳиндистонда бўлиб, фаолияти икки тарихий даврга бўлинади: би-

³²⁹ Б а л о ғ а т — нозик, оҳорли ва чуқур маъноларни маҳорат билан ифодалаш, сўз санъаткорлиги; етуклик, мукаммаллик.

³³⁰ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 449.

³³¹ Қаранг: Девони Шоҳ Неъматуллоҳ Валий. — Техрон, 2002.

ринчиси — Шоҳ Неъматуллоҳ давридан XVIII аср бошларигача, иккинчиси — XVIII аср охиридан ҳозиргача.

“Зоҳирию ботиний улумида комил ва зуҳду тақво билан ораста” (Алишер Навоий) Шоҳ Неъматуллоҳ ҳукмрон доиралар билан яқин бўлиб, жумладан, темурийлардан Шоҳрух Мирзо ва Искандар Султон, Ҳиндистондаги Дақан вилояти ҳоқими Аҳмадшоҳ I Баҳманий каби ҳукмдорлар уни фаол қўллаб-қувватлаб туришган. “У ҳатто Ҳирот вилояти амири Имоиддин Ҳамза Ҳусайн ал-Ҳиравийнинг қизига уйланган ҳам эди. Шоҳ Неъматуллоҳ Валий барча табақалар, хусусан, туркий халқлар орасида муқаддас қутб, кароматли авлиё сифатида ниҳоятда улуғланган”³³².

Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзади: “Замоннинг салотини³³³, хусусан, Ҳиндустон мулкининг маликлари анга муриду муҳлис эрмишлар. Ва тухфа ва назри бениҳоят ул мулкдин Кирмонға — Мир хизматиға юборурлар эрмиш. Мир назмға дағи машғул бўлур эрмишлар. Ва девонлари дағи бор”³³⁴.

1

Бу нақшу хаёл номини олам дерлар,
Олам жонининг номини одам дерлар.
Аслида азалий бўлган ўша жонни
Ҳар икки жаҳонда абадий ҳам дерлар.

2

Бир сув шиша ичраким, шароб дерлар уни,
Ўхшаб кетса гулга, гулоб дерлар уни.
У на маю на гулга яқин бўлса агар,
Оқил эли шунчаки сув — об дерлар уни.

3

Борлиғу адамдан аҳли ринд дам урмас,
Ҳудусу қидамдан³³⁵ аҳли ринд дам урмас.
Тушмас қўлидан жом — дам-бадам май ичару
Ҳеч фурсату дамдан аҳли ринд дам урмас.

³³² Бу маълумотлар ҳақида қаранг: А б д у қ о д и р о в А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати (2-китоб). — Хўжанд, 2002. 21—22; 36—37-бетлар.

³³³ С а л о т и н — султонлар, подшоҳлар.

³³⁴ А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат. 429-бет.

³³⁵ Ҳ у д у с и қ и д а м — коинотнинг азалию қадимий эканлиги ёки кейин яратилганлигидан: баҳс этувчи икки назария.

4

Гар Ҳақ ҳузуридан сенга май — мул беришар,
Тонг³³⁶ чоғида беминнату ҳам мўл беришар.
Маърифат камолини тилар бўлсанг агар,
Ўзинг унут то ўзингга йўл беришар.

5

Эл кўзи агар унинг хаёлини кўрар,
Бизнинг кўзимиз нурли жамолини кўрар.
Ҳар ойнага нигоҳимиз тушса агар,
Тимсоли жамоли безаволини кўрар.

6

Шоҳмиз бу жаҳонда биз — гадолик нимадир?
Ҳақ васлига етганга жудолик нимадир?
Кўз солса ойнамизга дўсту ёрлар?
Кўргуси тажаллийи³³⁷ худолик нимадир?

7

Ҳар дилда ҳузури абадий бўлғусидир,
У чин ошиғи Муҳаммадий бўлғусидир.
Ёр бўлса Ҳусайний мазҳабига³³⁸ мансуб,
У толиби сирри Аҳмадий³³⁹ бўлғусидир.

8

Ёр, ўзлгимиз асли ҳижобдир бизга,
Мол-давлатимиз тобу танобдир бизга.
Биз кибру гурурдан халос бўлсак агар,
Оллоҳ нури ҳар ёқда серобдир бизга.

9

Сен сенда экан, бу иккилик бўлғусидир,
Бу иккилик жонга теккулик бўлғусидир.
Бу сенлигу иккиликдан озод бўлсанг,
Бирликда қачон, айт, иккилик бўлғусидир?

³³⁶ Т о н г — ваҳдат нурининг таралиши, илоҳиёт тажаллийси.

³³⁷ Т а ж а л л и й — кўриниш, жилваланиш. Ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Ҳақ гаоло ҳамиша ҳамма ерда турли даражада тажаллий этади.

³³⁸ Ҳ у с а й н — Ҳазрат Алининг ўгли, Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси.

³³⁹ А ҳ м а д — Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмларидан бири.

10

То борлигимиз бизга аён бўлғусидир,
Ҳақ борлиғи биз учун ниҳон бўлғусидир.
Фоний бўламиз зотини кўрсатса агар,
Ҳақ истаги халқ учун мезон бўлғусидир.

11

Бу баҳри муҳитда ҳар киши фарқ бўлади,
Кўнглида унинг на гарбу на шарқ бўлади.
Дарёни(нг) бўйида тинч ўтирган кишию
Чўккан кишининг ўртасида фарқ бўлади.

12

Олим агар эзгулик этар — оқил ўша,
Илмига агар этмас амал — гофил ўша.
Олимдан агар амал талаб этсаю илм,
Олим агар этмаса амал — жоҳил ўша.

13

Ҳақ бўлмаса, ёр ҳусни-да пайдо бўлмас,
Тимсоли ойинасиз ҳувайдо³⁴⁰ бўлмас.
Сурат ва тажаллий бир-бирига боғлиқ,
Ҳақ зуҳури ҳам бизсиз аммо бўлмас.

14

Бебулбулу гул мисоли саҳро бўстон,
Йўқ завқу сафо беқадаҳу май бир он.
Гар найчию най бўлмаса бирга бир дам,
Давра созу рақс ила бўларми шодон?!

15

Мумкин ўзида бўлар, вужуд бўлмайди,
У бўлмаса, бу олам мавжуд бўлмайди.
Бахш этмаса бизга у қулоғу тилни,
Айтиб-эшитиш бизда собит бўлмайди.

³⁴⁰ Ҳ у в а й д о — аён, равшан, ошкор.

16

Тоатда ағар исми Илоҳ бўлмасдир,
 Диндор ёки шоҳдан огоҳ бўлмасдир.
 Бундай тақво холи эмас нуқсондан,
 Бундай тақво гайри гуноҳ бўлмасдир.

17

Ул ёр фақир³⁴¹ — на мол, макони бордир,
 На фойдасию на бир зиёни бордир.
 Ўткинчи жаҳонда у юрар масту хароб,
 На номи унинг, на бир нишони бордир.

18

Топмоқ сени вужуд орқали осон эмас,
 Васлинг гули чунки ҳеч қачон ҳандон эмас.
 Уйқунгда кўринган барча нақшу ҳаёл,
 Сурат элининг сўзларидир, ёлғон эмас.

19

Авлиё каромат тахтида шоҳ бўлади,
 Аҳмад унга қуёшу Али моҳ бўлади³⁴².
 Бу иқкиси нуридан насиба олган —
 Ҳар бир киши мисли Неъматуллоҳ бўлади.

20

Биз турганда Насири Тусий³⁴³ не қилар?
 Жун хирқа етар, зар тўн орзуси не қилар?
 Бу йўлни, дема, ўтса бўлар ақл билан,
 Ислом дини олдида мажусий³⁴⁴ не қилар?

³⁴¹ Ф а қ и р — дунёвий неъмат ва лаззатларни тарк этиб, фақат илоҳий шавқ билан яшайдиган киши. Тариқат босқичларини босиб ўтиб, Оллоҳ йўлида фано бўлган ошиққа фақир, унинг мақомига фақру қано дейилади.

³⁴² Бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом ва Ҳазрат Али кўзда тутилмоқда.

³⁴³ Н а с и р и Т у с и й — аруз илмининг назариячиларидан бўлган машҳур олим (1200-1273). “Асос ул-иқтибос” ва “Меъёр ул-ашъор” номли арузга оид асарлари бор.

³⁴⁴ М а ж у с и й — оташпараст.

21

Кўз берди-ю, кўрсатди еру осмонни,
Килди сиридан огоҳ комил инсонни.
Жон ойнасига қилса назар жонона,
У соддадил кўрсатди шу он жононни.

22

Боқ, Тангри Мусога нақадар қилди карам,
Кўрсатди туя шаклида маънони у дам.
У қилди бино борлиқ ойинасини,
Ҳар ҳуснки бор, акс этар ойинада ҳам.

23

То очди Исога Ҳақ дарвозасини,
Ёйди элга пок зоти овозасини.
Ўтди бир мингу етти юзу қирқ йил,
Борар ошириб бу йиллар андозасини.

24

Қайси куни бизга васл ишин соз қилади,
Жон куши қафасдан аста парвоз қилади.
Дийдор хабарин шоҳдан эшитиб, шу маҳал
Шоҳнинг қўлига қўнганича роз қилади.

25

Юсуф каби хуш ел бу чаманда елади,
Зулайхо ҳидин олиб Яманга келади.
Фарёд қилиб дилим Яъқуби айтар:
Фарёд, мени кўйлак ҳиди қонга беллади³⁴⁵.

26

Шундай ўткир агар муҳаққиқ³⁴⁶ бўлади,
Юз дилдан бир онда ғайр ёдини юлади.
У Неъматуллоҳ икки кўзининг нури,
Эл қалби у боис Ҳақ нурига тўлади.

³⁴⁵ Бу ерда “Юсуф ва Зулайхо” қиссасига ишора қилинаяпти.

³⁴⁶ М у ҳ а қ қ и қ — таҳқиқ қилувчи, нарсанинг моҳиятини англаган, ҳақиқатини билган киши, ориф.

27

Беҳуда тириклинги тириклик бўлмас,
Ҳеч кимга тириклинги кераклик бўлмас.
Бор, биз каби сен-да борлигини тарк эт,
Бу умрингни умр демаклик бўлмас.

28

Бу сувдан жонимиз хотиржам бўлади,
Қўрганда кўзимиз яна нурга тўлади.
Қай ёққа равон бўлса, ҳаёт бахш этгай,
Бегона суратлар, аммо, ундан сўлади.

29

Бахш айласа боқий давлат фақр агар,
Жону дил ила уни талаб этса бўлар.
Мен фақр тилайману у хожа давлат,
Мену хожадан фақру фаноми туғилар...

30

Бир нуқтани зотида ҳувайдо қилди,
Бу нуқта икки нуқтани пайдо қилди.
Бўлди бир алиф³⁴⁷ пайдо бу уч нуқтасидан,
Ҳар икки жаҳонда уни танҳо қилди.

31

Дилдор менга янги ҳаёт бахш этди,
Бу дунё азобидан нажот бахш этди.
Олди-ю қўлимдан у ёмон хурмомни,
Ўрнига унинг ширин набот бахш этди.

32

Ёр хуснини бахш этди одамга ул дам,
Пинҳон сирини очди ким эса маҳрам.
Олам хазинасида не бойлик бўлса,
Бир жузвига³⁴⁸ бахш этарди шоҳи олам.

³⁴⁷ А л и ф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи: “а”, “о”. Тик ва тўғрили-
ги жиҳатидан маҳбубанинг баланд ва келишган қоматига нисбат берилади.

³⁴⁸ Ж у з в — қисм, бўлак, улуш, ҳисса.

33

Булбул сўзи ҳар лаҳзада гулдан бўлади,
У масту сўзи қадаҳу мулдан³⁴⁹ бўлади.
Англа Неъматуллоҳ сўзининг ҳикматини,
Жузв ўзию сўзи эса кулдан³⁵⁰ бўлади.

34

Ҳар битта дарахтнинг то гулу япроғи бор,
Кўрмоқ керак унда бир жаҳон мевани, ёр.
Ҳосил чоғида дарахту мевага қара:
Ҳар бир мева бир дарахт бўлғуси қатор.

35

Фарзанд отанинг икки кўзи нури бўлар,
Ўз ҳою ҳаваслари билан умри утар.
Бегона билан юрар яқинларни кўйиб,
Йўқ отада майлу болада меҳри падар.

36

Майхона эшиги сари қелдик яна биз,
Жом тутдигу майли май қилдик яна биз.
Риндона³⁵¹ кўйида харобот муғларининг
Сархуш туяроқ узра йиқилдик яна биз.

37

Май бобида тавбадан яна юз бурдик,
Соқий билан аҳду паймон айлаб юрдик.
Ринд дўстлари бўдамиз Неъматуллоҳнинг,
Биз қайта харобот кўйида ўтирдик.

38

Тавҳид бошқа, ботил эътиқод бошқа,
Жоҳил банда бошқаю озод бошқа.
Умринг сөвурарсан елга, эй даҳрий,
Уйғон, ҳаётингни қилма барбод бошқа.

³⁴⁹ Му л — май, шароб.

³⁵⁰ Жузву кулл — қисм ва бутун. Кулл — ваҳдат, Оллоҳ. Жузв — қасрат, олам ва ундаги нарсалар. Қасрат олами Ваҳдатдан ажралиб чиққан, унинг беҳисоб суратлари ҳисобланади. Жузв ҳамиша куллга интилади.

³⁵¹ Риндона — риндлардек, риндларга ўхшаб.

39

Мажнуни паришонинг ўзим — қўлим тут,
Сенга фидо, қурбонинг ўзим — қўлим тут.
Бечора киши борки, мададкорсиз эмас,
Бечораю сарсонинг ўзим — қўлим тут³⁵².

40

Соқол оқу ҳусн ичра у танҳо ҳануз,
Доим тилаги дилбари зебо ҳануз.
Соқол оқию қўзлари қораси билан
Бошида унинг юз ишқу савдо ҳануз.

41

Бир дил қани, токи билса асрорин Унинг,
Қулоқ қани, то тингласа гуфторин Унинг.
Маъшуқ намоён этар жамолин туну кун,
Бир қўз қани, токи кўрса рухсорин Унинг³⁵³.

42

Бу жому шароб жисм ила жондан афзал,
У ғайбу³⁵⁴ шаҳодат³⁵⁵ бу жаҳондан афзал.
Маъною сурат моҳиятин билганга
Ҳар икки жаҳонда йўқ жонондан афзал.

43

Оллоҳ не яратган эса у эзгу бутун,
Эъзола уларнинг барини Оллоҳ учун.
Қўз олдига келтирганинг ҳар ойна
Қаршингда турар аслида, лекин яширин.

³⁵² Бу рубойи Абусаид Абулхайр ва Жалолiddин Румийларга ҳам нисбат берилади.

³⁵³ Бу рубойи Абу Али ибн Сино ва Мажлиддин Бағлодийларга ҳам нисбат берилади.

³⁵⁴ Ғ а й б — инсон ақли ва сезгилари билан англаб ва билиб бўлмайдиган ҳодисалар. Инсонни ҳар тарафдан ўраб турган, ўтмишни, ҳозирни ва келажакни илоҳий парда ортида тутиб турган сон-саноксиз нарсалар ғайбиётдир. Ғайбининг калитлари Оллоҳнинг ўзида. Шунинг учун Оллоҳга иймон айна пайтда ғайбга иймон ҳамдир.

³⁵⁵ Ш а ҳ о д а т — бу ерда: очиқ, яққол кўриниб турган нарсалар.

44

Дедимки: “Дилим”. Дедики: “Вайрон қиламан”.
Дедим: “Ақлим”. Дедики: “Ҳайрон қиламан”.
Дедим: “Жоним”. Деди: “Менинг олдимда
Жонинг нимадирки, ташвиши жон қиламан?”

45

Юзига тўйиб тикил ниқобини очиб,
Шунда биласан ниқоб унга асли сочи.
Ёнида ўтиру сархуш бўл ҳидлаб,
Гар бўлса сочини қўлда тутмоқ иложи.

46

Маъшуқа биру ишқ биру ошиқ бир,
Ҳеч кимга уларнинг бирлиги эмас сир.
Зот биттаю сифати³⁵⁶ унинг юз мингта,
Бир юз эътиборда бўлади юзта бир.

47

Ишқ давлати олдида ақлдир поймол,
Наздингда бўлар бир ўтмишу истиқбол.
На кечаю на эртаю на тонгу на шом,
Бўлмас ою йил ташвиши сенда, алҳол.

48

Қил жоми жаҳоннамода томоша жамол,
Унда кўринар жамоли бемислу камол,
Ҳар ойнаки, жонланар тасаввурингда,
Тимсоли жамолидан Унинг битта мисол.

49

Тавҳид оламида иккилик не қилади?
Сену мени жонга теккулик — не қилади?
Туркистон шоҳи бандаси бор ерда
Ҳинд сўзию ҳиндча қилиқ не қилади?

³⁵⁶ С и ф а т — Илоҳий зотнинг аёнлашуви, унинг қудрат ва хусусиятлари.
Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан инсон ҳам шу сифатлардан иборат.

50

Кирдиму хароботга хароб бўлдим мен,
Тавбам унутиб, масти шароб бўлдим мен.
Сўнг оби ҳаёт чашмасига йўл солдим,
Ташна эдим — ичдиму сероб бўлдим мен.

51

Бу жону дилим йўлига қурбон қилдим,
Ўзимни унга содиғу маҳрам билдим.
Айлантириб олдиға шамол этмади ҳеч,
Тупроққа агарчи кўйида эврилдим...

52

Етгуси харобот ичра жонимга ҳузур,
Сархушману ишқи бахш этар дилга сурур.
Мен билан ўтир токи дилинг тоза бўлар,
Ҳақнинг нуридан, чунки дилим тўла эрур.

53

Дейсанки, таваккулу³⁵⁷ ризойим³⁵⁸ бордир,
Таслиму³⁵⁹ риёзату сафойим бордир.
Бу барчаси сен учун муборак бўлсин,
Менинг бу жаҳонда бир Худойим бордир.

54

Жон борича май ичиш учун саъй этаман,
Муғлар³⁶⁰ кўйида майни мудом шай этаман.
Юз савмаани бир арпага олмасман,
Муғ дайрини³⁶¹ унга тенг қандай этаман?!

³⁵⁷ Т а в а к к у л (Т а в а к к а л) — тариқат мақоми. Комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганнинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишидан бутунлай фориг бўлиш.

³⁵⁸ Р и з о — ўз ризосидан чиқиб, маҳбуб ризосига кириш, қазо амрига таслим бўлган қалбнинг сурури.

³⁵⁹ Т а с л и м — ўзини Ҳақ ихтиёрига топшириш, тақдирга тан бериш.

³⁶⁰ М у ғ — оташпараст; баъзан оташпарастлар руҳонийси маъносида ҳам келади; мажозан: пири комил.

³⁶¹ М у ғ д а й р и — оташпарастлар ибодатхонаси, мажозан: майхона.

55

Жоним бор экан токи, май ичмай нетаман?
Мен оби ҳаёт билиб уни нўш этаман³⁶².
Зуннор қилиб белимга боғларман уни,
Бир торига сочининг агарда этаман.

56

Халқдан қачон ўзимни жудо кўргайман,
Дил дардига малҳаму даво кўргайман.
Бир лаҳза ўзимни унутиб ўлтирсам,
Бошдан-оёқ оламини Худо кўргайман.

57

Дил хилватида ёрни ниҳон кўргайман,
Билдирди Ўзи менга нишон, кўргайман.
Ҳеч кутма ёруғликни басир кўздан сен,
Менинг кўзим очиғу аён кўргайман.

58

Гар сўфийи суффаи сафони кўраман,
Гар ошиғу ринду бенавони кўраман,
Гар ўзганими, ўзимними ё кўраман,
Ҳар ёққа кўзим тушса, Худони кўраман.

59

Зотида барчанинг жалоли³⁶³ ошкор,
Ҳуснида барчанинг жамоли ошкор.
Оламини камол ичра агар кўрсам мен,
Дарҳол биламан унда камоли ошкор.

60

Бу дардга мен мудом даво кўргайман,
Ҳар қаҳру жафода лутф-ато кўргайман.
Ернинг тубидан токи фалак тоқи қадар
Ҳар нарсада мен акси Худо кўргайман.

³⁶² Н ў ш э т м о қ — ичмоқ.

³⁶³ Ж а л о л — улуглик, буюклик.

61

Май ичган эмасман, токи хушёр бўлсам,
Маст уйқудамасман, яна бедор бўлсам.
Бир жоми бало³⁶⁴ тажаллисининг этади,
То жисму жаҳондан тўла безор бўлсам³⁶⁵.

62

Мулку малакуту³⁶⁶ жисм ила жон бирдир,
Хожаю қулу бандаю султон бирдир.
Жом кўпиради оби ҳаётдан лим-лим,
Дил кўзи-ла боқ: улар-да ҳар он бирдир.

63

Дардларнинг дардидан даво топдик биз,
Фоний бу жаҳон ичра бақо³⁶⁷ топдик биз.
Дунё аҳли жон талашиб ахтарган —
Ул нарсани очиқ мутлақо топдик биз.

64

То аҳли назардан назар топдик биз,
Ўз борлигимиздан хабар топдик биз.
Қимматбаҳо дурни биз киритдик қўлга,
Гавҳар тўла уммонни магар топдик биз.

65

Муғлар кўйига масту хароб тушдик биз,
Тавба ушатиб, сўраб шароб тушдик биз.
Майхона эшиги хокини шавқ билан
Ринд аҳлидек этгали тавоб тушдик биз.

³⁶⁴ Б а л о — офат, мусибат, имтиҳон. Сўфийларга кўра, Оллоҳнинг турфа балолар орқали имтиҳон қилиши бандани унга яқинлаштиради. Балб: набийларнинг таомию валийларнинг либосидир.

³⁶⁵ Бу рубойи баъзи ўзгаришлар билан Нажмиддин Кубро ижодида ҳам учрайди.

³⁶⁶ М а л а к у т — фаришталар олами.

³⁶⁷ Б а қ о — абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодан кейин келувчи сўнгги босқич. Бақога етиш учун солиқ дунёвий боғлиқликлардан тамомила озод бўлиб, руҳини юксалтиради ва бевосита Худони идрок этади. Бу босқичда у бир кўзи билан Худони ва иккинчиси билан дунёни баробар кўради.

66

Мен бохабару йўқ Ундан аммо хабар,
Ҳеч қолмади моҳияту маънода асар.
Ўзимни унутганда Худони кўраман,
Бизнинг кўзимизга шундайин ташла назар.

67

Ҳам жоми жаҳоннамои олам бизмиз,
Ҳам ярқироқ ойинаи одам бизмиз.
Бир дам нафасимиздан агар топсанг ҳаёт,
Билгилки, у дам ҳаму бу дам ҳам бизмиз.

68

Дедим: “Шоҳман”. Деди: “Сабаб — давлатимиз”.
Дедим: “Мохман”. Деди: “Сабаб — талъатимиз”.
Дедим: “Тилагим будирки, подшоҳ бўлсам”.
Деди: “Сени подшоҳ қилади хизматимиз”.

69

Кўнгил — ҳақиқат мағзи, бадан — пўст, билсанг,
Руҳ либоси ичра сурати дўст, билсанг.
Ҳар заррадаки, ҳаёт нишони бўлса,
Ё сояси, ё Унинг ўзи, бас, билсанг.

70

Ҳирсу ҳасаду адовату кину риё,
Инсонга азалдан то абад бўлди бало.
Мард этагининг гардига ҳам етмассан,
Дил барча қусурлардан пок бўлмаса то.

71

Мен масту хароботда, боис май эмас,
Тайёру газаклар, улфатлар шай эмас.
Йўқ зарра нишони ёрнинг, эй олам эли,
Жо менда жаҳон, жаҳонда мен шундай эмас.

72

Дедим: “Мастман”. Деди: “Муносибсан”, — ёр.
Дедим: “Ҳушёр”. Деди: “Эмассан ҳушёр”.
Дедим: “Не қилай?” Дер: “Дема бундай зинҳор”.
Дедим: “Ҷокай?” Дедики: “То жонинг бор”.

73

То келса қўлингдан яхшилик қил бегумон,
Кўрмас киши яхшиликдан асло зиён.
Ҳеч ким сенга яхшилик агар қилмаса-да,
Доим қилавер яхшилик ошкору ниҳон.

74

Хусн олами ичра барчага шоҳсан Ўзинг,
Хусн аҳли мисоли юлдузу моҳсан Ўзинг.
Эй икки кўзим нури, эй Оллоҳ дўсти,
Боиси намози Неъматуллоҳсан Ўзинг.

75

Сен ақл ила ишқ сўзин дегайсан, ҳай-ҳай,
Дунёда вужуд гамин егайсан, ҳай-ҳай.
Бир дам кел ўзингга — бари сенсан, яъни
Маъшуку ошиғу жому майсан, ҳай-ҳай.

76

Дедим: “Менман”. Дедики: “Олдингда ҳижоб”.
Дедим: “Мен эмассан”. Деди: “Бўлдингми хароб?”
Дедимки: “Висолингни топай қайдан мен?”
Деди: “Бу хаёлинг бари уйқую сароб”.

77

Оллоҳ биру сифатлари бисёрдир,
Ошиқларига ҳар сифати бозордир.
Ҳар бир сифатига ким агарда ёрдир,
Ёрлиги унинг сайидимизча³⁶⁸ бордир.

78

Дин илмин эгалласанг, шариат бўлади,
Унга амал айласанг, тариқат бўлади,
Гар илму амални Ҳақ ризоси йўлида
Ихлос ила жам этсанг, ҳақиқат бўлади³⁶⁹.

³⁶⁸ С а й й и л — 1) улуғ, сарвар, пешво; 2) Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам мусулмонлар сарвари маъносида сайид дейилади. Масалан: Сайид ул мурсалин — пайғамбарлар сарвари.

³⁶⁹ Убайдий ижодида ҳам шу мазмундаги рубой мавжуд.

МЕҲРИ ҲИРОТИЙ

(вафоти тахминан — 1449)

Шоҳрух Мирзониинг аёнларидан Хожа Абдулазизнинг хотини бўлган бу гўзал, маърифатли, жасур ва ҳозиржавоб аёл Гавҳаршодбегим билан яқин муносабатда эди. Тилининг ўткирлиги ва фош қилувчи бадиҳа шеърлари туфайли Шоҳрух Мирзо томонидан ҳатто зиндонга ҳам ташланган. Озодликка чиққач, сарой билан алоқасини буткул узади. У соҳибдевон шоира бўлиб, Хўжа Ҳофизнинг барча ғазалларига жавоб айтган, ғазал, рубоий, қитъа ва ҳажв айтишда тенгсиз эди³⁷⁰.

1

Ёш бўлса аёлу ёри аммо кекса,
Ҳақли юраги куйсаю афсус чекса.
Ёш ёр биқинида қари эр ётганидан,
Яхшидир унинг биқинига ўқ тегса.

2

Менда сенга нисбатан вафо қолган эмас,
Кўнглимда меҳр оти-да ё қолган эмас.
Чунки қарилиқдан оёғингни ҳатто
Кўтаргали куч, эй бедаво, қолган эмас.

3

Жисмимнинг асоси қай суву қай гил-а?
Ҳар лаҳза дил олгай бир ҳури Чигила.
Майл этсам агарда кексалар даврасига,
Мен зору заифман қарилиқдан, не гила?

4

Орзумнинг ижобати мудом қайғу бўлар,
Тунларда саволимга жавоб уйқу бўлар.
Мен ташналабу сувингдан, эй Хизри замон,
Бир тўйиб ичиш қачонгача орзу бўлар?!

³⁷⁰ Бу ҳақда қаранг: Тожи Усмонов. Бисту се алиба. С. 51—55; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С.248; Фаҳрии Ҳиравий. Жавоҳиру-л-ажоиб. — Душанд, 2007. С.54—58.

5

Қасрингда сенинг мен истаган нарса йўғ-ей,
Кўнглимга ёқиб кетувчи хуш ларза йўғ-ей.
Дединг: сира йўқ камим молу дунёдан,
Мол-дунё-ку бор, керакли у нарса йўғ-ей!

6

Шоҳ зебо санамни кундага қўйган дам,
Бу воқеадан тутди бутун эл мотам.
Бўйинга осилган лаънат тавқи каби
Оёқни қўйиб кундага бўлмас ҳеч ҳам.

7

Дедим: “Нега қилгинг келмас менга назар?”
Дер: “Олса хаёлинг, не қилай, ўзга агар?”
Дедим: “Танидим сени ситамгардирсан”.
Деди: “Ҳали мендан топганинг йўқ-ку хабар?!”

8

Кўзим ёши ўйнар боладек олдимда,
Дил пораси бўлгач, боғланиб қолдим-да.
Яхши ўтар оламда, ёмон ҳам қолмас,
Шундай дея ортга барини солдим-да.

9

Ҳақ бандасига агар гуноҳ ярашади,
Ҳаққа кечириб, бўлиш паноҳ ярашади.
Сўндирма умидимни гуноҳқорсан деб,
Лутфинг нури бўлса хайрихоҳ ярашади.

ШОҲИЙ САБЗАВОРИЙ

(1385 — 1453)

Ўзининг латиф ва ҳароратли ғазаллари билан замонасида катта шуҳрат қозонган Шоҳий Сабзаворий Астрабодда туғилган. Тўлиқ исми Амир Оқмалик ибни Малик Жамолиддин Ферузқўхий. Аждодлари сарбадорлар ҳаракатининг етакчиларидан бўлганлар. Ўзи йигитлигида Ҳиротга келиб, темурийлардан Бойсунқур Мирзо хизматига киради ва бир неча йил унинг ҳомийлигида бўлади. Бойсунқур Мирзо билан оралари бузилгач, Сабзаворга қайтиб, деҳқончилик қилади. Шеърятдан ташқари, хаттоглик, наққошлик, мусаввирлик ва мусиқада ҳам ўз даврининг устодларидан бўлган. Умрининг охирида Абулқосим Бобур машхур Кўшки Гулафшонни пардозлаш учун уни Астрабодга даъват этади. Бобо Савдой, Мавлоно Юсуф Амирий, Аминуддин Назлободий, Мавлоно Яҳё Себак, Котибий Туршезий, Озарий Тусий, Хожа Авҳадий Муставфий каби ўша даврнинг машхур шойирлари билан замондош бўлган. Шоҳий Сабзаворий ўз ижоди, хусусан, ғазаллари орқали ўз даври адабий муҳити ва ундан ташқарида ҳам машхур эди. Кўп шойирлар билан шахсан таниш бўлмаса-да, мактуб орқали алоқа қилиб турган. Шоҳий Сабзаворий ўзидан мўъжаз мерос қолдирган бўлса ҳам, у бизгача тўлиқ етиб келмаган. Шоирнинг 1929 йилда Саъид Ҳамидиён томонидан муқаддима ва изоҳлар билан Эронда нашр қилинган девони 182 ғазал, 5 қитъа, 15 рубоий ва 5 байт муаммодан иборат. Шоир шеърлари фикрларининг теран ва нозиклиги, оҳорли ташбеҳу тимсолларга бойлиги, услубининг равон, ифода тарзининг содда, тилининг латифлиги, табиий ва самимийлиги, ҳассос руҳи ва жозибатор оҳанги билан кишини ўзига тортади. Давлатшоҳ Самарқандий Хусрав Деҳлавий шеърятининг ҳассослигию Ҳасан Деҳлавий услубининг латофати, Камол Хўжандий асарларидаги нозик санъаткорлик ва Ҳофиз Шерозий ғазалларининг сафоси Шоҳий Сабзаворий ижодида ажойиб тарзда уйғунлашиб

кетганки, шунинг ўзи шоир шеърятининг даражаси ва мақо-
мини кўрсатиб турибди, деб лутф этади. Абдурахмон Жомий
Шоҳий шеърлари “оҳорли сўзлар ва теран маъноларга бойлиги
билан гўзал” деб ёзса, Алишер Навоий эса шоир ижодида дунё-
вий руҳ устунлигини қайд этади³⁷¹.

Шоҳий Сабзаворий ижоди нафақат замондош, балки ўзи-
дан кейинги шоирларга ҳам кучли таъсир ўтказган, халафлари
унинг ғазалларига кўплаб татаббуълар ёзганлар. Хусусан, Мав-
лоно Жомий, Соиб Исфаҳоний, Бобо Фигоний, Мўхташам
Коший, Урфий Шерозий, Толиб Омулий, Воиз Қазвиний,
Назирий Нишопурий каби шоирлар унинг кўплаб ғазалларига
пайравлик қилганлар. “Мажмаъ ул-хавос” тазкираси муаллифи
Содиқ Китобдор Нисорий ҳақида ёзар экан, Бобо Фигоний
ва Амир Шоҳий татаббуъида алоҳида девонлар тартиб берга-
нини алоҳида таъкидлайди. У Сайрафий деган шоир тўғрисида
берган маълумотида ҳам унинг Амир Шоҳий девони ва Коти-
бий қасидаларига татаббуъ қилганини қайд этади³⁷².

Таниқли навоийшунос олим Абулқодир Ҳайитметов Шо-
ҳий Сабзаворий ғазалларидан намуналарни ўзбек тилига тар-
жима қилган³⁷³.

1

Хушдир рамазон шомию гулшати Ҳирот,
Янграйди тутиб шаҳарни такбиру³⁷⁴ салот³⁷⁵.
Бозори Малик қоронғусида ҳурлар
Гўёки зулумот ичида оби ҳаёт.

2

Эй шўҳи ситамгар, сенга мен пайвандман,
Бир нозу карашмангни кўриб хурсандман.
Лутф айлаю мен сенинг ёрингман деб айт,
Шу биргина ёлғонингга ҳожатмандман.

³⁷¹ Бу ҳақда қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 14-
жилд. — Тошкент, 1998. 25-бет.

³⁷² Бу ҳақда қаранг: М а м е д о в а М. Дебоча // А м и р ш о ҳ и и С а б з а -
в о р и й. Ашъори мунтахаб. — Душанбе, 1987. С.6.

³⁷³ Қаранг: Ҳ а й и т м е т о в А. Ишқим чечаги (Шеърлар, таржималар). —
Тошкент, 2002. 54-бет.

³⁷⁴ Т а к б и р — Оллоҳу акбар (Оллоҳ буюқдир) иборасини талаффуз этиш.

³⁷⁵ С а л о т — намоз.

3

Ҳеч кимга малол келган эмасман зинҳор,
Етмас кишига мену ишимдан озор.
Хоҳ яхши десинлару мени, хоҳи ёмон,
Гап-сўзига элнинг нима парвойим бор?!

4

Келгил яна — мени дарднок қилди гаминг,
Сабрим либосини чок-чок қилди гаминг,
Кўнглимни қону танимни хок қилди гаминг,
Хуллас, чўзилиб, мени ҳалок қилди гаминг.

5

Бу ўғри урар кулоҳини шайтонни,
Мурда кафанию мурдашўйдан³⁷⁶ нонни.
Бу ўғри ўғирлар икки кўздан бирини,
Туз ичса қаерда, йўқ қилар туздонни.

6

Бизмиз дўстлик ҳарамига хос бўлган,
Кўйингга гирифтор қилиб ихлос бўлган,
Оҳи фалак уммонида ғаввос бўлган,
Ҳар ноласига фаришта раққос бўлган.

7

Жаҳд айла, йўлида токи гардга етасан,
Кўйида вафони аҳли дардга етасан.
Шоҳий, йўлида хок бўл этиб хизматини,
Шояд оёғин ўпгали мардга³⁷⁷ етасан.

8

Эй ишқ, юзинг биз сари то келтирдинг,
Дўстлик расмини жобажо келтирдинг.
Эй оҳ ўти, уйимни равшан қилдинг,
Эй ғам, хуш келдинг, сафо келтирдинг.

³⁷⁶ Мурдашўй — ўликни ювувчи киши, ғассол.

³⁷⁷ Мард — тасаввуфда Ҳаққа яқин кишилар, илоҳий сирлардан хабардор орифлар, валийлар маъносида келади.

9

Ишқинг ўти қисматиدير ҳар жоннинг,
Тингла сўзини бу ошиғи ҳайроннинг:
Кутқар ҳарам оғаси кўлидан, ҳайфдир
Гулнинг ёнида ўлтириши райҳоннинг.

10

Ишқ оламига йўл топиш осон эмас,
Орифга бу олам мақом бўлди-ю бас,
Эй сенки, санам сочини қилдинг ҳавас,
Зуннор тақмай, унга сира етмади кас.

11

Борига қаноат айла роҳат тиласанг,
Хор-зор бўласан зиёда неъмат тиласанг.
Лаълу зар ила ўн кун эмиш гул умри,
Сарвдек кўли бўш бўл эзгу қисмат тиласанг.

12

Бизга нима бизни барча ёмон кўрса,
Эл биргина айбимизни чандон кўрса.
Биз — ойинамиз, бизга боқиб, бўлмас ажаб,
Ўз фазлию айбини ҳар инсон кўрса³⁷⁸.

13

Дунё мотамингда оху нола чекди,
Кўз қонини лола этагига тўкди.
Гул йиртди қизил кўйлагининг ёқасини,
Кумри бўйнига қора ҳалқа тақди.

14

То ёр юзидан гул бот-бот тўкилади,
Гўёки шакардан новвот тўкилади.
Эй шоҳ, Халилсанми, сира бўлмас ажаб,
Ўтингдан агар майса — ҳаёт тўкилади.

³⁷⁸ Бу рубой Имодий Шаҳриёрийга ҳам нисбат берилади.

15

Боқ, лолаю майсадан мусаввир кўклам
Қилди-ку яшил рангга қизилни ҳамдам.
Осмондаги юлдуздек очилган гуллар
Аксини оқар сувга солди хуррам.

16

Дунёда менга аёлу фарзанд йўқдир,
Бу дунёга боғлагувчи бир банд йўқдир,
Ҳеч кимса билан алоқа — пайванд йўқдир,
Йўқдан хафа дил, бордан хурсанд йўқдир.

ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ

(XIV аср охири — 1454)

Машҳур муаррих, адабиёшунос ва шоир Шарафиддин Али Яздий XIV аср охирида Язд шаҳри яқинидаги Тафт мавзеида туғилган. Отаси Шайх Ҳожи ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, тасаввуф аҳли билан ҳамфикр эди. Шарафиддин ҳам сўфийлар билан яқин алоқада бўлган. 1435 йилгача Шерозда – Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон саройида хизмат қилган. 1429 йили уни Шоҳрух саройга даъват этиб, Улуғбекка мураббий қилиб тайинлаганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Манбаларда унинг Самарқандга – Мирзо Улуғбек ҳузурига борганлиги тўғрисида ҳам гап боради. Иброҳим Султон вафотидан кейин Шоҳрухнинг невараси, Султония, Қазвин, Рай ва Қумни ўз ичига олган вилоят ҳоқими Мирзо Султон Муҳаммад саройига таклиф этилади. У Шоҳрухнинг касаллигидан фойдаланиб, атрофдагиларнинг қутқуси билан 1445-1446 йилларда исён кўтаради, Ҳамадон ва Исфажонни эгаллайди, Шерозни қамал қилади. Шоҳрух бу исённи бостириб, гуноҳкорларни жазолайди. Улар орасида Али Яздий ҳам бор эди. Шаҳзода Абдуллатиф унинг гуноҳини сўраб олиб, ўзини Ҳиротга жўнатади. Ҳиротда у Жомий билан учрашиб, Тафтга қайтади. Умрининг охиригача бир хонақоҳда яшаб, шу ерда дафн этилади.

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV ва XV аср бошларидаги тарихидан баҳс юритувчи “Зафарнома” асари унга фавқулодда шуҳрат келтирди ва унинг номини забардаст муаррих сифатида тарих саҳифаларига нақшлади. Бу асар “Фатҳномаи соҳибқирон”, “Тарихи жаҳонкушои Темурий” номлари билан ҳам юритилади.

Шарафиддин Али Яздий илми нужум, шеърят ва тасаввуфга оид ҳам қатор асарлар ёзган: “Ҳулали мутарраз дар муаммо ва луғаз” (“Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли либос”), ушбу асарнинг қисқартирилган нусхаси бўлмиш “Мунтахаби Ҳулал”,

“Мавотин ё манозир дар муаммо” (“Муаммо фанида турар жой ва манзаралар”), “Кунҳ уз-зод дар илми вақфи аъдод” (“Адаллар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси”), “Ал-китоб фи илми устурлоб” (“Устурлоб илмига оид китоб”), “Девони Шараф Яздий” (“Шараф Яздий девони”), “Ҳақойиқ ат-таҳлил” (“Таҳлил ҳақиқатлари”), “Шарҳи “Қасидаи бурда” (“Қасидаи бурда” шарҳи), “Шарҳи “Асмоуллоҳ” (“Оллоҳнинг исмлари” шарҳи), “Тухфат ул-фақир ва ҳадият ул-ҳақир” (“Фақирнинг тухфасию ҳақирнинг ҳадяси”), “Муншаот” (“Мактублар мажмуаси”) . Амир Темур тарихига бағишланган номсиз шеърӣй асар.

XV-XVI асрларда Лутфӣй ва Ҳотифӣй “Зафарнома”нинг шеърӣй таржимасига қўл урганлар. XVI аср бошларида шайбонийхонлардан Кўчкунчихоннинг топшириғи билан Муҳаммадали ибн Дарвешали Бухорӣй уни ўзбек тилига таржима қилган. Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан турк тилига ҳам ўгирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. 1822-1823 йилларда Хивада Худойберди ибн Кўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивақӣй асарни қисқартириб ўзбекчалаштирган. XVIII асрдан бошлаб асарнинг айрим қисмлари француз (Пети де ла Кроа, 1713), инглиз (Ж. Дарби, 1723) ва рус тилларига таржима қилинган. Унинг асосий қисми форс тилида Калькуттада (1887-88), Теҳронда (1957) чоп қилинган. 1972 йили таниқли шарқшунос олим А.Ўринбоев томонидан унинг факсимил наشري Тошкентда босилиб чиқди. Амир Темур таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан “Зафарнома”нинг Мовароуннаҳр воқеаларига бағишланган қисмининг илмӣй изоҳли таржимаси Омонулла Бўриев таржимасида ўзбек тилида нашр этилди.

1

Гоҳ сочга уриб тароқни Лайло бўласан,
Гоҳ Мажнун учун ташвишу савдо бўласан,
Гоҳ Юсуф хуснига тиниқ кўзгу бўлиб,
Гоҳ ишқ оташи ичра Зулайхо бўласан.

2

Жамшид тахтада майни хуррам урдик,
Кўлдан қадаҳ айрилмади то дам урдик.
Пайдо бўлар бир оламу пинҳон бўлади,
То очдигу кўзни яна барҳам урдик³⁷⁹.

³⁷⁹ Барҳам урмоқ — йўқотмоқ, нобуд қилмоқ. Бу ерда: кўз юммоқ маъносида.

ФОНИЙ

(1441 – 1501)

Маълумки, Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам Фоний тахаллуси билан баракали ижод қилган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. Форс-тожик тилини унинг иккинчи она тили дейиш мумкин. Чунки у улуғ форс-тожик сўз санъаткорлари таъсирида форсий тилда ҳам қалам тебратди ва бир умр бу машғулотни қанда қилмади. “Ҳазойин ул-маоний” (“Чор девон”) девонлар туркумини тузиб бўлгач, форс-тожик тилидаги ижод намуналарини ҳам тўплаб, “Девони Фоний”ни тартиб беради. 12 минг мисра шеърдан ташкил топган бу девон Ҳофиз Шерозий девонига қарийб тенг келади. Агар “Ситтаи зарурия” ва “Фусули арбаа” туркумларига кирган ўн қасидаси ва адабиётшуносликка оид “Рисолаи муфрадот” асарини ҳам қўшса, шоирнинг форсий тилдаги мероси ҳам салмоқли эканлиги маълум бўлади. Алишер Навоийнинг форсий мероси ўз даврида Абдурахмон Жомий, Камолiddин Биноий, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий каби замондошлари томонидан ҳам юксак баҳоланган.

“Девони Фоний”нинг мўътабар қўлёзмалари Париж, Техрон ва Туркия кутубхоналарида сақланади. Техрондаги нусхаси 1963 йили машҳур адабиётшунос олим Рукниддин Ҳумоюнфаррух томонидан нашр этилган. Ҳозирча энг мукамал деб қаралаётган Париж нусхаси эса 1965 йили таниқли шарқшунос Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик асарлари таркибида илк бор босилиб чиққан. Шоирнинг XX жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”га ҳам шу нусха асос қилиб олинган.

“Девони Фоний”дан шоирнинг 72 та рубойиси ўрин олган. Маълумки, мумтоз адабиётда рубойи икки хил қофияланиш тартибига эга: биринчи, иккинчи ва тўртинчи мис-

ралари ўзаро қофияланидиган оддий ва ҳар тўртгала мисраси қофияланидиган таронаи рубоий. Буни Навоийнинг ўзи рубоия деб атайди. Шоирнинг барча рубоийлари ана шундай рубоия ёки таронаи рубоийлардир.

“Девони Фоний” ҳозирга қадар ўзбек тилига шеърӣ таржима қилинмаган. Фақат Фафур Фулом ва Ҳабибий шоирнинг бир неча газали, Ш.Шомуҳамедов “Тухфат ул-афкор” қасидаси, қитъа ва рубоийларидан баъзи намуналарни, Носир Муҳаммад ҳам бир неча газал, қитъа ва рубоийларини, Ҳабибулло Саидғани қатор газалларини ўзбекчалаштирганлар. Таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов эса мазкур қасидани насрий таржима қилган.

Илоҳӣй ва мажозӣй ишқ тараннуми, инсонӣй камолот масалалари, умрни қадрлаш, нафсни мазаммат қилиш, маъшуқа таъриф-тавсифи, висол умидию ҳижрон азоблари Фоний рубоийларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

1

Тундан қиламан тонгга қадар зорликлар,
Ҳаддан ўтди танҳолигу беморликлар,
Юзланди фироқ туфайли душворликлар,
Эй ёр, қаёқда қолди ул ёрликлар?

2

Эй дўст, ҳалокатлидир айёми фироқ,
Ҳижрон заҳарига қоришиқ жоми фироқ,
Туғдирса висол тонггини гар шоми фироқ,
Кечирма сира тутсам агар номи фироқ.

3

Давр эли жабр этса, кўтарма исён,
Кўн бориға, йўқ туфайли бўлма сарсон,
Тинглаш керак эмасми — эшитма пинҳон,
Сўзлаш керак эмасми — гапирма бир он.

4

Ҳар лаҳза бу чархдан жафолар етса,
Даврон элидан турфа балолар етса,
Гам йўқ агар ул ойдан вафолар етса,
Бош зулфидек бош ўпиб, видолар етса.

5

Ҳажрингда ишим изтиробдир бу кеча,
Тарк этгали жоним-да шитобдир бу кеча,
Жисмимда фироқдан кўп азобдир бу кеча,
Огоҳ бўл-ей, дил иши харобдир бу кеча.

6

То тушди-ю дилга меҳри ул моҳлиқо,
Қон бўлди жигар, кўзимнинг ёши дарё,
Йиглайди кўриб бир бошима шунча бало,
Осмонда қушу сувда балиқлар ҳатто.

7

Мен ўз вужудимдан паришонман, бас,
Ҳар ишки қилибман, пушаймонман, бас,
Ақл менга насиб бўлмади — нодонман, бас,
Нодонлигимга ўзим-да ҳайронман, бас.

8

Ишқ ўтида куйган хаста жонман, на қилай?
Девонаю расвои жаҳонман, на қилай?
Сабр менга эрур чора, аён, ман на қилай?
Билсам-да қилишга нотавонман, на қилай?

9

Ёр қошида бўлма сира, эй дил, беадаб,
Бўлган каби бу шоҳ қошида қул беадаб,
Ёр васлига етган бўлмагай, бил, беадаб,
Оқил боадаб бўлгаю жоҳил беадаб.

10

Сен келмадингу аммо куёш жилва қилар,
Кетдингу куёш бўлса ҳали кўкда турар,
Бас, кеч келиб, эрта кетганингдан бу қадар,
Кўз орқали дил қони юзимга тўкилар.

11

Ишқинг ўтидан кўксимни зўрлар доғ,
Ғам шомида осмонга қадар ўрлар доғ,
Ўтди ичиму ҳамда ташимдан ҳар доғ,
Бас, қайга қўярман яна келса гар доғ?

12

Ишқ оташи ичра жисму жоним ою йил
Ўзини камолга етказишга машғул,
Ҳижрон дўзахига тушса, чекмай мушкул,
Алқисса, висол жаннатига ўтгай ул.

13

Сурганча хаёл, эй дили девона,
Орзу қиласан ёр бўлишин ҳамхона.
Қандай сенга ҳамхона бўлар жонона?
Хона қани сенда? Бори шу вайрона...

14

Ўлдирма мени ҳажринг ила, эй жонон,
Бу ғамли дилимни этма баттар вайрон,
Мендан кеча олислаганинга бир он,
Бошимдан ақл учди-ю, жисмимдан жон.

15

Фақр ичра бошингда неки бўлса ташла,
Бер қўлдаги бахтни — юрма бу ташвиш-ла,
Ҳар яхши-ёмон келса шу икки иш-ла,
Парво сира қилма-ю, дилингни хушла!

16

Бўстонга кириб келди баҳор қарвони,
Гуллар ҳидига тўлдирибон дунёни,
Лаззат олиб ғунчадан, бўлиб жонони,
Тушмиш кўзига гард нарғиси шайдони.

17

Ёмон нимани истамасанг, хушхулқ бўл,
Касб этма риёни, тўғри бўлсин кўнғил,
Ҳар ёққа юрар эл, сен тут ўзга манзил,
Қўй элни, ягона маҳраминг бўлсин Ул.

18

Фоний бу жаҳон ғамига то пайвандсан,
Ўзингга ўзинг бақо йўлида бандсан,
Нафсинг ҳавасига кўмилиб хурсандсан,
Бўлсанг-да замонни шоҳи — ҳожатмандсан.

ХОНДАМИР

(1473-1476 — 1534)

Машҳур муаррих Гиёсиддин Муҳаммад ибн Ҳумомиддин Хондамир Ҳиротда туғилган. Отаси Ҳумомиддин Муҳаммад ўз даврининг ўқимишли, фозил кишиси бўлиб, Султон Абу-саиднинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзонинг вазири, онаси эса машҳур муаррих Мирхонднинг қизи бўлган. Кейинчалик бобосига шогирд тушиб, унинг ишларини давом эттиради ва ўзи ҳам замонасининг етук зиёлиси, донгдор муаррих бўлиб етишади. Ёшлигидан ўткир зеҳни ва кенг билими туйфайли Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлиб, унинг кутубхонасига мудирлик қилади.

“Хондамир Навоий вафотига қадар унинг ҳузурида бўлди ва қатор илмий асарлар яратди. Навоий вафотидан сўнг у она юрти Балхга кетди ва Бадиуззамон Мирзонинг хизмати-га кирди”³⁸⁰. Бир муддат Шимолий Афғонистондаги Пушт қишлоғида ижод билан шуғулланди. Шу йилнинг охирида бу ерга келган Муҳаммадзамон уни ўз ёнига олади. 1516 йили у Ҳиротга қайтади ва Хуросон ҳокими Дурмишхоннинг вазири амир Ҳабибулло Соважийнинг хизмати-га киради. Амир Ҳабибулло Хондамирга зўр илтифотлар кўрсатди, уни қўллаб-қўлтиқлади. Шунинг учун ҳам ўзининг энг йирик асари бўлган “Ҳабиб ус-сияр”ни унга бағишлади³⁸¹.

1527 йили Хондамир машҳур шоир Шаҳобиддин Муаммой ва Ҳиротдаги “Султония” мадрасасининг мударриси Амир Иброҳим Машҳадийлар билан бирга Ҳиндистонга — Бобур Мирзо ҳузурига боради. Бобур ҳам, кейин унинг ўғли Ҳумоюн ҳам бу нуктадон муаррих билан яхши муносабатда бўлишган, ижод қилиши учун унга барча шароитни яратиб беришган. “Ҳумоюннома” асари учун Ҳумоюн томонидан унга

³⁸⁰ Аҳмедов Б. Хондамир. — Тошкент, 1965. 4-бет.

³⁸¹ Уша ерда. 8-бет.

“Амир ул-муаррихин” (“Тарихчилар амири”) унвони берилган. У Ҳумоюн билан бирга навбатдаги ҳарбий юришдан қайтиб келаётганида йўлда вафот этади ва васиятига кўра Деҳлидаги машҳур қабристонга — буюк шоир Хусрав Деҳлавий ёнига дафн этилади.

Хондамир сермахсул олим бўлиб, 13 та асар ёзган. Бизгача улардан 8 таси етиб келган: “Маосир ул-мулук” (“Подшоҳларнинг замондошлари”), “Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр” (“Хайрли кишилар аҳволида (жаҳон) хабарларининг хулосаси”), “Мақорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”), “Дастур ул-вузаро” (“Вазирлар учун дастур”) “Номаи номий” (“Атоқли номалар”) “Иншои Фиёсий” (“Фиёсий асарлари”), “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар” (“Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли”), “Ҳумоюннома”. Шунингдек, Мирхонднинг чала қолган “Равзат усафо” (“Поклик боғи”) асарининг охириги — 7-жилди. “Хулосат ул-ахбор” ва “Мақорим ул-ахлоқ” асарларини бевосита ҳомийси ва устози Алишер Навоийга бағишлаб ёзган.

Навоийнинг маълумот беришича, “салоҳиятли йигит”, “тарих фанида маҳорати бор” Хондамир бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, Нақий тахаллуси остида шеърлар ёзган³⁸². Бизгача унинг алоҳида шеърлар тўплами етиб келмаган, лекин тарихий асарлари орасида келтирилган рубоий, қитъа, муаммо ва фардлари, маснавийларидан парчалари ва байтлари унинг истеъдодли шоир бўлганлигидан далолат беради. 1994 йил Техронда чоп этилган “Рубоийнома” китобида ҳам Хондамирнинг 3 та рубоийси берилган³⁸³.

Ўзбекистонда Порсо Шамсиев, Бўрибой Аҳмедов, Дилором Юсупова каби олимлар Хондамирнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича у ёки бу даражада тадқиқот ишларини олиб борганлар. Машҳур муаррихнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асари жузъий қисқартиришлар билан таржима қилиниб, бир неча марта нашр этилган. Шунингдек, “Хулосат ул-ахбор”, “Ҳабиб ус-сияр”, “Дастур ул-вузаро” асарларидан парчалар ўзбек тилига ўгирилиб эълон қилинган.

³⁸² Қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. — Тошкент, 1997. 121-бет.

³⁸³ Қаранг: Рубоийно. 1а. С. 390.

1

Фарёдки, фироғингда жигар қон бўлди,
Кўзим ёши шу туфайли алвон бўлди,
Жон орзу қилиб сени паришон бўлди,
Дил сенда эди — ҳоли не, эй жон, бўлди?!

2

Бахт менга қачон ҳамроҳ бўлгуси яна?
Қўйнимда санам ой каби тўлгуси яна,
Шодлик қуши парвоз қилгуси яна,
Ёр қилди сафар — қачон келгуси яна?

3

Ёр кўйи ҳавосида мушк иси ниҳон,
Хулқи бирам гўзалки, яйрар дилу жон.
Ҳажри ўтида уд каби куйди қўнглим,
Гулоб³⁸⁴ каби ашким кўздан оқди равон.

³⁸⁴ Г у л о б — 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; 2) кўз ёши.

ОФОҚБЕГИМ

(XV — XVI)

Алишер Навоийнинг тоғаси Ҳасан Али Жалойирнинг қизи, укаси Дарвешалининг хотини бўлган Офоқбегим асосан форс-тожик тилида шеърлар ёзган. Дарвешали Балх ҳокими бўлган даврда у ижод аҳлига ҳомийлик қилган. Фаҳрий Ҳиротий “Радойиф ул-ашъор” (“Радифли шеърлар”) тазкирасида унинг шеърларидан намуналар келтиради. У ҳассос ва ҳозир-жавоб шоира сифатида халқ орасида машҳур эди³⁸⁵.

Бир қатра сув тутса фалак менга агар,
Дунё бўйлаб бир умр саргашта этар.
Етказсаю бир манзилга кошки мени,
Қолдирмаса ўзлигимдан зарра асар.

³⁸⁵ Бу ҳақда қаранг: Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. — Хўжанд, 2003. 22-бет; Фаҳрий Ҳиротий. Жавоҳиру-л-аҷоиб. С. 62-63.

БАДРИДДИН ХИЛОЛИЙ

(XV аср 70-йиллари — 1529)

Шеърларида ҳақиқий ва мажозий маъноларни маҳорат билан омухта қилгани, илоҳий ва дунёвий ишқни ҳассослик билан куйлагани учун ўз даврининг Ҳофизи Шерозийси деб донг таратган Мавлоно Бадриддин Ҳилолий Чигатой XV асрнинг 70-йилларида Астрободда туғилган. Машҳур муаррих Соммирзо ҳам “Тўхфаи Сомий” асарида Ҳилолийнинг аждодлари Чигатой туркларидан бўлиб, Астрободга бориб муқим бўлиб қолганлиги ҳақида маълумот беради³⁸⁶. Бошланғич маълумотни туғилган шаҳрида олиб, илм таҳсилани камолга етказиш мақсадида 1491 йили ўша даврнинг илму фан ва маданият марказларидан бўлган Ҳиротга келади. Чуқур билими, кенг дунёқарashi, ноёб истеъдоди туфайли Жомий ва Навоийнинг назарига тушиб, уларнинг ҳомийлигида илму ижод билан қизгин шуғулланади. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Алишер Навоий унинг келиб чиқиши туркий қавмга мансублигини қайд этади: “Мавлоно Ҳилолий турк элидиндур. Ҳофизаси яхшидур, таъби дағи ҳофизасича бор. Сабақ ўқимоқ таклифи қилибдур. Умид улким, тавфиқ топгай”³⁸⁷. Дастлаб Ҳилолий (янги ой) тахаллуси билан ижод қилган шоир кейин Бадриддин (тўлин ой) тахаллусини ҳам олиб, Бадриддин Ҳилолий номи билан машҳур бўлиб кетади. Навоий унинг келажагига умид билан қараган. Чиндан ҳам, у Хондамир таъбири билан айтганда, “замон шоирларининг яғонаси ва даврон фозилларининг афзали” бўлиб етишади. Хусусан, аруз, қофия ва шеър илмларида тенги йўқ эди. “Мажолис ун-нафоис”ни форс тилига таржима қилган Фахрий Ҳиротийнинг ёзишича: “Шеърининг барча жабҳаларида маҳорат пайдо қилди ва ўз замонасининг яғонасига айланди”. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам

³⁸⁶ Қаранг: Тазкираи Тўхфаи Сомий. Толиф Сом Мирзо Сафавий. Тасҳиҳ ва муқаддима аз: Рукниддин Хумоюнфаррух. — Теҳрон, 1397 (ҳижрий-шамсий). С. 152.

³⁸⁷ А л и ш е р Н а в о и й. Муқамал асрлар тўплами. 13-жилд. 86-бет.

унинг қувваи ҳофизаси кучли бўлиб, 30-40 минг байт шеърни, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса”ларини ёд билиши, аруз, қофия ва шеър илмларида етуқлиги хусусида маълумот беради³⁸⁸. Шайбоний ҳукмдорлардан Бухоро хони Убайдуллоҳон Ҳиротни босиб олганда, шоирни шиалиқда айблаб, 1529 йили қатл қилдиради.

Бадриддин Ҳилолийнинг бизгача шеърлар девони, уч достони ва қофия илмига оид бир рисоласи етиб келган. Девон шоирнинг 421 ғазал, 4 қасида, 11 қитъа, 35 рубоий, биттадан мухаммас, чистон ва соқийномасини ўз ичига олади³⁸⁹. У, хусусан, ғазал, қасида ва маснавийда шуҳрат тутган. “Шоҳ ва дарвеш” достонида мажозий ишқ босқичлари рамзу тимсоллар воситаида талқин этилган. Лекин шоҳни — маъшуқа, дарвешни — ошиқ сифатида тасвирлагани учун Бобур бу асарни танқид қилиб ўтган³⁹⁰. “Сифат ул-ошиқин” (“Ошиқлик сифатлари”) достони ахлоқий-таълимий мазмунда бўлиб, “Хамса”ларнинг илк достонлари — “Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор”, Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”, Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор”, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонларига татаббуъ тарзида ёзилган ва у ҳам салафлари асарлари каби 20 бобдан иборат. Унинг “Лайли ва Мажнун” достони ҳам ушбу ҳамсанавис устозларнинг шу номли достонларига татаббуъ ҳисобланади.

Бадриддин Ҳилолий асарлари асрлар давомида халқ ўртасида севиб ўқилиб келган. Шоирнинг 50 дан ортиқ ғазаллари “Шашмақом” таркибидан жой олган. Огаҳий унинг “Шоҳ ва дарвеш” достонини, Баҳриддин Турғунов ва Исроил Субҳонийлар рубоийларини ўзбек тилига таржима қилганлар.

1

Бу бевафо оламда биров хуррам эмас,
Ҳеч кимга қувончу шодлик ҳамдам эмас.
Кимнинг бу замонда кўнгли тўла ғам эмас,
Оламдан эмас ёки у, ё одам эмас³⁹¹.

³⁸⁸ Қаранг: З а ҳ и р и д д и н М у ҳ а м м а д Б о б у р. Бобурнома. — Тошкент, 2002. 139-бет.

³⁸⁹ Қаранг: Девони Ҳилолии Чигатойи бо “Шоҳу дарвеш”у “Сифот ул-ошиқин”и ў. Тасҳеҳу муқобалаю муқаддимаю фехрист аз Саид Нафисий. — Техрон, 1368 (ҳижрий-шамсий).

³⁹⁰ Қаранг: З а ҳ и р и д д и н М у ҳ а м м а д Б о б у р. Бобурнома. 139-бет.

³⁹¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

2

Ғам кўндиру ғамгусор хоҳлайману йўқ,
Қўлда бўлишин нигор хоҳлайману йўқ.
Бегона ғами хоҳламасам-да бордир,
Ташриф этишини ёр хоҳлайману йўқ.

3

Эй ёр, яна кел — жондан асар йўқ менда,
Бехудман — ўзимдан хабар йўқ менда.
Парвоз қилсам қани эди сенга томон,
Аммо, не қилай, қаноту пар йўқ менда.

4

Афсуски, асири нангу номмиз то ҳануз,
Шухратга қул, обрўга ғуломмиз то ҳануз,
Умр бўлди тамому нотамоммиз то ҳануз,
Юз марта куйиб ёндигу хоммиз то ҳануз.

5

Ёр келди-ю, ёри дилнавоз келди яна,
Бўлмоққа ғамимга чорасоз келди яна.
Кетган эди умрим-да унинг ортидан-ей,
Ёрга кўшилиб, умр-да боз келди, яна.

6

Ғамдан ўзга дўсту қадрдон йўқдир,
Ҳал этгали мушкулимни бир жон йўқдир.
Ўлдирди-ю ғам — етмади додимга биров,
Ҳайҳот, бу шаҳарда бир мусулмон йўқдир!

7

Афсуски, менга давлати дийдор камдир,
Айтиш-да уятли — неча миқдор камдир?
Ҳижрони азоб бўлса-да ортиқ ҳаддан,
Дийдори қувонч бўлса-да бисёр камдир.

8

Токай бу жаҳонда дил ҳазин бўлгайдир,
Ғам-қайғу билан дўсту яқин бўлгайдир.
Ғам чекма, жаҳон асли азал шундай эди,
Энди тоабад шу хил у, чин, бўлгайдир.

9

Ёрнинг кўзи то ишвасини соз қилади,
Юз дил кўйида қуш каби парвоз қилади.
Куйдиргали ошиғини то ноз қилади,
Ошиқ оху зор билан унга роз қилади.

10

Мискинман — ошиқлик кўйи манзил менга,
Мискин мену мискин дили ғофил менга.
Мискин кўйида бировни(нг) хаста жон ҳам,
Мискин мену мискин жону дил менга.

11

Субҳоноллоҳ, не шакли мавзундир³⁹² бу?!
Ҳар қанчаки таърифдан афзундир бу!
У асли нима ё қандай деб бўлмас,
Тахмину тасаввурдан устундир бу!

12

Бир ғамхўр йўқ — олса хабар жонимдан,
Артса ёшини кўзлари гирёнимдан.
Бор ёши кўзимнинг келару менга қараб,
Оқиб ўтар аммо тўхтамай ёнимдан.

13

Ҳурлар кўйида тенг бўлади ҳажру висол,
Ҳар иккиси ҳам бўлғуси ошиққа завол:
Васлида иши куйиб-ёниш бўлса мудом,
Ҳажрида иши қайғу-азоб, ранжу малол.

14

Сендан боқий ҳаётни ҳеч он тиламам,
Ё неъмату шодлиқни беармон тиламам,
Ё коми дилу фароғати жон тиламам,
Дардингга ўзингдан ўзга дармон тиламам.

15

Мен дўсту яқинларим фидоси бўлдим,
Бошига, ғамим билан, балоси бўлдим.
Одам зотидан сира вафо кутманг, мен —
Кўрдим, синадим — ақли расоси бўлдим.

³⁹² М а в з у н — гўзал, чиройли, келишган.

16

Тўлдирди қучоғимни дилафрўз³⁹³ бу кеча,
Рашк ичра қуйиб, бўлди жаҳон кўз бу кеча.
Бу кеча васл эмас, қадр³⁹⁴ кечасидир,
Келган каби бирдан минг Наврўз бу кеча.

17

Нур кўзгуси ёр юзида ошкор бу кеча,
Эй ой, яширин — ҳатлама девор бу кеча,
Эй офтоб, ўрал энди булут пардасига,
Эй тонг, шошилма, отма зинҳор бу кеча.

18

Эй чеҳраси ой, бу нима офиз, нима лаб?
Бу ҳол нима ҳолу бу нима зулфи ажаб?
Нақ икки тун ўртасидаги кун дейсан,
Икки зулф ичидаги юзингга қараб.

19

Дил кетса-кетар, мен кўзи ўнгида мудом,
Жон берсам агар, ёр кўйи хоки менга ном.
Гард бўлсам агар остонасига қўнаман,
Остонаси тупроғи менга сўнги мақом.

20

Ҳар куну туним у ҳақда сўзлаб ўтди,
Ҳам ою йилим васлини излаб ўтди,
Умрим бош уриб қўйида, бўзлаб ўтди,
Дийдорини бир кўришни кўзлаб ўтди.

21

Ёр бўй-бастини яратишди пухта,
Юз ҳусну малоҳатни қилиб омухта.
Орзуларимиз қолипига тўқдилар-ей,
Оламини безовчи ҳуснини ошуфта.

³⁹³ Д и л а ф р ў з — 1) дилни ёритувчи; 2) кўнгилни шод этувчи; 3) гўзал маҳбуба.

³⁹⁴ Қ а д р — рамазон ойнинг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Қуръони карим шу кечада нозил этила бошлаган. Бу кечада фаришталар ерга тушиб, мусулмонларнинг гуноҳларини кечирилишини сўраб, Оллоҳга илтижо қилар эканлар. Шунинг учун бу кечада қилинадиган дуо-илтижолар дарҳол ижобат бўлар эмиш.

22

Тўлдирдилар ишқ майига кимнинг жомини,
Дард қуйқасидан заҳар қилишди комини.
Бир ерга йиғилган эди бор дарду гами
Гўёки жаҳоннинг — ишқ аташди номини.

23

Ташланди икки даста сунбул кўзга,
Зўр дасталаган — таърифи сиғмас сўзга.
Дедим: “Бору ёрнинг икки зулфига қара,
Боғланган ўзга, ўзи ўсган ўзга”.

24

Ҳажрингдаги андуху малолим сўрама,
Бемаъни тириклигим — заволим сўрама.
Ҳар лаҳза сўрайсан: “Ҳолинг қандай?” — деб,
Сенсиз ёмондир жуда ҳолим — сўрама.

25

Фарёдки, фироқ оташи ҳаддан ўтди,
Оҳ-нолаларим жумла жаҳонни тутди.
Бошимга менинг тушди жуда мушкул кун:
Ҳижрони шуми ёки қиёмат етди?!

26

Мен май ичаман мудом бирор доно билан,
Май базмида ё ўлтираман зебо билан.
Мен ҳеч қасам ичмадим май ичмайман деб,
Май ўрнига ичмадим қасам даъво билан.

27

Келтирди дилим мени фиғонга, не қилай?
Нурсиз бу ҳаёт тегди-ку жонга, не қилай?
Ҳамма билади — сабр эканини чора,
Сабр етмас эса мен нотавонга, не қилай?

28

Эй дўсту яқинларимки, бўлдингиз ёр,
Ошиқ бўлдим — маъзур тутинг зинҳор.
Кўнглингни ўшандан уз дейсиз доим,
Ошиқ кишига барча насиҳат бекор.

29

Сенсиз қандай сабр қила олгуси дил,
Васлинг ўзига ҳаёт дея билгуси дил.
Эй дўст, оҳиста кет — дилим ҳамроҳинг,
Қўй, мунча шитоб айламаки, қолгуси дил.

30

Гоҳ оғритиб кўнглимни менинг масрурсан,
Гоҳ зулм этиб, ҳажр ўқин санчурсан.
Кўп шўхсану ҳуснингга жуда мағрурсан,
Ошиқликда ҳар не қилсанг маъзурсан.

31

Қаршимда агар ёр сурати бўлмас экан,
Дилнинг яшамоққа рағбати бўлмас экан.
Дил ёрдаю кўз уни кўришдан маҳрум,
Бундан ортиқ малолати бўлмас экан.

32

Эй ёр, ситаму жафоларингдан тўйдим,
Ишқ одатига, бироқ барини йўйдим.
Ишқ кўйида мен агар жувонмарг бўлсам,
Қоним ҳақини сенинг бўйнингга кўйдим.

33

Ҳар ким билан ўлтириб шароб ичгайсан,
Рашкда мени ўлдириб, кафан бичгайсан.
Дедингки: “Май ичганда сени ёд этаман”.
Хавф бор: маст бўлсанг, мандан кечгайсан...

34

Кўнглини рақибнинг оларсан токай?
Ҳижрон куйини менга чоларсан токай?
Токай гулга гиёҳ кўшиб боғларсан,
Ўлим гамини жонга соларсан токай?

35

Тузга сени қилдилар тамом оғушта³⁹⁵,
Туздан бино танингдаги ҳар нуқта,
Жонлар ширасин этиб унга омухта,
Сенинг суратингни яратишди пухта.

³⁹⁵ Оғушта — қоришган, аралашган.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483 — 1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз олдимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намоёндаси гавдаланади. Зеро, машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: “Туркий шеърни Амир Алишердан сўнг ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас”³⁹⁶. Дарҳақиқат, Бобур ижоди мумтоз сўз санъатимизда Навоийдан кейинги алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Атоий, Лутфий шеърларидаги халқчиллик Бобур асарларида янгича шаклда қайта туғилди. Хусусан, “Бобурнома” билан у туркий адабиётда реалистик насрни бошлаб берди, содда, халқона услубга асос солди. У ўз асарларининг мавзуини асосан ҳаётдан олди. Шоир меросининг ҳайратланарли даражада ҳаётгийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан. Улуғ салафларига эргшиб ёзган бир қатор шеърларини ҳисобга олмаганда, у асосан кўрган-билган, қалбидан ўтказган, ўзини тўлқинлантирган воқеалар, кечинмалар ҳақида ёзади.

Бобур соҳибдевон шоир бўлса-да, унинг девони бизгача мукамал ҳолда етиб келмаган. Ҳозиргача шоирнинг 119 ғазал, 1 маснавий шеъри, 209 рубойиси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибидан умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган³⁹⁷.

Яқинда адабиётшунос олима Шафиқа Ёрқин Бобурнинг Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёмалар

³⁹⁶ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Бобур Подшоҳ (“Тарихи Рашидий”дан). Форс тилидан Фулом Карим таржимаси // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002, 15 февраль.

³⁹⁷ Бу ҳақда қаранг: Муҳаммаджонов А., Абдуғафуров А. Бобур // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. — Тошкент, 2001. 87-бет.

бўлимида 3743 рақами остида сақланаётган девонидаги унинг ҳозиргача нашр этилган тўпламларига кирмаган ўзбек тилидаги 5 ғазали, 9 қитъаси, 5 рубойиси, 9 маснавий шеър, 10 тўртлиги, 2 туюғи, 40 дан ортиқ фардлари, қатор маснуй³⁹⁸ шеърлари, 1 маснуй таржеъбанди, 2 номаси, форс-тожик тилидаги 1 ғазали, 10 рубойиси, 4 қитъаси, 12 фарди ва 1 номасини эълон қилди³⁹⁹.

Бундан ташқари, Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб, шариат ақидаларига бағишланган “Мубай-йин” асарини, аруз назариясига оид “Мухтасар” китобини яратади. Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” рисоласини шеърый таржима қилади. Араб алифбосини ислоҳ қилиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш, уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштириш мақсадида “Хатти Бобурий”ни ихтиро этган. Унинг мусиқа санъати ва ҳарб ишларига доир рисоалари ҳам бўлиб, улар ҳозиргача топилмаган. Машҳур инглиз муаррихи ва “Бобурнома” мутаржими Уильям Эрскиннинг ёзишича, Бобурнинг “туркий мусиқа оҳанглари ҳақида” ёзган рисоласи “мазкур соҳада яратилган асарлардан устунлик қилади... Бобур фақат мусиқа ишқибозигина эмас, яхшигина бастакор ҳам эди. У яратган куй ва кўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади”⁴⁰⁰.

“Бобурнома” тарихий-мемуар асари шоирга оламшумул шуҳрат келтирди. Унда XV аср охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар, те мурийлар салтанатининг инқирози, шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келиши содда услуб, самимий руҳда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Асарда Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллоҳон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Иброҳим Лўдий каби ўнлаб ҳукмдорлар, Алишер Навоий, Камолдин Биноий, Беҳзод, Хондамир, Мирзо Ҳайдар сингари

³⁹⁸ М а с н у ь — санъаткорона ёзилиб, тўрт қисмга бўлинган ва энига ҳам, бўйига ҳам ўқиса бўладиган асосан тўрт мисра ёки тўрт байтдан иборат шеър. У мураббаъ ёки чорхона (тўртбурчак) санъати деб ҳам юритилади.

³⁹⁹ Қаранг: Бобур девони. Кобул нашрига тақмила (кўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёрқин. — Тошкент, 2004.

⁴⁰⁰ Э р с к и н У. Бобур Ҳиндистонда (Ғофуржон Сотимов таржимаси). — Тошкент, 1995. 105-бет.

қатор адабиёт ва санъат намояндалари тўғрисида маълумот ва хотиралар келтирилган. Қомусий характердаги бу асарда, шунингдек, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатлари тарихи, маданияти, табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шаҳар ва қишлоқлари, бу ерларда яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, диний эътиқод ва маросимлари, турли ижтимоий табақалар, ҳарбий санъат ва жанг қуроллари, ўзининг уруш-юришлари, турли фанларга оид кўпдан-кўп маълумотлар ва бошқалар ўрин олган.

“Бобурнома”да 50 дан ортиқ ўринда турли муносабат билан форсий мисра, байт, фард, қитъа, рубоий ва таърихлар келтирилади. Улар орасида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайфи Бухорий, Шайхим Суҳайлий, Вафойи, Ҳасан Яъқубий, Бойсунқур, Камолиддин Биноий, Мулло Муҳаммад Толиб, Кичик Мирзо, Фарибий, Муҳаммад Ҳусайн, Хожа Калон каби шоирлар ижодидан келтирилган намуналар билан бир қаторда, турли вазиятлар тақозоси билан муаллифнинг ўзи томонидан бадиҳа тарзида айтилган кўплаб форсий байт, қитъа ва рубоийлар ҳам берилган. Истанбулда сақланаётган девонидаги форсий шеърлари билан биргаликда олсак, Бобурнинг форсий мероси ҳам салмоқлигина экани маълум бўлади.

Бобурнинг форс-тожик тилидаги деярли барча машқлари бадиҳа тарзида қоғозга тушганига қарамай, улар Бобурга хос услуб равллиги, фикр ёрқинлиги, мазмун терадлиги, қўлланган сўзларнинг содда ва тушунарлилиги билан ажралиб туради.

1

Эй кошки, Ҳанифа меҳрибоним бўлса!
Зор дилга давою дармоним бўлса!
Ёлғиз тилагим шудир Худодан доим:
Кўйнимда мудом оромижоним бўлса!

2

Дарвешларга агар эмасмиз маҳрам,
Бу тоифага ихлосимиз мустаҳкам.
Дарвешликдан узоқ дема шоҳликни,
Биз дарвешлар бандаси шоҳ бўлсак ҳам.

3

Қул қилди юзинг бирам, Мир Аҳмад Қосим,
Сочинг-да қилиб ситам Мир Аҳмад Қосим.
Бошимга бало узра бало келтиради
Хулку адабинг ҳар дам, Мир Аҳмад Қосим⁴⁰¹.

4

Юзи гулига Ҳанифанинг банда бўлай,
Қўш сунбулига Ҳанифанинг банда бўлай.
Ёмон феъли жонимга балодир ҳарчанд,
Ёмон феълига Ҳанифанинг банда бўлай.

5

Элчи менга келтирди саломинг, эй дўст,
Шод бўлдим эшитганимда номинг, эй дўст.
Оламда яшар экан салом сўзи то,
Соғ бўлу баланд бўлсин мақоминг, эй дўст!

6

Машҳур Ажаму⁴⁰² Арабда бу ному насаб,
Кўнглимни(нг) қувончига хатинг бўлди сабаб.
Ҳар ким чиқарар эди муаммодан⁴⁰³ ном,
Сендан чиқарар ном муаммо, не ажаб!

7

Ҳукмингда сенинг ҳаттоки бу чарху фалак,
Раъйингга қараб айланади жони ҳалак.
Сендан гина йўқдир, аммо шундай қилки,
Ёнингда хотиржам яшамоқ менга тилак.

8

Бу мақбаранинг соҳиби пири Ҳамадон,
Ғам-ғуссада қолганни у қўллайди ҳар он.
Мен сенга тушунтирай — агар билсанг у
Ҳазрат Али фарзандию мири Ҳамадон⁴⁰⁴.

⁴⁰¹ Мир Аҳмад Қосим — Бобурнинг бош вазири.

⁴⁰² Ажам — араб халқи ва мамлакатларидан бошқаси (хусусан, эронликлар).

⁴⁰³ Муаммо — ўзбек мумтоз шеъриятидаги бирор исм, сўз, сана ва бошқалар яшириб бериладиган шеърини жаңр.

⁴⁰⁴ Бу рубойнинг форсий нусхасида Ҳамадон — шаҳар номи ва ҳамадон — “ҳамма деб бил” сўзлари воситасида тажнис санъати ҳосил қилинган.

9

Эй мулк асоси, адл рамзи бу нафас,
Дўстлик удумин унутишинг яхши эмас.
Бир гўшада ётсам-да чиқиб ёдингдан,
Ёдинг гўшасида яшасам менга шу бас!

10

Мен ҳеч нимани тутмадим умримда ниҳон,
Илмингда амал йўқми, у бефойда, зиён.
Қўлимни тутиб, қўллаганингдан шодман,
Бечоралигимдан қолмай ному нишон.

БАЙРАМХОН

(1498 — 1561)

Йирик сиёсий арбоб, моҳир саркарда, истеъдодли шоир сифатида XVI аср сиёсий-ижтимоий, маданий-адабий ҳаётида катта роль ўйнаган Муҳаммад Байрамхон асли туркманларнинг баҳорли қабиласидан бўлиб, Ғазна вилояти ҳокими Сайф Алибек хонадонидан туғилади. Онаси эса Балх ҳокимининг қизи эди. Отадан ёш етим қолгач, Балхга — она томонидан қариндошлари ҳузурига бориб, ўша ерда мадраса таълимини олади, ҳарбий билим ва санъатларни эгаллайди. 17 ёшида ўша даврда Бадахшон волийси бўлиб турган Ҳумоюн хизматига киради. Тез орада ўзини кўрсатиб, Ҳумоюннинг яқин кишилари қаторидан ўрин олади. Бобур вафотидан кейин Ҳумоюннинг бош маслаҳатчиси бўлади. У бобурийлар ҳокимиятини мустақкамлаш, мамлақати ҳудудини кенгайтиришда энг кўп хизмати сингган жасоратли ва моҳир саркарда ҳисобланади. 1534 йили у муҳрдорлик мансабига тайинланади. У Шершоҳ исёни туфайли қўлдан кетган Ҳиндистонни қайтариб олиш, Эрон шоҳи Таҳмосб билан ҳарбий иттифоқ тузишда жонбозлик кўрсатган. Бу хизматлари эвазига у 1555 йилда “Хони хонон” (“Хонлар хони”) унвонига сазовор бўлади ва ёш Акбарга оталиқ этиб тайинланади. Ҳумоюн вафотидан сўнг Акбарни подшоҳ деб эълон қилиб, унинг номидан мамлакатни бошқаради.

Байрамхон Макка зиёратига бораётганида йўлда отасининг хуни учун лоҳани уруғидан бўлган Муборақхон 1561 йили уни шаҳид этади. Унинг жасади дастлаб маҳаллий халқ томонидан Гужаротдаги Ҳусомиддин мақбарасига қўйилади, кейин Деҳлига келтирилади. 1563 йили эса Машҳадга олиб бориб, Имом Ризо мақбараси ёнига дафн этилади.

Байрамхон саркардалик ва ҳокимиятни бошқариш фаолиятидан ташқари, бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзган. Унинг бизгача етиб келган туркий шеърлари 359 байт, форсий шеърлари эса 608

байтдан иборат. Улар қасида, ғазал, рубойи, қитъа, фард, таърих каби жанрлардаги шеърлардан иборат. Хумоюн ва Акбарларга бағишланган қасидалари сақланиб қолган. Пароканда байтлари билан қўшиб ҳисоблаганда 2000 байтдан зиёд бўлган туркий ва форсий мероси 1910 йилда инглиз шарқшуноси Денисон Росс томонидан Калькуттада, 1971 йилда покстонлик олим Маҳмуд ал-Ҳасан Сиддиқий томонидан Карачида, 1970 ва 2000 йилларда Ашхободда нашр этилган⁴⁰⁵.

Байрамхон ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, асарларини тўплаб нашр этишда инглиз шарқшуноси Денисон Росс, покстонлик олим Ҳасан Сиддиқий, ҳиндистонлик Ҳаким Али Кавсар Чандпури, озарбайжонлик Ғазанфар Алиев, туркманистонлик М. Кўсаев, Р. Алиев, Б. Охундов, ўзбек олимларидан Суйима Ғаниева, Ботир Валихўжаев, Шавкат Шукуров, Раҳмонхўжа Иномхўжаев, Нажмиддин Низомиддиновлар диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар. Суйима Ғаниева шоирнинг туркий девонидан 38 ғазал, 10 рубойи ва 5 фардини 1982 йили “Асрлар нидоси” тўпламида эълон қилган⁴⁰⁶.

1

Кўйинг сени Каъбаи саодат бизга,
Юзинг сени қиблаи ибодат бизга.
Кошки Ўзинг қўлласангу этмаса ҳукм
Дунё меҳрию расму одат бизга.

2

Майдан тила бу жаҳон қувончин зинҳор,
Май дейди жаҳонда ҳар масту хушёр.
Май бўлмаса гар яратилиш воситаси,
Май нега азал куни деди: “Ё Жаббор!”⁴⁰⁷

⁴⁰⁵ Қаранг: Девони Байрамхон Хони Хонон. Ба эҳтимоми Маҳмуд ал-Ҳасан Сиддиқий, Саид Ҳусомиддин Рошидий, Муҳаммад Собир. — Карачи, 1971; Хони Хонон Муҳаммад Байрамхоннинг туркий девони. — Мозори Шариф, 1373 (ҳижрий); Б а й р а м х а н. Туркмен дивани. Чапа таярляян Нигара Мамметсидова. — Ашгабат, 2000.

⁴⁰⁶ Қаранг: Асрлар нидоси (Ўзбек адабиётидан намуналар) . — Тошкент, 1982. 42—83-бетлар.

⁴⁰⁷ Ж а б б о р — асмоёи ҳусна — Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири: бандалари ишини ислоҳ этувчи.

3

Шаҳр ичра агар кўчаю бозор хушдир,
Зеб бергуси ҳар дарахту анҳор хушдир.
Кун пайшанба, ҳаво латифдир гоят,
Бул кунда тавофи пири Ансор хушдир⁴⁰⁵.

4

Арбоби фано — баланду паст ўзларидир,
Ҳар лаҳза бақо майи-ла маст ўзларидир.
Бир кун бу жаҳон бошдан-оёқ йўқ бўлади,
Боқий у жаҳонга пайваст ўзларидир.

5

Соч қадр тунию қош ҳайит оии бу чоқ,
Эзгу юзидан ёмон кўз бўлсин узоқ.
Ҳар қанча янги очилган гул лаззатбахш,
Ёқмас унга янги дўстлар сўзи бироқ.

6

Чеҳранг поклик кўзгусидир — кўрсам эдим,
Жо унда бутун шуълаю нур — кўрсам эдим.
Сен мисли қуёшсан бу булутли кунда,
Борми сира чорасики, бир кўрсам эдим.

7

Эй табъи латифу кўнгли поксан шу қадар,
Ишқ аҳли таянчисану арбоби назар.
Юзимдан агар ҳузур нурини тиласанг,
Ҳижрон тоғини тез ўртадан айла бадар⁴⁰⁶.

8

Эй поктабълар шоҳию покиза гуҳар⁴⁰⁷,
Арбоби назар ичинда энг пок назар.
Чеҳрамда намоён эт ҳузур нурини,
Шоядки, фироқ зулмати бўлса бадар.

⁴⁰⁶ Бу рубоий Байрамхоннинг Ҳумоюн Мирзо билан Эронга бораётганида Ҳиротда машҳур тариқат пири Абдуллоҳ Ансорий мазорини зиёрат қилиш орзуси билан ёзилган. — Э.О.

⁴⁰⁷ Б а д а р — ном-нишонсиз кетмоқ, дом-дараксиз кетмоқ, ғойиб бўлмоқ.

⁴¹⁰ Г у ҳ а р — гавҳар. Бу ерда: асл, насл-насаб, келиб чиқиш маъносиди.

9

Бир тоифа ориф — ҳақиқат унга маёқ,
Бир тоифа Ҳақнинг йўлидан тушган узоқ,
Бир тоифа қўйган икки дунёга талоқ,
Ҳар тоифа дер ўз йўлини тўғри бироқ.

10

Эй барча ниҳон сирлар Ўзингга аён,
Сен барча сирдан элни(нг) воқиф бегумон,
Зикринг сира элнинг тилидан тушмас, ишон,
Эй, эзгу номинг қилди тумор ҳар дилу жон.

11

Бу чарх мудом айланади, айланади,
Шоҳлар-да унинг қуллигига шайланади.
Мен шукр этаман усти-бошим бутлигига,
Билсанг, шу учун-да бандаси сайланади.

12

Ошиқ эли эшигинг гадоси, эй ёр,
Ҳар лаҳза ширин лабинг фидоси, эй ёр.
Парвона каби чарх уриб атрофингда,
Юзинг шамининг барча адоси, эй ёр.

13

Эй барча илоҳий сирлар кони дилинг,
Ҳам манбаи нурларнинг — ошёни дилинг,
Дунё кўзи қорачигидек ўртада бўл,
Дунё кўзи қорачиғи майдони дилинг.

14

Эй барча илоҳий сирни билгучи зот,
Эй барча ниҳон сирни кашф қилгучи зот.
Раҳм эт қуйган, ташна ошиқларингга,
Эй кўнгли ҳаёт сувига тенг келгучи зот.

15

Ҳар лаҳза мени атай фаромуш этасан,
Аҳдинг унутиш билан дилинг хуш этасан.
Юз марта ризоман кўру кар бўлмоққа
Кўрмоғу эшитмоқни агар туш этасан.

16

Маҳзун бу дилимга ҳар нафас ҳамдамсан,
Хулқинг каби ўзинг-да гўзал, кўркамсан.
Мен сени ўйлаган сари хурсандман,
Сен бўлса унутганинг сари хуррамсан.

17

Ҳақ давлати соясидасан хурраму шод,
Васф этсам ҳар қанча, сен ундан-да зиёд.
Ҳажрингда куним қандай ўтар билгайсан,
Ҳолимни сўрайсан яна — дод устига дод!

18

Дилда сочининг ҳар ҳалқасидан бир банд,
Ҳар бандини жонимга қилибди пайванд.
Ҳар ёққа назар қилмай — йўқ монанд унга,
Монандини кўрди ким? Йўқ унга монанд!

19

Гар маърифат излаб, илмга эш бўласан,
Тинмай кеча-кундуз, кони ташвиш бўласан.
Дарвеш каби комил йўқ талаб аҳли аро,
Дарвешни талаб айлаки, дарвеш бўласан!

20

Ўт урди кўнгилга оташи пинҳоним,
Дарду ғам ўтиб ҳаддан, эзилди жоним.
Сўзим паришон бўлса агар маъзурман,
Ҳолимни паришон айлади жононим.

КОМИЛАБЕГИМ

(XVI аср)

Ҳиндистоннинг форсийзабон шоираларидан бўлиб, зиёли оиласида туғилган. Акбар ҳукмронлиги даврида яшаган. Деҳли адабий муҳитида камолга етган. Манбаларда маърифатли, илму фазлда етук, нозиктаб ва ҳассос шоира сифатида зикр этилади. Қуйидаги марсия-рубойи Файзи Даканийнинг яқинларидан бири вафоти муносабати билан битган⁴¹¹.

Файзи, ема бу ғамни — дилинг бўлгай танг,
Умри умид оёғи учун келди ланг.
Кўрмоқчи эди жон қуши ёрнинг юзини,
Тарк айлади шунга тан қафасин, билсанг.

⁴¹¹ Бу ҳақда қаранг: То ж и У с м о н. Бисту се адиба. С. 56—57; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С.52.

НИҲОНИЙ

(XVI аср)

Афғонистоннинг форсийзабон шоираларидан бўлган Ниҳоний Ҳиротда туғилиб, шу ерда таҳсил олган ва шеърлари билан шуҳрат қозонган. Манбаларда унинг маърифатли, истеъдодли, ҳассос ва нозиктабъ аёл бўлганлиги зикр этилади. Оқилалиги ва фазилатлари туфайли Сулаймоншоҳнинг онаси Хуррамбегимнинг яқин ҳамсухбатларидан бўлган. Унинг ҳусни, ақли ва истеъдоди овозаси қўшни мамлакатларгача тарқалган. Дилўртар шеърларидан ҳаяжонга тушган, жамоли таърифини эшитиб, пинҳона ошиқ бўлган адиблар, амирлар, мансабдорлар унга совчилар қўйишган. Лекин у бу таклифларнинг бирортасига ҳам рози бўлмай, уларга қуйидаги рубоийни ёзиб жўнатади ва кимки унга муносиб жавоб қилишнинг уҳдасидан чиқса, ёши ва мавқеидан қатъи назар, ўша кишига турмушга чиқишини айтиб, шарт қўяди:

Мен хору фақир эрдан зар истайман,
Ўргимчак уйидан эса пар истайман.
Аждарҳонинг оғзидан шакар истайман,
Урғочи чивиндан шери нар истайман⁴¹².

Шоирага дил берганларнинг бирортаси бу рубоийга муносиб жавоб қайтаролмайди ва у бу дунёдан тоқ ўтади.

Нақл қилишларича, Ниҳонийнинг вафотидан кўп йиллар ўтгач, Шоҳжаҳоннинг вазири Саъдуллоҳон шоира шеърда яширин маъноларни кашф этиб, унга қуйидагича жавоб битади:

⁴¹² Бу рубоий Зебуннисога ҳам нисбат берилади.

Ул хору фақир илму таҳсил эса зар,
Ўргимчак уйи тандиру кўнгил унга пар,
Аждарҳо илм азобию маъни шакар,
Бўлғуси чивин яласа ундан шери нар⁴¹³.

Куйидаги рубоий ҳам Ниҳонийга нисбат берилади:

Одат сенга асли бевафолик эмиш-ей,
Олмоқ дилу тарки ошнолик эмиш-ей.
Эй кошки ошно бўлмасайдинг асло,
Иш оқибати, чунки жудолик эмиш-ей.

⁴¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. С. 58—59; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 468. Бу рубоий шухрати Бухорога ҳам етиб келиб, кўпчилик унга жавоб ёзган, лекин шайх Миржоннинг жавоби ҳамманикидан яхши чиққан экан (Қаранг: Ҳ а с а н х о ж а Н и с о р и й. Музаққири аҳбоб (И.Бекжон таржимаси). — Тошкент, 1993. 204—205-бетлар).

АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ

(1525 – 1588)

Мулло Мушфиқий номи билан халқ орасида машҳур форсийзабон шоир Абдураҳмон Мушфиқий ота-онасидан ёш етим қолиб, Бухоро шаҳридаги ҳунармандлардан бирига шогирд тушади ва унинг ёрдамида мадрасада таҳсил олади. Ўз даврининг асосий илмларини эгаллаган фозил киши бўлиб етишади. 1564–65 йилларда Самарқандга бориб, шаҳар ҳокими Султон Саид саройида китобдор бўлиб фаолият кўрсатади. Кейин Ҳиндистонга кетади. Акбар билан мулоқотда бўлади. Бухорога қайтгач, Абдуллаҳон саройига йўл топади, малик уш-шуаро мақомига эришади.

“Шеърятнинг барча соҳаларида ҳам салиқаси яхши” (Ҳасанхожа Нисорий) забардаст шоир, ҳозиржавоб ва тили ўткир ҳажвчи, етук мунажжим, тенгсиз латифагўй бўлган Абдураҳмон Мушфиқий ўзидан бой адабий мерос қолдирган: мутойибалар девони, иккита ғазаллар девони, қасидалар девони ва “Соқийнома”, “Гулзори Эрам”, “Жаҳоннамо” дostonлари. Форс-тожик адабиётида ғазал жанри ва сатира-юмор тараққиётида унинг ўзига хос ўрни бор. Ҳажву мутойибада беназир Мушфиқийнинг латифалари ниҳоятда машҳур бўлган⁴¹¹.

Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома асарида Мушфиқийни “Шоирларнинг малҳами”, “энг малоҳатлиси” деб таърифлайди⁴¹².

⁴¹¹ Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 367–369; Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. 246–247-бетлар; Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 3. Душанбе, 1976. С. 116–117; Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. — Бухоро, 2006. 249-бет; Муқимов Р. Абдураҳмон Мушфиқий ва “Девони мутойибот”и ў // Армуғон (Мажмӯа). № 185. — Самарқанд, 1970. С. 42-82.

⁴¹² Қаранг: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. — Тошкент, 1999. 151, 247-бетлар.

1

Мен бир лаҳза шод кўрмадим кўнглимни,
Ғам бандидан озод кўрмадим кўнглимни.
Ғам чекмагунингча бўлмас обод манзил,
Ғам чекдиму обод кўрмадим кўнглимни.

2

Ул ой узоқ элларга сафар қилмоқчи,
Ҳажрида дилимни қон магар қилмоқчи?
Ҳолимни сира сўрмади беморликда,
Энди эса ундан-да батар қилмоқчи.

3

Умр анжумани бўлди тамом, эй соқий,
Беҳуда ўтди субҳу шом, эй соқий.
Най ноласини бир дам эшит, эй мутриб,
Бир лаҳза кўлингда ушла жом, эй соқий.

4

Бўлсанг вафо кўйида хор, эй дил,
Ёрдан чексанг жафою озор, эй дил,
Қилма сира ҳам шикоят изҳор, эй дил,
Зинҳору минг мартаба зинҳор, эй дил.

5

Ҳар кимки, жаҳонда эътибори бордир,
Ҳеч ўйлама ҳар ишда барори бордир.
Оламини ёритган шу қуёшнинг ҳатто
Кун ботса завол топиш шиори бордир.

6

Эй ишқ, олиб қайғую ғам келгансан,
Қилмоққа бу жонимга ситам келгансан.
Боғлашга оёқларимни, эй расволик —
Занжири, қилиб бошни қадам келгансан.

7

Сарв хусн эли қаддидан хижилман дейди,
Бир ерда ғам ичра ою йилман дейди.
Боғ қушлари сўрашса агар ҳол-аҳвол,
Гоҳ бошиму гоҳи хастадилман дейди.

8

Бир уйга сулувларни йигиб жонона,
Тузди кеча бир анжумани шоҳона.
Шам сочи учун қанотини қилди тароқ
Мажлисни безаш мақсадида парвона.

9

Шоҳ кибри сабаб қилмади дарवेशга назар,
Юз хонани тўлдирди йигиб олтину зар.
Осмону замин бўлса-да ўз мулки, Худо
Ортиқча бир уй қурдими ўзига магар?!

10

Ҳар гоҳки кўйинг гулшанини ёд этаман,
Юз оху фиғон қасрини бунёд этаман.
Юзинг гули ҳажрида шу аҳволдаки мен,
Булбул бўлиб энди минг фарёд этаман.

11

Фарёдки, бўлмадим сира шод сендан,
Фарёдки, кўрдим неча бедод сендан.
Дединг: “Кимдан сендаги мунча фарёд?”
“Фарёд сендан, бу барча фарёд сендан!”

12

Дедим: “Санамо, сен моҳитобон бўласан,
Минг ҳайф агар пардада пинҳон бўласан”.
Дер: “Етказаман сенга висол муждасини,
Бир сўз яна айтаманки, ҳайрон бўласан”.

13

Ким озгина ранжу гами айём олди,
Гулчеҳра у соқий лабидан ком олди,
Ҳеч бир сири қолмади ниҳон гунча каби,
Кўлига маст наргисдек жом олди.

14

Ёр кеча сафо базмини тўкин қилди,
Аччиқ майга зар қадаҳни уйғун қилди.
“Бир бўса билан лабим ширин айла”, — дедим,
Бир боқди менга — лабимни ширин қилди.

15

Ул гулки, вафо бўйи сира етган эмас,
Дил дардига ҳеч қачон даво этган эмас.
Дил қонидан этагини тортиб ўтди,
Ҳеч ким уни мунча хор этиб кетган эмас.

16

Тунлар чидамас йиғим кўриб ҳаттоки шам,
Ҳамдам менга то тонггача довоту қалам.
Кўнглим-да қалам учи каби чок бўлади
Битганда фироғинг ғамини, нозли санам!

17

Май сувини урса хуш ўшал гул юзига,
То тонггача уйқу йўламайди кўзига.
Соқий хушидан кетса, тушиб унга кўзи,
Май сепса юзига, яна келар ўзига.

18

Биз ғофилу умримиз бугун ўтгусидир,
Ҳар бир кунимиз бир гул учун ўтгусидир.
Умр ҳафтасидан биргина кун ўтса агар,
Қолган кунлар-да шундайин ўтгусидир.

19

Лутф айлагуси хаёл — у соҳибҳолдир,
Атторки, шакар сотар, у анбарҳолдир.
Шеър вазнини ўлчасам қаламда доим,
Ҳар нуқтаси бир тарозуи мисқолдир⁴¹⁶.

20

Ёмғир дури боғ қулоғига хуш келади,
Шодлик майини гул жомидан нўш қилади.
Ҳар нима хазон елидан унга етса,
Қорнинг тузи ҳаққи деб фаромуш қилади.

21

Толеъни(нг) кўпу камига кўнган яхши,
Ҳар шодлигию ғамига кўнган яхши.
Топмоқ тиласанг фалақда манзилу мақом,
Ой каби кўпу камига кўнган яхши.

⁴¹⁶ М и с қ о л — 1) тахминан 4,68 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчови; 2) энг енгил нарса, арзимаган нарса.

22

Мен ўлдиму юз марта — тирилдим яна,
Бошим қадамингга фидо қилдим яна.
Сарв атрофида юрган озод бўлади,
Тегрангда юриб, мен қул бўлдим яна.

23

Қолдими маломат кўйида дил менга,
Кўз ёшию ғам уйи суву гил менга.
Дунёда балодан ўзга йўқ бир ҳамдам,
На кўчаю на ую на манзил менга.

24

Ёр жабру жафо этишини билмас эдим,
Бегона бўлиб кетишини билмас эдим.
Менинг унга эътиқодим ўзга эди, иш —
Бунгача бориб етишини билмас эдим.

25

Бир ишва билан ёқди у ишқ ўтини, бас,
“Куйдирди жафонг ўти, — дедим, — мислики хас”.
Деди у: “Вафо мендан умидвор бўлманг,
Устоз мени ҳеч вафога ўргатган эмас”.

26

Май бўлсаю ёрнинг ол⁴¹⁷ юзи — лоласи ҳам,
Ой бўлсаю теграсида жом ҳоласи⁴¹⁸ ҳам.
Бир қўлда қадаҳ бўлсину бир қўлда-чи чанг,
Ёқимли қадаҳ жаранги, чанг ноласи ҳам.

27

Лутф ёмғири ёзмайди ғуборимни менинг,
Келмас қидириб кимса мазоримни менинг.
Кўзим қонга ғарқ бўлмаган бир тун йўқ,
Киприкдан оқиб, тутди каноримни⁴¹⁹ менинг.

⁴¹⁷ О л — қизил, тўқ қизил.

⁴¹⁸ Ҳ о л а — ой ва қуёш атрофидаги гардиш.

⁴¹⁹ К а н о р — бу ерда: ён, атроф, томон.

28

Бўлди хати лола юзи йўлдоши унинг,
Тунлар тўлин ой ҳамдаму сирдоши унинг.
Офтоб ким эканки, унга лоф уради?
Бир кунлиги ойимнию минг ёши унинг!

29

Мушк исли сочидир ёрнинг ҳар сунбул,
Гул баргини гулдек юзи десанг маъкул.
Тупроқни ёриб чиққан ҳар ҳур савсан⁴²⁰ —
Шоҳ байроғи узра энг гўзал ойдир⁴²¹ ул.

30

Келди яна кўклам — даври сайр келди,
Майхона пиридан⁴²² хабари хайр келди.
Май шишаси атрофини шодлик қуршар,
Гўё у зиёрат айлабон дайр⁴²³ келди.

31

Ёр ёди билан дилимни маҳзун қиламан,
Йиғлайману қон — юзимни гулгун қиламан.
Ишқин кўпориб отиш учун тирноқ ила
Кўксим тирнаб, ўзимга таскин қиламан.

32

Ел кўкка совурди боғда бор япроқни,
Ҳар дилга хазон фасли солиб титроқни.
Гул бор эди-ю, бинафша, сунбул боғда,
Тупроққа қориб кетди қор ҳамма ёқни.

33

Ёр қошида ҳар гамингни айтиб бўлмас,
Андуҳи дамодамингни айтиб бўлмас.
Дедимки: “Гаминг туфайли кўп йиғлайман”.
Кулди: “Кўп деб камингни айтиб бўлмас”.

⁴²⁰ С а в с а н — гулсапсар.

⁴²¹ Бу ерда олтин ёки қумушдан ясалиб, ҳукмдорлар байроғи ёки чодир истага ўрнатиладиган ярим ой шаклидаги белги кўзда тутиляпти.

⁴²² М а й х о н а п и р и — тариқат пири, маънавий раҳбар.

⁴²³ Д а й р — оташпараслар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради.

34

Кўнглимни рақиб жафоси вайрон қилгай,
Дўст шаклида ўзини намоён қилгай.
Ҳар қанча кўзимни ундан юмсам ҳам,
Минг тусда кўзим ичида жавлон қилгай.

35

Ул кунки, санам менга видо қилгусидир,
Ҳар лаҳза дилим ғамдан ўзин тилгусидир.
Кетган эди айлаб сафар ул қоши ҳилол,
Энди ой янгиланса, у келгусидир.

36

Ул гул ғамида юз қондан ҳўл бўлади,
Сабза азадан минг тирилиб-минг ўлади.
Мушк исли холи ҳажрида нофа⁴²¹ эса,
Йиртар аламидан тўну ғамдан сўлади.

37

Ул ой мени қул қилиб, дилим хуш қилди,
Тутди-ю висол майини, беҳуш қилди.
Кўргач унга мубталою ошиқ бўлдим,
Ёт бўлди-ю, бир йўла фаромуш қилди.

38

Анқо⁴²² пари тушса бу фалақдан гар узоқ,
Зулмат кечаларни тутар оввозаи зоғ.
Симоб⁴²³ каби намчил ҳаво оламини тутиб,
Оппоқ қорға бурканади сўлу соғ.

39

Тонгнинг елидан сабза кийибди совут,
Солмоқчи очилган янги гулга човут.
Ғунча сабзага қулиб айтар эмиш:
“Совутсоз борми, ўқчи ҳам, бил, мавжуд”.

⁴²¹ Н о ф а — оҳунинг мушкли киндиги.

⁴²² А н қ о — Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; мажозан: топилмас, нодир, ягона.

⁴²³ С и м о б — кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеърятда бетоқатлик, беқарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

МУНИРА

(XVI аср)

Машхур форс-тожик шоири Абдурахмон Мушфиқийнинг қизи. Бухорода таҳсил олиб, шоира сифатида шуҳрат қозонган. Ниҳоятда гўзал, шўх ва ҳозиржавоб бўлиб, отаси билан бадихагўйлик қилган. Нақл қилишларича, бадихагўйликда Мушфиқийга қизидан бўлак ҳеч ким бас келолмаган. Ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Пароканда шеърлари тазкиралар орқали етиб келган⁴²⁷.

Уйда ўтириб, маҳкуми девор бўлдим,
Йиғлашдану кўз ёшидан безор бўлдим.
Гар булбулу гар боғ гули бўлсам, нима наф?
Бир кулдиму нола қилдиму зор бўлдим.

⁴²⁷ Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. С. 60—61; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 316.

ЗАИФИЙ

Хуштабъ ва ҳассос шоира Биби Орзуи Самарқандийнинг замондоши бўлиб, унинг шеърларига жавоб айтган. Турмуш ўртоғи ҳам шоиртабиат бўлиб, баъзида эру хотин ўзаро шеърӣ мутойибалар қилиб туришган. Чунончи, бир кунӣ эрига шундай рубоӣ билан мурожаат қилган:

Эй эр, яқинликка сенга рағбат йўқ,
Ҳам кексаю ҳам заифу ҳам сиҳҳат йўқ,
Шунга қарамай суйкаласан, аслида-чи,
Қўзғолгали ўрнингдан ҳам қувват йўқ.

Эри унга қуйидагича жавоб қилади:

Эй ёр, дилим ортиқ сенга улфат йўқдир,
Сендай иши фитна ўзга хилқат йўқдир.
Бор сен санаган ўшанча айбим, аммо,
Дунёда фақирлик каби кулфат йўқдир⁴²⁸.

⁴²⁸ Бу ҳақда қаранг: Ф а х р и и Ҳ и р а в и й. Жавоҳиру-л-ажоиб. С.82.

БИБИОТИН

Мавлоно Бақойининг хотини бўлиб, иккаласи ҳам Абдуллоҳхоннинг маҳраму надими эдилар. Шоиртабиат эканликлари туфайли эру хотин ўзаро мутойиба қилиб турар эдилар. Мавлононинг хотинига айтган қуйидаги рубойиси шуҳрат туган:

Бир нозанин кампир ғами ўлдирди мени,
Орқамни яра-чақага тўлдирди мени.
Ухлай десам унинг ортида бир лаҳза,
Бир мушт тушириб, бўларим бўлдирди мени.

Хотини унга шундай жавоб қайтаради:

Эй мулло, бу ноз-фироғинг ўлдирди мени,
Таъна тиғи санчилди-ю, сўлдирди мени.
Сен тун бўйи орқамда қотиб ухлайсан,
Турфа қилиғинг бўларим бўлдирди мени⁴²⁹.

⁴²⁹ Бу ҳақда қаранг: **Ф а х р и Ҳ и р а в и й**. Жавоҳиру-л-ажоиб. С.84.

ИФФАТИЙ

(XVII аср)

Хуросоннинг Исфаройин музофотидан бўлиб, илмий-адабий манбаларда хуштабъ ва бадиҳагўй шоира сифатида тилга олинади. Шеърлари халқ ичида ниҳоятда машҳур бўлган. Содда тил, равон услубда ёзилган шеърлари кўнгилга яқинлиги билан ажралиб туради⁴³⁰.

1

Эй боғи баҳор, кимни(нг) гулистонисан-ей?
Кимнинг ёрию зулфи паришонисан-ей?
Кўку қизил омухта либосни кийибон
Кимнинг дилининг сабзаю райҳонисан-ей?

2

Ишқ хурматин бевафо риоя қилмас,
Дил қону ўзим адо — риоя қилмас.
Ёнимдан ўтиб, чаман ичига кирди,
Фунча номусин сабо риоя қилмас.

⁴³⁰ Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. С.89. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 531.

БУЗУРГИЙ КАШМИРИЙ

(XVII аср)

Ҳиндистоннинг форсийзабон ижодкорларидан бўлган бу аёл адабий манбаларда нозиктабъ шоира сифатида зикр қилинади. У моҳир раққоса, оташин кўшиқчи ва тенгсиз созанда ҳам бўлган — танбур чалишда унинг олдига ҳеч ким тушолмаган. Шунинг учун халқ ичида машҳур бўлган. Лекин хурфот аҳли ва мутаассибларнинг тазйиқи туфайли санъатни тарк этиб, хилватга чекинади ва ўзини шеър ёзишга бағишлайди. Унинг халқона услубдаги ҳассос шеърлари тилдан тилга ўтиб, Ҳиндистону Эрон, Арабистону Туркистонда машҳур бўлган. Бузургийнинг шуҳратини эшитган бир неча кўшни мамлакат шоирлари уни кўргани келиб, шундай рубой билан мурожаат қиладилар:

Сен куфру дин одатин баҳам⁴³¹ этмишсан,
Ғамни вужудинг ичра адам этмишсан.
Дил олгучи шеърларинг туфайли ўзни
Гоҳ шоҳи Араб, гоҳи Ажам этмишсан.

Шоира уларга қуйидаги рубой билан жавоб қилади:

Дедик бу жаҳон саҳнига кўйганда қадам:
Таъзим қилади бизга Араб бирла Ажам.
Дунёни кезиб чиқдигу тушдик тилга,
Бўлди оқибат мақомимиз кунжи ҳарам.

Шоирлар Бузургийнинг бу рубойисидан ниҳоятда таъсирланиб, ўз юртларига қайтиб кетадилар⁴³².

⁴³¹ Б а ҳ а м — бирга.

⁴³² Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. С.78—80; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 301.

ЗЕБУННИСО

(1639 – 1702)

Ўзининг ҳассос шеърлари билан адабиёт мухлислари қалбига ўт солган машҳур шоира Зебуннисо бобурийлар хонадонининг кўзга кўринган намояндаларидан ҳисобланади. Унинг отаси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг чевараси бўлиб, онаси Дилрасбону Бобурнинг қизи Гулбаданбегимга бориб туташади. Маълум бўладики, Зебуннисо ҳам ота, ҳам она томондан бобурийзодадир.

Зебуннисо Деҳлида туғилган. Қизидаги илму маърифатга иштиёқни кўрган Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб унинг тарбияси билан жиддий шуғулланади. Ўз умароларидан бири Иноятуллоҳхоннинг олима ва фозила сифатида шуҳрат топган онаси Ҳофиза Марямни Зебуннисонинг мураббияси қилиб тайинлайди. Шоҳнинг амрига биноан Ҳофиза Марям бўлажак шоирага аввал диний илмлардан сабоқ беради. Қувваи ҳофизаси кучли бўлган Зебуннисо 10 ёшларида Қуръонни ёд билар, 14 ёшида эса ўзи билганича унга тафсир ёза бошлаган эди. Саройнинг бошқа донишманду адиблари ҳам унинг тарбиясига саъю кўшиш қиладилар. Улар орасида ўз даврининг етук олимлари Мулло Ашраф ва Мулло Жевоннинг ўрни алоҳида эди. Зебуннисо улардан араб тилининг сарфу наҳви, мантиқ, адабиёт ва тарихни, хаттотликни ўрганади. У, айниқса, насталиқ, насх ва шикаста хатларини ёзишда моҳир бўлган, Қуръонни етти марта кўчирган экан. Шунингдек, у уста танбур чертувчи созанда ҳам эди. Адабий мутолаа борасида ҳинд файласуфи Браматра, забардаст тасаввуф назариётчиси Муҳйиддин ибн Арабий ва буюк мутасаввиф шоир Мавлоно Жалолиддин Румий асарларини севиб мутолаа қилган. Бу серқирра истеъдод соҳиби “рассомликда ҳам моҳир бўлган, шахсий кишилар қўлида расмлари

ҳам сақланган эмиш, Куръон ўқиб ўтирган вақтида ишлаган бир расми ҳам маълум. Отаси унинг шарафига Дехлидаги саройи олдида — “Аршин товус” номли жойда сарой қурдириб, уни қизи ижод қилган нафис асарлар билан безатган. У фақат дунё нозу неъматларидангина қаноатланиб қолмаган. Ҳар йили бир неча фақирни ҳажга юбориб турган, боғ ишлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланган”⁴³³.

Зебуннисо “Иродати фаҳм” (“Англаш эҳтиёжи”) номли шеърлар баёзи ва “Зеб ун-нишот” (“Шодлик зийнати”) деган мактублар тўплами тартиб берган. “Зеб ун-нишот” ҳалигача топилган эмас. Шоиранинг ўз ижоди намуналари ва севган шоирлари шеърларидан тузилган “Иродати фаҳм” баёзини эса канизақларидан бири тўфон вақтида ҳовузга тушириб қўйган. Шунинг учун Зебуннисонинг ижодий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. “Зебуннисо туркча ҳам, арабча ҳам шеърлар ёзган”⁴³⁴ бўлса-да, уларнинг тақдири номаълум. Зебуннисо номидан эълон қилинган Махфий таҳаллуси остида ёзилган ғазаллар эса, тадқиқотчиларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, шоирага тааллуқли эмас⁴³⁵. Шунингдек, Валидий Тўфоннинг эътирофига кўра, “Шоиранинг баъзи шеърлари амакиси Дорошуқунинг девонига ҳам кирган”⁴³⁶. Таниқли шарқшунос олим Турғун Файзиёвнинг маълумот беришича, унинг тасаввуф фалсафасига оид “Мунис ул-арвоҳ” номли асари ҳам бўлган. “Тафсир соҳасида 769 варақли қўлёзмадан иборат “Зеб ат-тафосир” (“Гўзал тафсирлар”) ни ёзади. Бундан ташқари, илоҳиётга оид “Зеб ун-нишот” номли асар ёзиб, уни ўз устози Мулло Ашрафга бағишлайди. Шунингдек, Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуриламал бўлиб қолган “Фатавоий Оламгирий” (“Шариат қонунлари мажмуаси”) номли асарини форс тилига таржима қилдиради”⁴³⁷.

⁴³³ Аҳмад Закий Валидий Тўфон. Бўлингани бўри ер. — Тошкент, 1997. 240-бет.

⁴³⁴ Ўша ерда.

⁴³⁵ Бу ҳақда қаранг: Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. — Тошкент, 1980. 17—29-бетлар.

⁴³⁶ Аҳмад Закий Валидий Тўфон. Бўлингани бўри ер. 240-бет.

⁴³⁷ Қаранг Файзиёв Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. — Тошкент, 1996. 76-бет

Ўзбек адабиётшунослигида Зебуннисо шахси билан биринчи бўлиб Тўхтасин Жалолов қизиққан. Таниқли олим “Ўзбек шоиралари” китобида Зебуннисо ҳаёти ва ижодининг мухтасар очеркини берибгина қолмай, шоиранинг 3 ғазал ва 2 тўртлигини ҳам асл нусхасида ўзбекча таржимаси билан бирга келтирган⁴³⁸. Кейинчалик таниқли адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова шоиранинг забардаст таржимон Муинзода таржима қилган уч ғазали ва уч рубойисини мухтасар кириш сўзи билан Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отинлар ижодидан тартиб берилган мажмуада нашр эттирган⁴³⁹.

1

Суратни нетай, бўлмаса сийрат маълум,
Ошиқману етмиш икки миллат маълум.
Қўрқитма қиёматинг билан, эй воиз,
Ҳижронзадага ваҳми қиёмат маълум.

2

Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени,
Бутпараст бутдан кечар, кўрса бу шаън ичра мени.
Гул ҳиди баргида пинҳон, мен-да сўз ичра ниҳон,
Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин сухан ичра мени!⁴⁴⁰

⁴³⁸ Ж а л о л о в Т. Ўзбек шоиралари. 30—36-бетлар.

⁴³⁹ Қаранг: Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеърятидан. — Тошкент, 1981.

⁴⁴⁰ Бу тўртлик манбаларда рубойий сифатида келтирилса-да, у жанрнинг аънавий вазни бўлмиш ҳазажи мусаммани аҳраб ва аҳрамга тушмайди. — Э.О.

МИРЗО СОДИҚ МУНШИЙ

(1753–1758 – 1819)

XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср бошлари ўзбек ва тожик адабиётининг забардаст намояндаси Мирзо Муҳаммад Содиқ ибн Абдували Мунший Жондорий Бухорий Бухоро вилояти Жондор туманидаги Хайробод қишлоғида туғилган. Қаршида сирли равишда ўлим топган.

Чуқур билими, чиройли хуснихати, истеъдоди ва донолиги билан халқ ичида танилган бу йигитни дастлаб Жондор қозиси ўзига мирзабоши қилиб олади. Бу ерда ўзини фақат яхши томондан кўрсатган Содиқнинг таърифи Бухоро амири саройигача етиб келади. Бухоро амири Дониёл оталиқ таклифи билан саройга келган Содиқ Жондорий Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдарлар ҳукмронлиги даврида ҳам сармунший (бош мунший) бўлиб хизмат қилади. У сармунший сифатида давлатга тегишли барча ишларга фаол аралашган, унинг саройдаги мавқеи жуда баланд бўлиб, амирликка алоқадор барча ҳужжатлар унинг қўлидан ўтар эди. Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдарларнинг турли юришларида иштирок этган, чунончи, Амир Шоҳмуроднинг Эрон ва Афғонистонга қилган юришларида бирга бўлган, уларни мақтаб қасида ва қитъалар ёзган.

Мирзо Содиқ бир умр ўқиш-изланиш, ўз устида ишлашдан чарчамаган. Саройда муншийлик қилиш билан бирга, Бухородаги нуфузли мадраса ва мударрисларга қатнаб, таҳсилини камолга етказган, мумтоз Шарқ адабиётини чуқур мутолаа қилиб, маҳоратини оширган. Раҳматулло Возеҳ, Мирсиддиқ Ҳашмат, Мирзо Абдулазим Сомий, Садр Зиё, Носеҳ Хатлоний, Ҳумулий Ургутий, Ҳожи Ҳакимхон каби даврнинг машҳур олим, шоир, муаррихлари Мирзо Содиқнинг иншо санъатидаги маҳорати ва бадиий салоҳиятига юксак баҳо берганлар. Форсий сўз санъатининг забардаст намояндалари Шайх Саъдий ва Ҳўжа Ҳофиз анъаналарини шеърятда давом эттирганлиги, сабки ҳиндий – ҳинд услубида ижод қилган Соиб Табризий ва Мирзо

Абдулқодир Бедилга эргашганлигини назарда тутиб, уни Бухоро Бедили деб улуғлаганлар. Мирсиддиқ Ҳашмат “Тазкират ушшуаро” асарида уни “Абулмаъонийи соний” (“Иккинчи маънолар отаси” – биринчиси Мирзо Бедил) деб атаган бўлса, Носеҳ Хатлоний “Мажлисафрӯз” (“Мажлис аҳлининг гули”) маснавийсининг муқаддимасида “сўз иқлимининг шаҳаншоҳи” деб атайди. Раҳматуллоҳ Возеҳ: “Бадиҳағўйлик, ҳозиржавоблик ва сўзни топиб айтишда даврининг яғонаси эди”, – дейди. Чунки у Бухоро адабий муҳитининг пешқадам шоири бўлган.

Баъзи манбаларда шоирнинг лирик мероси 15 минг байт атрофида деб айтилса-да, Мирзо Содиқ ҳаёти ва ижодини ўрганган тожик олими У.Каримов ва ўзбек олимаси Д.Каримоваларнинг маълумотига кўра бизгача улардан 4670 байти етиб келган. Унинг икки девони ва бир муншаот тўплами мавжуд. Биринчи девони 345 ғазал, 14 мухаммас, 59 рубойи, 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардни ўз ичига олган бўлса (2291 байт), иккинчиси “Дахмаи шоҳон” (“Шоҳлар қабристони”), “Рафъи тумани Охугиру Хайробод” (“Охугир ва Хайробод туманларига саёҳат”), “Қазову қадар” (“Қисмат”), “Ошиқ шудани дарвеш ба духтаре” (“Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлгани”) маснавийлари ҳамда 33 та тарих-қитъа (2400 байт)дан иборат.

Мирзо Содиқ “Ахлоқ” номли бир рисола ҳам ёзган. Бу рисола 1890 йили Ҳусайн Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Унинг хизмат тақозоси билан ёзган мактублари ва ҳужжатлари ҳам бир тўплам ҳолига келтирилиб, унга “Муншаот” деб ном берилган. Шунингдек, у моҳир ва хушхат хаттот ҳам бўлган: бир қанча баёзлар тузган, турли тўплам ва девонларни кўчирган.

Бухоролик олима ва шоира Дилором Каримова шоирнинг манзумаларини тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди⁴⁴¹, шу асосда алоҳида рисола ҳам чоп этди⁴⁴². Самандар Воҳидов шоирнинг бир неча ғазалларини таржима қилди⁴⁴³.

⁴⁴¹ Қаранг: К а р и м о в а Д. Мирзо Содиқ Мунший Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиияти. Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1997.

⁴⁴² Қаранг: К а р и м о в а Д. Содиқ Мунший – Жондорнинг ширинкалом шоири. – Тошкент, 2001.

⁴⁴³ Қаранг: Бухорийлар бўстони. 80–83-бетлар.

1

Зор ўлдигу тўя кўрмадик гул юзини,
Лаъли лабидан эшитмадик дур сўзини.
Ҳижрон ғамидан етишса-да жон лабга,
Висол майин ичмадик кўриб бир ўзини.

2

Билсангки, яқинлар номувофиқ — қочгил,
Дўст ўзини кўрсатар мунофиқ — қочгил.
Тундек қорадир зоҳиру ботинлари, бас,
Сен тундан мисли субҳи содиқ қочгил.

3

Нафсим дея гоҳ мадху сано ўқидим-ей,
Бенаф кишига ҳазил-мазах тўқидим-ей.
Соврилди азиз умр касу нокас учун,
Тутмоққа унинг азасини Ҳақ эдим-ей.

4

Ҳусн аҳлининг этгани — карам ҳам ўтади,
Душмандан этгани — алам ҳам ўтади.
Ўткинчи жаҳонда ҳеч нима боқий эмас,
Яхшию ёмону кўпу кам ҳам ўтади.

5

Ҳар ким билан икки кун гар ошно бўласан,
Мағрур бўлма, бир куни жудо бўласан.
Юз йил яшасанг ҳам абадий қолмайсан,
Ўлим ўқига нега бепарво бўласан?!

6

Бизларга қизиқ эмас фалак айланиши,
Бас даврада май тутиб малак айланиши,
Йўқ тартибу интизом жаҳон ишида ҳеч,
Мангудир унинг жони ҳалак айланиши.

7

Май базмида шамдан баттар йиғлайман,
Келгил янаю кўр: не қадар йиғлайман.
Қондан тўлади жом дам-бадам ҳажрингда —
Мен қон ичаману қон магар йиғлайман.

8

Эй ёр, эшигингдан кўзи гирён кетдик,
Кўчангдан этиб зору афгон кетдик.
Кетдик ўзимиз билан олиб сочингнинг —
Савдосини, шу учун паришон кетдик.

9

Ҳар гунча менинг ғам тўла кўнглимдир, аён,
Ҳар лола пиёласи кўзимдир тўла қон.
Қон ёшиму заъфарон юзим икки гувоҳ —
Кўнглимдаги беадад ғамимдан бегумон.

10

Ҳамхона бўлибди бугун Анқога карам,
Бошини олиб кетибди саҳрога карам.
Номи бору ўзи йўқ карамнинг, гўё
Ўхшайди бир исми йўқ мусаммога⁴⁴⁴ карам.

11

Жамдан бўлиб овоза фақат жом қолди,
Жомдан-да бугунги кунда бир ном қолди.
Бошида жаҳоннинг бари ўрнида эди,
Хотира бўлиб энди у айём қолди.

⁴⁴⁴ М у с а м м о — исм берилган, номланган.

ҚОРИ РАҲМАТУЛЛОҲ ВОЗЕҲ

(1817 – 1894)

Таниқли шоир, олим ва маърифатпарвар бўлган Қори Раҳматуллоҳ Вozeҳ 1844 йили мадрасани муваффақият билан тамомлагач, ўз саъй-ҳаракатлари билан кўплаб дунёвий илмларни эгаллади. У уч тил — ўзбек, тожик ва араб тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган. Илму ижодда шуҳрат қозонган Вozeҳ 1853 йили саройга даъват қилинади. Аммо амир Музаффар тахтга ўтирган даврда саройни тарк этади. Абдулаҳад ҳукмронлиги даврида сафарга чиқиб, Ҳижозга боради ва Эрон орқали 1887 йили яна Бухорога қайтади.

Носир Хисрав анъаналарини давом эттириб ёзган “Савонех ул-масолик ва фаросих ул-мамолик” (“Йўлларнинг қулайликлари ва мамлакатларнинг масофалари”) асари ўша давр адабий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид, шунингдек, географик ва этнографик маълумотларга бой. “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб” (“Сухбатдошлар таржимаи ҳолидан дўстларга туҳфа”) тазкираси 29 бобдан иборат бўлиб, унда Кўқон ва Бухоро хонлигида яшаган шоир ва давлат арбоблари ҳақида маълумотлар, улар асарларидан намуналар келтирилган. “Кони лаззат ва хони неъмат” (“Лаззат кони ва неъмат дастурхони”) асарида 18 хил нон, 109 хил ош, 169 хил ҳалво, 33 хил мураббо ва бошқа таому ширинликлар таркиби ва пиширилиши ҳақида сўз юритилади. “Ақоид ун-нисо” (“Аёллар учун қоидалар”) асари ҳам мавжуд. Девон тузмаган. Тазкира ва баёзлар орқали 2400 байт ҳажмидаги қасида, ғазал, мухаммас, рубоий, қитъа, маснавий, таржеъбанд, фард жанрларидаги шеърлари бизгача етиб келган⁴⁴².

⁴⁴² Бу ҳақда қаранг: Вozeҳ // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. — Тошкент, 2001. 488-489; Вozeҳ // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 328-329; Ёди ёри меҳрибон (Марзҳон шарқии шеъри порси...). Ба кўшиши Мирзо Мулло Аҳмад. — Техрон, 1380 (ҳижрий-шамсий). С. 609-619.

1

На дўстларнинг меҳру вафоси қолади,
На душманнинг кину жафоси қолади,
На хурларнинг ҳусну сафоси қолади,
На дилларнинг дарду давоси қолади.

2

Олам элидан ёрлик умид этма сира,
Инсофу вафодорлик умид этма сира.
Меҳр орзу этиб, зулму ситамни кўрасан,
Бас, ғайри дилозорлик умид этма сира.

3

Дил орзуси рўёбга сира чиққан эмас,
Ҳеч бир киши менинг ғаму қайғумни емас.
Дединг: “Бу жаҳонда бирор орзунг борми?”
Дийдорини бир марта кўриш менга ҳавас.

4

На қиш булути қилиб сурур қолгусидир,
На бода бағишлаган ҳузур қолгусидир.
Кўп кибру ғурур этма такаббур инсон,
Сендан-да ўтиб кибру ғурур қолгусидир.

ШАМСИДДИН ШОҲИН

(1859 – 1894)

XIX асрнинг иккинчи ярми Бухоро адабий муҳитининг ёрқин намояндаларидан бўлган Шамсиддин Шоҳин чуқур билими, кенг дунёқараши, шеърятдаги фасоҳат ва балоғати, маърифатпарвар ва тариқатпарварлиги билан замондошлари ўртасида машҳур бўлган. Аҳмад Дониш, Садр Зиё, Зухурий Ҳиротий, Музтариб, Мулло Назрулло Лутфий каби ўз даврининг таниқли шоир ва фозиллари унинг илму истеъдодига юқори баҳо берганлар. Зухурий Ҳиротий уни “низомийназму жомийтабъу фирдавсийкалом” деб таърифлаб, “Анварий сенинг шеъринг соясида қолиб кетди” деб лутф этса, Аҳмад Дониш шоир вафоти муносабати билан ёзган марсиясида “Шоҳин дунёдан ўтди-ю, шеър ҳам ортидан йиғлаб кетди” қабилида нозик ташбеҳ қўллайди.

Шамсиддин Бухоро шаҳрида туғилган. Унинг аждодлари асли хатлонлик бўлиб, отаси Мулло Амон илм таҳсили учун аввал Самарқанд, кейин Бухорога келиб, шу ерда муқим бўлиб қолган. Шамсиддин аввал диний мактабда ўқийди. Лекин мактаб таълимидан қониқмаган отаси Мулло Амон у билан махсус шугулланган. Ота-онадан ёш етим қолган Шамсиддин ўз даврининг машҳур шоири ва олими Муҳаммад Тоҳирхожа Зарир ҳомийлигида Бухоро регистони яқинидаги Шодимбий мадрасасида таҳсил олади. Мадрасада машҳур мударрис ва шоир Қози Қурбонхон Фитрат қўлида калом ва мантиқ илмларини ўрганади. Шунингдек, фикҳ, тасаввуф, ҳикмат, илми бадеъ каби замонасининг асосий илмлари, форс, араб тиллари ва адабиётини мукамал ўзлаштиради. Бу ҳақда унинг ўзи: “Ёшлигимданоқ барча илмларни эгаллаган эдим”, деб ёзган эди.

Мадрасани тугатиб, бир муддат шаҳар маҳаллаларида имомлик қилган Шоҳиннинг шуҳрати саройга етиб, Амир

Абдулахадхон уни хизматга таклиф этади. 1889 йилдан у Амир саройида парвоначининг мирзоси сифатида фаолият кўрса-тади. Лекин жоҳил, амалпараст, тамагир ва мутакаббир одам-лар йиғилган бу даврада шоир ўзини эркин ҳис қилолмай қийналади. “Танафур ва ижтиноб аз сўҳбати Амир” (“Амир сўҳбатидан нафратланиш ва узоқлашиш”), “Шикоят ва та-ҳассур” (“Шикоят ва надомат”) каби танқидий йўналишда-ги шеърларида унинг бу даврадаги кайфияти ўз аксини топ-ган. Сил касалига чалинган Шоҳин Амирнинг Шаҳрисабзга сафари вақтида бутунлай оёқдан қолиб, 1894 йили 45 ёшида Қаршида вафот этади. Уни ўша ерда – Халилпоччо қабри-стонида дафн этишади.

Шоҳиннинг жами 12500 мисрадан иборат шеърӣй мероси бизгача етиб келган. Улар 164 ғазал, 58 қасида, 4 мухаммас, 3 мусаддас, 27 рубоӣй, 5 ҳажвий қасида, 2 таржеъбанд, 1 фард, “Лайли ва Мажнун” достони ва “Тўҳфаи дўстон” (“Дўстлар туҳфаси”) панднома асарини ўз ичига олади. Шунингдек, “Бадоеъ ус-саноеъ” (“Бадий санъатлар”) номли насрий асари мавжуд⁴⁴³.

Шоҳин шеърларидан намуналар таниқли шоир Самандар Воҳидов томонидан ўзбек тилига ўгирилган⁴⁴⁴.

1

Ўртаб вужудим, мисли ҳилолман ғамидан,
Қўлида замоннинг поймолман ғамидан,
Туткун, ярадор куш мисолман ғамидан,
Бир ҳоли хароб, хастаҳолман ғамидан.

2

Оппоқ баданинг хом кумушдан кўркам,
Чехранг чиройлидир тўлин ойдан ҳам.
Жинсинг нима, номинг нима — сўйла ўзинг:
На хур, на малаксан, на пари, на одам?

⁴⁴³ Бу ҳақда қаранг: Мирзозода Х.М. Шамсиддин Шоҳин. — Душанбе, 1956; Ш а м с и д д и н Ш о ҳ и н. Мунтахаби девон. — Душанбе, 1964.

⁴⁴⁴ Қаранг: Бухорийлар бўстони. — Тошкент, 1998. 126—133-бетлар.

3

Ишқингда ишим етмасин имконга сира,
Васлингда дардим етмасин дармонга сира.
Ўлдиму лабингсиз, демалинг: “Етмасин-ей
Бу ташнажигар оби ҳайвонга сира!”

4

Офтоб билан ой сенга ёвар⁴⁴⁸ бўлди,
Баҳром⁴⁴⁹ мутеъ, Муштарий⁴⁵⁰ чокар бўлди.
Базмингда Ноҳид⁴⁵¹ улфату Кайвон⁴⁵² ҳожиб⁴⁵³,
Тир⁴⁵⁴ оинасоз, осмон дафтар бўлди.

5

Уммон тубида мен каби бир дур бўлмас,
Бўстон ичида мен каби бир гул бўлмас.
Тошу дуру хору гул фарқин билмас
Бу тоифадек жаҳонда жоҳил бўлмас.

6

Шодман — замона менга ёвар бўлди,
Иқбол мутеъю бахт чокар бўлди.
Йиллар қидирар эдим висолиннга йўл,
Юз шукрки, бу кеча муяссар бўлди.

7

Ойдаи юзидан қилди-ю бир бўса ато,
Орзумни ёр ортиғи билан этди адо.
Ютган каби қопағон ит игна рақибим
Киприк ўқи тегиб, жонидан бўлди жудо.

⁴⁴⁸ Ё в а р — ёрдамчи, мадакдор.

⁴⁴⁹ Б а ҳ р о м — Миррих (Марс) сайёраси. Қадимги мунажжимлар уни фитна, уруш тимсоли, кишиларга бадбахтлик келтирувчи бехосият сайёра ҳисоблаганлар.

⁴⁵⁰ М у ш т а р и й — Юпитер сайёраси.

⁴⁵¹ Н о ҳ и д — Зухра сайёраси.

⁴⁵² К а й в о н — Зухал, Сатурн. Ўтмиш мунажжимларининг ақидасига кўра, у еттинчи осмонда ҳаракат қилиб, наҳс — бадбахтлик келтирувчи ҳисобланади.

⁴⁵³ Ҳ о ж и б — эшик оғаси, дарвозабон.

⁴⁵⁴ Т и р — Аторуд сайёраси: фалак котиби сифатида талқин қилинади.

⁴⁵⁵ Бу рубоийда давлат сўзининг: 1) бойлик, мол-дунё; 2) мамлакат; 3)

8

Ўн тўрт кунлик ой кабидир сенда камол,
Ё Раб, сира етмасин камолингга завол.
Дунёю замон эврилишидан асло
Кўнглингга сенинг етишмасин зарра малол.

9

Ўхшайди шакарга лабларинг, жонона,
Анбар хатинг оламда эмиш афсона.
Сендай нозанин қайта жаҳонга келмас,
Офтоб ота бўлса сенга, ойдир она.

10

Бошим тожидир эшигингиз тупроғи,
Ундан билагим кучи, кўзим кўрмоғи.
Эъозласа бу замон агар ота каби,
Боис бунга ўглингиз бўлиб юрмоғим.

11

Кўзингни на май тўла қадаҳ бу дейсан,
Зулфингни на бир дастаи сунбул дейсан.
Холингни на юздаги бу афғон боласи,
Румга адашиб тушган эмиш ул дейсан.

12

Жисмингнинг асоси ўту сув, хоку шамол,
Тўрт ўзаро зид унсурдан топди камол.
Бугун қадаҳингни тўлат ўтли сувга,
Хокингни шамол эртага сочар бемалол...

13

Тақдир мени ақлу илм кони қилди,
Дунёда яримта нонга қонёъ қилди.
Лекин нега фикримни тириклик ғамига
Банд айлади-ю, умрим зоеъ қилди?!

14

Ёр васлига ҳеч кимса муяссар бўлмас,
Бу майга бирор қадаҳ баробар бўлмас.
Кўриб туриб ишонмагум — умидсизлик —
Ҳеч кимда бунинг каби муқаррар бўлмас.

15

Давлат сўзининг таркибида давлат бор,
Давлатдан кўрар лат кимда давлат бор.
Давлат кўлига тутқазсин давлатини,
Давлат дегани шу — унда давлат бор⁴⁵⁵.

салтанат, ҳукмронлик; 4) ғалаба, зафар; 5) бахт, толе, саодат каби маънолари асосида сўз ўйини қилинган.

МУНДАРИЖА

ЭРГАШ ОЧИЛОВ. ТҮРТ МИСРАГА ЖО БҮЛГАН ОЛАМ.....	3
АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ	9
АБУ НАСР ФОРОБИЙ	18
АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ	21
АБУ АЛИ ИБН СИНО	24
АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ	35
ОЙИША САМАРҚАНДИЙ	48
МАҲАСТИЙ ГАНЖАВИЙ	49
АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ	61
АСИРИДДИН АХСИКАТИЙ	68
ФАҲРИДДИН РОЗИЙ	80
ФАҲРИДДИН ИРОҚИЙ	83
ПОДШОҲХОТУН	99
ПАҲЛАВОН МАҲМУД	101
АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ	122
ДУХТАРИЙ	149
УБАЙД ЗОКОНИЙ	150
ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ	159
МЕҲРИ ҲИРОТИЙ	174
ШОҲИЙ САБЗАВОРИЙ	176
ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ	181
ФОНИЙ	183
ХОНДАМИР	187
ОФОҚБЕГИМ	190
БАДРИДДИН ҲИЛОЛИЙ	191
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР	198
БАЙРАМХОН	203
КОМИЛАБЕГИМ	208
НИҲОНИЙ	209
АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ	211
МУНИРА	218

ЗАИФИЙ	219
БИБИОТИН	220
ИФФАТИЙ	221
БУЗУРГИЙ КАШМИРИЙ	222
ЗЕБУННИСО	223
МИРЗО СОДИҚ МУНШИЙ	226
ҚОРИ РАҲМАТУЛЛОҲ ВОЗЕҲ	230
ШАМСИДДИН ШОҲИН	232

شاعران نام‌آور ادبیات فارسی تاجیکی پرداختند و این آثار را تا حد امکان، بدون دست بردن به شکل و محتوی، قالب نظم عروضی، در اختیار علاقمندان ادب فارسی قرار دادند. ترجمه‌ی منظوم 6 دفتر «مثنوی معنوی»، چندی از آثار منظوم عطار نیشابوری، نمونه‌ی رباعیات سعدی و حافظ و مولوی و نمونه‌ی رباعیات عمر خیام و ابن سینا و رودکی و عطار و مولوی و حافظ .. به زبان ازبکی، از جمله‌ی سعی و تلاش‌های آنان در این راستا می‌باشد که ده‌هی آخر تاریخ ادبیات امروزی این کشور را مزین ساخته است.

اینک، دکتر ارگش آچیل‌اف که بیشتر در ترجمه‌ی منظوم رباعی از زبان فارسی تاجیکی تخصص دارد، زحمات چندین ساله‌ی خود را در این زمینه گردآوری نموده و خواسته است کام تشنگان شعر فارسی را با نمونه‌ی رباعیات ابوالعباس رودکی، ابوعلی سینا، عبید زاکانی، فخرالدین عراقی، فخرالدین رازی، امیر خسرو دهلوی، شاه‌نعمت‌الله ولی، امیر علیشیر نوایی (فانی)، شاه‌ی سبزواری، هلالی چغتایی، اسیرالدین اخسیکتی و ظهیرالدین محمد بابر شیرین نماید. در این مجموعه، همچنین نمونه‌ای از رباعیات شاعرانی فارسی زبان مانند: عبدالرحمن مشفق، مهستی خجندی، زیب‌النساء، مه‌ری هراتی، میرزا صادق منشی، شمس‌الدین شاهین، بیروم‌خان و عارفانی چون عبدالخالق غجدوانی، خواجه عبدالله انصاری، پهلوان محمود خوارزمی معروف به پوریای ولی نیز جای گرفته است که قسمت عمده‌ای از این رباعیات، برای اولین بار تقدیم علاقمندان ادب فارسی قرار می‌گردد.

رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در ازبکستان این اثر ارزنده را به فرهنگمداران معرفت‌جوی کشور دوست و برادر ازبکستان تقدیم و پیشکش می‌نماید، امید است علاقمندان به فرهنگ و زبان فارسی از ظرائف هنری و حکمی و اخلاقی موجود در اشعار این کتاب ارزنده بهره‌ی وافر و کافی را ببرند.

با احترام

حبیب صفرزاده

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران
ازبکستان، تاشکند

ورود حکومت تزاری روسیه به قسمت‌های شمالی آسیای مرکزی و بعداً سرنگون شدن امارت بخارا و خانات خیوه و خوقند توسط حکومت شوروی، کاربرد زبان و ادب فارسی تاجیکی را در این منطقه باز هم بیشتر به ورطه‌ی ناکامی کشانید. دولت‌مردان شوروی کوشیدند زبان و ادب فارسی تاجیکی را در این منطقه محدود و محکوم نمایند و در نتیجه، این زبان، تنها در بعضی از مراکز مهم نظیر سمرقند و بخارا به صورت محدود باقی ماند و در تاجیکستان که زمانی بخارای شرقی تلقی می‌شد، به زندگی دوباره‌ی خود ادامه داد. ولی حکومت شوروی به این نیز اکتفا نکرد و زبان فارسی ماوراءالنهری را که زمانی از فصیح‌ترین گویش‌های زبان فارسی محسوب می‌شد، دچار صدمه نمود. این آسیب‌ها، بر تن و جان زبان این منطقه تا کنون نیز باقی مانده است. علت اصلی فارسی‌گریزی حکومت شوروی این بود که بخش عظیمی از ادبیات کلاسیک فارسی تاجیکی را معارف اسلامی، عرفانی و موضوعاتی از قبیل شناخت خود و خدا، آزادی و عدالت تشکیل داده است. اجازه دادن به طبع و نشر این‌گونه ادبیات با توجه به غنا و قوتی که داشت، برای حکومت مستبدی چون شوروی، بسیار خطرناک می‌نمود و به عبارتی، پایه‌های ایدئولوژی آن را دچار تزلزل می‌نمود در زمان حکومت شوروی نیز نمونه‌هایی از ادبیات فارسی تاجیکی به زبان ازبکی ترجمه گردید، ولی در گزینش آن آثار برای ترجمه، بسیار محافظه‌کاری می‌شد، تا بهترین نمونه‌های ادبیات عرفانی در دسترس مردم قرار نگیرند.

یکی از کارهایی که در راستای ترجمه‌ی نمونه‌ی آثار رباعی‌سرایان معروف ادبیات فارسی انجام داده شد، ترجمه‌ی رباعیات عمر خیام بود (زیرا مسئولین ایدئولوژی شوروی از حکیم عمر خیام نیشابوری و چندی از اندیشمندان و شاعران فارسی‌گو، برای نیل به اهداف خود، «شخصیت‌هایی مخالف با دین اسلام» ساخته بودند. به عبارتی، آنها ماهیت و مضمون اصلی اندیشه‌های بزرگان ما را درک نکرده بودند!). و در عین حال، خیانتی هم در حق حکیم عمر خیام نمودند: رباعیات این بزرگمرد ایرانی را نه با وزن عروضی، بلکه با وزن هجایی به زبان ازبکی ترجمه نمودند.

پس از اعلام استقلال ازبکستان، در این کشور جریان احیای ارزش‌ها و سنت‌های فرهنگی آغاز شد و گروهی از ادیبان فرزانه‌ی ازبک چون روان‌شاد اصغر حکم، استاد جمال کمال و دکتر ارگش آپیلوف به ترجمه‌ی نمونه‌های آثار

به نام خدا

مقدمه

شعر کلاسیک فارسی، بدون قالب رباعی، قابل تصور نمی‌باشد. زیرا، از یک سو، در این قالب مؤجز و زیبایی شعری، بهین اندیشه‌های عاشقانه، عارفانه و فیلسوفانه بزرگان نام‌آشنای قلمرو شعر و ادب پارسی، با بهترین شیوه‌ها و رویه‌ها به زیور طبع آراسته و پراسته شده است و از سوی دیگر، این قالب ادبی، در برابر قوالب دیگر شعری چون غزل و دوبیتی و قصیده و مثنوی...، باعث اشتهار و انتشار هرچه بیشتر اندیشه‌های بشردوستانه و عارفانه و عاشقانه‌ی شعری کلاسیک فارسی‌زبان در تمام جهان گردیده است. حکیم عمر خیام و شهرت عالم‌گیر او بهترین مدعی این سخن است.

با توجه با اینکه شعر کلاسیک ترکی ازبکی پالوده و شالوده‌ی سنت‌های ادبی ادبیات یک هزار و سیصد ساله‌ی فارسی‌تاجیکی است، قالب رباعی نیز در رده‌ی اول دیوان‌های شعر شعری کلاسیک ازبک، جایگاه ویژه‌ای داشته است. از امیر علیشیر نوایی سرآمد شعری کلاسیک ازبک تا شاعران امروز این ملت، عشق و علاقه و وقوف وافر بر این قالب ادبی داشته‌اند. پس، مبدأ و منشأ اصلی عشق و علاقه‌ی ملت شریف ازبکستان را به رباعی باید از سه دیوان ترکی و یک دیوان فارسی امیر علیشیر نوایی که خود از رباعی‌سرایان چیره‌دست ادبیات مشرق‌زمین محسوب می‌شود، جویا شویم.

پس از افول سلطنت تیموریان در این سرزمین، تمایلات مرکزگری قدرت‌جویان و حکومت‌طلبان ثمرات سنگین و حسرت‌فزایی را برای ملل و اقوام این سرزمین به بار آورد و در کشوری واحد و پهناور، به دولت‌های کوچک: خانگی‌گری (یا امارت بخارا)، خانگی‌گری خیوه و خانگی‌گری خوقند، تقسیم شد. در نتیجه، بخارا همچنان، به سنت‌های فرهنگی و ادبی خود وفادار ماند، ولی کاربرد زبان و ادب فارسی تاجیکی در خانات خیوه و خوقند دچار تنگناهایی شد و به تدریج، از ذهن و ذوق عامه‌ی مردم به دور افتاد. این حالت، باعث به وجود آمدن نیاز به ترجمه‌ی منظوم و منثور ادب فارسی تاجیکی در خوارزم گردید، رشد و رواج ترجمه باعث تنبلی و کاهلی ذهن و ذوق عامه‌ی مردم نسبت به آموزش و شناخت زبان فارسی گردید.

نام کتاب: ترجمه هزار و یک رباعی از ناموران ادب فارسی

مترجم: دکتر ایرگش آچیل اف

به اهتمام: دکتر حبیب صفرزاده

ویراستار: دکتر جعفر خالمؤمن اف

ناشر: انتشارات «فَن»

نوبت چاپ: اول

زمان انتشار: خرداد ماه ۱۳۸۸

شمارگان: ۱۰۰۰ نسخه

Адабий-бадиий нашр

МИНГ БИР РУБОЙЙ



Муҳаррир: *М. Содиқова*
Мусаҳҳиҳ: *Ф. Ҳамидова*
Рассом: *Ш. Одилов*
Компьютерда саҳифаловчи: *Д. Жалилов*

Нашриёт рақами: 3-99.
Босишга рухсат этилди: 27.05.2009 йил.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет босма. Офсет қоғоз
Ҳисоб нашриёт тобоғи: 16,0. Шартли босма тобоғи: 15,25.
72- буюртма. Адади: 1000 нусхада.
Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент,
И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ХТ «Ҳамидов Н.Ҳ.» матбаа корхонасида чоп этилди:
100069, Тошкент, Мирпўлатов кўчаси, 36-уй.

ترجمه
هزار و یک رباعی
از ناموران ادب فارسی

مترجم: دکتر ایرگش آچیل اف

به اهتمام: دکتر حبیب صفرزاده